

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Иймон аҳлига Раҳмон таолонинг нидоси

Муқаддима

Нидоларига “Лаббай”, деб жавоб берган мўмин бандаларига фазли-марҳаматини ёғдирган, уларга сон-саноқсиз неъматлар ато этган меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ таолога ҳамду-санолар бўлсин. Умматга мушфиқ, хайрихоҳ пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот ва саломлар бўлсин.

Қўлингиздаги ушбу китобда Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига қилган нидолари жамлангандир. Муслмонларга илм ва ҳидоят бўлган бу нидоларни бир китобда жамлаш ва шарҳлаб баён қилишга мени муваффақ этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Қуръонда келган бу нидолар тўқсонга етган бўлиб, у муслмон киши дунё ва охиратига тааллуқли муҳим масалаларни ўз ичига олган. Ҳар бир муслмон дунёда бахтли-саодатли ҳаёт кечириши, охиратда дўзахдан нажот топиб, жаннатга кириши учун Парвардигорининг бу нидоларни ўрганиб унга амал қилиши вожиб. Зеро Раҳмоний бу нидолар нажотга элтувчи салаф солиҳлар ақидаси, инсон қалбини покловчи ибодатлар, исломий одоб-ахлоқлар, муомалалар, молга, жонга, ҳад-ҳудудлар ва жиҳодга тегишли ҳукмлар, уруш ва тинчликдаги келишувларни баён қилган.

Раҳмон таолонинг бу нидолари усиз инсон ҳайвон даражасига тушиб кетадиган юқори одоб нима эканини баён қилиш билан бошланиб, дунё хорлиги ва охират азобидан қутултирувчи холис тавба баёни билан тугаган.

Бу нидолар Қуръони каримда қандай тартибда келган бўлса, мен ҳам шундай кетма-кетликда қайси сура, оят рақами ва ўзига муносиб сарлавҳа билан келтирдим.

Сўзимнинг охирида эркаку аёл ҳар бир муслмонни бу нидоларга қулоқ солиши, ўқиб амал қилишига чақираман. Буларни ўқиб ўрганиш Аллоҳнинг изни ила кишини жаҳолатдан халос этиб, илмнинг энг юқори даражасига олиб чиқади.

Аллоҳ таолодан офият, мағфират, раҳмат ва розилигини сўраб қоламан.

Аллоҳга ҳамду сано ва Расулимиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот ва саломлар бўлсин.

Абу Бакр Жобир Жазоирий

Масжиди набавий мударриси

Мадинаи мунаввара

Биринчи нидо

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан қандай одобда бўлиш

«Эй иймон келтирганлар, сизлар “Роино” деб айтманг. Балки, бу сўз ўрнига “Унзурно” денг ва ўзингизга тиловат қилинаётган Раббингизнинг китобига қулоқ тутинг. Инкор қилувчилар учун аламли азоб бордир» (Бақара, 104).

Шарҳ:

Бу Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига нидоси бўлиб, уларга иймон номи ила нидо қилмоқда. Чунки мўмин кофирдан фарқли ўлароқ иймони билан ҳаётдир, эшитади, ақл юргизади, буюрилган ишни қилиш, қайтарилган ишни тарк қилишга қодир бўлади. Кофир эса буюрилган ишга қулоқ солмайди, ақл юргазмайди, амал қилмайди, қайтарилган ишни тарк ҳам қилмайди.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилар экан, уларни абадий саодат ва баркамол ҳаётга олиб борувчи ишларга буюради, бахтсизлик ва тубанликка етаклайдиган ишлардан қайтаради. Тақво қилсалар жаннат билан башорат беради, осий бўлсалар дўзах билан огоҳлантиради. Бандаларга нимаики манфаатли бўлса шунини таълим бериб нидо қилади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳуга қулоқ солайлик, бу улуғ саҳобийдан бир киши: “Менга бирон топшириқ беринг”, деганида, Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: “Аллоҳ таолонинг: “Эй мўминлар”, деган нидосини эшитсанг, унга албатта қулоқ тут, чунки бу нидо ё буюрилган яхшилик ё қайтарилган ёмонлик бўлади” деб айтган эди.

Аллоҳ таоло бу ояти каримада мўмин бандаларига нидо қилиб, уларни “Роино” деб айтишдан қайтариб, “Унзурно” деб айтишга буюрди. Сабаби яҳудийлардан иборат мунофиқлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Роино”, деб мурожаат қилишарди. Бу уларнинг иброний тилида истехзо ва масхара маъносидаги луғат бўлиб, бу билан улар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни таҳқирлаб масхара қилишни мақсад қилдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни масхара қилиш, ҳақоратлаш куфрдир. Шунинг учун мўминлар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ўтириб у зотдан Китобу суннатни таълим олаётганларида “Роино” деб айтишдан Аллоҳ таоло уларни қайтарди. Бунинг ўрнига араб тилида айна маънони ифода қиладиган “Унзурно” бизга боқинг, сиз айтаётган сўзларни ёдлаб олишимиз ва яхши англаб етишимиз учун ҳолимизга қаранг деб айтишга ҳамда мўминларни илм олаётганларида диққат билан эшитиб, одоб билан ўтиришга амр қилди. Бундан ташқари

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни масхара қилган яҳуд ва бошқа кофирлар учун аламли азоб ҳозирлаб қўйгани, бу азоб уларга қиёматдан олдин шу дунёнинг ўзидаёқ етишининг хабарини берди.

Бу оятда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга одоб билан муомала қилишнинг вожиблиги, сўз ёки ҳаракат билан адабсизлик кўрсатиш ҳаром экани баён қилинган. Буни билмай қилса ҳукми шу яъни ҳаром иш қилган бўлади. Аммо билиб туриб бирон лафз ё ҳаракат билан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга адабсизлик қилиш айна куфрдир. Аллоҳ сақласин.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан муомалада билмай адабсизлик қилиш ҳаром, қасддан бўлса куфр бўлганидек, устоз, муаллим ва тарбиячилар билан адабсиз муомалада бўлиш ҳам ҳаромдир. Мусулмон кишининг айбини очиш, уни масхара қилиш, таҳқирлаш ҳам ҳаром, бунга қўл урган киши қилмишидан тавба қилмаса фосиқ бўлади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй мўминлар, мўмин бўлган бир қавм бошқа бир мўмин қавм устидан масхара қилиб кулмасин. Эҳтимол масхара қилинган кишилар масхара қилувчилардан яхшироқ бўлсалар. Мўмина аёллар ҳам бошқа мўмина аёлларни масхара қилмасинлар. Эҳтимол ўша масхара қилинган аёллар масхара қилувчилардан яхшироқ бўлсалар. Бир-бирингизни айблаб, мазах қилманг ва бир-бирингизга лақаблар қўйиб олманг. Исломга кирганингиздан сўнг бундай фосиқлик яъни, масхаралаш, лақаблар қўйиш нақадар ёмондир. Ким бундан тавба қилмаса ана ўшалар ўзларига зулм қилган кишилардир”** (Ҳужурот, 11).

Аллоҳга ва Расулига адабсизлик қилишдан ҳазир бўлайлик.

Аллоҳнинг номи зикр қилинса ёки оятлари тиловат қилинса унга қулоқ солишимиз ва огоҳ бўлишимиз ҳамда товушимизни баланд кўтармаслигимиз, қулишиб ўтирмаслигимиз керак.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам номлари зикр қилинса ёки ҳадислари айтилса диққат билан эшитишимиз, у зотга бўлган муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиромимиз бизда кўриниши лозим.

Мана шулар бу илоҳий нидонинг самарасидир. Бу нидони ёд олиш, унинг маъносини англаб етишни бизга насиб қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Буни қадрига етайлик, ундан тўлиқ фойда олайлик ва бу неъматни инъом этган Аллоҳга ҳамд этиб, шукр қилайлик. Аллоҳ таоло мақтов ва улуғлик ҳамда шукр эгасидир.

Иккинчи нидо

Сабр ва намоз ила Аллоҳдан мадад сўраш

“Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз билан Аллоҳдан мадад истанглар. Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир” (Бақара, 153).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи ёки эшитиб фойдаланувчи қадрдоним, улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтган сўзни доим ёдда тутинг: “Аллоҳ таолонинг: **“Эй мўминлар”**, деган нидосини эшитсанг, унга албатта қулоқ тут, чунки бу нидо ё буюрилган яхшилик ё қайтарилган ёмонлик бўлади”, бунга қўшимча ё хушxabар этиш ёки бирон хатардан огоҳлантиришдир. Шунинг учун Аллоҳ бир ишни қилишга сизни буюрса уни қилинг, қайтарса қайтинг, ўша ишга яқинлашманг. Яхшилик билан хушxabар берса, суюнинг, Аллоҳга ҳамд этинг. Азоб билан огоҳлантирса, ҳазир бўлинг, Аллоҳнинг фазли билан шу азобдан нажот топишга жидди-жаҳд қилинг.

Аллоҳ таоло иймонингиз билан сизга нидо қилиши, бу сиз учун шарафдир. Шараф бўлганда ҳам қандай шараф. Бўлмаса, биз киммизки бутун оламлар Рабби бизга нидо қилса, иймонимиз бўлмаса ҳеч ким эмасмиз. **“Агар иймонингиз бўлмаса Раббим сизларга парво қилмас”** (Фурқон, 77).

Демак бизнинг шарафимиз, эътиборимиз иймонимиз билан экан. Биринчи навбатта Аллоҳга, қиёмат куни Унга йўлиқишимизга иймон келтиришимиз керак, яна Аллоҳ нурдан яратган фаришталар бор, уларни малоикалар деб аталади, ана шу фаришталарга иймон келтиришимиз, Аллоҳ нозил қилган китоблар бор: “Забур”, “Таврот”, “Инжил”, “Қуръон” шуларга иймон келтиришимиз, аввали Одам, сўнгиси Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлмиш пайғамбарларга иймон келтиришимиз ва тақдирга Аллоҳнинг қазои-қадарига иймон келтиришимиз билан биз эътиборлимиз.

Иймон гўё инсон учун жон, руҳ кабидир. Иймонли киши ҳақиқатда тирик, иймонсиз кофир эса ўлиқдир. Иймон неъматини сизга ато этган Аллоҳга ҳамд айтинг. Ўзингизда тақво ҳосил қилишга қаттиқ бел боғланг, уни рўёбга чиқаринг. Шунда энг катта истак Аллоҳнинг дўстлигини топасиз. Аллоҳ кимни дўст тутса уни азиз қилади, асло хорламайди, бахтли этади, бахтсиз қилмайди. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзга қулоқ тутинг: **“Билингларики, Аллоҳнинг дўстлари учун охиратда ҳеч қўрқув йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. Улар Аллоҳга иймон келтирган ва тақво қилган кишилардир. Улар учун дунёда уларни хурсанд қиладиган нарсалар башорати бор. Охиратда эса, уларга**

жаннат башорати бор. Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди ва уни ўзгартирмайди” (Юнус, 62-64).

Аллоҳ таоло Ўзининг дўстлари кимлар эканини қандай баён қилганига эътибор беринг-а: **“Улар Аллоҳга иймон келтирган ва тақво қилган кишилардир”**.

Эй мўминлар, тақвони рўёбга чиқариш, тақводор бўлиш учун бор имкониятингизни сарфланг.

Аллоҳ ва Расули вожиб қилган буйруқларни амалга ошириш ва ҳаром қилган ишлардан сақланиш билан Аллоҳ ва Расулига итоат қилиш – тақводир. Бунинг учун мўмин банда аввало Аллоҳ ва Расулининг амрлари ва қайтариқларини билиши лозим. Табиийки бу ўз-ўзидан бўлиб қолмайди, маърифатли бўлиш учун қаттиқ меҳнат талаб қилинади. Билгач, энди бунга амал қилиш, буйруқларни бажариш лозим. Бу нафсга янада машаққатлироқ бўлиб, илм ҳосил қилиш учун талаб қилинган меҳнатдан кўра кўпроқ меҳнатни талаб қилади.

Ҳаром ишларни тарк қилиш катта меҳнат-машаққатни талаб қилмасада, бироқ ёмонликка буюрувчи нафси аммора ва маломатгўй нафс бир бўлиб бандани ҳаром ишни қилишга ундаб, босим ўтказади. Бундан банда фақатгина Аллоҳнинг ёрдами билан сақланиб, ҳаром ишлар кирлигидан саломат қолиши ва саодат диёрининг калити бўлмиш руҳини покиза сақлаб қолиши мумкин бўлади.

Модомики инсон нафси пок, софдил бўлиши учун илм ва суннатга мувофиқ амалга асосланган тақвони ҳосил қилиши шарт бўлса, бундан ҳар бир банда илоҳий ёрдамга жуда катта эҳтиёжи бор экани равшан бўлади. Бу илоҳий ёрдамга эришиш йўлини эса меҳрибон Раббимиз бизга кўрсатиб берган: **“Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз билан Аллоҳдан мадад истанглар. Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”** (Бақара, 153).

Ҳар бир мўмин сабр қилиш билан ёрдам тилаши лозим.

Парвардигори нимани яхши кўради, нимани ёмон кўради банда буни билиши учун илм керак. Илм ҳосил қилиш осон иш эмас. Бу катта меҳнат-машаққатни талаб қилади. Илм талабида нафсни жиловлаш сабрдир.

Қалбни поклайдиган тарзда буюрилгандек тоат-ибодат қилиш учун нафсни жиловлаш ҳам сабр.

Нафсни ҳаром ишлардан тийиш ҳам сабр.

Тақдирда битилган, бошга тушган ишларга тоқатсиз ва норози бўлишдан нафсни жиловлаш ҳам сабрдир. Балки тақдирга рози бўлиб, сабр қилиш керак.

Ана шу сабр билан банда Аллоҳдан мадад истаса, Аллоҳ унга ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди.

Аллоҳ таоло амр этганига кўра мўмин банда сабр билан Аллоҳдан мадад истаганидек, намоз билан ҳам ёрдам сўрайди.

Намоз билан мадад иташ – намозни вақтида, барча фарз ва вожибларини тўлиқ бажариб адо этиш билан бўлади.

Намознинг энг муҳим шартларидан бири хушудир. Намозни хушу билан ўқиш керак.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни бирон иш ғамга солса намоз ўқир эдилар¹.

Намоз қалбда нур пайдо қилади. Намоздан бошқа амалда буни топмайсиз. Қалбида нури бор мўмин эса фарз амални ташлаш ёки ёмон ишни қилиш билан Аллоҳнинг ғазабига тушиб қолмайди.

Сабр ва намоз билан Аллоҳдан мадад истанг деган сўздан мақсад шудир.

Аллоҳ сабр қилувчилар билан бирга. Уларни қувватлайди, ёрдам беради ва барча ёмонликлардан сақлаб, ҳимоя қилади.

Аллоҳим бизга ҳам собир бандаларинг қаторида бўлишни насиб эт.

Улардан рози бўлганинг каби биздан ҳам рози бўл.

Учинчи нидо

Ҳалол-пок таом ейиш ва бунга шукр қилиш

“Эй мўминлар, Биз сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-покиза таомлардан истеъмол қилинг. Агар чиндан ҳам Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилувчи бўлсангиз, Унга шукр қилинг” (Бақара, 172).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига иймон сифати билан нидо қилишининг сири нимада эканини доим ёдда тутинг. Мўминлар чин иймонлари билан ҳаётдир. Улар тирик бўлгани боис эшитадилар, ақл юритадилар, буюрилган ишни қилишга, қайтарилган ишдан тийилишга қодир бўладилар. Аллоҳ таоло мўминларга нидо қилар экан, уларнинг ўзи учун яхши бўлган ишга буюради, уларга ёмон бўлган ишдан қайтаради. Буюрилган ишни қилиш, қайтарилган ишдан қайтиш билан тақво ҳосил бўлади. Иймон ва тақво билан банда Аллоҳнинг дўстлигига эришади. Аллоҳ таоло деди: **“Билингларки, Аллоҳнинг дўстлари учун охиратда ҳеч қўрқув йўқ ва улар**

¹ Аҳмад ва Абу Довуд ривояти

ғамгин ҳам бұлмайдилар. Улар Аллоҳға иймон келтирган ва тақво қилган кишилардир. Улар учун дунёда уларни хурсанд қиладиган нарсалар башорати бор. Охиратда эса, уларга жаннат башорати бор. Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди ва уни ўзгартирмайди” (Юнус, 62-64).

Шунинг учун мўмин киши Аллоҳнинг иймон аҳлига қилган нидосини эшитса, дарҳол қулоқ тутиши, ён қулоғи билан эмас жон қулоғи билан эшитиб сергак туриши керак. Сабаби Аллоҳ мўминларга нидо қилар экан ё уларга бирон ишни буюради ё бирон ишдан қайтаради. Мўминлар иймон-ишонч ва савоб умидида буюрилган ишни бажариб, қайтарилган ишдан қайтсалар, улар учун Аллоҳнинг дўстлиги рўёбга чиқади ва дунё-ю охиратда улардан қўрқув ва ғамгинлик кетиши билан юқори мартабаларга эришадилар, жаннатнинг энг юксак ўринларида омонликда бўладилар.

Аллоҳ таоло “Бақара” сурасида мўминларга қилган бу учинчи нидода, уларга ризқ қилиб берган ва ҳаётларининг гарови бўлмиш ҳалол-покиза таом ва ичимликларни истеъмол қилишга амр этди. Чунки инсониятнинг вужуди ва ҳаётининг бардавомлиги шу уч нарса: озиқ-овқат, сув ва ҳавога тобеъдир.

Бу ердаги амр-буйруқ фарзга далолат қилади. Яъни инсон ҳаётини сақлаш даражасида еб-ичиши фарздир. Аммо оятдаги **“Биз сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-покиза таомлардан”** сўзига келсак, мушриклар гўшт маҳсулотидан бир қанча навини: “соиба” (бутларга атаб қўйиб юборилган ҳайвон), “васийла” (кетма-кет икки урғочи бўталоқ туққан она туя), “ҳом” (пуштидан маълум адад бўталоқлар туғилганидан кейин бутларга деб чиқариб қўйиладиган эркак туя) ва “баҳийра” (маълум адад туққанидан кейин унинг қулоғини кесиб, қўйиб юбориладиган урғочи туя)ни ўзларига ҳаром қилиб олдилар. Аллоҳ таоло уларнинг бу қилмишларини рад этиб, мўминларни ҳалол-покиза гўшт ва бошқа таомлардан еб-ичишга амр этди. Ҳамда уларга тортиқ қилган турли-туман ҳалол, пок ва лаззатли неъматлар шукрини ўташга буюрди.

Шукр неъматни эътироф қилиш, шу неъматни ато этган Зотга ҳамд этиш, уни ҳақли ўринларга сарфлаш билан бўлади. Мисол тариқасида илм, мол ва бадан неъматини олайлик. Илм неъматининг шукри илмига амал қилиш ва бошқаларга ҳам илмидан ўргатиш билан, мол неъматининг шукри уни гуноҳ-маъсиятда эмас, фақат Аллоҳнинг тоатида сарфлаш, бадан неъматининг шукри эса уни Аллоҳга ибодат қилишга бўйсундириш, яхшиликлар қилиш ва шунда ўзаро мусобақалашиш билан бўлади. Ана шуни шукр дейдилар.

Ҳалол-пок таомлардан еб-ичишга бўлган буйруқ, ҳаром нарсалар ейиш жоиз эмаслигига далолат қилади. Ҳаром нарсаларни Аллоҳ таоло бизларга баён қилиб лутф кўрсатган.

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ сизларга ўлимтик, оқизилган қон, тўнғиз гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган ҳайвонларни ҳаром қилди”** (Бақара, 173).

“Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўллар билан еманглар!” (Бақара, 188).

Ичимликлар ҳам таомлар каби бўлиб, маст қилувчи ичимликлар Аллоҳ таолонинг: **“Энди сизлар бундан тийилинг!”** сўзи билан ҳаромдир. Яъни маст қилувчи ичимликлар номи қандай бўлишидан қатъий назар ҳаромдир, сизлар уни ичишдан тийилинг. Икки томондан ўртага бирор нарса тикиладиган гаров ўйнаш яъни қимор, мушриклар сиғиниш учун ўрнатган ва уни улуғлаб, олдида жонлиқ сўядиган тошлар яъни ансоб ва азлом - кофирлар бирор ишга киришишдан ёки тийилишдан олдин у билан фол очишадиган чўплар, яна оз бўладими кўпми рибо – судхўрликдан топилган мол-дунё, буларнинг бари ҳаромдир. Расулимиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзларига қулоқ тутайлик, у зот бизларни огоҳлантириб бундай дедилар: **“Эй инсонлар, Аллоҳ покдир, бандалардан фақат пок нарсаларни қабул қилади. Аллоҳ пайғамбарларни нимага буюрган бўлса, мўминларни ҳам ҳудди шунга буюриб: “Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок ризқдан енглар ва солиҳ амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган амалларингизни яхши билувчиман”** ва: **“Эй мўминлар, Биз сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-покиза таомлардан истеъмол қилинг”** деб айтган. Сўнг, узоқ сафар қилганидан сочлари тўзиб, уст-боши чанг босган кишини зикр қилдилар. У икки қўлини осмонга кўтариб: **Эй Раббим, эй Раббим** деб дуо қилади, лекин ейиши ҳаром, ичиши ҳаром, кийиши ҳаром бўлса, ҳаромдан озуқаланса, унда қандай ижобат бўлсин” (Муслим ривояти).

Ҳаром егувчи киши дуосининг ижобат бўлишидан маҳрум қолишини кўряпсизми? Аллоҳ кимнинг дуосини ижобат қилмаса, Каъбанинг Раббига қасамки ҳалок бўлибди.

Шунинг учун эй аҳли иймон, ҳаром ейишдан, ҳаром ичишдан, ҳаром кийишдан, ҳаром билан ҳузурланишдан ҳазир бўлинг!

Аллоҳ ҳаром қилган нарсалар ўрнига ҳалол нарсалар билан кифояланинг. Сиз Аллоҳнинг бандасисиз, Унга ибодат қиласиз, Аллоҳга банда бўла туриб, Унга ибодат қила туриб ҳаром еб-ичиш дуруст бўладими? Қандай дуруст бўлсин ва ҳолбуки Аллоҳ таоло: **“Эй мўминлар, Биз сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-**

покиза таомлардан истеъмол қилинг. Агар чиндан ҳам Аллоҳнинг Ўзигагина ибодат қилувчи бўлсангиз, Унга шукр қилинг” (Бақара, 172), дегандир.

Ким Аллоҳга ибодат қилмас экан, у ҳаром ейдими емайдими фарқи йўқ. Зеро айтилганидек: “Куфрдан кейин гуноҳ йўқ”, ҳақиқатда шундай.

Тўртинчи нидо Қасос, дия ва афв ҳақида

“Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди. Ҳур-озод киши эвазига озод кишидан, қул эвазига қулдан, аёл эвазига аёлдан қасос олинади. Қатл қилинган кишининг эгалари қотилни афв қилиш ва хун пули олишга рози бўлса, қўполлик қилмай талаб қилсин, қотил эса яхшилик билан – кечиктирмай ва камайтирмай берсин. Бу Раббингиз томонидан сизларга ато этилган енгиллик ва раҳматдир. Энди ким қотилдан хун пули олиб, афв қилгандан кейин ҳам ҳаддан ошиб уни ўлдирса, у учун охиратда қаттиқ азоб бордир” (Бақара, 178).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нима учун нидо қилиши ёдингиздами? Буни ҳаргиз унутманг! Негаки, бу нидодан кейин ўзимиз учун яхши бўлган бирон ишга буйруқ, ё бирон ёмонликдан қайтариқ келади.

Буюк Раббимиз навбатдаги бу нидода исломий жамиятда хавсизлик ва барқарорликни таъминлашда асос бўлган шаръий ҳукмини ўргатиб нидо қилди. Бу ҳукм ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарзлигидир.

Араблардаги икки қабила бири бошқасидан ўзини устун билиб, ўлдирилган қул эвазига озод кишини, аёл эвазига эркак кишини қатл қилар эди. Аллоҳ таоло бу жоҳилият ҳукмини бекор қилди ва қул эвазига ҳур, хотин эвазига эркакни ўлдириш адолат эмас, балки адолат озод киши эвазига озод киши, қул эвазига қул ва аёл эвазига аёл ўлдирилиши эканини маълум қилди. Шундан сўнг улар бу жоҳилият ҳукмидан тийилдилар, қасос олинар экан, озод киши қул эвазига эмас, фақат озод киши эвазига, қул ҳур эвазига эмас, қул эвазига, аёл эркак эвазига эмас аёл эвазига ўлдириладиган бўлди. Моида сурасидаги: **“Биз уларга Тавротда фарз қилдик: жон эвазига жон ўлдирилади, кўз эвазига кўз чиқарилади, бурун эвазига бурун кесилади, қулоқ эвазига қулоқ кесилади, тиш эвазига тиш суғурилади ва бошқа жароҳатларда ҳам худди шундай қасос олинади”** (Моида, 45), ояти нозил бўлгунига қадар юқоридаги ҳукм жорий бўлиб турди. Бу оят нозил бўлгач қатл қилинган эркак ё аёл, озод ё қул бўлишидан қатъи назар, қотилдан қасос олиб ўлдириладиган бўлди. Фақат ўлдирилган кишининг аҳли қотилни афв этиб, ундан дия олишга рози бўлса ёки охиратдаги ажр-мукофотни ихтиёр этиб қатл қилиш ва дия олишдан воз кечишса, шундагина ўлдирилмайди.

Аллоҳ таоло олижаноблик қилган, қотилдан қасос олишдан воз кечиб афв этган ва хун пули олишга рози бўлганларни гўзал хулқ доирасида иш тутишга, хун пулини қўполлик ва зўровонлик қилмай, яхши муомала билан талаб этишга, шунингдек, дия тўловчини ҳам яхшилик билан кечиктирмай, камайтирмай тўлиқ адо этишга буюради.

Сўнг Аллоҳ таоло Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларига чексиз марҳамат этганидан уларга енгиллик қилиб, тўкилган қон валийсига, яъни ўлдирилган кишининг яқинларига қотилни афв этиш, ё хун талаб қилиш ёки қасос олишдан хоҳлаганини танлаш ихтиёрини берди. Бошқа умматларда эса бу борада бир мунча машаққат бўлган. Масалан, яҳудларда дия олиш ҳам, афв этиш ҳам жоиз бўлмай, фақат қасос олиш бўлган. Насороларда эса қасос олиш ва дия талаб этиш йўқ бўлиб, фақат афв этиш бор бўлган. Аллоҳ аҳли китобларнинг ҳолини яхши билганидан уларга таълим ва тарбия ўлароқ ўзларига муносиб ҳукмларни жорий қилган.

Оят охирида Аллоҳ таоло: **“Ким шундан кейин ҳам ҳаддан ошиб уни ўлдирса, у учун охиратда қаттиқ азоб бордир”**, дейди. Яъни, дия олишга рози бўлса-ю, уни олгандан сўнг қотилни ўлдирса, унга охиратда қаттиқ азоб бўлур. Охиратдаги азоб қаттиқ ва аламдир. Дия олгандан сўнг ҳаддан ошиб қотилни ўлдирган кишидан энди дия қабул қилинмайди, балки ўлдирилади. Аммо мусулмонлар халифаси ўлдирмай дия тўлашни ҳукм қилса, шундагина дияси қабул қилинади.

Ҳурматли ўқувчи, фурсатдан фойдаланиб фуқаҳолар орасидаги айрим масалалардаги ихтилофни баён қилиб ўтамиз.

1) Қулнинг эвазига озод киши ўлдирилиши. Бу масаладаги жумҳур уламоларнинг фикрича, озод киши қулни ўлдириб қўйса, қул эвазига озод киши ўлдирилмайди, балки қулнинг эгасига қийматини тўлайди. Чунки қул сотиладиган ва нархланадиган молдир. Шунинг учун қул эвазига озод киши ўлдирилмай, қулнинг эгасига қийматини тўлаш адолатдан бўлади. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг фикрича, **“Жон эвазига жон ўлдирилади”** оятининг зоҳирига кўра, қулни ўлдириб қўйган озод кишидан ҳам қасос олинади. Бу масалада тўғрироқ фикр ишни халифага топширишдир. Халифа фитна ва ғалаён чиқиши эҳтимолини кўрса, оятга кўра озод кишидан қасос олади. Бундай эҳтимол бўлмаса жумҳур уламолар сўзини олиб, қул эгасига қийматини тўлатиш билан чекланади.

2) Ҳасан Басрий ва Ато каби тобеинлар эркак аёл эвазига ўлдирилмайди, бироқ дия тўлайди, деганлар. Жумҳур уламолар эса Моида сурасидаги **“Биз уларга Тавротда фарз қилдик: жон эвазига жон**

Ўлдирилади” оятига ҳамда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Мусулмонларнинг қонлари тенгдир”, деган сўзларига кўра қасос олинади деб айтишган.

3) Жумҳур уламоларнинг фикрича, агар бир жамоа кишилар бир кишининг ўлдирилишида иштирок этсалар, шу бир киши эвазига барчалари ўлдирилади. Бунга Умар разияллоҳу анҳу етти киши бир йигитни ўлдириб қўйишганида барчасини қатл қилиб: “Агар бу йигитни ўлдиришда Санъо аҳли бир-бирига ёрдам берган бўлганида ҳаммасини ўлдирар эдим”, деган сўзини далил қилганлар. Жумҳурдан бошқа айрим уламолар эса, бир киши эвазига кўпчилик ўлдирилмайди, деб айтишган. Бу масала ҳам халифага топширилади. Халифа ишнинг оқибатига қараб, умматга яхшилик ва фойда бўладиган ҳукм чиқаради.

Изоҳ:

Қасос олиш жонда бўлгани каби аъзоларда ҳам бор. Юқорида ўтган оят бунга далил: **“кўз эвазига кўз чиқарилади, бурун эвазига бурун кесилади, қулоқ эвазига қулоқ кесилади...”**.

Афв қилиш ва дия тўлаш жонда бўлгани каби аъзоларда ҳам бор.

Озод кишининг дияси юзта туя ёки минг мисқол олтин (тахминан 4,5 кг) ёки ўн икки минг дирҳам кумушдан иборат. Аёл кишининг дияси эса эркак киши диясининг ярмига тенгдир.

Бешинчи нидо

Рўзанинг фарзлиги ва аҳамияти

“Эй иймон келтирганлар, тақволи бўлишингиз учун Аллоҳ сизлардан аввал ўтган умматларга фарз қилгани каби сизларга ҳам рўза тутишни фарз қилди” (Бақара, 183).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, сиз кўркамлик, бойлик ё бошқа бирон сифатингиз билан эмас, айнан иймон сифатингиз билан ушбу илоҳий нидога мушарраф бўлиб турибсиз. Бу сиз учун шараф, шараф бўлганда ҳам нақадар олий шараф! Шундай экан, уни жон қулоғингиз билан эшитинг, бор вужудингиз билан яхши англашга ҳаракат қилинг. Улуғ зотлар карвонига қўшилишни истасангиз ўрганган илмингизга амал қилинг. Имом Молик “Муваддо”да келтирган ривоятда: “Ким ўрганса, ўрганганига амал қилса ва уни бошқаларга ўргатса, осмонда улуғ зотлар сафидан ўрин олади”, дейилган.

Мўминларга қаратилган бу нидода Рамазон рўзасининг фарзлиги баён этилди. Рўзада машаққат бор. Кундалик одатга айланган емоқ-ичмоқни тарк қилиш нафсга оғир келади. Шу боис Аллоҳ таоло мўмин бандаларига енгиллик бўлсин учун: **“сизлардан аввал ўтган умматларга фарз қилгани каби”**, деб, гўё “бу кўпга келган тўй, рўза тутиш ёлғиз сизга эмас, олдин ўтган пайғамбарлар умматига ҳам фарз қилинган”, деди.

Рўза – ният билан субҳ содиқдан то кун ботгунига қадар ейиш, ичиш ва жимоъ қилишдан тийилишдир. Аллоҳ таоло рўза ойини баён қилиб деди: **“У кунлар Рамазон ойдирки, бу ойда Аллоҳ таоло Қуръонни нозил қилди, унда Аллоҳнинг ҳидоятига ва ҳақ билан ботил ўртасини ажратишга очиқ-равшан далиллар бор. Сизлардан қай бирингиз ушбу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин”** (Бақара, 185).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ислом беш нарса устига қурилган: Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намоз ўқиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш”, деб айтганлар (Муттафақун алайҳ).

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига меҳрибонлигидан касал ва мусофир кишиларга Рамазонда рўза тутмасликка руҳсат берди. Касал соғайгач, мусофир уйига қайтгач тутмаган кунларининг қазосини тутиб қўяди. Ҳайз

ва нифосдаги хотинлар ҳам Рамазонда рўза тутмай, пок бўлгач тутади. Аллоҳ таоло деди: **“Бемор ва мусофир кишилар** (рўза тутмасликларига рухсат берилади, бироқ, кейин) **ўшанча кунлар миқдорича қазосини тутиб берадилар**” (Бақара, 184).

Соғайишига умид йўқ бўлган касаллар ва рўза тутишга қийналадиган кексалар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида фидя берадилар.

Рўза энг афзал, ажри кўп ибодатлардан биридир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Рўздорнинг оғзидан келган ҳид Аллоҳ наздида мушкнинг ҳидидан яхшидир”, деганлар. Яна: “Ким Рамазон рўзасини иймон-ишонч ва Аллоҳдан савоб умидида тутса, ўтган гуноҳлари кечирилади”, деб айтганлар.

Бунга қўшимча, Шаввол ойида олти кун, Ошуро – яъни Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи куни, Зул-ҳижжа ойининг тўққизинчи куни , яъни Арафа куни рўза тутишга тарғиб қилганлар: “Ошуро кунининг рўзаси бир йилги гуноҳларга, Арафа кунининг рўзаси эса икки йилги – ўтган ва келаси йилги гуноҳларга каффорат бўлади”, деганлар. Яна ойдин кечаларнинг кундузларидаги – ҳар оининг ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кундаги рўза ҳақида: “Бу кунларда рўза тутганлар йил мобайнида рўза тутган каби бўлур”, деганлар. Бу рўзалардан ташқари ўзлари ҳар душанба ва пайшанба куни рўза тутар эдилар, саллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Ҳурматли ўқувчи, унутманг, ким рўздор ҳолида еб-ичса ёки жимоъ қилиб қўйса, рўзаси бузилади. Рўздор ғийбат ё чақимчилик қилса ёки мўмин биродарини ҳақорат қилса, рўзасининг ажри кетади. Рўзани бузадиган ҳамда ажрини кетказадиган ишлардан ҳазир бўлинг!

Рўзанинг руҳий, ижтимоий ва сихҳий (саломатлик жиҳатидан) фойдалари бор.

Рухга бўлган фойдаларидан: рўза сабрга одатлантиради, нафсни жиловлашни ўргатади ва тақво сифатини пайдо қилади.

Ижтимоий фойдаларидан: рўза умматни тартиб-интизомга, бирликка, адолат ва тенгликни яхши кўришга ундайди, ўзгаларга раҳ-шафқатва эзгулик қилиш малакасини шакллантиради, жамиятни ёмонлик, бузғунчиликдан ҳимоя қилади.

Сихат-саломатликка бўлган фойдалари кўпчиликка маълум: ичакларни тозалайди, ошқозон фаолиятини яхшилайдди, жисмни ортиқча чиқит ва тузлардан тозалайди. Ортиқча вазн ва кераксиз ёғларни кетказиб, баданни енгиллатади. Заиф ривоятда келган ҳадисда: “Рўза тутинг, саломат бўласиз”, дейилган.

Сўзимизнинг охирида шуни айтамыз: энг муҳими ниятни эсдан чиқарманг. Ният рўзанинг фарзларидан, усиз. рўза дуруст бўлмайди. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Кечасида рўзани ният қилмаган кишининг рўзаси дуруст бўлмайди”. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда эса: “Амаллар ниятларга боғлиқдир. Ҳар кимга нимани ният қилган бўлса шу насиб бўлади”, деб айтганлар.

Рамазон ойи кириши билан ойнанинг ҳаммасига бирваракай ният қилиб олиш кифоя, фақат касаллик ё сафар сабабли орада рўза тутолмай қолса, рўза тутишни қайта бошлаган кечада ниятини янгилаб қўяди.

Рўзадор унутиб еб-ичиб қўйса, каффорат вожиб бўлмайди. Аммо қасддан еб-ичса ёки жимоъ қилса, ўша куннинг қазоси ва каффорат вожиб бўлади. Каффорат икки ой пайдар-пай рўза тутиш ё олтмишта мискинни тўйдириш ёки қул озод қилишдир. Айрим уламолар каффорат фақат жимоъ қилган кишига вожиб бўлади, еб-ичиб қўйган кишига каффорат йўқ деб айтганлар.

Олтинчи нидо

Ислом ҳукмларини тўлиғича қабул қилиш вожиблиги ва шайтонга эргашиш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, Исломга барча ҳукмларини қабул қилган ҳолда киринглар. Шайтоннинг йўлларига эргашманглар. Шубҳасиз, у сизларга очик душмандир. Сизларга очик далил-ҳужжатлар келганидан кейин ҳақ йўлдан бурилиб кетсангиз, билингки, албатта Аллоҳ мулкида Ғолиб ва ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўядиган Ҳақим зотдир” (Бақара, 208-209).

Ислом дини мукаммал дин, унга бирон нарса қўшиш ё ундан бирон нарсани олиб ташлаш мумкин эмас. Қўшиш ё камайтириш унинг комиллигига путур етказди. Бу ҳақиқатнинг яққол мисоли шуки, уч ракатли шом намозига бир ракат ё битта сажда зиёда қилинса ёки ундан бир ракат ё битта сажда камайтирилса намоз ботил бўлади, бунга барча уламолар иттифоқ қилишган.

Шунинг учун бир одам: “Мен Ислом динини қабул қиламан, лекин Исломда ҳаром қилинган таомлар ва ичимликларни ҳаром демайман” деса, бошқаси: “Мен Исломга кираман, лекин рўза тутмайман, чунки у жисмимни заифлаштириб, қувватимни кетказиб қўяди” деса, яна бири: “Мен Исломни қабул қиламан, лекин мерос масаласида Ислом белгилаганидек аёл киши эркаклар улушининг ярмини олиш ҳукмини тан олмайман” деса, ёки: “Мен Исломни эътироф этаман, лекин ўғрининг қўли кесилишига ё турмуш кўрган зинокорнинг тошбўрон қилинишига қаршиман” деса, бундайлардан Исломга шу тариқа киришлари қабул қилинадими? Йўқ, асло қабул қилинмайди. Улар агар шу ҳолатларида ўлиб кетсалар, дўзахда абадий қоладиган кофирлар қаторида бўладилар.

Бошқа мисол: кимда-ким: “Мен Аллоҳни қўйиб, авлиёларга дуо қиладиган, ё улардан мадад сўрайдиган, ё уларга атаб қурбонлик ё назр қиладиган одамни мушрик бўлади деб айтмайман”, деса, унинг зиддига далил-ҳужжат келтирилгандан кейин ҳам шу гапида тураверса, у одам кофир бўлади. Чунки ким Аллоҳдан ўзгандан ёрдам истаса ё дуо-илтижо қилса ёки Аллоҳдан бошқага атаб қурбонлик ё назр қилса мушрик бўлади, ундан иймони ҳам, Исломи ҳам қабул қилинмайди, агарчи намоз ўқиса ҳам, рўза тутса ҳам, ҳаж, умра ва ҳатто жиҳод қилиб, риботда турса ҳам.

Бу илоҳий нидода Аллоҳ таоло: **“Эй иймон келтирганлар, Исломга барча ҳукмларини қабул қилган ҳолда киринглар. Шайтоннинг йўлларига эргашманглар. Шубҳасиз, у сизларга очик душмандир”**, деб мўмин бандаларига динда бирон нарса камайтириш ёки зиёда қилиш ҳаром эканини таъкидламоқда.

Бу оят Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳу ҳақида нозил бўлган. У яҳудий олимларидан бўлиб, Исломга онгли равишда, унинг ҳақлигига қаноат ҳосил қилиб кирган эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни жаннати деб башорат берганлар. Бу олим Исломни янги қабул қилган пайтларида шанба кунини улуғлаш ва намозда Таврот оятларидан тиловат қилиш жоиз деган фикрда бўлиб, яҳудларга шанба кунини улуғлашни Аллоҳ таоло фарз қилган, Таврот ҳам Аллоҳнинг каломи деб айтар эди. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраганида ушбу оят нозил бўлди ва иймон келтирганлар Исломга тўлиғича киришларига амр бўлди. Бу амр бирон нарсани четда қолдирмай, барча нарсани, шу жумладан шанба кунини улуғлашни ҳам ўз ичига олди. Исломдан олдин шанба кунини улуғлаш шариат ва ибодат эди ёки туя гўшти ва сути яҳудийларга ҳаром эди. Исломни қабул қилган айрим яҳудийлар туя гўшти ва сутини ҳаром санашда давом этаётган эди. Бу ояти карима бундай қарашларнинг барини йўққа чиқарди. Ҳақиқий мўмин Исломнинг барча ҳукмларини сўзсиз қабул қилиши, Исломга тўлиғича кириши лозим, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бунда танлаш ихтиёри йўқ. Шариат ҳукмларининг бирига рози бўлиб, бошқасини қабул қилмаслик тўғри келмайди.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларини шариат аҳкомларига тўлиғича бўйсунушга амр этгач, ортидан уларни шайтоннинг йўлларига эргашишдан қайтарди. Шайтон ўз йўлини безаб, бандаларга чиройли кўрсатиб, уларни йўлдан оздирмоқчи ва бу билан уларни Аллоҳдан узоқлаштириб, кибри ва манманлиги сабаб ўзи ҳалок бўлгани каби уларни ҳам ҳалокатга туширмоқчи бўлади. Аллоҳ таоло: **“Шайтоннинг йўлларига эргашманглар”**, деди, сўнг бунга сабаб ўлароқ: **“Шубҳасиз, у сизларга очиқ душмандир”**, деб, шайтоннинг инсонга очиқ душман эканини баён қилди. Шайтоннинг инсониятга очиқ душман экани эси-ҳуши жойида, фаҳм-фаросатли кишиларга махфий эмас. Зотан, шайтон энг жирканч ишлардан бўлган баччабозлик, зинокорлик, судхўрлик, қотиллик, ҳасад, кибр, манманлик, ота-онага оқ бўлиш, мусулмонларга озор бериш каби гуноҳи кабиралар ва фаҳш ишларни одамларга чиройли кўрсатиб, васваса қилади.

Бу нидо орқали Аллоҳ таоло бандаларга нажот йўли нима, ҳалокат йўли нима, кўрсатиб берди.

Аллоҳ буюргани каби эътиқод қилиш, У буюрганидек гапириб, буюрганидек амал қилиш, ва аксинча, У қандай эътиқод, сўз ва ишлардан қайтарган бўлса, шулардан четланиб, Аллоҳга тўлиқ таслим бўлиш нажот йўлидир.

Ёмонни яхши, яхшини ёмон санаш билан шайтоннинг йўлларига эргашиш ҳалокат йўлидир. Инсон шайтон яхши кўрган нарсаларни яхши кўрса, ёмон кўрган нарсаларни ёмон кўрса, шайтонга қул бўлиб, ўзига ҳам, аҳли оиласига ҳам зиён келтирувчи кимсалардан бўлади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар,**

уларга айтинг: “Ҳақиқий зиён кўрувчилар қиёмат куни ўзларига ва аҳли оилаларига зиён келтирган кишилардир. Билиб қўйинглар, очиқ-ойдин зиён шудир” (Зумар, 15).

Аллоҳ таоло мазкур нидодан кейинги оятда нима деганига диққат қилинг: “Сизларга очиқ далил-ҳужжатлар келганидан кейин ҳақ йўлдан бурилиб кетсангиз, билинги, албатта Аллоҳ мулкида Ғолиб ва ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўядиган Ҳаким зотдир”.

Бу ҳақ йўлдан тойилиб, динга бирон нарса қўшган ё ундан камайтирган ё алмаштирган ҳар бир кимса учун қаттиқ таҳдиддир.

Ҳозирги кунда мусулмонларга етган хорлик ва заифликлар Аллоҳ буюрган ва зиммаларига фарз қилган амалларни ташлаб қўйганлари, Аллоҳ ҳаром қилган ишларни қилиб юрганлари сабабли етди. Оятдаги қаттиқ таҳдиднинг ҳақ эканига далил ўлароқ шунинг ўзи етарлидир.

Еттинчи нидо

Ўлим келмасдан туриб Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш

“Эй иймон келтирганлар, на олди-сотди, на ошна-оғайничилик ва на воситачилик фойда берадиган кун – қиёмат куни келмай туриб Аллоҳ сизларга берган моллардан инфоқ қилинг. Кофирлар ҳақиқий золимлардир” (Бақара, 254).

Шарҳ:

Навбатдаги бу илоҳий нидода Аллоҳ таоло Ўзига иймон келтирган, қиёмат куни Унга йўлиқишга ишонган, Унинг китобларига, пайғамбарларига, фаришталарига ва қазои-қадарига иймон келтирган мўминларга иймон сифати ила нидо қилмоқда. Зеро мўмин иймони билан ҳаётдир, нидони эшитади ва нидо қилувчининг чақириғига лаббай деб жавоб беради.

Бу нидода Аллоҳ таоло мўминларни мол-дунёларидан инфоқ қилишга – Аллоҳ йўлидаги жиҳод, камбағал ночорлар эҳтиёжларини ўташ, дин ва мусулмонлар ҳимояси йўлида сафарбарлик, қул озод қилиш, касални даволатиш ва бошқа муайян ўринларга сарфлашга буюрди. Берганда ҳам шайтоннинг йўлига эмас, Аллоҳ учун ва Аллоҳ йўлида бериш керак бўлади. Аллоҳ бу оятда инфоққа буюрар экан, лутф ва меҳрибонлик билан мўминларга эслатиб: **“Аллоҳ сизларга берган моллардан инфоқ қилинг”**, деди. Одам боласи ҳеч вақосиз, ҳатто кийимсиз дунёга келади, бойликни Аллоҳ беради. Аллоҳ Ўзи берган бойликдан ҳаммасини эмас, бир қисмини инфоқ қилишга буюрди. Бу ҳам инсонларга Аллоҳнинг фазл-марҳамати нақадар катта эканини кўрсатади.

“Инфоқ қилинадиган шайтоннинг йўли ҳам борми?” деб сўрасангиз, “Ҳа, Аллоҳга қасамки, бор”, деб жавоб бераман. Аллоҳга осий бўладиган ҳар қандай гуноҳ ишларга пул сарфлаш шайтон йўлига инфоқ қилиш ҳисобланади. Қимор ва беҳуда-ботил ўйинларга пул сарфлаш, ҳаром емак-ичмакларга, ҳаром қилинган либосларга пул сарфлаш, исрофгарчилик – буларнинг бари шайтонни рози қиладиган харажатлардир. Шунинг учун ҳам шайтон шундай ишларга пул сарфлашга буюради ва шу ишларни чиройли кўрсатади.

Бу нидодаги Аллоҳ таолонинг: **“На олди-сотди, на ошна-оғайничилик ва на воситачилик фойда берадиган кун – қиёмат куни келмай туриб Аллоҳ сизларга берган моллардан инфоқ қилинг”** сўзи нимага далолат қилишини биласизми? Аллоҳ таоло мўмин бандаларига меҳрибон ва раҳмли бўлганидан уларни ўлим келиб қолмасидан олдин, ҳаётлик чоғларида инфоқ қилиб қолишга ундамоқда. Банда вафот этгач унинг барча амаллари тўхтайдди. Ҳаётида нима амал қилган бўлса, шунга кўра жазо ё мукофотини олади. Яхши бўлса яхши мукофотга, ёмон бўлса ёмон оқибатга йўлиқади.

Ҳар бир банда вафот топиши билан охират ҳаётига қадам қўяди. Охират ҳаётининг эса ўзига яраша қонунлари бор. У ерда кишига олди-сотди фойда бермайди, зотан у ерда сотадиган бирон нарсаси ҳам бўлмайди, сотиб олувчи ҳам йўқ. Охират ҳаётида таниш-билишчилик йўқ. Охиратда ошна-оғайни ва дўст-ёрлар фойда бермайди. Охиратда бирон киши Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимни шафоат қила олмайди. Шафоатчи ҳам қачон Аллоҳ изн берса ва шафоат қилинаётган бандадан рози бўлса, шундагина шафоат қила олади.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларини куфрдан огоҳлантириб, ушбу нидони: **“Кофирлар ҳақиқий золимлардир”**, деган сўзи билан тугатди. Куфрнинг ҳар туридан ҳазир бўлиш зарур. Куфр икки хил бўлиб, бири диндаги куфр, иккинчиси неъматга куфр, яъни неъматларга нонкўрликдир. Иккисига қўл урган киши ҳам золимлардан бўлади, золимларга эса Аллоҳ таоло қаттиқ азоблар ҳозирлаб қўйган: **“Аллоҳ хоҳлаган бандасини Ўз раҳматига – жаннатига киритур. Золимлар учун эса аламли азобни тайёрлаб қўйгандир”** (Инсон, 31).

Диндаги куфр билан неъматларга куфр келтиришнинг фарқи қуйидагича:

Шариатнинг баъзи ҳукмларини ёки барчасини инкор қилиш диндаги куфрдир. Ислом динини тан олмаган яҳуд, насоро, мажусий ва мушрикларнинг куфри шу турдаги куфрдир. Улар Ислом динини қабул қилмагани, уни инкор этгани ва тан олмагани учун кофир бўлишган.

Неъматларга куфр келтириш неъматлар Аллоҳники эканини эътироф этмаслик, шукр қилмаслик ва уларни Аллоҳ розилиги йўлида сарфламасликдир. Шу билан неъматга нонкўрлик қилган киши золимлар қаторига киради. Зулм – бирон бир нарсани ўз ўрнига қўймасликдир. Аллоҳ ризқини кенг қилиб қўйса-ю, у ноинсоф бахиллик қилиб закот бермаса, буюрилган ўринларга инфоқ қилмаса, золим бўлмай ким бўлади, ахир? Бундай киши пулни ноўрин сарфлаши билан қаттиқ азоб ваъда қилинган золимлар жумласидан бўлди: **“Золимлар учун эса аламли азобни тайёрлаб қўйгандир”**.

Эй аҳли иймон, огоҳланинг! Бахил, зиқна, хасис бўлишдан ҳазир бўлинг. Закотни бермай қўйишдан, буюрилган ўринларга инфоқ қилмасликдан сақланинг. Аллоҳ йўлидаги жиҳодга, ота-она ва аҳли оилага, камбағал ва мусофирларга инфоқ қилинг.

Юқорида шарҳлаганимиз, бахилликдан қутулишга, инфоқ қиладиган саховатли инсон бўлишга ёрдам берадиган ушбу оятни кўп-кўп ўқиб юринг. Бу сўзлар ҳар доим кўз ўнгингизда турсин. Чунки бу оят Аллоҳнинг инфоқ қилишга бўлган амрини, охират ҳаёти ҳақидаги эслатмасини, золимларга тайёрлаб қўйилган азобларини ўз ичига олган. Золимлар қаторида бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз.

Саккизинчи нидо

Садақа савобини кетказувчи ишлар баёни

“Эй иймон келтирганлар, молини риё учун берадиган, Аллоҳга ва охираат кунига иймон келтирмайдиган кишига ўхшаб, қилган садақаларингиз савобини миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Бундай киши бамисоли устини чанг-тупроқ қоплаган силлиқ тош кабики, шаррос ёмғир қуйиб, устидаги тупроқни оқизиб кетиб, сип-силлиқ қилиб қўяди. Риёкорлар қиёмат кунига топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч савобга эга бўлмайдилар. Аллоҳ кофирларни тўғрилиққа муваффақ қилмайди” (Бақара, 264).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таолонинг иймон аҳлига қилган нидолари сирру асрорини доимо ёдда тутгинки, иймон исми билан нидо қилинишинг сен учун буюк шараф ва шу билан бирга катта масъулият ҳамдир. Мўмин иймони билан ҳаётдир, нидони эшитади, ибрат кўзи билан кўради, вожибни бажариб, ҳаромни тарк қилади. Зеро ҳақиқий иймон ғайбу ошкор ишлар ҳақида хабар берган Аллоҳ ва Расулини тасдиқлашдир. Иймон инсон учун бамисоли руҳдир. Модомики руҳ танада экан, у ҳаракат қила олади, вазифасини бажаради, руҳ чиқиши билан тана ҳаракатдан тўхтаб, ўлади. Аллоҳнинг нидоларига қулоқ тутар экансан, мана шу ҳақиқатни асло унутма!

Бу нидода Аллоҳ таоло мўминларни қилган садақалари савобини кетказиб қўйишдан огоҳлантирди. Холис қилинган садақа – ажрини кетказиб юборадиган монелардан холи бўлса – нафсни покловчи ибодатга айланади.

Мазкур оятда Аллоҳ таоло садақанинг ажрини кетказадиган ва мўминнинг қилган садақаси унинг нафсини поклашига тўсқинлик қиладиган ишларни баён қилиб берди:

- 1) Миннат. Миннат катта гуноҳлардан саналади. Миннатчи қиёмат кунига Аллоҳ таоло уларга қарамайдиган, уларни покламайдиган ва уларни қаттиқ азоблайдиган уч тоифанинг биридир. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Уч тоифа кимсаларга қиёмат кунига Аллоҳ таоло гапирмайди, уларга қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бўлади: кийимини тўпиқдан пастга тушириб юривчи, берган нарсасини миннат қилувчи ва молини ёлғон қасам билан сотувчи киши”. Миннат – мўмин биродарига ўзини устун кўрсатиб, берган садақасини қайта-қайта айтишдир. Берган нарсасини айтиб юрадиган кишини миннатчи дейилади. Эй мўминлар, қилган садақангиз савоби йўқ бўлиб кетишини

ва Аллоҳнинг ғазабига қолишни истамасангиз, миннат қилишдан сақланинг.

- 2) Озор. Озор дегани кишига дини, обрўси, жисми ё мол-дунёсида азият бериш, шикаст етказиш демақдир. Бу оятдаги озордан мурод садақа қилинган кишига унинг шаънини ерга урадиган ёки иззатига тегадиган ва обрўсини туширадиган сўзлар айтиб хорлашдир. Ҳолбуки, у мўминдир, Аллоҳнинг дўстидир. Иззаи мўмин ҳаром, дейилган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло: “Ким Менинг дўстимга озор берса, унга уруш эълон қиламан”, деган.
- 3) Риё. Киши одамлардан мақтов истаб ёки маломатдан қўрқиб, амалини кўз-кўз қилиши риёдир. Шундай кишини риёкор дейилади. Риё амални бузади, савобини кетказди. Миннат ва озор билан бўлгани каби риё билан қилинган амал ҳам инсон нафсини покламайди, буларнинг бари садақа савобини йўққа чиқаради. Аллоҳ таоло деди: **“Молини риё учун берадиган кишига ўхшаб, қилган садақаларингиз савобини миннат ва озор билан йўққа чиқарманг”**. Миннат ва озор каби риё ҳам садақаларни йўққа чиқаради, фақат риё умумийроқ бўлиб, нафақат садақаларда, балки намоз, зикр, Қуръон тиловати, ҳаж, умра, жиҳод, амри маъруф ва наҳий мункар каби ибодатларда ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам риё миннат ва озордан хатарлироқдир. Риё кўпинча Аллоҳга ва охират кунига иймони заиф бўлган кишиларда учрайди. Бунга Аллоҳ таолонинг: **“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган кишига ўхшаб”** деган сўзлари далил бўлади. Зотан, Аллоҳга ва охират унига иймон келтирган мўмин риё ва бошқа ишлар билан амалини йўққа чиқаришни асло истамайди. Оятда келганидек: **“Бундай киши бамисоли устини чанг-тупроқ қоплаган силлиқ тош каби”** бўлиб, **“Шаррос қўйган ёмғир теккач, уни сип-силлиқ қилиб қўйган”**, яъни устида бирон нарса қолдирмаган, чунки ёмғир тош устидаги тупроқни ювиб кетиб, силлиқ ҳолига келтириб қўйган. Аллоҳ таолонинг: **“топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч савобга эга бўлмайдилар”**, дегани маъноси шуки, улар қилган садақаларидан фойдалана олмайдилар, сабаби риё, миннат ва озор билан уни шу дунёнинг ўзидаёқ йўққа чиқариб бўлганлар. **“Шаррос ёмғир қуйиб, устидаги тупроқни оқизиб кетиб, сип-силлиқ қилиб қўяди. Риёкорлар қиёмат кунида топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч савобга эга бўлмайдилар. Аллоҳ кофирларни тўғриликка муваффақ қилмайди”**, яъни улар дунё ва охиратда саодатга эриштирадиган ишларга муваффақ бўлмайдилар. Бу оятда миннатчи, мўминларга озор берувчи ва риёкорлар гарчи Аллоҳнинг неъматларига кофир бўлмасалар-да, кўфрга яқин эканларига ишора бор. Чунки улар Аллоҳнинг неъматлари шукрини адо этмадилар, уни Аллоҳ буюрган ўринларга сарфламадилар.

Эй иймон аҳли, садақаларимизни йўққа чиқарадиган ишлардан ҳазир бўлайлик. Амалларимиз нафсимизни поклайди, шуни ҳам йўқ қилсак, нафсимиз покланмай қолади. Барчамиз Аллоҳ таолонинг оқ танлию қора танли, арабу ажам, барча одамлар ҳақидаги ҳукмини яхши билайликки, покиза нафс эгалари муваффақият топади, иймон ҳамда солиҳ амаллар билан покланмаган бузуқ нафс эгалари муваффақиятсизликка учрайди. Аллоҳ таоло деди: **“Нафсини иймон ва тақво билан поклаган киши нажот топди. Нафсини гуноҳу маъсиятларга кўмиб қўйган кимса эса зиёнкор бўлди”** (Ваш-шамс, 9-10).

Тўққизинчи нидо

Закотни ҳалол-пок нарсалардан бериш вожиблиги ва нопок нарсалардан бериш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, ишлаб топганингиз ҳалол-пок нарсалардан ва Биз сизлар учун ердан чиқариб қўйган нарсалардан инфоқ қилинглари! Улардан ўзингизга берилса истамайгина оладиган паст навлиларини танламанглари. Билингларики, Аллоҳ беҳожат, ҳамду-санога лойиқ зотдир” (Бақара, 267).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо мўмин инсонни саодатга элтувчи ва унинг қалбини покловчи бир неча илоҳий таълимотларни ўзида мужассам этган:

- 1- Садақани ҳалол-пок моллардан чиқариш вожиблиги;
- 2- Нопок нарсалардан садақа қилиш ҳаромлиги;
- 3- Мўмин киши ўзи эга бўлган чорва молларининг закотини ўташи фарз экани. Туя, мол, қўй-эчкилар закоти чиқариладиган чорвалар бўлиб, нисобга етса ва бир йил тўлиқ ўтган бўлса, закотини ўташ фарз бўлади. Булардан ташқари олтин, кумуш ва ҳозирда улар ўрнини босадиган, одамлар орасида муомалада бўлган қоғоз пул ва банкнотлар ҳам нисобга етиб, бир йил тўлиқ ўтган бўлса, улардан закот чиқариш фарз бўлади.
- 4- Ердан чиқадиган буғдой, арпа, маккажўхори, зайтун, майиз ва хурмо каби мевалар ва дон-дунлар нисобга етган бўлса ҳамда озиқ-овқатликка ва сақлаб қўйишга яроқли бўлса, улардан закот чиқариш фарз бўлади. Қалампир, пиёз, саримсоқ каби озиқ-овқат бўлмаган нарсалардан закот берилмайди. Шунингдек, тарвуз, бодринг, анор, анжир, олма, апелсин каби озиқ-овқат бўлса-да сақлаб қўйишга яроқли бўлмаган мевалардан ҳам закот чиқарилмайди. Ердан униб чиққан ва озиқ-овқатлик ва сақлаб қўйишга яроқлилик шarti топилмагани сабабли закот фарз бўлмаган ҳар қандай нарсадан садақа қилиш мустаҳабдир.

Бу нарсаларнинг нисоби қанча эканини биласизми?

Туялар сони бештага, қорамоллар ўттизтага, қўй-эчкилар қирқтага етган бўлса, закот чиқариш фарз бўлади.

Дон-дун ва хурмонинг нисоби беш васақдир. Бир васақ олтмиш соъга, бир соъ эса ўртача жуссалик кишининг тўрт ҳовучига тенгдир. Бу тахминан 150-160 килога тўғри келади.

Пул ва қимматбаҳо қоғозларда эса 85 грамм тилло қиймати нисоб ҳисобланади.

Чорва ҳайвонлари нисобини билдик, аммо нисобга етганидан сўнг улардан қандай закот чиқарилади, деб савол берилса, айтамыз:

Ким бешта туяга эга бўлса, закотиға битта қўй бериши, туяси ўнта бўлса иккита қўй, ўн бешта бўлса учта қўй, йигирмата бўлса тўртта қўй бериши фарз бўлади. Туялар сони йигирма бештага етса, битта “бинти махоз”, яъни бир ёшни тўлдириб, икки ёшга ўтган урғочи туя беради.

Ким ўттизта қорамолга эга бўлса, битта бир ёшли мол бериши фарз бўлади.

Қўй-эчкиларда эса, қирқта қўйи бор одам битта қўй бериши фарз бўлади. Бундан зиёдасини чорва моллар закотиға оид фикҳ китобларидан ўрганиб олишингиз мумкин. Қўйида мазуга оид қисқача жадвални келтирамыз.

Сон	Туя	Сон	Мол	Сон	Қўй
25	Бинт махоз ²	30	Бир ёшли мол	40	Битта қўй
36	Бинт лабун ³	40	Икки ёшли мол	121	Иккита қўй
46	Ҳиққа ⁴	40 дан кўп	Ҳар ўттизтага битта бир ёшли ва ҳар қиртага битта икки ёшли мол	201	Учта қўй
61	Жазаъа ⁵			201 дан тепаси	Ҳар юзтага битта қўй
76	Иккита бинт лабун				
91	Иккита ҳиққа				

² Бир ёшни тўлдириб, икки ёшга ўтган урғочи туя

³ Икки ёшни тўлдириб, уч ёшга ўтган эркак туя

⁴ Уч ёшни тўлдирган урғочи туя

⁵ Тўрт ёшни тўлдирган урғочи туя

120	Ҳар қирқтага битта бинт лабун ва ҳар элликтага битта ҳиққа				
-----	--	--	--	--	--

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ким бешта туяга эга бўлса, то туялари сони ўнтага етгунига қадар битта қўй бериши фарз бўлади, ўнтага етгач иккита қўй беради. Аммо шу оралиқдаги яъни беш билан ўн оралиғидаги сонларда закот йўқ, олти, етти, саккиз ва тўққизинчи туялар вақс⁶ дейилади, буларга закот берилмайди. Қўйларда ҳам худди шундай, қирқта қўйга битта қўй, бир юз йигирма биттага иккита қўй берилади, шу оралиқдаги қўйлардан закот олинмайди, буни эслаб қолинг.

Аллоҳ таолонинг: **“Улардан ўзингизга берилса, истамайгина оладиган паст навлиларини танламанглар”**, деган сўзига диққат қилинг. Бундан паст навли, арзимас молларни ажратиб, закот ўрнида бериш ёки садақа қилишда ҳам сифатсиз, чириган, яроқсиз нарсалар бериш ҳаром экани келиб чиқади. Ўзингизга шундай нарсалар берилса қабул қилармидингиз, “ўзингга буюрсин”, деб эгасига қайтариб юборсангиз керак. Олсангиз ҳам берган кишини ранжитмаслик учун истамайгина, кўз юмиб туриб оласиз, шундай эмасми ахир? Ушбу оятдан тушуниладиган маъно шудир.

Сўзимнинг охирида Аллоҳ таоло бу нидода: **“Билинглари, Аллоҳ таоло беҳожат, ҳамду санога лойиқ зотдир”**, деб эслатганини мен ҳам эслатиб ўтмоқчиманки, Аллоҳ садақа қилувчининг садақасига муҳтож, деган ўй хаёлингизга келиб, берган садақангизни асло миннат қилиб қолманг тағин. Ёки закот олганлар Аллоҳни мақтаб, Унга ҳамду санолар айтиши учун Аллоҳ закотни фарз қилган, деган фикр кўнглингизга келмасин. Йўқ, асло ундай эмас, Аллоҳ таоло садақаларингиздан беҳожат, Ўзининг фазлу марҳамати, бандаларига инъом-эҳсонини, комил ва улуғ сифатлари билан ҳамду санога лойиқ, барча ҳолатда мақталувчи зотдир. Осмонлару ердаги, дунёю охиратдаги барча ҳамду сано Аллоҳга хосдир.

⁶ Узилган, ноқислик

Ўнинчи нидо

Тақво қилиш ва судхўрлик сарқитларини тарк қилишга буйруқ

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинг ва агар мўмин бўлсангиз, судхўрлик сарқитларини тарк қилинг! Агар тийилмасангиз, Аллоҳ ва Расулига қарши урушга кирганингизга аниқ ишонаверинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга, шунда зулм қилган ҳам, зулм кўрган ҳам бўлмайсиз. Қарздор қарзни тўлашга қодир бўлмаса, имкон топгунига қадар кутинглар. Агар кечиб юборсангиз, бу ўзингиз учун яхшидир, агар билсангизлар!” (Бақара, 278-280).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу нидо билан Аллоҳ таоло мўминларни икки буюк ишга буюрди.

Биринчиси: Аллоҳ таолога тақво қилиш. Бу Аллоҳ ва Расулига итоат қилиш билан бўлади, зеро Аллоҳ таолонинг ғазаби ва азобидан фақат Унга тўлиқ таслим бўлиш ва бўйсунуш, У суйган нарсаларни яхши кўриш, ёмон кўрган нарсаларни суймаслик, амрларини бажариш, қайтарган ишлардан тийилиш билангина сақланиш мумкин.

Иккинчиси: “Аллоҳ байни ҳалол, рибони эса ҳаром қилди” ояти билан рибони ҳаром қилганидан кейин судхўрлик сарқитларини, яъни қолиб кетган фоизларини тарк этиш. Кимда судхўрликдан қолган фоизлар бўлса, уни дарҳол ҳақ эгаларига қайтарсин.

Бу ҳолат ўта машаққатли ва нафсга оғир бўлгани учун Аллоҳ мўминларга иймонлари воситасида нидо қилди, чунки соғлом иймон ўз эгасини ҳаракатга келтирувчи қувват (энергия) ўрнидадир: “агар мўмин бўлсангиз”, ҳа, иймонингиз сизни Аллоҳга тақво қилишга ва қарздорлардан келган фоизни тарк қилишга ундайдиган қувватдир.

Бу оятдан кейин ҳам судхўрликдан тийилмаган, бу катта гуноҳ гирдобида қолиб, маъсиятда давом этган кимсаларни огоҳлантириб, Аллоҳ таоло: “**Агар тийилмасангиз**”, яъни Мен буюргандек тақво қилмасангиз ва судхўрлик сарқитларини тарк қилмасангиз, унда: “**Аллоҳ ва Расулига қарши урушга кирганингизга аниқ ишонаверинг**”, деди. Аллоҳ ва Расулига қарши урушга кирган кимса ҳеч замон қолиб бўлганми, ютганми?! Ютмаган, юта олмайди ҳам! Аксинча, енгиледи, шармандаси чиқиб, хор-зор бўлади.

Сўнг Аллоҳ таоло тавба қилган ва судхўрликни ташламоқчи бўлган мўминларга ҳолатдан чиқиш йўлини кўрсатди. Яъни қарзга берган дастмояси ва унинг фоизи қарздорнинг қўлида бўлса, пул эгаси дастмоянинг ўзини қайтариб олади ва ҳаром судхўрлик билан орттирилган фоизни қарздорда

қолдиради. Агар қарздор қийналган бўлса ва қарзни тўлашга қодир бўлмаса, то Аллоҳ енгиллик бериб, қарзини қайтаришга имкон топғунига қадар мол эгаси кутиб туради. Қарзини тўлай олмаётган қарздордан берган қарзларини кечиб юборсалар ўзлари учун яхшидир. Ҳа, судхўрлик ёмонлигидан сўнг яхшилик қилиш, рибо гуноҳидан сўнг тавба қилиш ўзлари учун нақадар яхши эканини билсалар шундай қиладилар. Аллоҳ таоло деди: **“Агар қарздор қарзни тўлашга қодир бўлмаса, имкон топғунига қадар кутинглар. Кечиб юборсангиз, бу ўзингиз учун яхшидир, агар билсангиз!”**

Ҳурматли ўқувчи! Рибо еювчи судхўрнинг гуноҳи нақадар катта эканини биласизми? Аллоҳ таолонинг мана бу сўзидан сўнг бу ҳақда янада чуқурроқ билимга эга бўласиз: **“Судхўрлик қиладиган кишилар охиратда қабрларидан худди жин-шайтон урган мажнун кимсалардек турадилар”**, (Бақара, 275). Шайтон уни тартибсиз уради. Шайтон кимни урса, у ўша заҳоти ағдарилади. Судхўр қиёмат куни қабридан худди ўрнидан туриши билан жин уриб ағдарган мажнун каби туради.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳ таоло рибони еювчини ҳам, котибини (ёзиб қўювчини) ҳам, рибо берувчини ҳам, гувоҳларини ҳам лаънатлади”⁷.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда эса: “Етти ҳалок қилувчи гуноҳдан сақланинг”, деб булар ичида судхўрликни ҳам санаб ўтдилар.

Юқорида ўтган оят ва ҳадислардан рибо еювчининг гуноҳи нақадар катта эканини билдингиз. Энди рибонинг ўзи нима эканини билиш қолди. Рибодан сақланиш учун рибо нима эканини яхшилаб билиб олинг ва уни бошқа мўминларга ҳам етказингки, улар ҳам бу қабиҳ гуноҳдан сақлансинлар.

Рибо икки хилдир: Рибо фазл ва рибо насия

Рибо фазл – икки бир хил маҳсулотнинг сифати пастини сифати юқори бўлганига зиёдаси билан алмаштиришдир.

Рибо фазлга тушадиган маҳсулотлар олтин, кумуш, буғдой, арпа, хурмо ва туздир. Маккажўхори ва шу каби озуқа бўладиган ҳамда сақлаб қўйса бўладиган барча маҳсулотлар буғдойга қиёс қилинади.

Олтинга олтин, кумушга кумуш алмаштирилса, миқдори тенг ва қўлма-қўл бўлиши шарт. Буғдойни буғдойга алмаштирилса ҳам айни шундай тенг миқдорда ва бир мажлисда, яъни қўлма-қўл бўлиши керак. Агар жинси бошқа бўлса, масалан: олтинга кумуш ёки буғдойга арпа алмаштириладиган бўлса, тенг миқдорда бўлиши шарт қилинмайди, бироқ қўлма-қўл бўлиши шарт.

Рибо насия – маълум бир муддатдан сўнг ортиқчаси билан қайтариш эвазига қарзга пул бериш. Масалан, минг (доллар) берса, шуни бир йилдан сўнг бир

⁷ Термизий (1206) ривояти

минг бир юз қилиб қайтариш. Қарзни тўлаш кечиккан сари берилган дастмоя ҳам зиёдалашиб, қўшимча фоизи ҳам ошиб бораверади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, қарз берган пулингиз устига оз бўлса-да қўшимча фоиз олманглар. Аллоҳдан тақво қилинглари, шояд шунда нажот топсангиз”** (Оли Имрон, 130).

Хурматли ўқувчи, рибо-судхўрликнинг ҳаром қилиниши остидаги сир шуки, у мўминлар ўртасидаги ўзаро раҳм-шафқатни, бир-бирларига меҳр кўрсатишни кесади. Мусулмонлар ораси ўзилишига олиб борадиган ҳар қандай иш ҳаромдир. Негаки мусулмонлар бир-бирларига меҳр-мурувват билан, ҳамжиҳатликда, ака-ука бўлиб яшашлари лозим. Бир-бирларидан ўзоқ муддатга қарз оладилар, бунинг эвазига Аллоҳдан ажр-мукофотдан бошқа нарсани умид қилмайдилар. Беғараз қарз беришнинг савоби садақа қилиш савобидек, балки ундан ҳам ортиқдир.

Шунингдек, музораба деб аталувчи тижорат турини йўлга қўйса бўлади. Музораба – пулдор мусулмон киши биродарига маълум миқдордаги пулни тижорат учун шерикликка беришидир. Бунда фойда ўзаро келишувга кўра бўлинади, зарар бўлса пул берган тараф пулига, иккинчи тараф эса меҳнатига кўради. Музорабада икки фойда бор: бири молнинг ўсиши, иккинчиси фақир мусулмонга касб-ҳунарида ёрдам бериш ва дастмояли бўлиб қолишига сабаб бўлиш бор.

Деҳқончилик ва ишлаб чиқаришда шерикчилик қилиш ҳам молнинг ўсишида ва мусулмонлар орасида мўл бўлишида музораба кабидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло рибони ҳаром, олди-сотдини эса ҳалол қилди. Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва Пайғамбаримизга салавот ва саломлар бўлсин.

Ўн биринчи нидо

Қарз муомаласини ёзиш ва гувоҳлантириш шартлиги

“Эй иймон келтирганлар, маълум муддатга қарз олди-берди қилсангиз, уни ёзиб қўйинг. Ораларингизда бир омонатли киши ёзсин ва Аллоҳ ёзишни билдириб қўйган киши ёзишдан бош тортмасин. Қарздор ўз зиммасидаги қарзни айтиб ёздирсин, Рабби ҳузуридаги жавобгарликдан қўрқсин ва қарзидан бирон нарсани камайтириб айтмасин! Агар қарздор ақлсиз ёки заиф (гўдак ё мажнун) бўлса, ёхуд (соқовлик туфайли) айтиб ёздирингизга қодир бўлмаса, ўрнига валийси адолат билан айтиб ёздирсин. Гувоҳликка иккита эр кишини чақиринглар! Агар икки эркак топилмаса, гувоҳлигига ўзингиз рози бўладиган бир эркак ва икки аёлни гувоҳ қилингки, икки аёлдан бири унутса, иккинчиси эслатиб қўяди. Гувоҳликка чақирилган кишилар (келишдан) бош тортмасинлар ва гувоҳликни адо этсинлар! Озми, кўпми, маълум муддатигача ёзиб қўйишдан эринманглар! Шу нарса Аллоҳнинг шариатида энг адолатли ишдир, гувоҳликни мукаммал адо этишга энг катта ёрдамчи ва шак-шубҳани бартараф этишнинг энг яқин йўлидир. Энди агар ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, ёзишга ҳожат йўқ. Ўзаро олди-сотдиларингизни гувоҳлантиринг. Гувоҳ гувоҳликни тўғри адо этиши ва котиб Аллоҳ буюрганидек ёзиши вожибдир. На котиб ва на гувоҳга зарар етмасин. Агар шундай қилсангиз (яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз) бу Аллоҳнинг тоатидан чиқиш бўлади. Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳ сизларга таълим беради. Аллоҳ барча нарсани билувчи Зотдир” (Бақара, 282).

Шарҳ:

Хурматли ўқувчи, шуни билингки, пул-мол дунё ишларининг асоси, турмуш воситаси, тирикчилик сабабидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деди: “Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни ноўрин ишлатиб юборадиган эркак-аёл ва ёш болаларга қўлингизда бўлган уларнинг молларини бериб қўйманглар, токи ноўрин сарфлаб қўйишмасин” (Нисо, 5).

Пулни тасарруф қила олмайдиган аёллар, ёш болалар ва ақли заиф кишиларга молни бериб қўйишни Аллоҳ таоло ман қилди. Қуръондаги энг узун оят қарз олди-бердисини баён қилган. Биз қуйида бу оятни шарҳлаб, қарзга тааллуқли масалаларни ёритиб берамиз, сизни эса мол-дунёингиз зое бўлиб кетмаслиги учун уларни ёдда тутиб, амалда татбиқ қилишга чақирамиз.

Қарз аҳкомлари баён қилинган бу оятда ўн учта ҳукм зикр қилинган, уларни бирма-бир келтирамиз.

Биринчи: уч кундан кўп муддатга олинган қарзни ёзиб қўйиш: **“Эй иймон келтирганлар, маълум муддатга қарз олди-берди қилсангиз, уни ёзиб қўйинг”**.

Иккинчи: олди-сотдида “салам” деб аталувчи савдо турининг шариатда жоизлиги; оятдаги: **“маълум муддатга”**, деган сўз шунга далолат қилади. Салам савдоси деб мусулмон киши пулини олдиндан олиб, келишилган муддат ичида етказиб бериш шарт билан хурмо ёки буғдойни сотишига айтилади. Муддат келгач, маҳсулотни етказиб беради, фақат шарт шуки, сотилган молнинг вазни ва ўлчови маълум бўлиши керак. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги ҳадис келган: **“Ким хурмони қарзга сотадиган бўлса, ўлчови, вазни ва муддатини маълум қилиб сотсин”**⁸.

Учинчи: қарзни ёзганда котиб адолат ва омонат билан бирон нарса қўшмай ё камайтирмай, алмаштирмай ва ўзгартирмай ёзиши: **“Ораларингизда бир омонатли киши ёзсин”**.

Тўртинчи: одамлар эҳтиёжи тушиб, ёзишни биладиган котибга қарз олди-бердисини ёзиб беришни сўрасалар, ёзиб бериши вожиб бўлади: **“Аллоҳ ёзишни билдириб қўйган киши ёзишдан бош тортмасин”**. Бу ёза билиш неъматини ато этган Аллоҳга шукрона сифатида бўлади.

Бешинчи: котибга қарз беруви эмас, балки олган қарзига иқдор бўлиб қарз олувчи ёздирсин: **“Қарздор ўз зиммасидаги қарзни айтиб ёздирсин”**.

Қарзни камайтириб ёздиришдан Аллоҳ қайтариб деди: **“қарзидан бирон нарсани камайтириб айтмасин”**.

Олтинчи: Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақли заифлиги ёки хавфсизлик жиҳатидан ёздиришга қодир бўлмаса, унинг вакили адолат билан, қарзга қўшмай ё ундан камайтирмай ёздирсин.

Еттинчи: қарз олди-бердиси ёзилган ҳужжатга гувоҳ келтириш. Гувоҳлар икки эркак бўлиши керак. Икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёл бўлади: **“Гувоҳликка иккита эр кишини чақиринглар! Агар икки эр киши топилмаса, унда ўзингиз рози бўладиган бир эркак ва икки аёл киши гувоҳ бўлсин”**.

Саккизинчи: Модомики бир кишининг ҳаққи уларнинг гувоҳликларига боғлиқ экан, гувоҳликка чақирилган кишиларнинг гувоҳ бўлишдан бош тортишлари ҳаромдир: **“Гувоҳликка чақирилган кишилар ижобат қилишдан бош тортмасинлар ва гувоҳлик беришни адо этсинлар”**.

Тўққизинчи: Қарз олинаётган пул оз бўладими, кўпми, ёзиб қўйишга тарғиб бор: **“Озми, кўпми, маълум муддатигача ёзиб қўйишдан эринманглар”**.

⁸ Бухорий (2240), Муслим (4202) ривояти

Ўнинчи: кундалик олди-бердиларда, масалан, бир-икки кило хурмо ё шакар олиб, бир-икки кун ичида пулини берадиган бўлса, бундай қарзни ёзмаса ҳам бўлиши.

Ўн биринчи: олди-сотдини гувоҳлантириш вожиблиги. Ким ҳовли, боғ ёки машина сотса, ёзиб қўйсин ва ёзилган ҳужжатни гувоҳлантирсин: **“Ўзаро олди-сотдиларингизни гувоҳлантиринг”**.

Ўн иккинчи: котибни ё гувоҳларни узоқ ерга чақириш ёки уларни ишдан қолдириш ва ё ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш каби ишлар билан қарз муомаласини ёзган котибга ва гувоҳларга зарар етмасин: **“На котиб ва на гувоҳга зарар етмасин”**. Котиб ва гувоҳларга ноҳақ нарсани ёзиш ва сохта нарсага гувоҳ бўлишни талаб қилиш ҳам уларга зиён етказиш жумласидандир.

Ўн учинчи: Аллоҳ таолодан қўрқиш ва тақво қилишга буйруқ ҳамда тақво қилган бандаларига Аллоҳ таоло дунёю охиратда манфаатли илм ато этиш ваъдаси борлиги. Аллоҳ тақводор бандалари қалбларига нур соладики, улар бу илоҳий нур ила ҳақ билан ботил, фойда билан зарар орасини ажрата оладилар: **“Эй иймон келтирганлар, агар Аллоҳдан тақво қилсангиз, У сизлар учун ҳақ билан ботил ўртасини ажратадиган ҳидоят ато этади”** (Анфол, 29).

Қарз ояти ўз ичига олган аҳкомларни билгач, яна айрим муҳим изоҳлар билан танишинг:

1 – Олди-сотдида камида икки гувоҳ бўлиши керак, аммо зинода гувоҳлар тўрттадан кам бўлмаслиги шарт.

2 – Ёш болани ва қулни гувоҳ қилинмайди.

3 – Битта гувоҳдан бошқа топилмаса, қасам билан гувоҳлик тўлиқ бўлади.

4 – Гувоҳларнинг яхшиси сўралмай туриб ўзи гувоҳлик берганидир. Бу ҳақда ҳадис бор.

5 – Энг биринчи Одам алайҳиссалом инкор қилдилар ва зурриётлари ҳам инкор қилишди⁹, шундан сўнг Аллоҳ таоло олди-сотди ва қарз муомаласида ёзишни жорий қилди.

⁹ Термизий ривоятида келган ҳадисда Одам алайҳиссалом минг йиллик умридан қирқ йилини Довуд алайҳиссаломга берадилар. Ўлим фариштаси жонини олгани келганида: “Яна қирқ йил қолмадимми?” дейдилар. Ўлим фариштаси: “Сиз умрингиздан қирқ йилини ўғлингиз Довудга бермаганмидингиз?” деганида инкор қиладилар.

Ўн иккинчи нидо

Аҳли китобларга итоат қилмаслик

“Эй иймон келтирганлар, китоб берилган яҳуд ва насородан бир тоифасига итоат қилсангиз, улар сизларни иймондан сўнг кофирликка қайтаришади. Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниб турган ва орангизда Аллоҳнинг элчиси бўлган ҳолда қандай қилиб Аллоҳга кофир бўласиз?! Ким Аллоҳга суянса, тўғри йўлга муваффақ бўлибди” (Оли Имрон, 100-101).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, айтиб ўтганимиздек, Аллоҳ таоло мўмин бандаларини дунё ва охиратда саодат топишлари учун яхшиликка буюриб, ҳасрат-надоматда қолмасликлари учун ёмонликлардан қайтариб, Аллоҳга бўлган муҳаббатларини, тоат ва ибодатларини зиёда қиладиган башоратлар бериб ва улар учун хатарли, оқибати ёмон ишлардан огоҳ этиб нидо қилади. Буни доим ёдда тутинг, асло унутманг! Чунки мўминлар Аллоҳдан кўрқсалар, Унинг дўстларига айланадилар. Аллоҳнинг дўстларига эса охиратда ҳеч кўрқув йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. Улар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам хурсанд қиладиган нарсалар башорати бор. Энг буюк бахт, энг катта ютуқ шудир.

Навбатдаги нидода Аллоҳ таоло мўминларни яҳуд ва насоролардан иборат аҳли китобларга итоат этмасликка чақирди. Агар улар меҳрибон Раббилари нидосига қулоқ солмай уларга итоат қилсалар, аҳли китоблар уларни иймон келтирганларидан сўнг кофирликка қайтаришади.

Аллоҳ таоло деди: “Эй иймон келтирганлар”, яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар эканига иймон келтирганлар, агар сиз: **“китоб берилган яҳуд ва насородан бир тоифасига итоат қилсангиз”**, булар Ислом ва мусулмонларга қаттиқ нафратда бўлган, Ислом нурини машриқу мағрибда кенг ёйилишини кўролмай, ғазаб ўтида ёнган тоифа бўлиб, сизга безаб, чиройли қилиб кўрсатаётган ботилларида ва махфий кўфрларида уларга итоат қилсангиз, уларнинг Ислом ҳукмлари ҳақида сўзлаб, бу ҳукмлар демократия ва инсон ҳуқуқларига зид, ривожланишга тўсқинлик қилади ёки булар ўтмишда тўғри келар эди, аммо тараққиёт, технология ва космосни забт этган ҳозирги асримизга тўғри келмайди, ривожланишга тўғаноқ бўлиб, қолоқликка олиб боради, деган даъволар билан сизга ёмон кўрсатишга уринаётган Ислом ҳукмлари, ибодат ва одоб-ахлоқларини ёмон кўришда уларга эргашсангиз, улар сизни иймондан сўнг кофирликка етаклайдилар. Чунки улар Ислом ва мусулмонларга душмандирлар. Агар сиз улар безаб кўрсатаётган сўзларни тўғри деб ишониб қолсангиз, зоҳирда сизнинг фойдангизга ўхшаб кўринган, бироқ ботинида

сизни хорликка туширадиган кўрсатмаларига амал қилсангиз, ҳақиқатда хор бўласиз, иймондан айриласиз. Шундай экан, ҳушёр бўлинг эй мўминлар, бу бебаҳо Қуръон насиҳатларига қулоқ солинг, уларга амал қилинг, шунда сизни алдаётган маккор душманингиз макридан омонда қоласиз. Бу маккор душман иззатга эришингизни, қудрат соҳиби ва етакчи бўлишингизни асло хоҳламайди.

Оятдаги бу очиқ огоҳлантириш мўминлар учун маккор душман макр-ҳийласига қарши қўрғон ва буюк девор вазифасини ўтайди, агар билсалар. Юқорида сифати ўтган бу маккор душман нажот йўли Ислом дини эканини, улар мансуб бўлган яҳудийлик ва насронийлик эса дунёю охиратда зиён-бахтсизлик йўли эканини ич-ичидан ҳис қилгани учун Ислом ва мусулмонларга нафрат ва адовати кучлидир.

Бошлиқлик ва бойликни яхши кўриш ҳамда нафс-ҳавога қул бўлиш уларни Ислом динини қабул қилишдан тўсаётган энг катта омиллардандир. Чунки Ислом бу нарсаларни ҳаром қилади, улардан узоқ бўлишга чақиради. Шунинг учун ҳам улар ўз кўфрларида маҳкам туришади, имкони борича мусулмонларни диндан чиқаришга тинмай ҳаракат қилишади.

Айрим шиа тоифасидагилар ҳам аҳли суннат вал-жамоатни ёмон кўришда ўша яҳуд ва насороларга ўхшаб кетади. Улар аҳли суннат кишиларини нажот йўлидан буриб, ўзларининг Абу Бакр, Умар, Усмон ва бошқа саҳобалар разияллоҳу анҳумни кофирга чиқариш, Қуръон маъноларини ва ҳадис шарифларни ботил йўллариغا мослаб ўзгартиришга қурилган шиаликка чорлайдилар. Бу билан улар ёшларни шиалаштириб, ўзлари каби ҳалокатга гирифтор қилмоқчи, жаннатдан маҳрум этмоқчи бўладилар. Чунки мўминни кофирга чиқарувчи киши ўзи кофир бўлади, энди Аллоҳ улардан Ўзи рози бўлганини Китобида нозил қилган саҳобаларни кофирга чиқарган тоифа ҳақида нима дейсиз? Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, мўминлар дарахт остида сизга байъат берган пайтларида Аллоҳ улардан рози бўлди”** (Фатҳ, 18). Ҳудайбиядаги “Ризвон байъати” деб аталган байъатда бир минг тўрт юз саҳоба бўлиб, уларнинг бошида жаннат билан башорат берилган ўн саҳоба бор эди. Аллоҳ барчаларидан рози бўлган ва бунинг хабарини Қуръонда келтирган бўлса, пайғамбар вафотидан кейин улар кофир бўлиб кетишган, деб даъво қилиш Аллоҳ азза ва жаллага тухмат ва Аллоҳни ғайбни билмасликда айблашдир. Бу билан улар Аллоҳни бугун рози бўлиб, эртага ғазаб қиладиган инсонга ўхшатиб қўймоқдалар. Бу айна кофирликдир. Эй ўқувчи, огоҳ бўлинг!

Исломга душман бўлган яҳуд, насоро ва шиалар чорлаётган кўфрга тушиб қолишдан сақловчи қўрғон эса Аллоҳ таолонинг ушбу сўзида келган: **“Аллоҳнинг оятлари тиловат қилиниб турган ва орангизда Аллоҳнинг элчиси бўлган ҳолда, қандай қилиб Аллоҳга кофир бўласиз?!”**. Оятнинг маъноси шундан иборат: Аллоҳнинг оятлари унга тиловат қилиниб турган ва Пайғамбар

саллаллоҳу алайҳи ва саллам тўғри йўлни кўрсатиб, ҳар қандай адаштирувчи фитналардан ҳимоя қилиб турган бир пайтда мўмин кишининг кофир бўлиб кетиши ўта қизиқ, ғалати ҳолатдир.

Мўмин киши учун ҳар қандай тойилишдан ва кофир бўлиб кетишдан тўсилиш Аллоҳнинг китобига ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига амал қилиш билан бўлади.

Мусулмонлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларини тирилтиришлари лозим, буни эса ўз шаҳар ва қишлоқларидаги масжидларда жамланиб, шом билан хуфтон намозлари оралиғида Қуръон ва ҳадислар ўрганиб, билганларига жидди-жаҳд, самимият ва садоқатла амал қилиш билан намоён қиладилар. Буни бир муддат эмас, бир умр қилсинлар, ҳеч ким, на эркак, на аёл ва на болалар қатнашмай қолмасин. Касал ёки касалга қаровчи бўлса, майли, бу узридир, аммо бошқалар қатнашсинлар. Ҳатто мусофир ҳам келиб тушган шаҳридаги масжидга борсин, шаҳар аҳли билан жамоат намозларини ўқисин, улар билан бирга Қуръон ўргансин, ҳадис эшитсин, билганига амал қилсин ва бошқаларга ҳам ўргатсин. Ана шунда улuf мартабаларга эришади, бахт-саодат топади.

Оят охирида Аллоҳ таоло мўмин бандаларига башорат бермоқдаки, ким Аллоҳга суюнса, яъни Унинг китоби ва Расулунинг суннатига эргашса, тўғри йўлга муваффақ бўлади, адашмайди ва бахтсиз бўлмайди.

Ўн учинчи нидо

Тақво қилиш ва мусулмон ҳолда вафот этишга буйруқ

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан ҳаққи-рост қўрқинг ва фақат мусулмон бўлган ҳолингизда дунёдан ўтинг!” (Оли Имрон, 102).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо ортидан икки улўф буйруқ келган. Аллоҳнинг фазли марҳамати бўлмаса, банда бу буйруқни кўтара олмасди. Банда Аллоҳга бўлган иймонида содиқ, ният ва амалида холис бўлса, чин дилдан Аллоҳга ёлворса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни асло ноумид қилмайди, илтижосини қайтармайди, балки уни тўғри йўлга йўллаб қўяди. Бу икки буйруқ Аллоҳга чин тақво қилиш ва Исломда вафот этишдек буюк ишни бажаришга ёрдам беради. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан ҳаққи-рост қўрқинг ва фақат мусулмон бўлган ҳолингизда дунёдан ўтинг!”**.

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло ўндан ортиқ оятда мўмин бандаларини тақвога буюрган. Бироқ бу нидодаги “ҳаққи-рост” деган сўзи уламолар ақлини лол қилди, ҳайрон қолдирди. Чунки банда ҳар қанча амал қилмасин, Аллоҳдан қўрққанидан ҳатто эриб ё буғланиб кетсин, барибир Аллоҳ таолодан ҳаққи-рост тақво қилишнинг урдасидан чиқолмайди. “Бўл” деса бўладиган, қиёмат куни ер Унинг чангалида, осмонлар Унинг қўлида йиғилган ҳолда бўладиган, тирилтирадиган ва ўлдирадиган, иззат берадиган ва хор қиладиган, барча нарсага қодир Аллоҳдан қандай қилиб ҳаққи-рост тақво қила олсин?!

Салафи солиҳ уламолар айтганлар: Аллоҳдан ҳаққи-рост тақво қилиш дегани Аллоҳни доим ёдда тутиш, Уни унутмаслик, тоатида бўлиш, гуноҳ қилмаслик, шукр қилиш, ношукр бўлмасликдир.

Қуйидаги оят Аллоҳдан ҳаққи-рост тақво қилиш ғам-ташвишини бандадан бироз енгиллатади: **“Кучингиз етганича Аллоҳдан қўрқинглар”** (Тағобун, 16).

Бу оят **“Аллоҳдан ҳаққи-рост қўрқинг”** деб келган умумий буйруқни хослаб келгандир. Бу енгиллик учун Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Билингики, банда Аллоҳдан ҳаққи-рост тақво қилиш ғамида юрса, Аллоҳни кўп зикр қилса, унутмаса, шукр қилса, ношукр бўлмаса, тоат-ибодатда бардавом бўлса, гуноҳ қилмаса, умрининг ва вақтининг кўпи шу ҳолда ўтса, демак у буюрилган ишни, яъни Аллоҳдан ҳаққи-рост қўрқишни қўлидан келганича, тоқати етганича рўёбга чиқарган бўлади.

Аллоҳ таолодан тақво қилиш имконият доирасида Аллоҳ ва Расулининг буйруқларини бажариш ва қайтариқларидан тийилиш билан амалга ошади. Бунинг учун буйруқларни ва уларни қандай амалга оширишни, қайтариқларни

ва улардан қандай сақланишни билиш керак бўлади. Бунинг учун илм зарур. Илм Аллоҳ таолони исмлари ва сифатлари билан, қалбда Унинг муҳаббатини ва Ундан қўрқишни пайдо қиладиган даражада чуқур таниш, Унинг буйруқларини ва қайтариқларини билиш, Аллоҳ яхши кўрадиган нарсани яхши кўриш ва ёмон кўрадиган нарсани ёмон кўриш учун У яхши кўрадиган ва ёмон кўрадиган нарсаларни ўқиб-ўрганиш демақдир. Илм билан банда тақвони ҳосил қилади. Тақво билан Аллоҳнинг дўстлигини ва муҳаббатини қозонади. Аллоҳ кимни дўст тутса, у икки дунё саодатига эришибди. Ҳар бир мўминнинг энг олий мақсади ва орзуси ҳам шудир.

Юқорида келтирганларимиз Аллоҳдан ҳаққи-рост қўрқишнинг баёни эди.

Қуйида Аллоҳ таолонинг: **“Ва фақат мусулмон бўлган ҳолингизда дунёдан ўтинг!”**, сўзини баён қиламиз.

Аллоҳ таоло бизни Ўзидан ҳаққи-рост қўрқишга амр қилгач, ортидан бизни Исломдан бошқа динда, яъни яҳудийлик, насронийлик ва бошқа ботил динларга мансуб ҳолда ўлиб кетишдан қайтарди.

Савол туғилади: Кишининг Исломда вафот этиш ёки бошқа динда ўлиш ихтиёри ўз қўлидами?

Жавоб шуки, банда қалбини ва юзини Аллоҳга тўлиқ таслим этиши зарур. Қалби фақат Аллоҳнинг тоати ва розилигини истасин. Юзини ҳам рағбат ва қўрқув билан фақат Аллоҳ аzza ва жалла томон бурсин ва бир умр шу ҳолда давом этсин. Шу ҳолда яшаган инсон ўлим келганда ҳам шу ҳолда, яъни Исломда вафот этади. Аллоҳ ва Расулининг итоатида бардавом бўлиш ва шу билан бирга Исломда вафот топиш мақсадида яшаш сўзсиз бандани мусулмон ҳолда дунёдан ўтишига олиб боради. Қандай ҳам бундай бўлмасин, ахир у Аллоҳ уни куфрдан қутқариб, мусулмонликка мушарраф этганидан кейин яна куфрга қайтишни худди оловга улоқтирилишни ёмон кўрганидек ёмон кўради. Кишини бу даражага чин иймонгина олиб чиқади. Чин иймон соҳиби қатл этилиш, осилиш, оловга ташланишга, жасади тилка-пора қилинишига рози бўлади, аммо иймон келтириб, Аллоҳга тоат-ибодатда бўлиб, Унинг розилигига эришгач, яна куфрга қайтишга асло рози бўлмайди.

Эй иймон келтирганлар, буни доим ёдда тутинг, Аллоҳдан тақво қилиш йўлида давом этинг, шунда мусулмон бўлган ҳолингизда дунёдан ўтишни кафолатлаган бўласиз, иншааллоҳ.

Ўн тўртинчи нидо

Кофирларни сирдош дўст тутиш ҳаромлиги ва бунинг ёмон таъсири

“Эй иймон келтирганлар, мўминларни қўйиб кофирларни сирдош дўст тутманглар! Улар сизларни ёмон аҳволга солиш йўлида бор кучларини аяшмайди ва сизларга етган ҳар қандай зарар ва ёмонликдан хурсанд бўлишади. Сизларни ёмон кўришлари оғизларидан чиқаётган сўзларида ошкор бўлди, дилларида яширинган адоват ундан-да кучлироқ ва каттароқдир. Агар ақл юргизсангиз, Биз сизга далил ва ҳужжатларни баён қилдик” (Оли Имрон, 118).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таолонинг Қуръони каримда мўмин бандаларига қилган нидолари остидаги ҳикматни унутмаганиз деб умид қиламан. Зеро бу нидоларда мўминларни ҳар қандай тубанлик ва бахтсизликдан огоҳ этиш бор.

Бу нидода Аллоҳ таоло мўминларга яҳуд, насоро ва мушрик кимсаларни ўзларига дўст қилиб олишни, уларга ичларини очишни, давлат сирларини, хоссатан ҳарбий ва молиявий сирларни ошкор этишни ман қилди. Чунки бундай қилишда мусулмон давлати учун катта хавф-хатар бор. Ҳатто, бу Ислом давлатининг инқирозига ҳам олиб келиши мумкин. Аллоҳ таоло мусулмонларни ва уларнинг давлатини ҳар қандай ёмонликлардан Ўзи сақласин.

Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига диққат қилинг: **“Эй иймон келтирганлар, мўминларни қўйиб кофирларни сирдош дўст тутманглар”**. Сирдош дўст деб ишларни ичидан биладиган ва махфий сирлардан огоҳ бўлган кишига айтилади. Мўминлардан бошқа деганда кофирлар назарда тутилган, кофир кимсани, аҳли китоб бўладими ё мушрикми, фарқсиз, сирдош дўст қилиб олиш мумкин эмас.

Аллоҳнинг ушбу сўзини бир тааммул қилинг: **“У кофирлар сизларни ёмон аҳволга солиш йўлида бор кучларини аяшмайди”**. Яъни илм ва маърифат тарқатиш, насиҳат ва йўл-йўриқ кўрсатиш шиори остида ҳар қандай воситалар билан ҳаётингизни бузишга тинмай ҳаракат қиладилар.

“Сизларга етган ҳар қандай зарар ва ёмонликдан хурсанд бўлишади”. Улар сизни машаққат ва қийинчиликка солиб қўядиган ҳар қандай ишни яхши кўрадилар. Дунё саодати ва роҳатидан маҳрум қилмоқчи бўладилар. Мусулмонларнинг хор бўлишини, фақир ва қашшоқ бўлиб, уларга қарам бўлишини хоҳлайдилар.

“Сизларни ёмон кўришлари оғизларидан чиқаётган сўзларида ошкор бўлди, дилларида яширинган адоват ундан-да кучлироқ ва каттароқдир”, сўзига эътибор беринг. Ўша кофирлар сизларни фақат мусулмон бўлганингиз

учун қаттиқ ёмон кўришлари очиқ-ошкор бўлди. Аллоҳ таоло: “оғизларидан чиқаётган” деди, “тилларидан” демади. Чунки улар сизга гапирсалар, гўё сизга насиҳатгўй ва муаллимдек оғизларини тўлдириб гапирадилар. Ўзларини сизга яхшилик истаётгандек кўрсатадилар. Аммо ҳушёр одам уларнинг адоватини сўзларидан ҳам пайқай олади. Қалбларидаги сизга бўлган буғзу адоватлари эса сўзларида билинганидан бир неча чандон зиёддир.

“Агар ақл юргизсангиз, Биз сизга далил ва ҳужжатларни баён қилдик”. Бу сўзларни тааммул қилсак, Раҳмон таоло мўмин бандаларига нақадар кўп неъматлар ёғдирганига гувоҳ бўламиз. Мўминларни қўйиб, кофирларни сирдош дўст тутишдан қайтариш билан биздан ёмонлик ва озорни буриши ва бизни Ислолда, ҳидоятда, иззату икромда сақлаши меҳрибон Раббимизнинг бизга ёғдирган неъматидандир. **“Сизга баён қилдик”** дейиш билан душманларимизнинг бизга қарши яширин ҳийла-найранги, ҳасади ва буғзу адоватини баён қилиб, бизларга бундан халос бўлиш йўлини кўрсатди. Биз ақлимизни юргизсак, Аллоҳнинг бу неъматини англаб етсак, Унга чексиз ҳамду санолар айтган бўлар эдик. Эй мусулмон давлатининг масъул шахслари, буни яхши билиб олинг, бундан юз ўгирманг ва инкор этманг. Зеро бу Ислол давлатини, унинг куч-қудратини ва оламда бардавомлигини сақлаш учун мукамал ва мустаҳкам ҳимоядир.

Ислол умматига раббоний кўрсатма ва насиҳатни олиб келган мазкур ояти карима маъносига уйғун бўлган бир ҳадиси шарифни келтирмоқчиман. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ “Саҳиҳ”ида келтирган ҳадисда Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: “Аллоҳ бирон пайғамбар юборган бўлса ва ерда бирон подшоҳ қилган бўлса, албатта унинг икки маслаҳатчиси бўлган. Бири уни яхшиликка буюриб, шунга ундаган бўлса, иккинчиси ёмонликка буюрган ва унга ундаган. Аллоҳ сақлаган кишигина маъсумдир” (Бухорий, 683).

Шунга кўра, мусулмонлар устида бош бўлиб турган ҳар бир раҳбар буни яхши билиши ва ёмон маслаҳатчилардан огоҳ бўлиши, уларнинг таклиф ва йўл-йўриқларини қабул қилмаслиги ва аксинча, яхши маслаҳатгўй кишилар таклифларини қабул қилиши, уларнинг холис насиҳатлари учун миннатдорлик билдириши ва уларни ўзига яқин тутиши матлубдир.

Умар разияллоҳу анҳуга саҳобалардан бири: “Ҳийра насоролари ичида ёзишга моҳир бир киши бор экан. Шунини ўзингизга котиб қилиб олмайсизми?” деб айтганида Умар разияллоҳу анҳу: “Мўминларни қўйиб, кофир кимсани ўзимга яқин киши қилиб олмайман”, деб жавоб берган эди.

Бундан ташқари, Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу насроний бир ҳисобчини ҳузурига олиб келганида Умар разияллоҳу анҳу: “Аллоҳ узоқ қилган кимсаларни яқинлаштирма, Аллоҳ ҳор этган кишиларни ҳурматлама ва Аллоҳ хиёнатчи деган қавмни омонатдор дема”, деб койиб берган эди.

Энди менга айтинг, шу гаплардан кейин иймон аҳлидан бошқа кимсаларни сирдош дўст қилиб олиш мумкинми? Ислом давлатининг ва умматнинг ички ишларига дахлдор қилиш жоиз бўладими? Йўқ, албатта.

Лекин бундан муслмонлардан бошқа кишиларни ишлатиш, улар хизматидан фойдаланиш мумкин эмас, деган гап чиқмайди. Эҳтиёж бўлса, уларни ишлатиш, хизматидан фойдаланиш жоиз. Фақат уларни ички ишларимизга аралаштирмаймиз, аҳли илм ва аҳли иймон қолиб, уларни иззат-икром ва ҳурмат қилмаймиз, юқори ўринларга қўймаймиз.

Ўн бешинчи нидо

Судхўрликдан қайтариш ва тақвога буюриш ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, судхўрликдан ҳазир бўлинг, қарз берган пулингиз устига қўшимча фоиз олманг! Аллоҳдан тақво қилинг, шояд нажот топсангиз!” (Оли Имрон, 130).

Шарҳ:

Мўмин биродар, ўқиб-ўрганинг, Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин ва сизу бизни ўрганимизга амал қилишга муваффақ этсин. Зеро амалсиз илм мевасиз дарахтга ўхшайди. Али разияллоҳу анҳу айтганларидек: “Илм амални чақиради, амал чақириқни ижобат қилиб, келса, илм қолади, йўқса у ҳам кетиб қолади”.

Ўқиб-ўрганинг, дедингиз, нимани ўрганай, деб сўрасангиз, айтаман: рибо ейишнинг – судхўрликнинг гуноҳи катта эканини билинг ва ундан ҳазар қилинг. Аллоҳ таоло мўминларга бошқа бирор ишда судхўрга таҳдид қилганидек таҳдид қилмаган: **“Аллоҳ савдони ҳалол, рибони эса ҳаром қилди. Кимга Аллоҳнинг рибодан қайтариши етгач, ундан тийилса, рибонинг ҳаромлиги ҳақидаги ҳукм етишидан олдинги қилгани унинг ўзига ва келгусида иши Аллоҳга ҳавола. Ким рибонинг ҳаромлигини билганидан кейин ҳам яна унга қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир, унда мангу қоладилар”** (Бақара, 275).

Аллоҳ таоло иймон аҳлига қилган ушбу нидода уларни рибо ейишдан қайтарди ва Ўзидан тақво қилишга буюрди. Нидога ижобат қилган мўминларга дўзахдан қутулиб, жаннатга кириш умидини бахш этди.

“Эй мўминлар, берган қарзларингизни бир неча баробар қилиб олиш билан рибо еманглар”, деди.

Рибонинг икки тури бор: насия рибоси ва фазл рибоси.

Киши бировдан маълум муддатга қарз оларди. Қарзни қайтариш вақти келганида тўлашга пул топа олмаса: “Яна вақт бер ва зиёда қил” дерди. Қарз берган киши яна вақт берар ва пулга ҳам қўшимча фоиз қўшар эди. Қўшилган вақт келгач тўлашга пул топа олмаса, яна юқоридаги гапни айтар ва шу кетишда олган юз дирҳам қарзи минг дирҳамдан ошиб кетар эди. Бу бир неча баробар ортиб кетадиган насия рибосидир.

Фазл рибоси эса олди-сотдидаги зиёдалик билан бўлади. Масалан: бир кило буғдойни бир ярим кило буғдойга, минг дирҳамни бир минг бир юз дирҳамга сотади (алмаштиради). Олтин, кумуш, буғдой, арпа, хурмо, туз ва шу каби озиқ-овқат ва сақлаб қўйишга яроқли бўлган ҳар қандай молни ўз

туридаги молга алишганда килосига кило қилиб, бир хил вазнда, зиёдасиз алмаштириш керак. Фақат бошқа турдаги маҳсулотга алмаштирса ва бир вақтда бўлса, масалан: кумушни тиллога, буғдойни арпага ёки хурмони тузга сотса жоиз. Бунга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис бор: “Агар жинси (тури) бошқа бўлса, қандай олди-сотди қилсангиз қилаверинг, фақат қўлма-қўл ва бир мажлисда бўлсин...” (Муслим, 1587).

Аллоҳ таоло Қуръонда ҳаром қилган жоҳилият давридаги судхўрликлардан кўра бугунги кундаги банклардаги судхўрликларнинг гуноҳи каттароқ, зулми кўпроқдир. Сабаби, ҳозирги банклар яҳудлар ўрнатган тизим бўлиб, яҳудларда ўзларидан бошқаларга раҳм-шафқат қилиш, ачиниш деган нарса йўқ. Банк бирон кишига маълум муддатга минг доллар қарз берса, бир минг бир юз қилиб ёзиб қўяди. Қарзни тўлаш кечикса, берган маблағини ошириб, бир неча баробаргача кўтариб қўяди. Жоҳилиятдаги араблар судхўрлигида эса олган қарзни вақтида тўласа, қарз устига бирон нарса қўшилмас, фақат қарзни ўз вақтида тўлай олмаса, шундагина фоиз қўшилар эди.

Аллоҳ таолонинг: **“Эй мўминлар, берган қарзларингизни бир неча баробар қилиб олиш билан рибо еманглар”**, деган сўзидан рибо фақатгина бир неча баробар зиёда қилинсагина ҳаром, озгина бўлса зарари йўқ деб ўйлаб қолманг. Бу нарса хаёлингизга ҳам келмасин, асло ундай эмас. Оят жоҳилият давридаги судхўрлар ҳолатини зикр қилган ва шунга кўра уларни қоралаган. Аслида, Аллоҳ рибонинг озини ҳам, кўпини ҳам ҳаром қилган. Бунинг тасдиқи ўлароқ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларига диққат қилинг: “Рибонинг етмиш уч эшиги бўлиб, унинг (гуноҳда) энг енгил киши ўз онаси билан зино қилган кабидир. Рибонинг ҳам рибоси эса мўминнинг обрўсини тўкишдир” (Муттафақун алайҳ).

Ҳой мусулмонлар! Судхўрликдан четланинг, рибодан узоқ бўлинг. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзлари рибодан четланишингизга ёрдам беради, буни доим ёдда тутинг. У зот: “Етти ҳалок этувчи гуноҳдан сақланинг”, дедилар. Саҳобалар: “Улар қайси гуноҳлар?” деб сўрашган эди, Набийимиз бундай жавоб бердилар: “Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, кофирларга қарши жангдан қочиш ва ифбатли, фаҳш иш қилиш хаёлига ҳам келмаган мўмина аёлларни зинода айблаш” (Муттафақун алайҳ).

Рибонинг ҳаром қилиниши иллатини-сабабини биласизми?

У қуйидаги сабабларга кўра ҳаром қилинган:

- 1- Мусулмоннинг молини ноҳақ йўл билан еб кетилишдан сақлаш.
- 2- Мусулмон кишини деҳқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат каби ҳийла, алдов ва хиёнатдан холи шарафли касблар орқали молини кўпайтиришга йўллаш.

- 3- Мусулмон кишини биродарига адоват қилиши ва уни ёмон кўриб қолишига олиб борувчи йўлни тўсиш.
- 4- Мусулмон киши охиратини обод қилиши учун унинг олдида яхшилик эшикларини очиб қўйиш, токи у ҳожатманд биродарига фоизсиз қарз берсин, қарзини вақтида тўлай олмаса муҳлат берсин, кутсин ва Аллоҳ розилиги учун биродарига енгиллик қилсин. Ана шунда мусулмонлар ўртасида биродарлик ришталари мустаҳкамланади, ўзаро муҳаббат ва софлик кучаяди.

Бу кўрсатмаларни аввало ўзингиз яхши билиб олинг, сўнг бошқаларга ҳам етказинг.

Ниҳоят, нима учун бу нидода рибо ейиш ман қилинганидан кейиноқ Аллоҳдан тақво қилишга амр этилганини биласизми? Аллоҳ таоло: **“Аллоҳдан тақво қилинг, шояд нажот топсангиз!”** деб айтиши одамларни рибо ейишдан тўхтамасалар оқибати ёмон бўлиши билан қўрқитиш, огоҳ этиш учундир. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон ва раҳмли бўлганидан ҳеч кимга биродарининг молини ноҳақ ейишига рухсат бермади.

Аллоҳдан тақво қилиш эса Унинг амрини бажариш ва қайтарганидан четланиш билан вужудга келади.

Ким Аллоҳнинг амрига бўйсунса, тақво қилса ва Унга итоат этиб рибо емаса, нажотга эришибди. Нажот эса дўзахдан қутулиб, жаннатга киришдир.

Келинг, Аллоҳга итоат этайлик, рибо емайлик, судхўрликдан узоқ бўлайлик. Аллоҳдан тақво қилайлик, буйруқ ва қайтариқларига осий бўлмайлик. Шунда энг катта фойдани, энг афзал ғаниматни қўлга киритамиз, нажотга эришамиз. Аллоҳ барчамизни нажот топишга, дўзахдан қутулиш ва яхшилар диёри бўлмиш жаннат аҳлидан бўлишга муваффақ этсин.

Ўн олтинчи нидо

Кофирларга итоат қилиш ҳаромлиги ва бу иш ортидан келадиган зарарлар ҳақида

“Эй иймон келтирганлар! Агар кофир кимсаларга итоат қилсангиз, улар сизни ҳақ йўлдан адаштириб юборишади ва сизлар динингиздан қайтиб, очиқ зиёнга гирифтор бўласиз. Аллоҳ сизнинг ёрдамчингиздир. У энг яхши ёрдамчидир” (Оли Имрон, 149-150).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо иймон аҳлига қаратилган бўлиб, уларни иймондан сўнг кўфрга, ҳидоятдан сўнг залолатга, балки ҳаётдан сўнг ўлимга тушиб қолишдан огоҳлантирди. Чунки кофир кўфри сабабли ўликдир. Иймондан сўнг кўфрга, ҳидоятдан сўнг залолатга кетиб қолишдан Аллоҳ сақласин.

Уҳуд жангида мусулмонлар мағлубиятга учрашларига сабаб айримлари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларини бажармаганлиги бўлди. Аслида улар Расулulloҳнинг амрларига осийлик қилишлари асло мумкин эмас эди. Улар Пайғамбарга иймон келтирмаганликларидан ёки у зотга итоат қилгилари келмаганидан осийлик қилишмади, балки душман тормор бўлиб қочаётганини, биродарлари ғаниматларни қўлга киритаётганини кўришгач, шайтон уларга шу ишни чиройли кўрсатди ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Нима бўлганда ҳам сизлар шу ердан ҳеч қаерга жилманглар”, деб буюрган Румот тоғидан тушиб, биродарлари каби ўлжалар йиғишга киришиб кетдилар. Натижада, душман шу тоғни айланиб ўтиб, мусулмонлар лашкари устига ўқ ёмғирини ёғдирди. Бундай ҳолни кутмаган лашкар мағлуб бўлди ва: “Ҳой Аллоҳнинг бандалари, менинг олдимга келинглари”, деб чақириб турган, қонга беланган ҳолдаги Пайғамбарини ҳам қолдириб, чекинишга тушди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деган: **“Ҳеч кимга қарамасдан жанг майдонидан чиқиб кетаётган пайтингизни эслангиз! Пайғамбар ортингиздан чорлаб: "Эй Аллоҳнинг бандалари, буёққа келинглари!" деб хитоб қилар эди. Аллоҳ сизларга ғам-алам ва тангликни жазо сифатида нозил қилди”** (Оли Имрон, 153).

Ғам-алам – нусрат, ғалаба ва ғаниматнинг қўлдан кетиши, танглик – саҳобаларнинг ўлдирилиши ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак юзлари жароҳланиб, курак тишларининг синишидир.

Ана шундай аламли ва ўта хатарли вазиятда айрим мунофиқлар: “Ўз динингизга қайтинг, ака-уқангиз сафига қўшилинг. Агар Муҳаммад ҳақ пайғамбар бўлганида, амакиси ва кўпгина асҳоби ўлмаган, ўзи эса жароҳат

олмаган, тиши синмаган бўларди”, деса, айримлари: “Абу Суфён ва унинг одамларига таслим бўлинг, улардан омонлик сўранг, чунки улар ғолиб бўлдилар”, дедилар ва шу каби сўзлар билан иймондан сўнг куфрга қайтишга ундадилар.

Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: **“Эй иймон келтирганлар! Агар сиз кофир кимсаларга итоат қилсангиз, улар сизни ҳақ йўлдан адаштириб юборишади ва сизлар динингиздан қайтиб, очиқ зиёнга гирифтор бўласиз. Аллоҳ сизнинг ёрдамчингиздир. У энг яхши ёрдамчидир”**.

Бу оят қуйидагиларга далолат қилади:

Биринчи: Ота-боболар динига қайтишга, мушриклар қўмондонига таслим бўлиб, ундан омонлик сўрашга чақираётганлар тилда мусулмон, дили кофир кимсалар бўлиб, улар Ибн Убай бошчилигидаги мунофиқлар эди.

Иккинчи: Кофирга итоат этиш, унинг фикрини олиш ва йўл-йўриғига юриш шубҳасиз, куфрга олиб боради. Ким иймондан сўнг кофир бўлса, аниқ зиёнкор бўлибди. Бу фақат бир замонга ва бир маконга чегараланган эмас, балки кофирга итоат қилиш қаерда ва қачон бўлишидан қатъи назар куфрга олиб боради. Чунки кофир залолат, куфр, ахлоқсизлик, ёмонлик ва фисқу-фасодга чақиради ва шуни маслаҳат беради.

Учинчи: Дунё ва охирадда зиён кўришдан қутқарувчи итоат Аллоҳ ва Расулига ҳамда мусулмонлар халифасига бўлган итоатдир, кофир ва мунофиқларга итоат этиш эмас. Душман устидан ғолиб бўлишни истаган киши ҳар ишга қодир, ҳар нарсани билувчи, ҳикматли ва қудратли Парвардигоридан сўрасин. Ўзининг ва Раббининг душманидан, кофир, адашган, хор кимсадан сўрамасин. Шундай кимсадан нусрат талаб қилинадими?

Келинг, яна оятга қайтайлик: **“Эй иймон келтирганлар! Агар сиз кофир кимсаларга итоат қилсангиз, улар сизни ҳақ йўлдан адаштириб юборишади ва сизлар динингиздан қайтиб, очиқ зиёнга гирифтор бўласиз. Аллоҳ сизнинг ёрдамчингиздир”**, сизга ёрдамчи бўлган Раббингизга итоат этинг, Ундан нусрат сўранг. Зеро нусрат ва ёрдам берувчиларнинг яхшиси Аллоҳдир. Бугунги кунда Аллоҳнинг мўмин бандалари буни яхши тушунишлари, Аллоҳга том маънода иймон келтириб, чин банда бўлишлари лозим. Аллоҳ мўминларнинг ягона ҳақиқий дўсти ва ёрдамчисидир.

Ҳозирда мусулмонлар Аллоҳ ва Расулининг йўлига хилоф қилишгани боис уларга етган хавф-хатар ва мағлубликдан чиқиш йўли фақат Аллоҳ ва Расулига қайтиш ҳамда нусратни Аллоҳдан сўрашдир. Шунда Аллоҳ уларга нусрат беради, хор ва шарманда қилмайди. Қандай бундай бўлмасин, ахир У уларнинг дўсти ва ёрдамчисидир. Уларнинг Аллоҳдан ўзга дўст ва ёрдамчилари йўқдир.

Ҳар бир мўмин эркак-аёл бунини яхши англаб олсин, Аллоҳга, Расулига ва муслмон раҳбарга итоат этсин. Куфр, нифоқ ва ширк аҳлига – жаҳолат ботқоғига ботган бундай кимсалар араб бўладими, ажамми, фарқсиз, – итоат этмасин. Уларга қарши урушаётган душманлари устидан нусрат беришини Аллоҳдан сўрасин. Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайдиган Зот: **“Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан сиз Унинг динига ёрдам берсангиз, Аллоҳ сизга душманингиз устидан ёрдам берур ва қадамларингизни собит қилур. Кофир бўлган кимсалар учун эса ҳалокат бўлур. Аллоҳ уларнинг қилган амалларини зое қилур. Бунга сабаб улар Аллоҳ нозил қилган нарсаларни ёмон кўрганларидир. Бас, уларнинг амалларини Аллоҳ беҳуда кетказди”** (Муҳаммад, 7-9).

Сидқидилдан Аллоҳга юзланайлик, Унинг ваъдасига ишонайлик, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайдиган Зотдир.

Ўн еттинчи нидо

Ўзини кофир ва мунофиқларга ўхшатишнинг ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, ўзлари каби кофир биродарлари тирикчилик билан сафар қилиб ёки ғазотга чиқиб, ўлса ё ўлдирилса, улар ҳақида: “Агар биз билан бирга қолганларида, ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлар эдилар” деб айтадиган кофир кимсаларга ўхшаманг. Бу сўз уларнинг қалбларига ўрнашиб қоладиган ғам-алам ва ҳасратни зиёда қилади. Аллоҳ тирилтиради ва ўлдиради. Аллоҳ сизлар қилаётган барча ишларни кўриб турувчидир” (Оли Имрон, 156).

Шарҳ:

Мўминлар Аллоҳга ва қиёмат кунига бўлган иймонлари, тақволари, буйруқларини бажариш ва қайтарган нарсаларидан қайтишлари билан Аллоҳга дўстдирлар. Аллоҳ мўминларга раҳматини ёғдириб, иззат-икром кўрсатган. Шу сабаб уларга Ўзининг ва мўминларнинг душмани бўлмиш кофир, мушрик ва мунофиқларга тақлид қилиб, уларга ўзларини ўхшатишларига рози бўлмайди. Шунинг учун “Эй иймон келтирганлар” деб, иймон номи билан уларга нидо қилиб, уларни кофир ва мунофиқ кимсаларга ўзларини ўхшатишдан қайтарди.

“**Кофир кимсаларга ўхшаманг**”. Куфр энг қабиҳ ва энг ёмон гуноҳдир, сизлар куфр ва нифоқда улар каби бўлманг. Куфр ва нифоқдан келиб чиқадиган зулм, фасод, разолат, қабоҳат ва ахлоқсизликларда ҳам уларга ўхшаманг. Кофирлар ўзларининг куфр ва нифоқдаги сафдошларига айтган сўзлари ҳам шу ахлоқсизлик жумласидан бўлиб, сафдошлари тижорат ё бошқа бир сабаб билан сафарга чиқса, сафарда уларга хавф-хатар, очлик ё касаллик етиб ҳалок бўлса ё худ жиҳод майдонида қатл қилинса, – ҳолбуки улар зоҳирда муслмонликни даъво қилсалар-да ботинда кофир эдилар, чунки нифоқ бу дилдаги куфрни яшириб ташида иймонни изҳор қилишдир, – улар ўзларининг хос ўтиришларида бир-бирларига: “Агар фалончилар биз билан бирга қолганида, ғазотга чиқмай жим ўтирганида, ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлишар эди”, дейдилар. Бу сўз уларнинг қалбига Аллоҳнинг суннатига кўра ҳасрат-надомат ва ғам-аламни келтиради. Аллоҳ таоло деди: “**Бу сўз уларнинг қалбларига ўрнашиб қоладиган ғам-алам ва ҳасратни зиёда қилади**”, Аллоҳнинг ўзгармас суннатига кўра шундай бўлади.

Аллоҳ мўмин бандаларини ҳаёт тарзида, хулқ-атворда, зоҳиру ботинда, ҳатто ички кечинмаларида ҳам кофир ва мунофиқлар ҳолига ўзни ўхшатишдан қайтарди. “Биз билан бирга бўлганларида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлишар

эди”, деган сўзлари ҳам шу жумладан бўлиб, бундан қалблари сиқилади, яхши кўрганини йўқотиш сабабидан ғам-алам юракларини эзади.

Аллоҳ таоло Ўзига ва қиёмат кунига иймон келтирган, Аллоҳ ва Расулига итоатда бўлган солиҳ бандаларига озор етишини, уларни ғам-ташвишга соладиган сўзларни суймайди. Шунинг учун ҳам кофирлар айтгандек сўзларни айтиш билан бўлса-да кофирларга ўхшашдан мўминларни қайтарди: **“Эй иймон келтирганлар, ўзлари каби кофир биродарлари тирикчилик билан сафар қилиб, ёки ғазотга чиқиб, ўлса ё ўлдирилса, улар ҳақида: "Агар биз билан бирга қолганларида эди, ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлишар эди" деб айтадиган кофир кимсаларга ўхшаманг”**. Сўнг уларга эслатма бўлсин учун: **“тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Аллоҳ”**, деб, ҳаётда яшатиш ёки вафот топтириш Аллоҳнинг қўлида эканини, мўминлар буни яхши англаши лозимлигини уқтирди. Аллоҳ истаса, сафардаги мусофирни ёки урушдаги жангчини тирик қолдириб, ўз уйида, оиласи ичида ўтирган муқимни ёки жангга чиқмай қолиб кетган кишини вафот топтиради. Холид ибн Валид разияллоҳу анҳу айтган эди: **“Танамда қилич ёки найза жароҳатламаган ер қолмаган, аммо туяга ўхшаб, тўшагимда ўляпман. Қўрқоқларнинг кўзи ухламасин!”**.

Ишлар Аллоҳнинг қўлида, У ҳар нарсага қодир зот. Шунга кўра, кофирларнинг: **“Биз билан бирга бўлганларида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлишар эди”**, деган сўзларида ҳеч бир маъно йўқ. Бу билан Аллоҳ уларнинг қалбларига ўрнашиб қоладиган ғам-алам ва ҳасратни зиёда қилади, холос.

Шунинг учун мўминлар бундай ботил, юракни сиқадиган, дилни ғаш қиладиган сўзларни айтишдан ҳазир бўлсинлар.

Яна кофирларга ўхшаб қолишдан, ўзларини уларга ўхшатишдан сақлансинлар. Бу ўхшатиш мўмин билан кофир орасини ажратиб турадиган эътиқод, сўз ва амалда бўладими, ички ва ташқи сифатларда бўладими, кийим-кечак, хулқ-атвордами, ҳатто фикрлаш ва истак-хоҳишда бўладими, баробар, уларга ўхшамаслик, ўзини ўхшатмаслик керак.

Аллоҳ таоло мўминларга қилган бу нидони: **“Аллоҳ сизлар қилаётган барча ишларни кўриб турувчидир”**, деб яқунлаши уларни кофирларга ўхшашдан қайтарганини таъкидлаш учундир. Яъни, Аллоҳ таоло сизнинг – эй мўминлар – зоҳиру ботин барча амалларингизни кўриб турибди. Буни асло унутманг, зоҳирда ҳам, ботинда ҳам ўзингизни кофирларга ўхшатманг. Бунда катта зарар бор, оқибати ёмон бўлади. Ҳазир бўлинг, акс ҳолда бошқаларга тушганидек сизга ҳам Аллоҳнинг азоби тушиб қолиши мумкин. Бу Аллоҳнинг ўзгармас қонунидир.

Шу ўринда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Ким ўзини бир қавмга ўхшатса, у ўшалардандир”**, деган сўзларини эслайлик. Дарҳақиқат, ўзини солиҳ кишиларга ўхшатган, ўшаларга ўхшашга ҳаракат қилган киши

солиҳдир. Ўзини бузуқларга ўхшатган кимса эса бузуқдир. Аллоҳнинг қонунияти шуки, ким бир нарсага рағбат қилса, астойдил уни қидирса топади, унга эришади. Бошқа бир инсонга ўзини ўхшатаётган киши ўша инсонга ўхшашга рағбати бўлгани учун шу ишни қилади, ўшандай бўлади ҳам: “Ким бир қавмга ўзини ўхшатса, у ўшалардандир”, вассалом.

Ва ниҳоят, эътиқод, сўз, амал ва фаҳмда ва ҳатто иштиёқда ҳам кофирларга ўхшашдан қайтариб келган бу илоҳий нидони ўқиган биродарим, ҳушёр бўлинг! Ўзингизни кофирларга ўхшатиш кўчасига кирманг, кофирларга ўхшашга интилманг, бу нарса хаёлингизга ҳам келмасин. Аллоҳнинг азоби қаттиқдир. Аллоҳнинг: **“Аллоҳ сизлар қилаётган барча ишларни кўриб турувчидир”**, деган сўзини доим ёдда тутинг, ғофил қолманг!!!

Ўн саккизинчи нидо

Сабр қилиш, сабрда устун бўлиш, риботда туриш ва тақвога буйруқ

“Эй иймон келтирганлар, сабр қилинг ва сабрда душмандан устун бўлинг! Жиҳодда маҳкам туринг! Аллоҳдан қўрқинг, шояд нажот топгайсиз”
(Оли Имрон, 200).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ мўмин бандаларига нидо қилар экан, уларга иймон сифати ила нидо қилмоқда. Чунки мўминлар Аллоҳни Раб, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар ва Исломни дин деб иймон келтиришлари билан тирикдирлар. Тирик одам чақирилса эшитади, буюрилса итоат этади, қайтарилса тийилади, неъматга шукр, бало ва мусибатга сабр қилади. Кофир эса Аллоҳга, Пайғамбарга ва динга кофир бўлгани учун, буларнинг биронтасидан насибаси йўқдир.

Бу нидода Аллоҳ таоло мўминларни сабр қилиш, сабрда устун бўлиш, риботда туриш ва тақво қилишга буюрмоқда. Қуйида буларни алоҳида шарҳлаб ўтамыз:

1- Сабр:

Ёқтирмаган нарса, ёмон кўрган иш бошига тушганда нафсни жиловлашга сабр дейилади. Сабрнинг уч ўрни бор:

Биринчиси: Аллоҳ ва Расулига ҳамда мусулмонлар халифасига итоат этишдаги сабр.

Иккинчиси: Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган сўз, амал ва сифатларни тарк этишдаги сабр.

Учинчиси: Гуноҳга каффорат ё даражанинг юқори бўлиши учун Аллоҳ юборган бало-мусибатларга сабр. Мусибатга сабр деганда Аллоҳнинг иродасига рози ва таслим бўлиш англанади. Бунинг аломати жазавага тушмай, ғазабланмай, Аллоҳга кўп ҳамд айтишда кўринади.

2- Сабрда устун бўлиш:

Қуръонда “мусобара” лафзи билан келган калимани сабр қилувчи кофир қаршисида ундан ҳам сабрли бўлиш, сабрда кофирдан устун бўлиш деб таржима қилдик. Бундан кўринадикки, мусобара сабрдан кўра қийинроқ. Чунки у душман қаршисида, душман бўлганда ҳам сабрли душман қаршисида сабр билан туриш, демакдир. Бу икки тарафнинг қай бири сабрда собит тура олмаса енгилади, ҳалокатга юз тутаяди. Ғалаба ва ютуқ сабри кўпроқ бўлганига насиб этади. Вафр ибн Ҳориснинг мағлубият учун узр тилаб келтирган шеърий

мисралари сўзимизни қувватлайди: “Душманга бир қадаҳ узатдик, улар ҳам бир қадаҳ қайтарди бизга. Лекин душман биздан кўра ўлимга сабрли экан”.

3- Риботда туриш:

Рибот “Робата Юробиту Риботан ва Муробататан” феълининг ўзаги бўлиб, шариат истилоҳида жонни, уловни ва ҳарбий техникани мусулмон давлат чегара зоналарига ўрнатиш ва чегарани қўриқлаш маъносидадир. Душман билдирмай мусулмонлар юртига кириб олиши хавфи бўлган ерлар чегара зонаси ҳисобланади. Асосан бундай ерлар денгиз бўйлари, аҳоли яшамайдиган ерлар ва душман ҳудудига туташ ерлардир.

Риботда туриш фарзи кифоядир. Мусулмон давлат ҳудудларининг омонлигини сақлаб, душманни қўрқитиб турадиган бир гуруҳ кишилар бу ишни амалга оширса, бошқалардан соқит бўлади. Риботда туриш жиҳод кабидир. Риботда турувчи кишиларни мусулмонлар амири тайинлайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда “Анфол” сурасида бундай деган: **“Эй мусулмонлар, душманларингиз билан тўқнашиш учун имкон қадар қурол-яроғ билан жанг ҳозирлигини кўрингизки, бу билан сизларга қарши пайт пойлаб турган Аллоҳнинг душманлари ва ўз душманларингиз қалбига қўрқув соласиз”** (Анфол, 60).

Риботда туриш ўта фазилатли, ажр-савоби кўп амалдир. Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Бир кун Аллоҳ йўлида риботда туриш дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир” (Бухорий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда бундай деганлар: “Бир кеча ва кундуз риботда туриш бир ой кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз ўқиб чиқишдан яхшидир” (Муслим ривояти).

Риботда турган пайтда вафот этган кишининг қилиб юрган амали юраверади, **унга ризқи келиб туради** ва қабр фитнасидан омонда бўлади.

Бугунги кундаги исломий қўшинлар ўз қароргоҳида намозларини ўқисалар, буюрилган амрларни бажариш ва қайтарилган ишлардан узоқ бўлиш билан Аллоҳдан тақво қилсалар-да, сўнг Аллоҳ йўлида мусулмонлар диёрини ҳимоя қилишни ният этсалар, риботда турувчилар жумласидан бўладилар. Риботда туриш ва риботда турувчилар фазли ҳақида келган барча сўзлар уларга ҳам жорий бўлади.

4- Тақво:

Тақво – Аллоҳнинг азобидан қўрқиш деганидир. Бу қўрқув бандани хурсандлик ва хафалик, ёқимли ва ёқимсиз, енгил ва қийин дамларда ҳам буйруқларини бажариб, қайтарганларидан тийилиш билан Аллоҳ ва Расулига итоат этишга ундайди. Бу тақво ва иймон билан банда Аллоҳ таолонинг дўстлигини қозонади. Аллоҳга дўстлик мақомидан олий мақом ва матлаб

борми ўзи? Зеро Аллоҳнинг дўстларига дунёда ҳам, барзах оламида ҳам, охирада ҳам ҳеч қўрқув йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. Уларга икки дунёда ҳам хушxabарлар бўлгай.

Хурматли ўқувчи, тўрт буйруқни ўз ичига олган илоҳий нидони қисқача ўрганиб чиқдик. Унутманг, уларга амал қилганларга Аллоҳ таоло нажотни ваъда қилган. Нажот нима? Нажот дўзахдан қутулиб, жаннатга киришдир. Бу тўрт буйруқни бажариш билан киши гуноҳу маъсиятдан нафсини поклайди. Нафс покланса ва соф бўлса, нажотга эришишга ҳақли бўлади.

Аллоҳ таоло деди: **“Нафсини иймон ва тақво билан поклаган киши нажот топди ва уни фисқ-фужур билан кўмиб, хорлаган кимса зиёнкор бўлди”** (Шамс сураси, 9-10).

Бошқа оятда бундай деди: **“Ҳар бир жон ўлимни тотгай. Албатта сизлар амалларингизга ажру мукофотларни қиёмат кунини тўла-тўқис, камайтирилмаган ҳолда оласизлар. Парвардигори кимни иззат-икром қилиб, дўзахдан қутқарган ва жаннатга киритган бўлса, у энг олий матлабга эришибди. Дунё ҳаёти йўқ бўлиб кетувчи ҳузур-ҳаловатдир, сизлар у билан алданиб қолманглар”** (Оли Имрон, 185).

Огоҳ бўлинг, эй иймон келтирганлар! Буни асло унутманг, доим ёдда тутинг!!!

Ўн тўққизинчи нидо

Хотинларни мажбурий мерос қилиб олиш ва уларни олган маҳрларидан воз кечишлари учун ушлаб туриш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, хотинларни ўзлари истамаган ҳолда мерос қилиб олишингиз сизларга жоиз бўлмайди. Яна, берган маҳрингизнинг баъзисидан воз кечишлари учун зарар бериш мақсадида уларни ушлаб туришингиз ҳам жоиз бўлмайди. Фақатгина улар зино каби фаҳш ишни қилган бўлсалар, (шундагина берган нарсаларингизни қайтариб олгунингизча уларни ушлаб туришингиз мумкин). Хотинларингиз билан хушмуомалада ва тинч-тотув яшанг. (Мабодо хотинларингизни ёқтирмай қолган бўлсангиз, шунда ҳам сабр қилинг!) Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин” (Нисо, 19).

Шарҳ:

Бу оятнинг нозил бўлиши сабаби ҳақида Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан келтирган ҳадисда қуйидагилар айтилган: “Эри вафот этган хотинга эрнинг яқинлари эгалик қилар, хоҳлашса бирлари унга уйланар, хоҳлашса эрга берар ва хоҳлашмаса эрга бермай ушлаб туришар эди. Хуллас, хотиннинг яқинларидан кўра эрнинг яқинлари унга эгароқ эдилар. Шунда ушбу оят нозил бўлди: **“Эй иймон келтирганлар, хотинларни ўзлари истамаган ҳолда мерос қилиб олишингиз сизларга жоиз бўлмайди...”**”.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар”**, деди ва уларни жоҳилият даврида урф бўлган бир ишдан қайтарди. Бу иш шундан иборат эдики, агар бир киши вафот этиб хотини бева қолса, вафот этган кишининг катта ўғли отасининг ўз онасидан бошқа хотинини мажбуран мерос қилиб олар эди. Кейин хоҳласа ўзи унга уйланар, хоҳласа маҳрини олиб бошқа бировга турмушга бериб юборар ва хоҳласа отасидан олган маҳрини қайтариб бергунича ушлаб турар эди. Аллоҳ таоло бу жоҳилий зулм бўлган меросни ҳаром қилиб: **“хотинларни ўзлари истамаган ҳолда мерос қилиб олишингиз сизларга жоиз бўлмайди”**, деди. Шундан сўнг хотин кишининг эри вафот этса ва эрнинг фарзанди бўлса, хотин Аллоҳ белгилаган меросдан саккиздан бирини оладиган бўлди. Агар эрнинг фарзанди бўлмаса, у ҳолда хотин мероснинг тўртдан бирини олади ва тўрт ойу ўн кун бўлган идда муддатича эрнинг уйида қолади. Иддаси тугагач, хоҳлаган ерга кетиш ихтиёри ўзида бўлади.

Аллоҳ таоло хотинларни мажбуран мерос қилиб олишни ҳаром қилганидек, уларга зарар етказиш мақсадида ушлаб туришни, бошқа эрга тегишдан тўсиб туришни ҳам ҳаром қилди. Кенгроқ айтадиган бўлсак, эр хотинини бирон сабаб билан, масалан, хунуклиги, хулқи ёмонлиги ёки бошқа

сабаб билан ёқтирмай қолса, унинг ҳаётини танглаштиради, унга турли азиятлар беради, то хотини ундан қутулиш учун пул бермагунча уни ушлаб туради. Пул олгач, талоқ қилади. Аллоҳ деди: **“Аёлларингизни ёқтирмай қолган пайтингизда, уларга берган маҳрнинг баъзисидан воз кечишлари учун зарар бериш мақсадида уларни ушлаб туришингиз ҳам жоиз бўлмайди”**.

Агар хотин зино каби фаҳш ишни қилмаган бўлса ёки эрга такаббурлик қилиб итоат этишдан бош тортмаган бўлса, шундай бўлади. Аммо, шубҳага ўрин қолдирмайдиган очиқ зино қилса, ё эрига итоатсизлик қилса, ё эридан юз ўгирса, у ҳолда эр берган маҳрини қайтариб олгунича хотинини ушлаб туриши мумкин.

Сўнг Аллоҳ таоло мўмин бандаларини эр-хотинлик ҳаётини саодатли қиладиган ишга йўллаб: **“Хотинларингиз билан хушмуомалада ва тинч-тотув яшанг”**, деди. Яъни ҳар бир эркак аёли билан ўзаро ҳурмат-эҳтиром ва меҳр-муҳаббатда ҳаёт кечирсин, хотинига мудом яхшилик қилсин, бирон сўз ё ҳаракат билан унга ёмонлик қилмасин. Мабодо хотинини ёқтирмаса ҳам сабр қилсин, талоқ қилиб ажрашиб кетмасин, шоядки Аллоҳ бу оиланинг сақланиб қолишида кўп яхшиликларни тақдир қилар, отанинг кўзини қувонтирадиган ва умматга фойдаси тегадиган фарзандлар дунёга келар ёки эрнинг қалбидаги ёқтирмаслик кетиб, ўрнини муҳаббат эгаллар ва эр-хотин ўртасида меҳр пайдо бўлар. Аллоҳ таолонинг: **“Хотинларингиз билан хушмуомалада ва тинч-тотув яшанг. (Мабодо хотинларингизни ёқтирмай қолган бўлсангиз, шунда ҳам сабр қилинг!) Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин”** деган сўздан мурод мана шулардир. Буюк Аллоҳ рост айтди. Бандаларини уларнинг ҳаётини гўзал қиладиган ишларга йўллаган Парвардигори оламга ҳамду санолар бўлсин.

Бу Раббоний кўрсатма нурига Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари қўшимча нур бўлади: “Мўмин эр мўмина хотинидан нафрат қилмасин. Агар унинг бир хулқини ёқтирмаса, бошқа бир хулқидан рози бўлади” (Муслим ривояти). Яъни, эр хотинидан буткул ғазабланиши жоиз бўлмайди, чунки хотинининг айрим феълидан ғазабланса, унинг бошқа яхши одатларидан рози бўлиб кетавериши керак.

Азиз ўқувчи, бу оятда келган илоҳий йўл-йўриқларни ёдда тутинг! Улар қуйидагилар:

- 1- Жоҳилият қонуни бўлган хотинларни мажбуран мерос қилиб олишнинг бекор қилиниши. Юқорида ўтдики, жоҳилият даврида эр вафот этса, унинг катта ўғли хотинга (яъни ўғай онага) эгалик қилар, хоҳласа унга уйланар, хоҳласа эрга берар ва маҳрини олар, хоҳласа ушлаб турар, отаси берган маҳрни қайтариб олгач талоқ қилиб юборар эди. Бу жоҳилий одат нақадар жирканч эди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинким, Ислому неъматини ила бу жоҳилий жавр-зулму ва бузуклик бўлган қонунни

бекор қилди. Ўрнига мўмин бандалари учун илоҳий раҳмат бўлган қонунларни жорий этди.

- 2- Олган маҳрини ёки ундан ҳам кўпроғини қайтариши эвазига ўзини озод этиши учун хотинни зулм билан ушлаб туриш ва шу билан унга зулм қилиш ҳаромлиги. Бу иш айна зулм, тажовуз, қалбнинг бузуқлиги, ахлоқсизлик кўринишидир.
- 3- Хотин эрини ёқтирмагани, унга итоатсизлик қилгани, у билан иноқ ва тинч-тотув яшамагани ёки ахлоқсизлик ва бузуқлик қилгани учун эр хотиндан эваз олиб талоқ қилишига рухсат берилгани. Буни “хулуъ” дейилади. Хулуъ келишилган маблағ эвазига хотинни талоқ қилиш бўлиб, бу маблағ хотиннинг олган маҳридан кўра кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

4- **“Шояд сиз ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин”** оятидаги “шояд” калимаси араб тилида умид боғлаш маъносидадир. Умид қилинган нарса бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо бу сўзни оламлар Рабби Аллоҳ айтган бўлса, бу Аллоҳ таолонинг илми, қудрати, ҳикмат ва марҳамати тақозосига кўра, умид қилинган нарса албатта бўлиши ва ҳатто кечикмаслигини ифода қилади. Шунинг учун Аллоҳнинг: **“Шояд сиз ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин”** деган сўзларини тўғри англаган мўмин банда Парвардигори унга вожиб қилган ишни маҳкам ушлаб, гарчи ёқтирмаса-да хотинига сабр қилишга ўтади ва кўп ўтмай бу ёқтирмаслик ўрнини розилик, муҳаббат ва кўп яхшиликлар эгаллаганига ўзи гувоҳ бўлади.

Йигирманчи нидо Мўминлар молини ноҳақ ейиш ва ноҳақ одам ўлдириш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, бир-бирингизнинг молингизни ноҳақ еманг. Фақат ҳалол йўл билан, ўзаро розилик асосида бўлса, шундагина ейишингиз мумкин. Бир-бирингизни ўлдирманг. Албатта Аллоҳ таоло сизларга раҳмли Зотдир” (Нисо, 29).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло нима учун иймон келтирган бандаларига нидо қилгани ёдингиздами? Аллоҳ нидо қилган мўминлар Раббимиз Аллоҳ, динимиз Ислому ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам деб иймон келтирганлари боис зиммаларига буйруқ ва қайтариқлар юкланишига лойиқ бўлдилар. Иймонлари билан бажариш лозим бўлган ишни бажарадилар, тарк этиш шарт бўлган ишни ташлайдилар. Чунки улар иймонлари билан тирикдирлар, эшитадилар, буюрилса бажариб, қайтарилса қайтадилар.

Навбатдаги бу нидода ҳам Аллоҳ таоло уларга иймон сифатлари билан нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар”**, деди, сўнг уларни бир-бирларининг молларини ноҳақ ейишдан қайтарди. Фақат мерос олиш, тижорат ва касб-ҳунар қилиш, садақа ёки вожиб нафақа каби ҳалол йўллар билан ейишга амр этди. Садақадан унга ҳақли бўлган фақир ва мискинлар, вожиб нафақадан эса ота-она, хотин ва фарзандлар ейиши кўзда тутилган. Аллоҳнинг: **“Эй иймон келтирганлар, бир-бирингизнинг молингизни ноҳақ еманг”** сўзидан англанадиган маъно шудир. Кўпинча молни ишлатиш уни ейиш орқали амалга ошгани боис “ейиш” сўзи келтирилган. Йўқса, ҳар қандай ноҳақ олинган мол, у ейиш билан бўладими, ичиш биланми ё қуриш, миниш, кийиш, жиҳозлаш биланми, фарқсиз, ноҳақ йўл билан бўлса, ҳаромдир.

Фақат тижорат моли бундан мустасно: **“Фақат ҳалол йўл билан, ўзаро розилик асосида тижорат орқали бўлса, шундагина мумкин”**.

Тижоратчи эгасини рози қилиб ўн дирҳамга сотиб олган қўйни йигирма дирҳамга сотиши мумкин ёки юз мингга сотиб олган уйни юз эллик мингга сотиши мумкин. Бу киши биродарининг молини ноҳақ еди, деб ҳеч ким айтмайди. Чунки у қўйни ўн дирҳамга олиб, йигирма дирҳамга сотди ва ўн дирҳам фойда қилди. Аллоҳ тижоратни ҳалол қилди. Тижорат орқали топилган фойда ҳалолдир: **“Фақат ҳалол йўл билан, ўзаро розилик асосида тижорат орқали бўлса, шундагина мумкин”**. Агар қўйни эгасини рози қилмай олиб сотганида, ўн дирҳам эмас, озгина фойда қилса ҳам ҳалол бўлмас эди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Сотувчи ва олувчи олди-сотди қилган ердан тарқалмай турганларида ихтиёрли бўладилар”** (Бухорий, 2004). Яъни молни қайтаришга ихтиёрли бўладилар, олди-сотди амалга оширилган ердан тарқалишгач савдо пишган бўлади ва молни сотиб олган муштарий уни сотиб юборишга ҳақли бўлади. Юқоридаги оятга кўра, ўн

дирҳамга сотиб олган молни йигирма дирҳамга сотиш бировга зарар етказиш ё ноҳақ ейиш саналмайди, муҳими савдо алдам-қалдамсиз, ўзаро розилик билан амалга ошган бўлса бас.

Тижоратдан топилган фойдада сотувчи билан харидорнинг ўзаро розилиги шарт қилинган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “Олди-сотди ўзаро розилик асосида бўлади” (Ибн Можа, 2185). Ўзаро розилик бўлмас экан, савдо ботил бўлади. Эгасининг розилигисиз топилган фойда ҳаромдир. Бундай савдо қилган киши розиликсиз олинган молни эгасига қайтариши лозим.

Мусулмонлар молини ботил йўллар билан ейиш бир неча хил бўлиб, қуйида уларни баён қиламиз:

- 1- Бировнинг молини ўғирлаб олиш ҳаромдир. Аллоҳ ўғрилиқни ҳаром қилган, ўғрининг эса қўлини кесишга ҳукм этган.
- 2- Судхўрлик. Биродарига қарз берган киши берган маблағидан бир дирҳам бўлса-да ортиғини олиши ҳалол бўлмайди.
- 3- Алдов йўли билан. Масалан: бузуқ, айниган молни билдирмай, айбини яшириб ёки қалбаки нарсани асил деб сотиш. Бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинадаги бозорга кирдилар. Қопда егулик бир нарса сотаётган кишининг олдига келиб, қоп ичига қўлларини тиқиб кўриб, намликни сездилар. Қопнинг устидагиси қуруқ, таги ҳўл экан. Шунда сотувчини койиб: “Молингни сотиб олувчи билиши учун, қопнинг тагидаги ҳўлини қоп устига чиқариб қўйсанг бўлмасмиди?! Билиб қўй, ким бизни алдаса, у биздан эмас. Макр ва алдов дўзахдадир” дедилар (Муслим, 146).
- 4- Қимор. Қимор ўйнаб ё қимор ҳукмида бўлган ўйинлар орқали топилган мол ноҳақ олингани учун ҳаромдир.
- 5- Заклад. Заклад ёки закат – харидор олмоқчи бўлган мол учун пулнинг бир қисмини олдиндан бериб қўяди ва молнинг эгасига: “Пулнинг ҳаммасини беролсам молни олиб кетаман, агар тўлай олмасам мол ҳам, заклад ҳам сизга”, деб айтади. Заклад деб олинган пулни ейиш, ноҳақ бўлгани учун, ҳаромдир.

Аллоҳ таолонинг бу нидодаги **“Бир-бирингизни ўлдирманг”**, деган сўзи каттами кичикми, соғломми касалми, мўмин кишини ўлдириш қатъиян ҳаром эканига далилдир. Бундан ташқари, мўмин киши қандай йўл билан бўлмасин, бутунлай емай-ичмай қўйиш биланми, заҳар ичиш, ўзини қудуққа отиш, баланд бино ё тоғдан ташлаш билан бўладими, ўзини ўзи ўлдириши ҳам ҳаромдир. Бу ва бошқа оятларда келганига кўра, Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш ҳаромдир: **“Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ўлдирманглар! Магар ҳақ билан ўлдирсангиз мумкин”** (Анъом, 151).

Мўминлар молини ботил йўллар билан ейиш ва уларни ноҳақ ўлдириш ҳаром эканини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафа куни энг

буюк ўринда қилган узун ва таъсирли хутбаларида эълон қилиб: “Қонингиз, молингиз ва обрўларингиз (яъни уларни тўкиш) бу кун, бу шаҳар ва бу турган ойнинг ҳаромлиги каби ҳаромдир”, дедилар, сўнг: “Аллоҳ, Ўзинг гувоҳ бўл, мен етказдим”, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Эй мўминлар, унутманг, одам ўлдириш гуноҳидан ширк ва куфргина юқори бўлиб, бошқа бирон жиноят ундан юқори турмайди, ундан кейин зино қилиш гуноҳи туради, Аллоҳ сақласин.

Сўзим сўнгида шуни айтмоқчиман, кофир юртларда кенг тарқалган ўзини ўлдириш ҳолатлари, минг афсус, мусулмон диёрларида ҳам кўринмоқда. Шунинг учун Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу ҳақда келган қаттиқ вайдни (тахдидни) эслатиб ўтмоқчиман. Ота-онам у зотга фидо бўлсин, айтдилар: “Ким ўзини нима билан ўлдирса, қиёмат кунини шу билан азобланади” (Бухорий (5700), Муслим (110)).

“Ким ўзини тиғ билан ўлдирса, қўлидаги тиғни қорнига санчган ҳолида жаҳаннам ўтида абадий қолади. Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, қўлида заҳари билан, уни қийналиб ичган ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолади. Ким ўзини тоғдан ташлаб ўлдирса, жаҳаннам ўтида шу азоб (яъни, тоғдан думалаш) билан азобланган ҳолда абадий қолади” (Бухорий (5442), Муслим (109)).

Огоҳ бўлайлик, мусулмонлар молини ноҳақ ейишдан ва ўзини ўзи ўлдиришдан Аллоҳдан паноҳ тилайлик. Аллоҳ бизга меҳрибон ва раҳмлидир, ҳаром нарсаларни бизга шунинг учун ҳаром этган.

Йигирма биринчи нидо

**Маст ҳолда намоз ўқиш ва жунуб ҳолда масжидга кириш ҳаромлиги,
узрли ҳолатда таяммум қилиш жоизлиги**

“Эй иймон келтирганлар, токи айтаётган гапингизни фарқлайдиган бўлмагунингизча маст ҳолингизда намозга яқинлашманг! Жунуб ҳолингизда ҳам, то ғусл қилиб покланмагунча намозга ва масжидларга яқинлашманг! Фақат, масжид ичидан ўтиб кетиш бундан мустаснодир. Агар касал ёки сафарда бўлсангиз, ё сизлардан бирингиз ҳожатхонадан чиққан бўлса, ё хотинларингиз билан яқинлик қилган бўлсангиз-у сув топа олмасангиз, у ҳолда тоза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга суртинг. Албатта, Аллоҳ афв этувчи ва мағфиратли Зотдир” (Нисо, 43).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо ҳар бир мусулмон билиши шарт бўлган бир неча ҳукмни ўз ичига олган.

Қуйида уларнинг ҳар бирини алоҳида баён қиламиз. Сиз аввал бу нидони ёдлаб олинг, сўнг ундаги фикҳий масалаларни ўрганинг, амал қилинг ва бошқаларга ҳам етказинг, шунда осмонда улўф зотлар мақомига мушарраф бўласиз. Имом Молик “Муваатто”да келтирган ривоятда: “Ким ўрганса, ўрганганига амал қилса ва уни бошқаларга ўргатса, осмонда улўф зотлар сафидан ўрин олади”, дейилган.

1) Маст ҳолда намоз ўқиш ҳаромлиги;

Бу ҳукм “Моида” сурасидаги маст қилувчи ичимлик ҳаром қилинган оят билан мансوخ бўлган, яъни ҳукми бекор қилинган. Энди ҳар қандай ҳолатда ҳам маст қилувчи ичимлик ичиш мумкин эмас. Масалан, бир фосиқ одам маст қилувчи ичимлик ичгани фараз қилинса, модомики маст ҳолда экан, намозга туриши мумкин эмас. Чунки унинг таҳорати бекор, ўқиган намози дуруст бўлмайди.

2) Жунуб, яъни ғусл вожиб бўлган ҳолатда, шунингдек аёллар ҳайз ва нифос ҳолида намоз ўқиши ҳаромлиги;

Ғусл вожиб бўлган киши ҳамда ҳайз ва нифоси тугаган аёл тўлиқ ғусл ёки таяммум қилганидан сўнг намозга туради. Шунингдек, бундай (жунуб, ҳайз ва нифос) ҳолатида бўлганлар масжидга кириши ҳам ҳаром, фақат масжид ичидан ўтиб кетаётган, масжидда ўтирмай унинг бир эшигидан кириб, бошқа эшигидан чиқиб кетаётган киши бундан мустаснодир.

Юқорида ўтган икки ҳукмга Аллоҳ таолонинг: **“Эй иймон келтирганлар, токи айтаётган гапингизни фарқлай билмагунингизча маст ҳолингизда намозга яқинлашманг! Жунуб ҳолингизда ҳам, то ғул қилиб покланмагунча намозга ва масжидларга яқинлашманг! Фақат, масжид ичидан ўтиб кетиш бундан мустаснодир”**, сўзи далолат қилади.

3) Касал ё мусофир одам, катта-кичик нажосат ё ел чиқариш сабаб таҳорати синган, жимоъ ёки эҳтилом сабаб жунуб бўлган киши агар сув топа олмаса, таҳорат ва ғул ўрнига таяммум қилади ва шу билан намоз ўқийди, масжидга ҳам кираверади. Бунга Аллоҳ таолонинг: **“Агар касал ёки сафарда бўлсангиз, ё сизлардан бирингиз ҳожатхонадан чиққан бўлса, ё хотинларингиз билан яқинлик қилган бўлсангиз-у сув топа олмасангиз, у ҳолда тоза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга суртинг”**, сўзи далолат қилади.

4) Таяммум қандай қилинади?

Таяммум қилувчи “бисмиллаҳ” деб, икки кафтини тоза тупроққа, тупроқ топа олмаса, сунъий бўлмаган табиий тошга уради ва юзига суртади, сўнг яна бир бор икки кафтини тупроққа уриб, икки қўлига суртади. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо қўлнинг тирсагигача суртар эди, бу ҳам жоиз. Аллоҳ таолонинг: **“Сув топа олмасангиз, у ҳолда тоза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга суртинг”** сўзи таяммум қандай қилинишини кўрсатади.

“Албатта, Аллоҳ афв этувчи ва мағфиратли Зотдир” сўзи билан оятнинг ниҳояланиши Аллоҳнинг мўмин бандаларига нақадар меҳрибон, раҳмли, гуноҳкор бандаларини афв этувчи, кечиримли Зот эканининг изҳоридир. Зеро бу оят ароқ ҳаром қилинишидан олдин, ичиб, маст ҳолда намоз ўқиган намозхонлар ҳақида, уларга жазо бўлиб эмас, раҳмат бўлиб нозил бўлган. Аллоҳ уларнинг қасдсиз қилган бу гуноҳларини кечириб, афв этди. Шу муносабат билан ғул қилиш кўриниши ҳақида ҳам айтиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Жунуб киши “бисмиллаҳ” деб, жанобатни, яъни катта таҳоратсизликни кетказиш учун ғулни ният қилган ҳолда кафтига сув қуяди ва олди-орқа авратларини ювади. Сўнг намозга таҳорат олгани каби таҳорат қилади: қўлини уч марта ювади, оғзини уч бор чайқайди, уч марта бурнига сув тортиб қоқади, сўнг уч марта юзини, уч марта олдин ўнг, кейин чап қўлини тирсаги билан қўшиб ювади. Сўнг бошига ва қулоғига бир марта масҳ тартади, сўнг аввал ўнг, кейин чап оёғини тўпиғи билан қўшиб уч бор ювади. Мана шу таҳоратдир, яхши билиб олинг.

Сўнг сочларини таҳлил қилади, яъни бармоқлари билан тарайди ва бошининг ҳаммасини уч бор ювади, шунда қулоқларининг ич-ташини ҳам ювади, сўнг бошининг ўнг тарафидан то ўнг оёғининг қадамигача ювади, сўнг чап тарафини ҳам айна шаклда ювади. Ювганда ҳам баданининг бирон ерини қолдирмай сув етказилади.

Шу билан таҳорат ва ғусл қандай қилинишини билиб олдингиз.

Энди жунубнинг маъноси нима экани ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтсак.

Эр-хотин жинсий яқинлик қилса ёки эҳтилом бўлиб маний чиқса, киши жунуб-нопок деб эътибор қилинади ва ғусл вожиб бўлади.

Хожатхонадан чиқса дегандан катта ва кичик нажосат чиқариш англанади, бунда ғусл вожиб бўлмайди, таҳорат қилса етарлидир.

Хотинларингиз билан яқинлик қилган бўлсангиз дегандан мурод жинсий алоқа қилишдир.

Таҳоратни вожиб қиладиган ишларга келсак: икки авратдан чиқадиган сийдик, ахлат, ел каби нарсалар ҳамда аёлни шаҳват билан ушлаш, жинсий аъзони ушлаш, ухлаш – буларнинг бари таҳоратни синдиради ва булардан кейин таҳорат қилиш вожиб бўлади.

Ким сув топа олмай ёки касаллик сабабли таяммум қиладиган бўлса, ҳар намозга алоҳида таяммум қилади, шу қилган таяммум билан фарз намозидан олдинги ва кейинги суннат ҳамда нафл намозларни ўқийверади. Буларни яхши билиб олинг, Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин!

Йигирма иккинчи нидо
Аллоҳ ва Расулига ҳамда муслмон раҳбарга итоат қилиш ва
келишмовчиликда ҳукми Китобу суннатга қайтариш вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат қилинг ва Пайғамбарга ҳамда муслмон раҳбарларингизга бўйсунинг! Ораларингизда келишмовчилик чиқса, агар Аллоҳга ва қиёмат кунига чин иймон келтирган бўлсангиз, китоб ва суннатга қайтаринг. Бу сизлар учун яхшироқ ҳамда оқибати гўзалроқдир” (Нисо, 59).

Шарҳ:

Эй иймон аҳли, Аллоҳ таоло шунча махлуқотлари орасида айнан сизга нидо қилаётганини доим ёдда тутинг, демак сиз шунга муносибсиз. Бу лойиқлик чиройли бўлганингиз ёки бойлигингиз учун эмас албатта, йўқса махлуқотлар ичида сиздан чиройли, сиздан бойлар тўлиб ётибди. Сизнинг бундай мақомга муносиб топилганингиз сабаби иймонингиздир. Аллоҳни Раб, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар, Иломни дин ва шариат ўлароқ тан олганингиз ва бошқа арконларга: фаришталар, китоблар, пайғамбарлар, қиёмат кунига ва тақдирнинг яхши ва ёмонига иймон келтирганингиздир.

Бу нидода Аллоҳ таоло мўмин бандаларини дунё ва охираат саодатига чамбарчас боғлиқ бўлган икки буюк ишга амр этмоқда.

Биринчиси: Аллоҳ ва Расулига итоат қилиш ҳамда муслмонларнинг раҳбарлари бўлмиш амир ва уламоларга итоат этиш.

Иккинчиси: Келишмовчилик ва тортишувли ишларни Аллоҳнинг китоби Қуръонга ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига (ҳадисларига) қайтариш.

Қуйида Аллоҳ буюрган бу икки иш билан эришиладиган бахт-саодатнинг баъзи жиҳатлари ҳақида сўз юритамиз:

1) Аллоҳ азза ва жаллага итоат қилиш.

Аллоҳга итоат қилиш У буюрган ишларни бажариш ва қайтарган ишлардан тийилиш билан амалга ошади. Буюрган ишлари фарз бўладими, вожибми, суннат, нафл ё иршодми, фарқ этмайди. Шунингдек, қайтарган нарсалари ҳаром бўладими, макруҳми, бунинг ҳам фарқи йўқ. Чунки Аллоҳ нимага буюрган ва нимадан қайтарган бўлса, фақат банданинг ҳар икки дунёдаги камоли ва бахт-саодати учун буюради, бахтсизлик ва зиён-заҳматдан узоқ бўлсин деб қайтаради. Муҳтож бўлгани учун эмас, балки бандаларига тарбиятчи ва дўст бўлганидан уларни камолот ва саодатга эриштирадиган ишларга буюрган, бахтсизлик ва ҳасрат-надоматга олиб борувчи ишлардан қайтарган.

Бундан Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларини ўқиб-ўрганиш энг зарур иш ва фарз экани маълум бўлади. Уларни билмаган киши Аллоҳга керак

бўлганидек итоат қилолмайди. Тоат-ибодатсиз банда икки дунёда ҳам зиёнда қолиши муқаррар. Буни аввало ўзимиз яхши билиб олайлик ва бошқа мўминларни ҳам огоҳ этайлик.

2) Аллоҳнинг элчиси Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга итоат қилиш.

Расулulloҳга итоат ҳам Аллоҳга итоат каби, у зотнинг буйруқ ва қайтариқларини билиш билан рўёбга чиқади ва уларнинг вожиб ё нафл, ҳаром ё макруҳлигида фарқ этмайди. Гарчи Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг буйруқ ва қайтариқлари зимнида илоҳий ваҳий турган бўлса-да, яъни пайғамбарнинг буюргани ва қайтаргани Аллоҳнинг буйруғи ва қайтариғи саналса-да, Аллоҳ таоло расулига итоатни Ўзига итоатдан алоҳида қилиб амр этди, **“Аллоҳга итоат қилинг ва Пайғамбарга итоат қилинг”** деб, итоатни такрор келтирди. Сабаби, Аллоҳ таоло уммат шариат аҳкомлари ва Қуръон кўрсатмаларини Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг баёнларисиз идрок этишдан ожиз эканини билди: **“Эй Пайғамбар, Биз сизга Қуръонни одамлар учун номаълум бўлган маъно ва ҳукмларини баён қилиб беришингиз учун нозил қилдик”** (Наҳл, 44). Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Ким менга итоат этса, Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга осий бўлса, Аллоҳга осий бўлибди”** (Бухорий; (2957), Муслим; (1835).

Шунга кўра, ҳар бир мўмин ва мўмина Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга у зот буюрган ва қайтарган ишларда, хоҳ вожиб, хоҳ ҳаром қилинган ишлар бўлсин, баб-баробар итоат қилиши фарз бўлади. Шунингдек, у зот умматга буюрган ва қайтарган ишларни ўрганиш ва билиш ҳам фарздир. Буларни билмасдан туриб мусулмон киши пайғамбарга итоат этиши амри маҳолдир.

3) Мўминлар устидаги мусулмон раҳбарларга итоат қилиш.

Аллоҳ таоло ушбу нидода мусулмон раҳбарларга итоат қилишни амр этиб: **“Мусулмон раҳбарларингизга бўйсунинг”**, деди ва итоатни ҳамма раҳбарларга эмас, фақат мусулмон раҳбарга чеклаб қўйди. Мусулмон бўлмаган раҳбарларга итоат қилинмайди. Фақат ўлим хавфи бўлган мажбурланиш ёки чидаб бўлмас қаттиқ азобга дучор бўлиш ҳолатида бунга руҳсат берилади. Бунга мана бу оят далил бўлади: **“Аммо ким қалби иймонда собит бўлган ҳолда куфр сўзини айтишга мажбур қилинса ва бу сўзни ҳалокатдан қўрққани учунгина айтган бўлса, унга маломат йўқдир”** (Наҳл, 106).

Мусулмон раҳбар маъноси ичига амирлар, уламолар, ота-она ва солиҳ мураббийлар ҳам дохилдир. Бироқ уларга бўлган итоат мутлақ эмас, чекланган бўлиб, шариат яхши деган ишлардагина итоат қилинади, ёмонликка ва ҳаром ишга буюрса, ким бўлишидан қатъи назар итоат

этилмайди. Аллоҳ таоло Расулига хитоб қилиб деди: **“Яхши ишларда сизга итоатсизлик қилмасликка...”** (Мумтаҳана, 12). Яъни мўмина аёллар яхши ишларда сизга итоатсизлик қилмасинлар, балки итоат қилиш улар зиммасидаги фарздир. Аммо, буюрганингиз яхши иш бўлмаса, унда сизга итоат қилишлари вожиб эмас. Бу гап қуръоний ҳидоят бобидан айтилди, йўқса Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам яхшилиқдан бошқа нарсага асло буюрмайдилар, Аллоҳ сақласин.

Демак, мусулмон раҳбарга итоат шариат буюрган ёки қайтарган ишлардагина вожиб бўлади. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари ҳам бунга таъкидлайди: **“Ким менга итоат этса, Аллоҳга итоат қилибди. Ким менга осий бўлса, Аллоҳга осий бўлибди. Ким амирга итоат қилса, менга итоат этибди. Ким амирга осий бўлса, менга осий бўлибди”** (Бухорий; (2957), Муслим; (1835).

Ота-онага итоат этиш тўғрисида Аллоҳ таоло будай деган: **“(Гуноҳ бўлмайдиган ишларда) ота-онанга яхши муомалада бўлгин. Гуноҳидан тавба қилган, Менга қайтган кишиларнинг йўлини тутгин”** (Луқмон, 15).

Бу айтиб ўтилганлар биринчи буйруққа: Аллоҳга, Расулига ва мусулмон раҳбарларга итоат қилишга тааллуқли гаплар эди.

Энди иккинчи буйруққа келсак, у келишила олмай қолган ишларни Аллоҳнинг китоби ва Расулининг суннатига қайтаришдир. Бундай қилиш вожибдир, ким билиб туриб бош тортса фосиқ ва золим бўлади, ўзини кўфрга нишон қилган бўлади, Аллоҳ сақласин. Аллоҳ деди: **“Ораларингизда келишмовчилик чиқса”**, эй мўминлар, ҳоким бўласизми, маҳкумми, олим бўласизми, жоҳилми, нима масалада бўлса ҳам, ҳалол-ҳаром, вожиб, жоиз, мубоҳ ва бошқа қандай иш бўлмасин, Қуръон ва суннатга (оят ва ҳадисга) қайтаринг. Келишилмай қолган масалани текшириб, тадқиқ қила оладиган кишилар шариат олимлари, фуқаҳолар, китобу суннатни билувчи кишилардир, ҳоким бўлса-да жоҳил, илмсиз, китобу суннатни билмайдиган кишилар эмас. Аллоҳ таолонинг: **“Агар Аллоҳга ва қиёмат кунига чин иймон келтирган бўлсангиз”** сўзида келишмовчиликларда ҳукми китобу суннатга қайтармайдиганлар Аллоҳга ва қиёмат кунига ишонмайдиган кишилар бўлишига ишора бор. Ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирмаса, кофир бўлади.

Аллоҳ таоло нидонинг охирини: **“Бу сизлар учун яхшироқ ҳамда оқибати гўзалроқдир”**, деб якунлаши насиҳат ва йўл-йўриқ кўрсатишнинг энг мукаммал кўринишидир. Яъни ҳар қандай ишни китобу суннатга қайтариш дунёда ҳам, охиратда ҳам энг яхши ва гўзал ечимдир.

Йигирма учинчи нидо

Душмандан огоҳлик ва уруш ҳолатида ақл билан иш юритишга чақириқ

“Эй иймон келтирганлар, душмандан эҳтиёт чорангизни кўринг. Жангга гуруҳларга бўлиниб, бирин-кетин ёки ҳаммангиз жамланиб чиқинг” (Нисо, 71).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, билинги, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига саодат ва камолот, иззат ва шараф, ғолиблик ва ҳокимлик йўлини баён қилиш учун нидо қилади. Сабаби мўминлар Аллоҳнинг дўстлари, Аллоҳ эса уларнинг дўстидир. Шунинг учун нидодан кейин ё нажотга чорлайдиган ва бахт-саодатга йўллайдиган буйруқ, ё икки дунёда бахтсиз ва зиёнкор бўлиб қолишдан қайтариқ, ё эса мўминларни яхшиликларда бардавом бўлишга ва ёмонликлардан четланишга ундайдиган қўрқитувчи ва огоҳ этувчи хабарлар келади. Бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ, зеро дўст дўстининг нажотини, бахт-саодатини хоҳлайди. Тақводор мўминлар Аллоҳнинг дўстлари, Аллоҳ уларнинг дўстидир. Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ мўминларни дўст тутати. Уларни зулматлардан нурга чиқаради”** (Бақара, 257). Яъни Аллоҳ таоло мўминларнинг диллари покланиши учун, Парвардигорлари улардан рози бўлиб, орзуларига етказиши учун уларни ширк, куфр, нифоқ, гуноҳи кабиралар, уят сўзлар ва фаҳш ишлар зулматларидан чиқаради. Аллоҳ таоло деди: **“Билинглари, Аллоҳнинг дўстлари учун охиратда ҳеч қўрқув йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар”**. Улар кимлар? **“Улар Аллоҳга иймон келтирган ва тақво қилган кишилардир”**. Орзуларининг рўёбга чиқиши ҳақида: **“Улар учун дунёда уларни хурсанд қиладиган нарсалар башорати бор. Охиратда эса уларга жаннат башорати бор”**, деди (Юнус, 62).

Аллоҳ таоло бу нидода мўмин бандаларига нима учун нидо қилаётганини биласизми? Уларни душмандан огоҳ бўлиш, душманга қарши эҳтиёт чораларини кўришга амр этмоқда.

Мусулмонларнинг душмани ким? Инсу жиндан иборат кофирларнинг бари душмандир. Мўминларга ёмонлик тилайдиган, уларнинг ҳалокатини, зиён кўришини, хор ва ночор бўлишини истаган кимса душмандир. Кофир, золим кимсагина буни хоҳлайди.

Ўз навбатида мўминлар душман макридан шариатда кўрсатилган йўллар билан сақланмоғи лозим. Шайтонбачча душмандан сақланишнинг шаръий йўллари билан бири Аллоҳ таолодан шайтон шарридан паноҳ тилашдир. Аллоҳ деди: **“Агар шайтон сизнинг нафсингизга васваса солса, у ҳолда Аллоҳдан**

паноҳ сўранг. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир” (Фуссилат, 36). Бу биринчидан.

Иккинчидан: Шайтони лаин сизни чақирган ва сизга безаб кўрсатган ёмонликка жавоб берманг, ундан юз ўғиринг.

Учинчидан: Имкон борича таҳоратли юринг.

Тўртинчидан: Уйингизда Қуръон тиловат қилинг, нафл намозлар ўқинг.

Бешинчидан: Уйингизни суратлардан ва хоссатан кофир ва бузуқ кимсалар расмларидан ҳамда куй ва қўшиқлардан тозаланг.

Шулар билан шайтон ва унинг гумашталаридан сақланилади.

Энди, инсонлардан бўлган душмандан сақланиш сабабларини баён қиламиз:

- 1- Кофир душманга ҳеч қачон ва асло яхши гумонда бўлмаслик.
- 2- Имкон қадар ҳарбий тайёргарлик кўриш. Аллоҳ деди: **“Душманларингиз билан тўқнашиш учун имкон қадар қурол-яроғ билан жанг ҳозирлигини кўринг”** (Анфол, 60).
- 3- Ҳарбий қўмондонликни ҳам баданий, ҳам ҳарбий билим ва иймон қувватига эга кишиларга топшириш.
- 4- Тўлиқ ҳарбий маҳоратга эга ва ақл билан иш қиладиган, ишончли, ҳикматли ва илмли кишиларнинг бўлиши.
- 5- Тинчлик вақтида бўладими, уруш ҳолатидами, баб-баробар, жангга ҳозирлик кўриш: **“Душманларингиз билан тўқнашиш учун имкон қадар қурол-яроғ билан жанг ҳозирлигини кўринг”** (Анфол, 60). Буни қуролли тинчлик дейилади.
- 6- Бирлик, ҳамжиҳатлик, сафлар бирлигини сақлаш. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига кўра ихтилоф ҳаромдир: **“Ихтилоф қилманглар, акс ҳолда сўзларингиз бир-бирига тўғри келмайдиган, қалбларингиз фарқли бўлиб қолади”** (Анфол, 46).
- 7- Аллоҳга ва Расулига умумий суратда итоат қилиш. Тинчлик пайтида ҳам, уруш ҳолатида ҳам буйруқларни бажариб, қайтарган ишлардан четланиш. Чунки гуноҳлар Аллоҳнинг азоби келишига сабаб бўлади. Гуноҳ туфайли душманга мағлуб бўлиб қолиш мумкин, Аллоҳ сақласин.
- 8- Душман ҳужум қилганда қуйидаги ишларни қилиш лозим:

Биринчи: Собит туриш ва чекинмаслик.

Иккинчи: Қалб ва тил билан Аллоҳни зикр қилиш. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, кофир жамоага тўқнашган пайтингизда сабот билан туринг ва улардан чекинманг. Аллоҳни кўп зикр қилинг! Шояд нажот ва зафарга эришсангиз. Барча ҳолатингизда Аллоҳ ва Расулига итоатни лозим тутинг! Ихтилоф қилманг, акс ҳолда сўзларингиз бир-бирига тўғри келмайдиган, қалбларингиз фарқли бўлиб қолади. Ўзингиз заифлашиб, куч-**

қувватингиз ва ғалабангиз қўлингиздан кетиб қолади. Душман билан тўқнашган пайтда сабр-матонатли бўлинглар! Аллоҳ таоло сабр қилувчилар билан биргадир” (Анфол, 45-46).

Йигирма тўртинчи нидо

Ҳар бир ишни аниқ далил-ҳужжат билан қилиш ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ йўлида жиҳод учун чиқсангиз, қиладиган ишларингизни аниқ далил-ҳужжат асосида қилинг. Дунё матосини қўлга киритиш илинжида, мусулмонлик белгиси кўриниб турган ва сизга қарши урушмаётган кишидан иймонни рад қилиб: “сен мўмин эмассан” деманг. Аллоҳ таолонинг ҳузурида сизларни беҳожат қиладиган фазлу марҳаматлар бор. Илгари ўзингиз ҳам иймонингизни яшириб юрган эдингиз. Аллоҳ марҳамат кўрсатиб, сизларни иймон ва куч-қудрат ила азиз қилди. Бас, ишларингизни ҳужжат ва билим асосида қилинг. Шубҳасиз, Аллоҳ барча ишлариниздан хабардор Зотдир” (Нисо, 94).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилар экан, уларни икки дунёда саодатга эриштирадиган амалларга буюриб, бахтсиз бўлиб қолишларига сабаб бўладиган ишлардан қайтаради. Бунинг сабаби уларнинг иймонларидир. Аллоҳга, қиёмат куни Унга йўлиқишга ва У иймон келтиришга буюрган барча нарсаларга иймон келтиришгани ҳамда буйруқларини бажариш ва қайтариқларидан четланиш билан тақво қилишгани боис Аллоҳ уларни дўст тутди. Зеро шу ишларни бажариш билангина нафслар покланади. Аллоҳ тавба билан Унга қайтувчи ва ўзини пок тутувчи бандаларини яхши кўради.

Бандалар Аллоҳ қонун қилган шариатни чин дилдан рози бўлиб қабул қилишлари учун У уларнинг нафсларини поклайдиган ибодатларни жорий қилди. Аксинча, бандалар шариатни ёмон кўриб қолмаслиги учун уларнинг қалбини нопок бўлишидан сақлаш мақсадида айрим нарсаларни ҳаром қилди. Бу ҳаром нарсалар ақидага оид бўладими, ёки сўз ва амал бўладими, баб-баробар ҳаром қилиб, ундан қайтарди. Аллоҳнинг розилигига эриша олмаган нафсга жаннатга киришига ва Аллоҳнинг жамолига боқишига изн бермади. Бу ҳақиқатни англаб етиш учун ушбу оятларни ўқиб тааммул қилинг: **“Нафсини иймон ва тақво билан поклаган киши нажот топди. Нафсини гуноҳу маъсиятларга кўмиб қўйган кимса эса зиёнкор бўлди”** (Шамс, 9-10).

“Шак-шубҳасиз, яхшилар, яъни мўминлар жаннат неъматларидадир ва фисқ-фужур қилувчи фожир кимсалар дўзахдадир” (Инфитор, 13-14).

Яхшилар – Аллоҳ ва Расулига итоат этган кишилар, булар жаннати инсонлардир. Жаннатда бўлишларининг сабаби яхши эканлари. Яхшилик дегани итоат демакдир.

Фожирларга эса фисқ-фужурлари, яъни қалблари нопок бўлгани сабаб Аллоҳ ва Расулига қилган маъсиятлари учун дўзах ҳозирлаб қўйилган. Нопок, бузуқ қалбни Аллоҳ ёмон кўради, ғазаб қилади. Кимни Аллоҳ ёмон кўрса, унга яхшилар диёри жаннатга киришни ҳаром қилади ва уни азоб ва ҳалокат макони бўлмиш дўзахга киритади, Аллоҳ сақласин.

Буни яхши англаб етган кишига Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини англаш қийин бўлмайди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ йўлида жиҳод учун чиқсангиз”**, яъни кофир душман билан жанг қилиш талабида сафарга чиқсангиз: **“қиладиган ишларингизни аниқ далил-ҳужжат асосида қилинг”**, аниқлаб, билиб иш қилинг, шошилманг: **“мусулмонлик белгиси кўриниб турган ва сизга қарши урушмаётган кишидан иймонни рад қилиб”** яъни сизга салом берган ёки шаҳодат калимасини айтиб Исломга кирган кишига: **“Дунё матосини қўлга киритиш илинжида, “сен мўмин эмассан” деманг”**, шундай деб ундаги мол-дунё, қўй-эчкиларни ўлжа қилиб олиш умидида уни ўлдирасиз, бундай қилманг, гарчи ғаниматга бўлган истагингиз нечоғли кучли бўлса-да қайта бундай қилманг: **“Аллоҳ таолонинг ҳузурида сизларни беҳожат қиладиган фазлу марҳаматлар бор”**, бир ғаниматгина эмас, Аллоҳнинг ҳузурида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган неъматлар бор. Аллоҳни ғазаби эвазига эмас, балки Уни рози қилиб, бу неъматларни қўлга киритинг. Исломдан олдинги ҳолатингизни бир эсланг. Ўзингиз ҳам мана шу сиз ўлдирган киши каби эдингиз, шаҳодат калимасидан бошқа ҳеч нарсага эга эмасдингиз: **“Илгари ўзингиз ҳам иймонингизни яшириб юрган эдингиз. Аллоҳ марҳамат кўрсатиб, сизларни иймон ва куч-қудрат ила азиз қилди”** яъни Исломга ҳидоят қилиш, унинг қонун-қоидалари ва шариат аҳкомларини билиш неъматини сизга ато этди. Шундай экан: **“аниқ далил-ҳужжат билан иш қилинг”**, шундай ўринга тушиб қолсангиз, сўзингизу ишингизда Аллоҳдан кўрқиб иш қилинг, ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳнинг тоатидан чиқманг: **“Шубҳасиз, Аллоҳ барча ишлариниздан хабардор Зотдир”**.

Бу оят муайян бир ҳодиса сабабли нозил қилинган бўлиб, қуйида бу қиссани сиз ўқувчиларга баён қиламиз. Ўтганлар ибрат олганидек, сиз ҳам бундан ибрат олинг, хулоса чиқаринг. Ҳар бир эшитган ва кўрган хабарингизни аниқланг, бирдан ҳукм қилиб юборманг, шунда ҳалокат ёқасига олиб келувчи хатолардан холи бўласиз.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳудан имом Бухорий мухтасар қилиб, имом Баззор узун ҳадис келтиришган: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам орасида Миқдод ибн Асвад бўлган кичик бир қўшинни душманга қарши юбордилар. Улар душман бўлган ерга етиб боришганида, душман тарқалиб кетган, фақат кўпгина мол-дунёси бўлган бир киши кетмай қолган эди. У саҳобаларни кўрганида: “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ”, деб гувоҳлик бераман, деди. Шунда Миқдод ибн Асвад бир ҳамла қилиб уни

Ўлдирди. Саҳобалардан бири: “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ”, деб гувоҳлик берган кишини ўлдирасанми? Аллоҳ қасамки, буни албатта Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтаман”, деди. Улар Расулulloҳ ҳузурларига қайтишгач: “Эй Расулulloҳ, бир киши “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ”, деб гувоҳлик берса ҳам Миқдод уни ўлдирди”, деб айтдилар. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Миқдодни менга чақиринг”, дедилар. Миқдодни чақиртириб келдилар. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Эй Миқдод, “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ”, деган кишини ҳам ўлдирасанми? Эрта қиёматда қандай қиласан?!” дедилар. Шунда Аллоҳ ушбу оятни нозил қилди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ йўлида жиҳод учун чиқсангиз, қиладиган ишларингизни аниқ далил-ҳужжат асосида қилинг”**. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Миқдодга: “Бу киши мусулмон эди. Кофир қавм ичида иймонини яшириб юрарди. Иймонини ошкор қилганида сен уни ўлдирдинг. Ўзинг ҳам илгари Маккада иймонингни яшириб юрар эдинг-ку!” дедилар.

Сўзимнинг охирида шуни айтаман: Бу оят кишиларни тўғри йўлга бошлашда катта аҳамиятга эга. Негаки, у мўминлар сўзлаётган ёки эшитаётган ҳар қандай сўзни ва қилмоқчи бўлган ёки шоҳиди бўлаётган ҳар қандай ишни аниқлаб билиб, далил-ҳужжат билан қилишни фарз қилган. Токи ноҳақ сўзни айтмасин, нотўғри хабарни тарқатмасин, яхши бўлмаган ишга қўл урмасин ва кўрган-билган нарсасининг аниқ-ростлигига амин бўлмай туриб гувоҳлик бермасин. Акс ҳолда, ноҳақ қон тўкиш, ор-номусни поймол қилувчи миш-миш тарқатиш каби дўзахга тушишига сабаб бўладиган, жуда бўлмаганда солиҳлар изидан қолиб кетишига олиб борадиган хатога йўл қўйиш хавфи бор.

Эй мўминлар, аниқланг, аниқланг!

Ҳақ-ҳуқуқларни сақлаган кишини Аллоҳ асрайди, динига ёрдам берган бандасига Аллоҳ ёрдам беради.

Йигирма бешинчи нидо

Адолат билан гувоҳлик бериш вожиблиги ва адолатдан тўсувчи ҳавойи нафсга эргашиш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, ўзингиз ё ота-онангиз ё қариндош-уруғингиз зиёнига бўлса ҳам Аллоҳ учун гувоҳликни адо этиб, адолат билан турингиз! Гувоҳлик берилувчи бой бўладими, камбағалми, Аллоҳ таоло ҳар иккисига сизлардан кўра яқинроқдир. Шундай экан, ҳавойи нафс сизларни адолатни тарк қилишга олиб бормасин! Агар тилларингизни буриб, нотўғри гувоҳлик берсангиз ёки гувоҳликдан юз ўгирсангиз, албатта Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчи Зотдир” (Нисо, 135).

Шарҳ:

Қадрли ўқувчи, ушбу илоҳий нидо буюк аҳамиятга эгадир. Сабаби, у ҳукм чиқариш, гувоҳлик бериш, сўз, амал ва эътиқодда адолатли бўлишни вожиб қилган.

Икки киши ўртасида ажрим қилаётган қози адолат қилсин. Гувоҳлик бераётган одам адолат билан гувоҳлик берсин. Хабар етказувчи адолат билан хабар етказсин. Бирон ишга буюраётган киши адолат билан буюрсин. Зеро осмонлару ер адолат устига қурилган.

Бу оятда Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилар экан: **“Эй иймон келтирганлар, гувоҳликда адолат билан турингиз”**, деб амр этди. Яъни одамлар орасида ҳукм қилаётганингизда адолат қилинг. **“Аллоҳ учун гувоҳликни адо этиб”**, гувоҳликни Аллоҳ учун бажаринг, чунки бандага гувоҳлик бериш Аллоҳга гувоҳлик бериш кабидир. Шундай бўлгач, адолатсизлик ва жавр қилмай одилона ҳукм қилинг, гарчи ўз зарарингизга бўлса ҳам, чунки сиз Аллоҳнинг қулисиз, бандасисиз. Ўзингизга зулм қилманг. Раббингиз сиз учун зулм бўлишига асло рози бўлмайди. Гувоҳликда адолат қилмай, жавр қилиб, гуноҳга қўл уриш ўзига зулм қилишдир. Гарчи гувоҳлик ўзингизга қарши, ота-онангиз, қариндош-уруғингиз зиёнига бўлса ҳам адолат қилинг. Бир ишни қилган бўлсангиз қилдим деб, қилмаган бўлсангиз қилмадим деб, ўз зиёнингизга бўлса-да, ёки ота-онам ё қариндошим шуни қилди, ё деди, ё олди, ё олмади деб, уларнинг зарарига бўлса-да, одилона гувоҳлик беринг. Ота-онага итоат этиш ва қариндошларга яхшилик қилиш вожиблиги уларнинг зиёнига бўлган гувоҳликни яширишга ёки адолат қилмай жавр қилган ҳолда уни ўзгартиришга олиб бормасин.

Гувоҳликни адо этаётганингизда камбағал ё бойнинг риоясини қилманг. Шунингдек, бегона ё таниш-билишни ҳам риоя қилманг. Бойдан бойлигини олиш ва камбағалга яхшилик қилиш хусусида Аллоҳ ҳар иккисига

яқинроқдир. Шунинг учун сиз камбағалга камбағаллиги учунгина раҳм қилиб ён босманг ва бойнинг пулидан умидвор бўлиб, у томонга оғиб кетманг. Буни Аллоҳга қўйиб беринг, Аллоҳ бунга ҳақлироқдир.

Ҳукм қилиш ва гувоҳлик беришда адолат қилишга буюрганидан сўнг Аллоҳ таоло мўминларни нафс-ҳавога эргашишдан қайтарди: **“Нафс-ҳавога эргашиб кетманг”**. Нафс-ҳаво дегани шайтон чиройли қилиб кўрсатган ҳою ҳавасларга эргашиб, шунинг кетидан юриб кетиш, шунга интилиб, хоҳлаб қолишдир, масалан: қилган ишларини одамлар эшитишини хоҳлаш, мол-дунё, обрў-эътибор ва турли лаззатларни исташ каби. Аллоҳ таоло мўмин бандалари ҳукм қилиш ва гувоҳлик беришда жавр қилмасликлари учун уларни нафс-ҳавога эргашишдан қайтарди. Сўнг гувоҳликда тилни буриб, адолатсизлик қилишдан ва гувоҳликни яшириб, уни тўлиқ адо этмасликдан ёки ҳақиқатни юзага чиқариш ва ботилни фош этишга ёрдам берувчи айрим гувоҳликлардан юз ўгиришдан ҳам қайтарди. Аллоҳ таоло деди: **“Агар тилларингизни буриб, нотўғри гувоҳлик берсангиз ёки гувоҳликдан юз ўгирсангиз, албатта Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчи Зотдир”**. Яъни Аллоҳга сизнинг қилаётган ишларингиз яширин эмас. У энг махфий ишларингизгача билувчидир. Адолат қиласизми, жавр-сита қиласизми, гувоҳликни тўлиқ адо этасизми ё айримидан юз ўгирасизми, ҳаммасидан хабардор. Шундай экан, ҳазир бўлинг, Аллоҳ сизнинг қилаётган амалингизни кузатиб турганини унутманг. Адолат қилсангиз Аллоҳ яхши мукофотлар беради, адолатсизлик қилсангиз азоблайди.

Оятни ушбу тариқада, яъни: **“Албатта Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчи Зотдир”**, деб тугатилиши нақадар гўзал бўлдики, сиз доим буни ёдда тутинг, асло унутманг. Бу эса Аллоҳнинг буйруқларини бажариш ва қайтарганидан қайтиш билан тақво ҳосил қилишда сизга ёрдам беради. Тақво билан камолотга ва саодатга эришасиз, иншааллоҳ.

Аллоҳ таоло ҳукмда адолатли бўлишга бундан бошқа оятларда ҳам амр этган: **“Аллоҳ таоло сизни омонатларни ўз эгаларига адо қилишга ва одамлар ўртасида ҳукм қилган пайтингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради”** (Нисо, 58).

“Эй Пайғамбар, сиз яҳудлар орасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг хоҳиш ҳаволарига эргашманг” (Моида, 49).

Бундан ташқари, Аллоҳ гувоҳликни яширишдан ҳам қайтарган: **“Гувоҳликни яширманг. Ким гувоҳликни яширса, у хиёнаткор ва бузуқ қалб эгасидир”** (Бақара, 283).

Ҳукм қилиш ва гувоҳлик беришда жавр-зулмининг ҳаромлигини Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўйидаги сўзлари ҳам таъкидлайди. У зот: **“Гуноҳларнинг энг катталари ҳақида сизларга хабар берайми?”** дедилар. Саҳобалар: **“Ҳа, хабар беринг эй Расулulloҳ”**, дейишди.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш”, дедилар-да, ёнбошлаган ҳолда эдилар, ўтириб олиб: “Огоҳ бўлинг, ёлғон гувоҳлик бериш! Огоҳ бўлинг, ёлғон гувоҳлик бериш”, деб бир неча бор такрорладилар. Ҳатто ўша ерда бўлган саҳобалар: “Қанийди тўхтасалар”, деб қолишди (Бухорий, 5/261, Муслим, 2/81 ривояти). Яъни, тинмай такрорлашлари сабабли тоқатлари етмайдиган бирон амр нозил бўлишидан қўрқиб, тўхташларини хоҳлаб қолдилар.

Умматлари саодатли, баркамол бўлишини истовчи Расулимиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа бир ҳадисларида умматга хабар ва таълим бериб: “Энг яхши гувоҳ гувоҳлик сўралмай туриб гувоҳликка ўтган кишидир”, дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига кўра, энг ёмон гувоҳ гувоҳликни яширган ва бу билан мўмин биродарининг ҳаққи зое бўлишига сабаб бўлган киши экани келиб чиқади. Аллоҳ сақласин.

Ҳурматли ўқувчи, сўзимнинг охирида шуни эслатиб ўтмоқчиманки, бу нидо ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳукм ва гувоҳликда адолат билан туриш шартлигини баён қилган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Равоҳа разияллоҳу анҳуни Хайбар яҳудийларидан закот учун олинадиган хурмолари ва ҳосилларини чамалаш учун юбордилар. Яҳудийлар Абдуллоҳ ибн Равоҳага пора беришга ва шу билан уни ўзларига мойил ва хайрихоҳ қилишга уриндилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Равоҳа разияллоҳу анҳу уларга: “Аллоҳга қасамки, мен сизнинг олдингизга мен учун энг суюкли бўлган киши ҳузуридан келдим. Сизларни эса маймун ва тўнғизлардан ҳам ёмон кўраман. Аммо Расулulloҳни яхши кўришим ва сизларни ёмон кўришим сизларга адолатсизлик қилишимга сабаб бўлмайди”, деди. Яҳудийлар: “Осмонлару ерни тутиб турган нарса ҳам ўзи шу”, дедилар.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаси Абдуллоҳ ибн Равоҳа разияллоҳу анҳунинг шу ҳолатга бўлган муносабатини бир фикрлаб кўринг. Ҳар бир мўмин бундай ҳолатда худди шундай бўлиши керак. Сизни дунё ҳаёти алдаб қўймасин. Бойликка учманг ё камбағалликдан қўрқманг, ҳар қандай ҳолатда ҳам пора олманг, ўзингизга ҳам бошқаларга ҳам жавр қилманг. Адолат билан ҳукм қилинг, гувоҳликда адолат билан туринг!

Парвардигор, бизларни Исломда яшатиб, мусулмон ҳолимизда вафот эттиргин. Зеро, Сен оламлар Рабби ва тақводорлар дўстисан.

Йигирма олтинчи нидо

Иймонда мустаҳкам туриш ва куфрдан ҳазир бўлиш вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга, пайғамбарига ва У пайғамбарига нозил қилган Қуръонга ҳамда илгари нозил қилган барча китобларга бўлган иймонингизда маҳкам бўлинг! Ким Аллоҳга, малоикаларига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига кофир бўлса, ҳақ йўлдан жуда ҳам узоқ адашиб кетибди” (Нисо, 136).

Шарҳ:

Хурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо раббим Аллоҳ, диним Ислому ва пайғамбарим Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам деб иймон келтирган ҳақиқий мўминларга тегишлидир. Аллоҳ уларнинг сифати бўлмиш иймон номи билан нидо қилди. Нидо қилганда ҳам мўминлар иймоннинг энг олий даражаси бўлган қатъий ишончга эга бўлишлари учун уларни иймонларида собит туришга, уни зиёда қилиш ва кучайтиришга буюрди.

Шунингдек, бу нидо тилида мусулмон, дилида кофир бўлган мунофиқларга ҳам тегишли. Нисо сураси нозил бўлган ўша пайтлар Мадинада мунофиқлар жуда кўп бўлган. Аллоҳ уларни ҳаққи-рост иймон келтиришга амр этди. Аллоҳга, Унинг пайғамбарига, Аллоҳга йўлиқишга, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга, охират кунига ва тақдирга иймон келтиришга буюрди. Чунки ботинда бўлмаган зоҳирдаги иймон куфр ва нифоқдир, яъни дилда эмас, фақат тилда бўлган иймон кофирлик ва мунофиқликдир.

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибонлигидан уларга иймон номи билан нидо қилди ва уларни иймонларида бардавом бўлишга амр этди. Зеро мўминлар иймонларида собит турсалар, икки дунёда ҳам нажот топиб, саодатга эришадилар.

Яна бу нидо айрим пайғамбарларга иймон келтириб, айримларига иймон келтирмаган яҳудийларга ҳам тегишлидир. Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Салом, Каъбнинг ўғиллари Асад ва Усайд, Саълаба ибн Қайс, Абдуллоҳ ибн Саломнинг жиянлари Салом ва Салама ҳамда Ёмин ибн Ёмин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Эй Расулulloҳ, биз сизга ва Қуръонга, Мусога ва Тавротга иймон келтирамиз, лекин бундан бошқа китоблар ва пайғамбарларга иймон келтирмаймиз”, дедилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: “Йўқ, балки Аллоҳга, Унинг пайғамбари Муҳаммадга, Аллоҳнинг китоби Қуръонга ва илгари нозил қилинган барча китобларга иймон келтиринг!” деган эдилар, улар: “Йўқ, бундай қилмаймиз”, дейишди. Шунда ушбу оят нозил бўлди ва кейин барчалари иймон

келтирдилар. Уларга ва улар каби ҳақ даъватни қабул қилган барчага иймонлари муборак бўлсин.

Шундай қилиб, бу илоҳий нидо уч тоифа кишиларга тегишли экани маълум бўлди:

Биринчи тоифа: Ҳақиқий мусулмонлар. Булар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматидан бўлган иймон, ислом ва эҳсон аҳлидир.

Иккинчи тоифа: Зоҳирда мусулмонликни даъво қилган, ичи кофир бўлган кимсалар. Улар мунофиқлардир. Мунофиқлар инқирозга юз тутдилар. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида Мадинада деярли мунофиқ қолмаган эди. Кўплари иймон келтириб, Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлди ва яна қанчалари мунофиқ ҳолида ўлиб, жаҳаннам оташига равона бўлди.

Учинчи тоифа: Мадинада бўлган айрим яҳудийлар. Улар ҳақида оят нозил қилингани, улар кимлар ва нима сабабдан оят нозил бўлгани ҳақида сўз юқорида ўтди.

Қуръоннинг мўжизалиги ва балоғатига қаранг, “иймон келтирдилар” ибораси уч тоифага тегишли бўлди. Шунинг учун ҳам, Қуръон бир неча талқинни қабул қилувчи, деб айтилган.

Аллоҳ таолонинг: **“У пайғамбарига нозил қилган китобга”**, деган сўзларига келсак, китобдан мурод Қуръон, пайғамбар эса Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар.

Энди **“нозил қилган”** калимасига бир оз тўхталайлик. Қуръонда бу маънони ифода этувчи сўз баъзан “анзала” ва баъзан “наззала” феъли билан келтирилган. Бир мартада ҳаммасини тўлиғича туширган бўлса “анзала” феъли билан, бўлиб-бўлиб индирган бўлса “наззала” феъли билан келган. Бу оятда **“нозил қилган”**, деб таржима қилганимиз калима араб тилидаги “наззала” феълидир. “З” ҳарфини ташдидли (иккита) қилинган “наззала” феъли билан келтирилиш сири, Қуръон яхлит китоб шаклида нозил қилинмаган, балки йигирма уч йил мобайнида бўлиб-бўлиб, ҳолат тақозосига кўра нозил қилинган. Аммо, **“илгари нозил қилган барча китобларга”** сўзида “анзала” феъли билан келтирилган. Бунинг сири, Қуръондан олдин нозил қилинган илоҳий китоблар бўлмиш Таврот, Забур ва Инжил бўлиб-бўлиб эмас, балки бир бутун, яхлит ҳолда туширилган. Қуръон эса, воқеа ва ҳодисалар ҳамда даъват эҳтиёжига қараб, йигирма уч йил атрофида нозил бўлган.

Китоб сўзининг “ал” артикл билан “ал-китоб” шаклида келтирилгани кўпликка далолат қилади, худди “ал-инсон” калимаси саноғини Аллоҳгина биладиган инсон зотига далолат қилганига ўхшаш.

Бу нидодаги Аллоҳ таолонинг: **“Ким Аллоҳга, малоикаларига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига кофир бўлса”** деган сўзи Бақара

сурасидаги оятда келган олти иймон арконларини ўз ичига олган бўлиб, фақат Қамар сурасида келган қазои-қадар, яъни тақдирга иймон келтириш рукни бу оятда зикри келмаган.

Билишимиз зарурки, ушбу олти иймон арконларидан бирига ва ҳатто бир рукннинг қайсидир қисмига иймон келтирмаслик кофир бўлишга олиб боради. Масалан, пайғамбарларга иймон келтирса, фақат биттасига иймон келтирмаса ҳам кофир бўлади. Китоблар ҳақида ҳам шундай, нозил қилинган барча китобларга иймон келтириб, битта китобга, битта китобни қўйинг, бир дона оятга иймон келтирмаса ҳам кофир бўлади.

Аллоҳ таолонинг: **“ҳақ йўлдан жуда ҳам узоқ адашиб кетибди”** сўзи маъноси шуки, дунё ва охираат саодатига элтувчи ҳидоят йўлидан адашиб кетибди, адашганда ҳам жуда узоқ адашибди.

Бу нидодаги мана шу жумлада ҳидоятдан узоқ адашиб кетганларга қаттиқ таҳдид бор. Чунки адашиши узоқ бўлмаган кишидан фарқли ўлароқ, жуда узоқ адашган кимсанинг ҳидоятга қайтиши амри маҳолдир. Озроқ адашган кишининг ҳидоятга қайтишини ва нажот топиб, жаннатга киришини умид қилса бўлади. Узоқ адашишнинг сабаби иймондан сўнг кофир бўлишдир, бунинг иши оғир. Аммо аввалдан иймони бўлмаган ва ота-онасидан тортиб кофир бўлиб келаётган кишининг адашиши узоқ бўлмаган адашиш бўлиб, бундай кофир даъват ва иршод етиши билан иймонга келиши, мусулмон бўлиб нажот топиши мумкин. Буни доим ёдда тутинг ва тааммул қилинг. Аллоҳ ҳаққа муваффақ этсин.

Йигирма еттинчи нидо Кофирларни дўст тутишнинг ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, сизлар мўминларни қўйиб кофирлар билан дўстлашманг! Аллоҳ таоло учун ўз зарарингизга очиқ-ойдин ҳужжат қилиб беришини истайсизми?!” (Нисо, 144).

Шарҳ:

Муҳтарам китобхон, аввал айтганимиздек, Аллоҳ таолонинг нидолари мўмин бандаларига йўлланган. Сабаби, Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Чунки мўминлар Аллоҳга иймон келтирганлар, қиёмат куни Унга йўлиқишга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қазои-қадарга иймон келтирганлар, буйруқларини бажариш ва қайтариқларидан четланиш билан Аллоҳдан қўрқиб, тақво қилганлар.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларининг иймонлари ва солиҳ амалларини зиёда қилиш мақсадида буюриш ё қайтариш, огоҳ этиш ё башорат бериш олдидан уларга тирик ва комил инсонликларидан дарак берувчи мўминлик сифати билан нидо қилади, уларни нафсларини Аллоҳнинг зикри ва шукри билан поклашдан тўсувчи нарсалардан огоҳлантиради. Токи улар иймонларини зиёда этиш ва нафсларини поклаш сабабли вафотларидан сўнг яхшилар диёри жаннатга тушишга лойиқ бўлсинлар.

Аллоҳ таоло ушбу нидода мўминларни ўз мўмин биродарлари қолиб кофирларни дўст тутишдан қайтарди: **“Эй иймон келтирганлар, сизлар мўминларни қўйиб кофирлар билан дўстлашманг!”**. Дўст тутишдан мурод муслмон биродарлари ўрнига кофирларни яхши кўриш, уларни яқин тутиш, маслаҳатини олиш, кўрсатмасига амал қилиш, уларга ёрдам бериш ва ҳоказо ишлардир. Худди шу маънода, яъни мўминларни қўйиб кофирларни дўст тутиш ҳаромлиги ҳақида “Оли Имрон” сурасида ҳам оят келган: **“Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким кофирларни дўст тутса, у Аллоҳдан бегона ва Аллоҳ ҳам ундан покдир. Аммо улардан эҳтиёт бўлиб, юзаки яхши муомала қилсангиз жоиз. Аллоҳ сизни Ўзидан огоҳлантиради. Қайтиш Аллоҳ ҳузуригадир”** (Оли Имрон, 28).

Кўриб турганингиздек, бу оятдаги ҳаром қилишнинг истисноси бор. У шундан иборатки, агар мўмин киши кофир диёрда яшаётган бўлса, кучсиз, заифлиги сабабли мурсою мадора қилиб, кофирларга тил учида яхши муомала қилишига рухсат бор. Фақат, қалби иймонда мустаҳкам бўлиши шарт. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтган: “Кофирлардан эҳтиёт бўлиш дегани – тилда яхши муомала қилаверади, аммо қалби иймонда собит ҳолда бўлади, уришмайди, жиноят қилмайди”. Шунини билайликки, бу истисно

кофирларни дўст тутишни ва улар билан ҳамтовоқ бўлишни асло ҳалол қилмайди. Бу заифлик ва қўрқув ҳолатида уларнинг душманлик қилишидан узоқроқ бўлиш учун тил учида яхши момала қилишга вақтинчалик рухсатдир. Аммо уларни буткул яхши кўриш ва уларга ёрдам беришга мутлақо рухсат йўқ. Иймон келтириб мусулмон бўлсалар, шундагина яхши кўрамиз ва ёрдам берамиз.

Қуйида “Нисо” ва “Оли Имрон” сурасидаги мазкур икки оятни ўрганиб чиқамиз.

Биринчи оят: **“Аллоҳ таоло учун ўз зарарингизга очиқ-ойдин ҳужжат қилиб беришни истайсизми?!”** (Нисо, 144). Турли хил азоблар билан азоблашига очиқ ҳужжат қилиб қўймоқдамисиз, ҳолбуки сиз Аллоҳнинг дўстларисиз!

Агар бу нидо таши мусулмонун ичи кофир бўлган мунофиқларга қаратилган бўлса, бундай деймиз: агар тилларида мусулмонмиз деётган бу кимсалар кофирлар билан дўстлашиш ва ҳамтовоқ бўлишдан тийилмаса, Аллоҳ улар ҳақида оят нозил қилади, пайғамбар ва мўминларни улар устидан ҳукмрон қилиб қўяди ва мўминлар уларни азоблаб, хорлаб, қатл қиладилар.

Аммо нидо зоҳиру ботинда мусулмон бўлган кишиларга йўлланган бўлса, унда буни Аллоҳ таолонинг огоҳлантириши деймиз. Аллоҳ мўминларни кофир кимсалар билан дўстлашишдан мутлақо қайтарди. Ҳар қачон ва ҳар қандай ҳолатда Унинг огоҳлантиришига бепарво бўлиб, таҳдидларидан қўрқмасалар, Аллоҳ уларни хоҳлаган тарзда азоблайди. Тарихда бунга мисоллар кўп. Андалусда мусулмонлар ўзларининг мўмин биродарлари қаршисига кофир билан дўстлашиб, ундан ёрдам сўраганлари сабабли Аллоҳнинг азобига дучор бўлдилар, қатл қилиндилар, диёрларидан мосуво бўлиб, бадарға қилиндилар. Мусулмонлар кофирни дўст тутмаслик бобида Аллоҳнинг амрига итоат қилмай, кофирларга тақлид қилиб, уларни яхши кўриб, уларга ёрдам бериб, йўлларига юргач, кофирлар мусулмонларни хорлашга тушдилар. Бу эса мусулмонларнинг қилмишларига Аллоҳнинг уларга берган азоби бўлди ва ҳозирга қадар мусулмонлар Аллоҳ ва Расулига итоатсизликлари, кофирлар тузган қонун ва дастурларни севиб, шулар асосида ҳаёт кечираётгани сабаб хорлик либосини эгниларидан еча олмадилар.

Иккинчи оят: **“Аллоҳ сизни Ўзидан огоҳлантиради. Қайтиш Аллоҳ ҳузуригадир”** (Оли Имрон, 28). “Аллоҳ сизни Ўзидан огоҳлантиради” сўзининг маъноси: Агар сиз Аллоҳнинг амрига бўйсунмайдиган, қайтариқларидан четланмайдиган бўлсангиз, кофирлар билан дўстлашсангиз, ҳаётнинг қай бир майдонида бўлмасин мўмин биродарингиз зарарига кофирга ёрдам қўлини чўзсангиз, билиб қўйинг, Аллоҳ сизни азобидан, иқобидан огоҳлантиради. Аллоҳнинг душманига дўст бўлган кимса Аллоҳга душмандир, Аллоҳ билан ўртадаги дўстлик риштасини узгандир. Аллоҳ билан бўлган муносабати

Ўзгариб, дўстликдан сўнг душманга айланган кишининг ҳоли қандай кечади, деб ўйлайсиз?! Аллоҳ сақласин, унинг ҳоли хорлик, заифлик, беобрўлик, шармандалик бўлади. Бундан қочиб қутула олмайди, зеро у ҳам ҳамма қатори Аллоҳ тоалонинг ҳузурига боради. Кимнинг иши Аллоҳга топширилган бўлса, у эса Аллоҳга осий бўлиб, амридан бўйин товласа, итоатдан чиқса, Аллоҳ ёмон кўрган ишни яхши кўрса, яхши кўрганини ёмон кўрса, Унинг душманига дўст, дўстига душман бўлса, бундай кишининг Аллоҳга қайтиши қандай бўлади?! Бу эса дунёда хорлик ва охиратда азобга гирифтор бўлиш деганидир.

Ҳой мўминлар, Аллоҳ буюрган ишларни қилиш, қайтарган ишлардан четланиш билан Аллоҳдан тақво қилинг! Аллоҳ бизни мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутишдан қайтарди ва таҳдид билан: **“Аллоҳ таоло учун ўз зарарингизга очиқ-ойдин ҳужжат қилиб беришни истайсизми?!”** деди.

Энди биз учун бирон узр қолдимиз?

Йўқ, албатта. Бундан ҳам ёмони, Аллоҳ бизни огоҳ этган азобини турли ерларда, шарқу ғарбда бизга кўрсатиб қўйди. Кофирларни устимиздан ҳоким қилиб қўйди, улар бизни босиб олдилар, устимиздан ҳукмронлик қилдилар ва азобларнинг турли хилини бошимизга солдилар. Аллоҳ азиз қилганидан сўнг яна хорлик қайтиб қолмаслиги учун Аллоҳдан қўрқайлик, тақво қилайлик. Олдин ҳам, кейин ҳам барча ишлар Аллоҳникидир.

Йигирма саккизинчи нидо

Аҳдга вафо қилиш вожиблиги ва чорва ҳайвонларининг ҳалоллиги

“Эй иймон келтирганлар, аҳд-паймонларга вафо қилинг. Сиз учун чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди. Фақат ҳаромлиги сизларга баён қилинган ўлимтик, қон ва шу каби нарсалар бундан мустасно. Эҳромда бўлган ҳолингизда ов қилишингиз сизга ҳаром қилинди. Албатта, Аллоҳ ўзи истаганидек ҳукм қилади” (Моида, 1).

Шарҳ:

Аллоҳ таборака ва таоло Ўзига ва қиёмат куни Унга йўлиқишга ҳамда пайғамбарига иймон келтирган ва тоат-ибодати билан Аллоҳга яқин бўлган бандаларига жаннат неъматларини, кўфр ва исён билан Ундан узоқ бўлган бандаларига жаҳаннам азобини ҳозирлаб қўйганига инонган мўмин бандаларига нидо қилди. Мўминларнинг чин маънодаги тирикликлари иймонлари туфайли бўлганидан Аллоҳ таоло уларга вазифа топшириш учун иймон сифатлари ила нидо қилди. Қандай вазифа дейсизми? У уларга аҳдларга вафо қилиш, ўзаро келишилган битимларни бажариш вазифасини юклади. Аҳдларнинг энг биринчи ўринда турадигани бандалар билан Аллоҳ ўртасидаги аҳддир: **“Аллоҳ билан ўртангизда бўлган аҳдларга вафо қилинг”** (Наҳл, 91).

“Аллоҳнинг сизга берган неъматларини ҳамда: “Эшитдик ва итоат этдик”, деган пайтингизда сиздан олган аҳдини ёдга олинг. Аллоҳдан тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ дилларда яширин бўлган сирларни ҳам билувчидир” (Моида, 7).

Аллоҳнинг неъматлари шубҳасиз, энг аввало иймон, Ислом, эҳсондир. Аллоҳ бандаларидан олган аҳд эса улар Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмай, ёлғиз Ўзига ибодат қилишларидир. Аллоҳдан бошқа ҳақ маъбуд йўқ ва Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг элчисидир деб гувоҳлик берган ҳар бир киши ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш ва Пайғамбар олиб келган шариат ва аҳкомларга бўйсуниб борасида ўз устига Аллоҳ учун аҳд-паймон олган бўлади. Шунингдек, бирон нарсани назр қилган киши ҳам аҳд-паймон қилган бўлиб, рўза тутишни назр қилган бўлса рўза тутсин, кечаси намоз ўқишни назр қилган бўлса намоз ўқиш, риботда туришни назр қилган бўлса риботда туриш ва садақа қилишни назр қилган бўлса садақа қилиш билан назрига, аҳд-паймонига вафо қилсин. Назрига вафо қилишдан ожиз бўлса каффоратини ўташи, истиффор айтиб, тавба қилиши лозим бўлади.

Аллоҳ билан ўзаро аҳдларга вафо қилиш вожиб бўлгани каби, одамлар бир-бирлари билан тузган битимларга вафо қилишлари ҳам вожибдир. Чунки бу аҳдларнинг барига вафо қилишни Аллоҳ буюрган. Хоссатан, агар аҳдлашув

асносида иймон ўртага қўйилиб аҳдлашилган бўлса ҳамда никоҳ, олди-берди масалалари, ижара, омонатлар каби одамлар ҳақ-ҳуқуқларига тегишли аҳд-паймонлар бўлса, вафо қилиш яна ҳам таъкидли бўлади.

Кимга омонат қўйилган бўлса, уни адо этиши шарт, омонатга хиёнат қилиши, уни йўқ қилиб юбориши ҳаром. Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ таоло сизни ўзингизга қўйилган барча турдаги омонатларни ўз эгаларига адо қилишга буюради”** (Нисо, 58).

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилманг ва била туриб, сизларга ишониб берилган динга ва бошқа ҳар қандай омонатларга хиёнат қилманг” (Анфол, 27).

Илоҳий бу нидодаги аҳдларга вафо қилиш тўғрисида тобеинлар саййиди Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳнинг айтган сўзини эслайлик: “Аҳдга вафо қилиш қарздаги аҳдларга вафо қилишдир. Яъни киши ўз бўйнига бурч қилиб олган савдо-сотик, ижара, кира, никоҳ, талоқ, деҳқончилик, тинчлик шартномаси, мулкка эгалик, мулк танлаш, қул озод қилиш, бошқаришдан иборат ишларда аҳдга вафо қилишдир. Вафо қилиш булардан бошқа битимларни ҳам ўз ичига олади”.

Буни ҳар бир мўмин доим ёдида тутсин, асло унутмасин.

Бу нидодаги Аллоҳ таолонинг: **“Сиз учун чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди”** деган сўзларига келсак, бу Аллоҳнинг неъматларига шукр қилишимиз ва ношукр бўлмаслигимиз учун Аллоҳдан бир эслатмадир.

Чорва моллари туя, қорамол, қўй ва эчкининг эркак ва урғочисидан иборат саккиз жуфт ҳайвондир.

Аллоҳ таолонинг: **“Фақат ҳаромлиги сизларга баён қилинган”** сўзига келсак, улар ҳаромлиги баён қилинган ўлимтик, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан қулаб ўлган, бошқа ҳайвон сузиб ўлдирган ва йиртқич ҳайвон еб ўлдирган ҳайвонлардир. Бу ҳақда “Моида” сурасида оят бор: **“Аллоҳ сизларга ўлимтикни, оқиб чиққан қонни, тўнғиз гўштини, сўйиш пайтида Аллоҳдан бошқанинг исми айтилган ҳайвонни ва бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан қулаб ёки қудуққа тушиб кетиб ўлган, бошқа бир ҳайвон сузиб ўлдирган ва йиртқичлар бўғизлаб ўлдирган ҳайвонни ҳаром қилди. Фақат, жони чиқмай туриб сўйиб олсангиз, ҳалолдир”** (Моида, 3).

“Яна Аллоҳ сизларга ибодат учун қурилган бут ва бошқа нарсаларга атаб сўйилган ҳайвонларни ҳам ҳаром қилди”. Қабрга атаб сўядими, бут-санам ва жинларга атабми, Аллоҳдан бошқа учун сўйилган бўлса, ундай ҳайвонлар ҳаромдир.

Аллоҳ таолонинг: **“Эҳромда бўлган ҳолингизда ов қилишингиз сизга ҳаром қилинди”** сўзи юқорида мўминларга ҳаром қилинган ва қалбни булғовчи

нопок гўшларга қўшимча равишдадир. Аллоҳ таоло ҳаж ёки умра учун эҳром боғлаган кишига ов қилишни ҳаром қилди. Сабаби, ов қилишда лағв ва Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолиш бор. Эҳромдаги киши Аллоҳни кўп зикр қилиши, ибодат билан машғул бўлиши лозим эканидан унинг ов қилиш билан машғул бўлиши ё овлаган ҳайвон гўшtidан ейиши ёки унинг буйруғи ва розилиги билан овланган ҳайвон гўштини ейиши ҳам ҳаромдир.

Эҳромдаги киши ўзи овлаган ёки у учун овланган ҳайвонлар гўштини ейиши худди Аллоҳнинг китобида ёки Расулининг ҳадисида ҳаромлиги баён қилинган ҳайвонлар каби ҳаромдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам тиши билан ов қиладиган йиртқич ҳайвонни ва тирноғи билан ов қилувчи ҳар қандай қуш гўштини ейишдан қайтардилар.

“Албатта, Аллоҳ Ўзи истаганидек ҳукм қилади”, яъни Аллоҳ таоло мубоҳ қилади ва ман қилади, ҳалол қилади ва ҳаром қилади. Нимани мубоҳ қилишни хоҳласа шунга рухсат беради ва нимани ман қилишни истаса уни тақиқлайди. Хоҳлаган нарсасини ҳалол қилади ва истаган нарсасини ҳаром қилади. Буларнинг бари Унинг илми, ҳикмати, раҳмати ва қудратига тобедир. Шунинг учун нимани Аллоҳ ва Расули ҳалол қилган бўлса, у ҳалол ва нимани ҳаром қилган бўлса, у ҳаромдир. Мўмин киши Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиши ва ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиши мумкин эмас.

Аҳд-паймонларимизга вафо қилиш билан Аллоҳ ва Расулига тоатда бўлишимиз учун юқорида ўтган сўзларни доим ёдда тутайлик.

Аллоҳнинг неъматларига шукр қилайлик. Аллоҳ бандаларига ҳалол қилган нарсаларни ҳаром ва ҳаром қилган нарсаларни ҳалол қилмайлик. Ҳаром ва ҳалол қилишни Аллоҳга қўйиб берайлик. Аллоҳ барча нарсани қамраб олган илми, бирон нарса ундан холи бўлмаган ҳикмати, барча нарсадан кенг бўлган раҳмати ва ҳеч нарса уни ожиз қила олмайдиган қудратидан келиб чиқиб хоҳлаганини ҳукм қилади.

Аллоҳга иймон келтирдик, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Йигирма тўққизинчи нидо

Аллоҳнинг чегараларини бузиш ҳаромлиги, эҳромдан чиққач ов қилиш ҳалоллиги ҳамда яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилиш, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмаслик ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг чегараларини бузманг. Уруш ҳаром қилинган ойларда уруш қилишни ҳалол санаб олманг. Аллоҳнинг уйига аталган ва бўйинларига белги осиб қўйилган ҳайвонлар ҳурматини поймол қилманг. Аллоҳнинг фазлу марҳамати ва розилигини истаб Каъбани мақсад қилиб кетаётган кишиларга қарши урушишни ҳалол қилиб олманг. Эҳромдан чиқсангиз, ов қилаверинг. Сизларни Масжиди ҳаромдан тўсганлари учун бир қавмни ёмон кўриш улар ҳақида адолатсизлик қилишингизга олиб бормасин. Яхшилик ва тақво қилишда ўзаро ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва тажовузкорликда ҳамкорлик қилманг. Аллоҳдан қўрқинг. Зеро, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир” (Моида, 2).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо бир неча ўта муҳим ишларни ўз ичига олган. Қуйида уларни батафсил баён этамиз:

- 1) Аллоҳнинг чегараларини бузишнинг ҳаром экани. Аллоҳнинг чегаралари – Аллоҳ таоло фарз ва вожиб қилган, қайтарган ва ҳаром қилган дин аҳкомларининг барчасидир. Бунга кўра, намоз, рўза, ҳаж ва умра, закот, жиҳод, ота-онага яхшилик қилиш ва силаи раҳм – буларнинг барини тарк қилиш ҳалол бўлмайди. Яна Аллоҳ ҳаром қилган рибо, зино, ёлғончилик, муттаҳамлик, ўфрилиқ, хиёнат, ҳақорат, бировнинг обрўсини тўкиш каби ишларни ҳалол санаш мумкин эмас. Юқорида ўтган Исломда вожиб ёки ҳаром бўлган амалларнинг бари диний удумлар, чегара ва белгилар ҳисобланади.
- 2) Дин аҳкомларидан насх қилингани (яъни бекор қилингани) Ҳаром ойлардан бири Ражаб ойидир. Ражаб ойида уруш қилиш ҳаром эди, сўнг Аллоҳ таолонинг: **“Аллоҳ урушни ҳаром қилган ойда мушриклар билан урушишларингиз уларнинг уруш ҳаром қилинган ойда сизларга уруш қилишганига жазодир”** (Бақара, 194) ояти билан насх қилинди. Шунингдек, уруш ҳаром қилинган бошқа ойларда ҳам агар душман уруш очса, уларга қарши урушиш мумкин. Мушриклар қурбонлик учун атаган ва бўйнига осиб қўйган белги ҳурматини сақлаш ҳам насх (бекор) қилинди. Сабаби, қурбонлик учун атаган ҳайвонлари у ёқда турсин, мушрикларнинг ўзига ҳам Масжиди ҳаромга кириш тақиқланди. Аталган ҳайвон дегани – Байтуллоҳ учун атаб, ҳадя қилинган ҳайвон,

уларга осиб қўйилган белги эса Байтуллоҳга ҳадя қилинган туя ё қўй эканини билдириш учун бўйнига осиб қўйилган белги бўлиб, бундай ҳайвонларга тегилмаган. Гоҳида, Ҳарам ҳудудидаги дарахт қобиғини ҳайвон бўйнига илиб қўйишар ва шу билан у ҳайвон ҳурматли саналиб, унга тегилмас эди. Бу ишлар Исломдан олдин бўлиб, Ислом келгач насх қилинди.

- 3) Аллоҳнинг розилигига эришиш учун ибодат қилиш мақсадида Каъбани кўзлаб кетаётган кишиларга қарши уруш қилиш ҳаром экани. Фақат Каъбага кетаётган одам кофир ё мушрик бўлса, унга Ҳарамга киришга изн берилмайди.
- 4) Мўмин киши эҳромдан чиққанидан сўнг ов қилишига рухсат борлиги. Чунки эҳромдаги киши ов қилиши ёки у учун овланган ҳайвон гўштидан ейиши ҳалол бўлмайди. Бу ҳукм ўз кучида қолган, юқоридаги насх унга тегишли эмас.
- 5) Душманга адоват қилишда ҳаддан ошишнинг ҳаром экани. Кимнинг душмани бўлса, бу ҳол уни душманига зулм қилишга, ҳаддан ошиб, тажовуз қилишга олиб бориши жоиз эмас. Аммо душман зулм қилса, шундагина зулми ва тажовузига қарши етарлича жавоб бериши мумкин. Аллоҳ таоло деди: **“Сизларни Масжиди ҳаромдан тўсганлари учун бир қавмни ёмон кўриш улар ҳақида адолатсизлик қилишингизга олиб бормасин”**. Бу ҳодиса Ҳудайбияда бўлган эди. Мушриклар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва мўминларни умра қилишдан тўсган эдилар. Шунда мусулмонлар билан мушриклар ўртасида “Ҳудайбия сулҳи” номи билан машҳур сулҳ тузилди. Аллоҳ таоло мўминларни огоҳлантирдикки, уларни Масжиди ҳаромдан тўсишгани туфайли мушрикларга бўлган адоват ва нафратлари ўртада сулҳ тузилгандан сўнг улар ҳақида адолатсизлик қилишга олиб бориб қўймасин.
- 6) Яхшилик ва тақвода мусулмонлар ўзаро ҳамкорлик қилиши вожиб экани. Яхшиликда ҳамкорлик қилишдан мурод садақа қилиш, қарз бериш, ҳар турли ёрдам ва мурувват кўрсатиш, хайр-саховат ва эҳсонлар қилишда бир-бирларига ёрдам беришларидир. Зеро буларнинг барчаси яхшилик ва яхшиликда ҳамкорлик қилишдир. Тақвода ҳамкорлик қилиш эса Аллоҳ ва Расулнинг буйруқ ва қайтариқларига итоат этишда, амри маъруф ва наҳий мункар билан динни комил тарзда барпо қилишда ҳамкорликдир. Бирон вожиб тарк этилса ёки ҳақ-ҳуқуқлардан бири поймол қилинса, мўминлар дарҳол шу ташлаб қўйилган вожибни тиклаш ва ўрталарида зое бўлган ҳақни ўрнига келтиришда бир-бирларига ёрдам беришлари шарт. Чунки улар бир миллатдир.
- 7) Гуноҳ ва адоватда ҳамкорлик қилишнинг ҳаром экани. Гуноҳдан мурод зино, судхўрлик, ўғрилик, ғийбат, чақимчилик, фарз амалларни

қилмаслик, шунингдек, турмуш қуришдаги, емоқ-ичмоқ, кийим-кечак ва бошқа нарсалардаги ҳаром ишларни қилиш каби катта гуноҳлардир. Бу каби гуноҳлар мусулмонлар орасида олдин йўқ бўлган бўлса, уларни пайдо қилиш, бор бўлса, давом этишига ҳамкорлик қилиш ҳаром бўлган гуноҳлардир. Адоват эса зулм, тажовуз ва ҳаддан ошиш бўлиб, мўминларнинг жони, моли ва обрўсига тажовуз қилувчи золимга ёрдам бериш ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаромдир. Золимга ёрдам бериш у ёқда турсин, унга мойил бўлиш ҳам ҳаром. Аллоҳ таоло деди: **“Ўша золим кофирларга мойил бўлманглар, акс ҳолда сизларга дўзах ўти етади”** (Ҳуд, 113). Мойил бўлиш – золим тарафга оғиш, унинг қилаётган зулмига рози бўлиш ва зулмдан қайтармасликдир.

- 8) Аллоҳ азза ва жалладан тақво қилишга бўлган буйруқ. Аллоҳ таоло ушбу нидонинг охирида: **“Аллоҳдан қўрқинг. Зеро, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир”**, деди. Тақвога буюриш – Аллоҳ ва Расулига ҳамда мусулмон раҳбарга итоат этишга буйруқ деганидир. Аллоҳ ва Расули буюрган фарз, вожиб ва суннат амалларни бажариш ҳамда Аллоҳ ва Расули қайтарган ботил эътиқод, ёмон, бузуқ сўз ва ишларни тарк этиш билан тақво ҳосил бўлади.

Бу нидо ўз ичига олган буйруқ ва қайтариқларга мўминлар бепарво бўлмаслиги учун, Аллоҳ таоло бу нидони: **“Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир”** деган сўзлар билан якунлади. Агар мўминлар ўзларига топширилган ишларга бепарво бўлсалар, жиддий эътибор қаратмасалар, Аллоҳ уларнинг устига шундай азоб туширади, кейин ўзлари афсус-надомат чекиб қоладилар, бироқ унда кеч бўлган бўлади. Кейинги пушаймон ўзинга душман, дейилгани каби, афсус-надоматларининг фойдаси бўлмайди. Аллоҳнинг азобидан ҳазир бўлинг, эй аҳли иймон! Аллоҳ таоло ҳукм қилади, Унинг ҳукмини қайтарувчи ҳам, бекор қилувчи ҳам йўқ. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир.

Ўттизинчи нидо

Таҳорат, ғул, таяммум ва таҳоратни бузувчи нарсалар ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, намозга турсангиз юзингизни ва қўлларингизни тирсаклар билан қўшиб ювинг, бошингизга масҳ тортинг ва оёқларингизни тўпиқлар билан қўшиб ювинг. Агар жунуб бўлсангиз, ғул қилиб покланинг. Агар касал ё сафарда бўлсангиз ёки сизлардан бир киши қазойи ҳожат қилган бўлса ё хотинларингиз билан қўшилган бўлсангиз-у сув топилмаса, у ҳолда қўлларингизни ерга уринг ва ундан юзингизга ҳамда қўлларингизга суртинг. Аллоҳ таоло сизларга қийинликни истамайди, балки сизларни поклашни ва шукр қилишларингиз учун сизларга Ўз неъматини комил қилиб беришни истайди” (Моида, 6).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу буюк илоҳий нидода мўминлар учун энг зарур илмлар баён этилган. Сиз буларни ёдланг, яхши тушуниб олинг ва энг муҳими уларга амал қилинг. Чунки Аллоҳ таоло бу нидони мўмин бандаларига йўллар экан, уларни поклашни, қалблари ва баданлари саломат бўлишини хоҳлайди. Ҳар тарафлама пок бўлсалар, улардан рози бўлади ва уларни рози қилади, жойларини жаннатдан ҳозирлаб қўяди. Қуйида сиз азизларга бу илоҳий нидо ўз ичига олган илмларни баён қиламиз, уларни билиш ва ўрганиш ҳар бир мўмин ва мўмина учун зарурий, бирламчи ишдир.

- 1- Таҳоратнинг фарзлиги. Аллоҳ таоло ҳузурида туриб, Унга муножот қилмоқчи, яъни руку ва саждалар ила намоз ўқимоқчи ва Қуръон тиловат қилмоқчи бўлган киши таҳоратли бўлиши шарт.
- 2- Таҳоратнинг қандай қилиниш баёни. У қуйидагича: таҳорат қилувчи аввал қўлини уч марта ювади, оғзини уч бор чайқайди, бурнига уч марта сув тортиб қоқади. Сўнг уч марта юзини узунасига пешонадаги одатда соч чиқадиган ердан ияк остигача ва энига ўнг қулоғининг бўртиғидан чап қулоғининг бўртиғигача ювади. Сўнг олдин ўнг қўлини, кейин чап қўлини тирсаги билан қўшиб уч марта ювади. Сўнг бошига ва қулоғига бир марта масх тортади. Сўнг аввал ўнг оёғини, кейин чап оёғини тўпиғи билан қўшиб уч бор ювади. Чунки Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар бир ишда ўнг тарафдан бошлашни яхши кўрар эдилар. Фақатгина хожатхонага киришда чап оёқлари билан кирганлар. Бу Аллоҳ таолонинг: **“юзингизни ва қўлларингизни тирсаклар билан қўшиб ювинг, бошингизга масҳ тортинг ва оёқларингизни тўпиқлар билан қўшиб ювинг”**, сўзининг маъносидир. Кафтни уч марта ювиш,

оғиз ва бурунни чайқашни эса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисда баён қилганлар.

- 3- Жунубликдан ғул қилишга буйруқ. Аллоҳ таоло деди: **“Агар жунуб бўлсангиз ғул қилиб покланинг”**, яъни ювининг. Жунуб деб хотинига яқинлик қилган ёки тушида эҳтилом бўлиб қолган кишига айтилади. Эркак ва аёл бу хусусда баробар, яъни шундай ҳол бўлса иккисига ҳам ғул вожиб бўлади. Ғул қандай қилинади? Энг аввал вожиб бўлган ғулни ният қилади, ниятсиз чўмилиш ғулга ўтмайди. Шунинг учун дилида ният қилади, зеро ниятнинг ўрни қалбдир. Сўнг икки кафтини уч бор ювади, сўнг жинсий аъзоларни ва орқа авратни атрофлари билан қўшиб ювади. Сўнг намозга таҳорат олгандек таҳорат қилади, юқорида бунинг сифатини айтиб ўтдик. Бошини бирдан совуқ сув билан ювиб шамоллаб қолмаслиги учун олдин кафтига сув олиб, сочининг тагини бармоқлари билан тарайди. Сўнг бошини қулоқлари билан бирга уч бор ювади. Сўнг ўнг тарафини бошдан оёқ ва чап тарафини бошдан оёқ ювади. Бутун баданига тўла сув етказди. Қўлтиқ ости, киндик ва тиззанинг орқа тарафи каби сув тегмай қолиш эҳтимоли бўлган ерларга диққат қилади. Таҳорат олаётганида қўл ва оёқларининг бармоқ ва панжалари орасига сув етишини таъминлайди.
- 4- Таҳоратни бузувчи ва уни вожиб қилувчи ишлар. Аллоҳ таоло деди: **“Сизлардан бир киши қазойи ҳожат қилган ё хотинингиз билан қўшилган бўлсангиз”**. Кичик ё катта ҳожатни адо этиб, ҳожатхонадан чиқиш, ел чиқариш ёки аёлини шаҳват билан ушлаш кишининг таҳоратини бузади. Таҳорати йўқ одам намоз ўқиш, Каъбани тавоф қилиш ва Қуръон ушлаш учун таҳорат қилиши вожиб бўлади. Ел чиққанини билмай қоладиган даражада қаттиқ ухлаш, туя гўшти ейиш (айрим уламолар: “туя гўшти ейиш таҳоратни бузиши ҳақидаги ҳадис мансух бўлган, шунинг учун таҳоратни бузмайди” деганлар, лекин туя гўшти еган киши эҳтиёт юзасидан таҳорат олгани яхши), кафтнинг ич қисми билан жинсий аъзони ушлаш таҳоратни бузувчи ишлардан.
- 5- Ғул ё таҳорат қилиш учун сув топа олмаган ёки сув топилса-ю, бироқ ичиш ё таом ҳозирлашгагина етарли бўлса ва хоссатан агар мусофир бўлса ёки сув совуқ бўлиб, уни ишлатиш билан баданига касаллик етиши ё касали кучайиши ё тузалмай қолиши эҳтимоли бўлса, таяммум қилиш вожиб экани.
- 6- Таяммумнинг қандай қилиниши. Таяммум қилувчи киши **“Бисмиллаҳ”** деб, икки кафтини тоза тупроққа, тупроқ топа олмаса, ерга ё сунъий бўлмаган табиий тошга уради ва бир маротаба юзига суртади. Сўнг яна бир бор икки кафтини тупроққа уриб, икки қўлининг тирсагигача суртади. Билагигача суртиш билан кифояланса ҳам жоиз. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис бор. У зот Аммор ибн

Ёсирга: “Мана бундай қилишинг кифоя эди”, деганлар ва икки қўлларини ерга бир уриб, чап қўлларини ўнг қўлларига (бир ривоятда икки қўлларини бир-бирига), икки кафтларининг ортига ва юзларига суртганлар (Бухорий (347), Муслим (368)).

- 7- Аллоҳ таоло мўмин бандаларини таҳорат ва ғул қилишга ҳамда сув топиш ё уни ишлатишдан ожиз бўлганларида таяммум қилишга буюриши Унинг уларга бўлган лутфи, раҳмати ва эҳсонидир. Аллоҳ субҳонаҳу мўминларга: **“Аллоҳ таоло сизга қийинликни истамайди”**, деб, лутф айлади. Яъни машаққатга қўйишни ва қийнашни хоҳламайди. Сизни зоҳиру ботинда пок бўлишингизни истайди. Исломга ҳидоят этиши, шариатини баён қилиши ва унга амал қилишга чақириши билан сизга неъматини комил қилди. Зеро, ҳидоят мўминнинг икки дунёдаги саодати ва камолининг манбаидир. Бу билан Аллоҳ сизни шукр қилувчи банда бўлишга тайёрлайди. Ҳаётнинг маъноси ҳам тўлиғича Аллоҳнинг зикри ва Унга шукр қилишдадир. Аллоҳни зикр қилиш қалб ва тил билан, шукр қилиш аъзолар ва бадан билан бўлади. Таҳорат, ғул ва таяммум қилиш эса ҳаётга келтиргани ва яшаттиргани учун Аллоҳга шукр қилиш бўлади. Парвардигоро, бизни Сени зикр қилувчи ва Сенга шукр қилувчи бандаларингдан бўлишга насиб эт. Сенинг зикринг, шукринг ва ҳусни ибодатингда бизга ёрдам бер, эй оламлар Парвардигори.

Сўзимизнинг охирида сиз ҳурматли ўқувчига мукофот ўлароқ Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисларини келтирамиз. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ким таҳорат олса ва таҳоратни мукамал қилса, сўнг осмонга қараб: “Гувоҳлик бераман, ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ. У шериксиздир. Яна гувоҳлик бераман, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир. Эй Аллоҳ, мени тавба қилувчилардан ва таҳоратли-покиза кишилардан қилгин”, деса, у учун жаннатнинг саккиз эшиги очилади”, (Абу Довуд, 1/59). Имом Аҳмад ривоятида: “хоҳлаганидан кираверади” деганлари зиёда қилинган. Буни доим ёдда тутинг, унга амал қилинг, асло ташлаб қўйманг, чунки бу бебаҳо хазина ва мўл-кўл яхшиликдир. Доим таҳоратда юрган кишига саломлар бўлсин.

Ўттиз биринчи нидо

Ҳукм қилиш ва гувоҳлик беришда адолат вожиблиги ва Аллоҳдан тақво қилишга буйруқ

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг юзини истаб, ҳақни ўрнатувчи ва адолат билан гувоҳлик берувчи бўлинг. Бирор қавмга бўлган нафратингиз сизларни адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Шу тақвога яқинроқдир. Аллоҳдан қўрқинг. Шубҳасиз, Аллоҳ қилаётган барча ишларингиздан хабардордир” (Моида, 8).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, ўтган нидоларнинг бирида Аллоҳ таолонинг адолат қилиш ҳақидаги буйруғи келган эди. Бу нидода ҳам адолатга буюрилди. Такроран адолатга буюрилишига сабаб ҳар бир ишда адолат қилиш зарурлиги ва ўта аҳамиятли эканидир. Зеро, осмонлару ерни тутиб турган нарса ҳам адолатдир. Буни доим ёдда тутинг ва ушбу нидога жон қулоғингиз билан қулоқ солиб, Аллоҳ бандаларига буюрган ибодатлар, одоб-ахлоқ ва аҳкомларда Аллоҳ учун ҳақни барпо этинг. Ҳақда турувчи бўлибгина қолмасдан, балки ҳақни барпо этувчи, уни юзага чиқарувчи бўлинг.

“Аллоҳнинг юзини истаб” дегани ширкни инкор қилишдир. Бундан мурод Аллоҳ таоло мўмин бандаларига буюрган ибодатлар, ҳақ-ҳуқуқлар ва вазифаларни бажаришда ширкка йўл қўймаслик, уни рад қилишдир. Аллоҳ ҳар бир ишда бандаларни адолат қилишга буюргани каби гувоҳлик беришда ҳам адолатли бўлишга амр этди. Чунки гувоҳликка ўтувчи киши гувоҳлиги билан ҳақ ўз эгасига қайтишига ё зое бўлишига сабаб бўлади. Гувоҳлигида одил бўлса, ҳақ эгасига қайтади. Жавр йўлини тутиб, гувоҳликда адолатдан бурилса, ҳақ эгасига зулм қилган, унинг ҳаққи зое бўлишига сабабчи бўлган бўлади. Бунда ҳақдорнинг мусулмон ё кофир, бой ё камбағал бўлишининг фарқи йўқ. Модомики, ҳар бир инсон Аллоҳга банда экан, Аллоҳ бандасининг ҳаққи зулм билан зое бўлишига изн бермайди. Адолат билан гувоҳлик бериш вожиблиги сири ҳам шудир: **“Аллоҳнинг юзини истаб, ҳақни барпо этувчи ва адолат билан гувоҳлик берувчи бўлинг”**. Буни доим ёдда тутинг.

Энди ушбу илоҳий нидодаги мана бу сўзга диққат қилинг: **“Бирор қавмга бўлган нафратингиз сизларни адолат қилмасликка олиб бормасин”**. Яъни кофирларни ёмон кўришингиз ёки бошқа бирон қавмга бўлган нафрат ва адоватингиз, – улар ким бўлишидан қатъи назар, мусулмонми, кофирми, мувахҳидми, мушрикми, бирон сабаб билан сиз уларни ёқтирмасангиз ё ўртангизда душманона кайфият бўлса, – бу нафрат ва адоватингиз ҳукм қилган ё гувоҳлик берган пайтингизда уларга нисбатан жавр-ситама ва адолатсизлик қилишингизга олиб бормасин.

Ҳукм қилиш ва гувоҳлик беришда адолатнинг нақадар муҳим эканидан – зеро қози жиноятчининг эътирофи ёки икки мусулмон гувоҳ кўрсатмасига кўра ҳукм қилади, – Аллоҳ таоло юқорида адолат қилишга бўлган буйруғини такрорлаб, уни яна бир буйруқ билан таъкидлади. Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳнинг юзини истаб, ҳақни барпо этувчи ва адолат билан гувоҳлик берувчи бўлинг. Бирор қавмга бўлган нафратингиз сизларни адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Шу тақвога яқинроқдир”**. Яъни ҳукм қилиш ва гувоҳлик беришда адолат қилинг. Яна банда Аллоҳнинг розилигини истаб бажарадиган ҳар қандай тоат-ибодатда адолатли бўлиши Аллоҳ азза ва жалладан тақво қилишга энг яқин ишдир. Тақво Аллоҳнинг дўстлигини қозонтирадиган амалларнинг ярми эканини, тақводор мўминлар Аллоҳнинг дўстлари, кофиру фожирлар Унинг душманлари эканини билдик. Шунга биноан, Аллоҳдан тақво қилишга яқинлаштирадиган ёки тақвони ҳосил қиладиган ҳар қандай амални қилиш вожибдир. Бунга бепарво бўлиш, эътибор бермаслик асло жоиз эмас. Аллоҳ таоло бу нидони тақвога буюриш билан тугатиши ҳам сўзимизни тасдиқлайди: **“Аллоҳдан қўрқинг”**, яъни тақво қилинг. Тақво сизларни Аллоҳ ва Расули Қуръон ва ҳадисда зиммангизга юклаган вазифаларни тўлиқ бажаришингизга етакласин. Хоссатан, ҳукм қилиш ва гувоҳлик беришда адолатли бўлишга олиб борсин. Бандани буйруқларни бажаришга, ҳақ ва омонатларни ўташга ундовчи тақво (Аллоҳдан қўрқув) ҳаёт мобайнида қўлга киритиладиган, ҳаракат ва жидди-жаҳд билан топиладиган неъматдир. Бунга эришишнинг бир қанча йўллари бор, қуйида шуларни баён қиламиз:

- 1- Уни ҳеч нарса ожиз қолдира олмайдиган Аллоҳ таолонинг қудратини эслаш.
- 2- Банданинг заифлигини, Аллоҳга муҳтожлигини ёдда тутиш. Банда нафас олиб чиқаришида ҳам Парвардигорига муҳтождир.
- 3- Амрига итоат этмаган кофир ва фосиқ кимсаларга қилган Аллоҳнинг таҳдидини эслаш.
- 4- Аллоҳ таоло душманлари бошига солган азобу уқубатлар, ҳалокат ва зиён-заҳматларни эсда тутиш.
- 5- Аллоҳнинг дўстлари эришган бу дунёдаги иззат ва камол, ютуқлар ва ҳукмронликни ҳамда охиратда уларга умид қилинажак жаннатдаги абадий роҳатни эслаш.

Шу тариқа қалб ва тил билан эслаш қалбда Аллоҳдан қўрқувни пайдо қилади. Қўрқув пайдо бўлса, тақво бўлади. Тақво Аллоҳ ва Расулига улар буюрганидек эътиқод, сўз ва амал билан итоат этиш ва Аллоҳ ва Расули қайтарган ботил эътиқод, ёмон сўз ва бузуқ амалдан тийилиш деганидир. Бу нарсалар Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган ҳар қандай ботил эътиқод ва бузуқ, зарарли сўз ва амаллардир.

Аллоҳнинг бу нидо охирида айтган сўзларидан ғофил қолмаслик бандага етарлидир: **“Шубҳасиз, Аллоҳ қилаётган барча ишларингиздан хабардордир”**. Бу сўзларни қалбига жо қилган банда Аллоҳ уни давомли равишда кузатиб турганини ҳис қилади. Ҳар бир қилган ишини Аллоҳ кўриб турибди деган ўйда амалга оширган киши ўзида тақвони ва Аллоҳнинг дўстлигини қўлга киритиб, Аллоҳнинг дўстлари қаторида бўлади. Аллоҳнинг дўстлари учун дунё ва охирада ҳеч қўрқув йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. Парвардигоро, бизларни ҳам шундай бандаларинг қаторида қилгин, уларни дўст тутганинг каби бизларни ҳам дўст тутгин. Аллоҳумма амин.

Ўттиз иккинчи нидо

Аллоҳнинг неъматларини ёдга олишга, тақво ва таваккул қилишга буйруқ

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ таоло сизларга ҳужум қилишни истаган душманингизни буриб қўйиши билан сизга ато этган неъматини эсланг. Аллоҳдан қўрқинг. Иймонли кишилар ёлғиз Аллоҳгагина суюнсинлар” (Моида, 11).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилар экан, уларнинг одоб-ахлоқ, давлат-салтанатда етук бўлишларини истайди ва дунёю охиратда саодат топишларига сабаб бўладиган ишларга буюради. Зеро Аллоҳ уларнинг Рабби ва дўстидир. Раб бандасининг комил, бахтли инсон бўлишини истайди, дўст дўстига фақат яхшилик ва саодат тилайди. Аллоҳ ушбу нидода мўмин бандаларига нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар”**, деди ва уларга Ўзи инъом этган буюк бир неъматни эслатди. Ҳар бир мўмин ва мўмина бу неъмат берилган кундан то қиёматгача унинг шукрини адо этишга буюрилган. Шукр неъматни билиш ва эшлашга тобеъдир. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **“сизга ато этган неъматини эсланг”**, дегач, бу неъматнинг даражасини ва ҳақиқий салмоғини кўрсатди: **“сизларга ҳужум қилишни истаган душманингизни сиздан буриб қўйди”**. Дарҳақиқат, душманлар тарафидан бир неча бор Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ўлдиришга уринишлар бўлган. Лекин ҳар сафар Аллоҳ азза ва жалла маккор душман қўлини тийиб қўяр, натижада улар пайғамбаримизни уриш ё ўлдиришга муваффақ бўлмас эди. Ана шундай уринишлардан бири Ғаврас ибн Ҳорис тарафидан уюштирилди. Бу ҳақда “Саҳиҳ Бухорий”да қўйидагича ҳадис келган: “Аъробий Ғаврас Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир ерга келиб ўтирганларини, саҳобалари эса жанг ва сафар чарчоғини чиқариш учун дарахтлар соясига тарқалиб, у зотнинг олдиларидан узоқлашганларини кўрди. Расулulloҳ ҳам бир оз дам олиш учун қиличларини дарахтга илиб, ерга чўзилдилар. Шунда Ғаврас келиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиличларини қинидан суғуриб: “Сени мендан ким ҳимоя қила олади?” деб сўради. Расулulloҳ: “Аллоҳ азза ва жалла”, дедилар. Аъробий сўзини уч бор қайтарди, Расулulloҳ ҳам уч бор “Аллоҳ азза ва жалла”, деб жавоб қайтардилар. Шунда Ғавраснинг қўлидан қилич тушиб, ўзи гапира олмай ўтириб қолди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан юз ўгирдилар ва саҳобаларни чақириб бу аъробий билан бўлган ҳодисани айтиб бердилар, аъробий эса ёнларида ўтирар эди. Унга ҳеч қандай жазо бермадилар”. Бу аъробий мушриклар тарафидан Расулulloҳни ўлдириш учун юборилган эди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мушриклар суиқасдидан нажот топишлари

Аллоҳ таолонинг Ислом умматига қиёматга қадар берган неъматлари ичида энг буюк неъматдир.

Шундай суиқасдларнинг яна бири: Бану Назир яҳудийлари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошларига тепадан харсанг тош ташлашни режалаштирган эди. Ўшанда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча саҳоба ҳамроҳлигида яҳудийлар билан тузилган тинчлик битими ҳақида гаплашиш учун улар олдига бордилар ва уларнинг уйларида бирининг девори остига келиб ўтирдилар. Шунда яҳудийлар у зотнинг устларига томдан катта тошни ташлаб ўлдирмоқчи бўлдилар. Лекин Аллоҳ таоло Расулига ваҳий қилиб, хоин яҳудлар режаси ҳақида хабар берди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан у ердан тез чиқиб кетдилар ва яҳудлар режаси пучга чиқди. Яҳудлар сирлари фош бўлганидан надомат чекиб қолдилар. Аллоҳ таоло Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга хиёнаткор яҳудийлар билан тузилган битимдан чиқишни амр этди. Пайғамбаримиз саҳобалар билан келиб, яҳудларни қамалга олдилар. Таслим бўлишгач, уларни Мадинадан сургун қидилар. Яҳудлар Шом тарафларга чиқиб кетишди.

Учинчи суиқасдни ҳам лаънати яҳудлар амалга оширмоқчи бўлган. Улар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни заҳарлаб ўлдирмоқчи бўлдилар. Лекин Аллоҳ пайғамбарига нажот берди, бу неъматини учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Аллоҳ ўз динини комил қилиш учун, пайғамбарига суиқасддан нажот берди: **“Бугун Мен сизларга динингизни комил қилдим. Сизларга неъматимни тўла-тўқис қилдим ва сизлар учун Исломни дин ўлароқ ихтиёр қилдим”** (Моида, 3). Шунча суиқасдлар бўлса ҳам Аллоҳ таоло Расулини сақлаб, умрлари поёнига етганида ўз уйларида вафот топтирди ва ҳужраи саодатга дафн қилинди. У зотдан сўнг икки улуғ саҳобалари Абу Бакр ва Умар разияллоҳу анҳумолар ҳам Расулulloҳ ёнларига дафн қилинди. Шунинг учун Аллоҳ мўмин бандаларига нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ сизга ато этган неъматини эсланг”**, яъни тавҳид ва Ислом душманлари бўлмиш яҳудийлар тарафидан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши режалаштирилган суиқасддан нажот бериш неъматини эсланг, деди. **“Аллоҳ таоло сизларга ҳужум қилишни истаган”**, яъни пайғамбарингизни ўлдирмоқчи бўлган **“душманингизни сиздан буриб қўйди”**.

Ҳурматли ўқувчи, бир тааммул қилинг-а, суиқасд қилинган зот Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлганлари ҳолда Аллоҳ таоло бу суиқасдни барча мусулмонларга қилинган суиқасд деб атади. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир мўмин ва мўмина Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун ўзини, ота-онаси, фарзандлари ва барча инсонларни фидо қилишга тайёр бўлиши лозим. Аллоҳ таоло деди: **“Пайғамбар мўминларга ўзларидан кўра ҳам ҳақдорроқдир”** (Аҳзоб, 6). Бу билан Аллоҳ таоло нима учун мўмин бандаларини уларнинг пайғамбарларига маккор душман суиқасдидан нажот

бериш, душман қўлини улардан қайтариш ва душманни улардан буриб қўйиш билан берган неъматини эслашга буюрганининг сири маълум бўлади.

Оят охирида Аллоҳ таоло мўминларни яна тақвога, яъни Ундан қўрқишга буюрди: “**Аллоҳдан қўрқинг**”. Тақво қилиш ортида икки дунё саодати гарови бўлган Аллоҳнинг ризоси ва дўстлигига эришиш бор. Шундай экан, тақво қилайлик ва Аллоҳга суюнайлик. Аллоҳ таоло бизни фақат Ўзига таваккул қилишга буюрди. Зеро, Аллоҳга суюниш озорларни даф қилиш ва кўп яхшиликларга эришишдан иборат орзуйимизни рўёбга чиқаради. Аллоҳдан бошқага суюниш эса ноумид бўлиш, хорлик ва йўқликдан бошқа нарсани келтирмайди.

Эй мўминлар, бу сўзлардан ғафлатда қолманг, уларни доим ёдда тутинг. Улар сизни саодатга олиб чиқувчи нарвон, сизга етажак барча неъматлар калитидир. Аллоҳ сизу бизни Ўз розилигига муваффақ қилсин. Амин.

Ўттиз учинчи нидо

Аллоҳдан қўрқиш, Унга яқин бўлиш йўллари излаш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга буйруқ ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинг, Унга яқин бўлиш йўллари изланг ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилинг, шояд нажот топсангиз” (Моида, 35).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўминларга иймон сифатлари билан нидо қилиши сири ёдингиздами? Мўмин иймони билан тирик, буйруқни эшитади, ақл юргизади ва бир ишни бажариш ё тарк этишга қодир бўлади. Кофир эса ўлик ҳукмида, на Аллоҳнинг нидосини эшитади, на унга ижобат этади, на ақл юргизади, на ўйлаб кўради.

Аллоҳ таоло мўминларга уларни бирон ишга буюриш ё қайтариш, хушхабар бериш ё огоҳ этиш учун нидо қилади. Зеро, буйруқлар мўминнинг қалбини софласа, қайтариқлар қалб булғанишидан узоқлаштиради. Башоратлар яхши амалларга тезласа, огоҳлантиришлар нафсни бузувчи гуноҳдан узоқ қилади.

Бу нидода Аллоҳ таоло мўминларни тақво қилишга буюриб: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинг”**, деди. Яъни сизлар Аллоҳдан шундай қўрқингки, бу қўрқув сизларни Унга итоат этишга чорласин. Икки дунёда ҳам Аллоҳнинг ғазаби ва азобидан сақланиш тоат билан бўлади. Аллоҳ мўминларни Унинг азобидан нажот топишлари учун тақвога буюрганидек, дунёю охиратда мартабаларини юксалтирадиган, манзил-мақомларини олий қиладиган ишга ҳам буюрди. Бу эса нафл ибодатлар билан Аллоҳга яқинлашишдир. Яъни фарзлардан ташқари нафл намоз, рўза, садақа, ҳаж, умра, зикр, дуо ва шу каби ибодатлар билан Унга яқинлашиш йўлини ишташдир. Аллоҳ деди: **“Аллоҳга яқин бўлиш йўллари изланг”**. Яъни солиҳ амаллар қилиш билан Аллоҳга яқинлашинг. Амалларингизни васила (восита) қилинг. Солиҳ амал Аллоҳнинг муҳаббатини қозониш, розилигига эришиш ва Унга яқин бўлишга васила бўлади. Шу ўринда огоҳ этиб кетиш лозимки, мусулмонлар ичида васила қилиш номи остида ширкнинг турли хил кўринишлари тарқалган. Бу нарса Ислом умматида илмсизлик нақадар урчиганига ва жоҳиллик ёйилганига далолат қилади. Ислом душманлари умматни илм ва маърифат манбаи бўлмиш Қуръон ва суннатдан узоқ қилишга эриша олди. Қуръондан шаръий ҳукмлар, исломий одоб-ахлоқлар олинмай, фақатгина ўликка тиловат қилинадиган, ҳадислар эса барака учун ўқиладиган бўлиб қолди.

Жоҳил кишилар васила қилиш деган ном остида тушиб қолган ширк ишларни санаб ўтамир:

- 1- Ўликлардан сўраш, улардан ёрдам иташ. Мисол учун: “Эй фалончи пирим, мен сиздан ва Аллоҳдан тилайман. Мен учун Аллоҳга дуо қилинг. Ҳожатимни ўташни Аллоҳдан сўраб беринг”, дейиш.
- 2- Ўлиб кетган авлиёларга атаб сўйиш. Яъни бир жонлиқни қабр, зиёратгоҳ ва шу каби қадамжоларга олиб келиб: “Бу фалончи пирим руҳи учун”, деб сўйиш.
- 3- Авлиёларга назр қилиш. Мисол учун: “Эй фалончи пирим, агар Аллоҳ ҳожатимга кушойиш берса, сиз учун қўй сўяман ё мақбарангизга шам ёқаман ёки қабрингиз устига ипак ёпқич тўшайман”, дейиш каби.
- 4- Авлиёлар билан қасам ичиш: “Фалончи пирим ҳаққи онт ичаман” ёки “Фалон пирим бошига қасам” каби.
- 5- Баракотларидан шифо топсин деб беморларни авлиёлар мақбарасига олиб бориб, қабрлари ҳоқини баданларига суриш, улардан сўраш, шифо талаб қилиш.

Буларнинг бари ширк ишлар бўлиб, улар бунин Аллоҳга солиҳ бандаларини восита қилиш (тавассул) деб номлаб олишган. Сиз бундан ҳазир бўлинг, тавассул нима эканини яхши билиб олинг. Аллоҳ азза ва жаллага яхшиликлар қилиш ва тоат-ибодатни кўпайтириш билан тавассул қилинади, яъни Унга яқин бўлиш йўллари изланади. Тоат-ибодат билан банданинг мартабаси ошади, Аллоҳнинг ризоси ва абадий жаннат роҳатига эришади.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Раҳмон таолонинг аршига энг яқин “васила” деб номланган жаннатдаги даража ҳақида хабар бериб, ким у зот учун шу даражани сўраб дуо қилса шафоатларига ноил бўлишини айтганлар: “Муаззин азон айтса, сизлар унинг айтган сўзларини қайтаринг. Сўнг менга салавот айтинг ва: “Ушбу комил чақириқнинг ва ҳозир бўлган намознинг Парвардигори бўлган эй Аллоҳ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга василани, яъни жаннатдаги олий даража ва мартабани ато эт, уни ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомга чиқар”, деса, унга шафоатим вожиб бўлади” (Муслим ривояти, 577).

Оят сўнгидаги Аллоҳ таолонинг: **“Аллоҳ йўлида жиҳод қилинг, шояд нажот топсангиз”**, деган сўзлари бу нидодаги учинчи буйруқ бўлди. Бу буйруқ кофирларга қарши жиҳод қилишга бўлган буйруқдир, токи улар ҳам Исломга кириш бахтига мушарраф бўлсинлар, абадий азобга, дўзахга тушмай нажотга эришсинлар.

Шу ўринда юқоридаги буйруқ остига кирадиган яна бир жиҳод ҳақида гапириб ўтсак. Бу фосиқларга, лаънати шайтонга ва нафсга қарши жиҳоддир.

Фосиқларга қарши жиҳод уларни яхшиликка буюриш ва ёмонликлардан қайтариш билан бўлади.

Шайтонга қарши жиҳод унга лаънат айтиш билан, қабих ва мункар ишларни чиройли қилиб кўрсатса эргашиб кетмаслик, васвасаларига учмаслик ва унинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилаш билан бўлади.

Жиҳодлар ичида энг қийини нафсга қарши жиҳоддир. Банда Парвардигори яхши кўрадиган ишларни ўрганиб, ўзини шу ишларни қилишга мажбурлаши ҳамда Парвардигори ёмон кўрадиган ишларни билиб, улардан четланиши ва мўмин биродарларига ҳам ўргатиши нафс жиҳодидир. Аллоҳ таолонинг ушбу ваъдасини нафс жиҳодига берилажак мукофот деб қабул қиламиз: **“шунда шояд нажот топсангиз”**. Дўзахдан қутулиб, жаннатга кирган киши нажот топган бўлади. Аллоҳ таоло барчамизни жаннат аҳлидан қилсин. Амин.

Ўттиз тўртинчи нидо

Яҳуд ва насороларни дўст тутиш ҳаромлиги, бунинг сабаби ва уларни дўст тутишнинг оқибати ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, яҳуд ва насороларни дўст тутманг! Яҳудлар бири-бири билан дўст, насоролар ҳам шундай. Сизлардан ким уларни дўст тутса, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳаққа муваффақ қилмайди” (Моида, 51).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло чин иймон ва комил тақво эгаларини Ўзига дўст тутди. Аллоҳни дўст тутган кишига Унинг душманлари билан дўстлашиш ҳаромдир. Яҳуд ва насоролар Аллоҳнинг душманларидандир. Яҳудлар Аллоҳнинг пайғамбарларини қатл қилганлар ва Унинг амрига бўйсунушдан бош тортганлар. Насоролар эса Аллоҳдан бошқани илоҳ санаб, ўшанга ибодат қилганлар. Шунинг учун Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилиб демоқда: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб иймон келтирган мўминлар, сизлар яҳудий ва насронийларни ўзингизга дўст тутманг. Уларни яхши кўрманг, уларга ёрдам берманг. Улар сиз иймон келтирган Парвардигорга душман бўлган кимсалардир. Шундай экан, қандай қилиб улар билан дўстлашасиз?! Сизга душманлик қиладиганларни дўст тутасизми, сизни ёмон кўрадиганларни яхши кўрасизми?!

Бу масаланинг бир томонидир. Иккинчи томондан яҳудий яҳудийга, насроний насронийга дўст. Шундай экан, мўмин қандай қилиб насроний ё яҳудий билан дўстлашсин?! Бундай бўлиши асло мумкин эмас.

Эй мўминлар, сизларга, Раббингизга, динингиз ва пайғамбарингизга душман бўлганлар билан дўстлашишдан ҳазар қилинг! Уларни асло дўст тутманг, яхши кўрманг, уларга ёрдам берманг! Бундай қилиш куфрга олиб борадиган хатарли ишдир, Аллоҳ сақласин. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи бу ҳақиқатни тасдиқлайди: **“Сизлардан ким уларни дўст тутса, у ўшалардандир”**. Ким улардан бўлса, куфрда ҳам, Аллоҳга, Расулига ва мўминларга душманчиликда ҳам ўшалар қаторида бўлади. Шу сабабли ҳидоятдан маҳрум бўлади. Зеро Аллоҳ золим қавмларни ҳидоятга бошламайди.

Аллоҳ таоло бу нидони мўминларни саодатда йўлловчи сўз билан яқунлади: **“Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳаққа муваффақ қилмайди”**. Ким Аллоҳнинг душманлари билан дўстлашса, Аллоҳга душман бўлибди. Ким Аллоҳга душман бўлса, ўзига зулм қилибди. Чунки

зулм деб нарсани ўз жойига қўймасликка айтилади. Золим ва кофир билан дўстлашиб бўладими, эй мўминлар?!

Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқайлик, Аллоҳ дўст тутган кишиларни дўст тутайлик, Аллоҳнинг душманларини душман деб билайлик! Аллоҳ бизга нидо қилган: **“Эй иймон келтирганлар, яҳуд ва насороларни дўст тутманг! Яҳудлар бир-бири билан дўстдир, насоролар ҳам худди шундай. Сизлардан ким уларни дўст тутса, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳаққа муваффақ қилмайди”**.

Яҳуд ва насороларни дўст тутсак, ўзимиз ҳам яҳудий ё насроний бўлиб қолишдан, иймондан сўнг куфрга, ҳидоятдан сўнг залолатга қайтишдан қандай қўрқмаймиз?! Аллоҳ сақласин.

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ бизга ҳаром қилган дўстликдан мурод яҳудий ва насронийларни қалбдан яхши кўриш, тилларимизда уларга бўлган муҳаббатимизни изҳор этиш, мўмин биродарларимизга қарши уларга ёрдам беришдир. Ҳолбуки, бундай дўстлик кофирларга эмас, мўминларга бўлиши керак. Мўмин мўминни яхши кўради, шу муҳаббатдан келиб чиқиб, тили ва амали билан унга яхшилик қилади, ёрдам беради, керак бўлса бирга ўлади. Чунки мўмин унинг диндош биродаридир, иймон, ислом, эҳсон ва Аллоҳга дўстликдаги ака-укасидир. Аммо, кофир кимса хоҳ яҳудий, хоҳ насроний, хоҳ мажусий, хоҳ бутпараст мушрик бўлсин, у бизнинг Раббимизга, пайғамбаримизга ва динимизга кофир бўлган. Бизга ва Раббимизга қарши тиш қайраган, қалбига нафрат ва адоватни жойлаган. Шу қадар катта фарқлар ва монелар бўлатуриб ҳам уларни дўст тутиш мумкин бўладими энди?! Йўқ, албатта.

Сўзим охирида яна бир бор эслатаман, ҳар қандай кўринишда, ҳатто кийинишда, шиор ва чақириқларда ҳам тўлиғича яҳуд, насоро ва куфр аҳлига ўхшашдан, уларга эргашишдан сақланайлик.

Аллоҳ Уни дўст тутганнинг дўсти, Уни душман тутганнинг душмандир. Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир. Барча куч-қувват ёлғиз Аллоҳдандир.

Ўттиз бешинчи нидо Муртад бўлишдан огоҳ этиш ва чин мўминлар сифатлари ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ уларни яхши кўрадиган, улар ҳам Аллоҳни яхши кўрадиган, мўминларга раҳмли ва кофирларга қаттиққўл бўлган бир қавмни келтиргай. Улар Аллоҳнинг душманларига қарши жиҳод қиладилар ва Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмайдилар. Бу Аллоҳнинг фазли марҳаматидир, уни истаган бандасига беради. Аллоҳ фазли карами кенг ва билувчи зотдир” (Моида, 54).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилиш билан уларнинг ҳидоятини зиёда қилишни ва икки дунёда саодатга эриштиришни истайди. Навбатдаги бу нидода ҳам меҳрибон Парвардигор мўминларни муртад бўлиб, Исломдан ширкка қайтиб кетишдан огоҳлантирди. Диндан қайтиб мушрик бўлиб кетиш жуда нодир ҳол, бироқ Ислом динини яҳудийлик ё насронийликка ўзгартириш ҳоллари – Аллоҳ сақласин – бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундан олдинги нидода Аллоҳ таоло мўминларни яҳуд ва насороларни дўст тутишдан қайтарди: **“яҳуд ва насороларни дўст тутманг”** (Моида, 51). Уларни дўст тутиш яҳудийлашиш ва насронийлашишга йўл очади. Ким уларни дўст тутса, у ўшалардан бўлади ва бу билан Исломдан муртад бўлиб, яҳудийлик ё насронийликка кириб кетади, ҳидоятдан сўнг залолатга кетган бўлади, Аллоҳ сақласин. Бу нидода Аллоҳ мўминларга нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар, сизлардан ким динидан қайтса”**, деди, диндан мурод Ислом динидир.

Биласизми, киши нима билан диндан чиқади? Яҳудийча ёки насронийча эътиқодни қабул қилиш, уларни яхши кўриш, дўст тутиш, ибодатхоналарига ва ибодатларига ҳозир бўлиш, нимани ибодат ва диний амал деган ниятда қилсалар ўшани қилиш ва нимани ташласалар ўшани тарк қилиш, уларга хос кийимларни кийиш кишини диндан чиқаради. Буни доим ёдда тутинг, асло унутманг. Барча муслмонлар Аллоҳнинг ғазаби ва азобига гирифтор қилувчи бундай муртадликдан огоҳ бўлсинлар.

Энди содиқ мўминлар сифатларини баён қилиб, Аллоҳ таоло бундай деди: **“Аллоҳ уларни яхши кўрадиган, улар ҳам Аллоҳни яхши кўрадиган, мўминларга раҳмли ва кофирларга қаттиққўл бўлган бир қавмни келтиргай. Улар Аллоҳнинг душманларига қарши жиҳод қиладилар ва Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан кўрқмайдилар”**.

Содиқ мўминлар сифатининг биринчиси Раҳмон таоло уларни яхши кўришидир. Бу қандай ҳам яхши сифат.

Иккинчиси: Уларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари. Нақадар улуғ сифат.

Учинчиси: Мўминларга хокисорлик билан юмшоқ муомалада бўлиш.

Тўртинчиси: Кофирларга қаттиққўллик билан аёвсиз муомала қилиш.

Мазкур учинчи ва тўртинчи сифат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар сифатланган оятда келган. Аллоҳ таоло деди: **“Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир. У билан бирга бўлган мўминлар кофирларга қаттиққўл ва бир-бирларига раҳмлидирлар”** (Фатҳ, 29).

Бешинчиси: Аллоҳ йўлида жиҳод қиладилар. Қачон жарчи жиҳодга чорласа, қўлга қурол олиб, жангга чиқадилар. Мақсадлари Аллоҳнинг розилигини топиш, динига нусрат бериш ва мўмин биродарларига ёрдам бериш бўлиб, ундан бошқа мақсадлари йўқдир.

Олтинчиси: Мукаммал илм, соғлом иймон ва аниқ ишончга эга эканлари туфайли ҳақ динга эътиқод қилиш, ҳақни айтиш, уни ошкор этиш, унга амал қилиш ва унга даъват қилишда маломатчиларнинг маломатидан, душманларнинг адовати-ю урушишларидан қўрқмайдилар.

Аллоҳ таоло бу нидони: **“Бу Аллоҳнинг фазли марҳаматидир, уни Ўзи истаган бандасига беради. Аллоҳ фазли карами кенг ва билувчи зотдир”**, деган сўзи билан ниҳоялади.

Бу олти сифатни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким беришга қодир эмас ва бу сифатларга Аллоҳнинг дўстларидан бошқа ҳечким лойиқ бўла олмайди. Бу Аллоҳнинг фазли-марҳамати, ҳар кимга ҳам берилавермайди. Бунга эришиш учун уни чин дидан иташ, унга интилиш, унга элтувчи йўлда юриш лозим.

Бу фазл-марҳаматни Аллоҳга иймон келтириш ва тоғутга кофир бўлиш билан талаб қилинади. Аллоҳ таоло деди: **“Динга мажбурлаб киритиш йўқ, далил-ҳужжатлар ҳақ ботилдан, ҳидоят залолатдан ажралиб турадиган даражада аниқ-равшандир. Ким Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган нарсаларнинг барчасини инкор қилса ва Аллоҳга иймон келтирса, диннинг ҳеч узилмас мустаҳкам тутқичини тутибди. Аллоҳ эшитувчи, билувчи зотдир. Аллоҳ мўминларни дўст тутати. Уларни куфр зулматларидан иймон нурига чиқаради. Кофир бўлган кимсаларнинг дўстлари тоғутлардир, тоғутлар уларни иймон нуридан куфр зулматларига чиқаради. Ана ўшалар дўзах эгаларидир, улар унда мангу қоладилар”** (Бақара, 256-257).

Аллоҳга иймон келтириш ва тоғутларни инкор қилиш “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчисидир” деган шаҳодат калимасини рўёбга чиқариш билан бўлади. Бунинг учун инсон ёлғиз Аллоҳ Раб ва илоҳ, Ундан ўзга Раб ва илоҳ йўқ, деб иймон келтириши лозим бўлади, бу иймонини “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулulloҳ” (Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир) деб ошкор айтиб эълон қилади, сўнг Аллоҳ буюрганидек ва Расулulloҳ баён қилиб берганидек кўринишда Аллоҳга ибодат қилади. Қандай бўлмасин Аллоҳдан бошқага ибодат қилмайди, балки Аллоҳдан бошқага ибодат қилинса ғазаб қилади, ширкка асло рози бўлмайди.

Аллоҳнинг бу нидосини ва ундаги ҳидоят ёғдуларини яхши англаб етдингиз деб умид қиламан. Шу муносабат билан сизга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Абу Зар Ғифорий номли саҳобага қилган насиҳатларини ҳавола

қиламан. Саодат топишингиз учун сиз ҳам бу насиҳатни яхши тушуниб олинг ва унга амал қилишга ҳаракат қилинг. Абу Зар разияллоҳу анҳу айтади: “Халилим саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени етти нарсага буюрдилар: мискин кишиларни яхши кўриш ва уларга яқин бўлиш, мол-дунёда ўзимдан юқори бўлганларга қарамаслик ва ўзимдан паст бўлганларга қараш, мен билан алоқани узган бўлса ҳам қариндошларга силаи раҳм қилиш, одамлардан бирон нарса сўрамаслик, қанчалик аччиқ бўлса ҳам фақат ҳақни гапириш, Аллоҳ йўлида ҳеч қандай маломатдан қўрқмаслик ва Аршнинг остидаги хазина бўлган “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” (Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ҳам, қувват ҳам ёлғиз Аллоҳдандир) зикрини кўп айтишга амр этдилар” (Имом Аҳмад “Муснад” да келтирган).

Шуни билингки, эй ҳурматли ўқувчи, агар бу нидода жамланган олти сифатни ва Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Зар разияллоҳу анҳуга буюрган етти сифатни ҳаётингизга татбиқ қила олсангиз, комиллик чўққисига кўтарилган, энг афзал хислатларни топган ва Аллоҳнинг тавфиқи, инъоми ва фазл-марҳамати билангина эришиладиган неъматга эришган бўласиз.

Ўттиз олтинчи нидо

Динни масхара қилувчи кимсаларни дўст тутиш ҳаромлиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, сизлар аҳли китоб ичидан динингизни мазах қиладиган кимсаларни ва кофирларни дўст тутманг. Мўмин бўлсангиз фақат Аллоҳдан қўрқинг. Сиз қачон намозга азон айтсангиз, улар масхара қилиб, намозга чорловингиз устидан кулишади. Бунинг сабаби уларнинг ақлсиз-жоҳил эканларидир” (Моида, 57-58).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу буюк илоҳий нидо мўминларга кофирларни дўст тутишни ҳаром қилди. Кофир деганда яҳуд ва насоролар каби аҳли китоб бўладими ё мажусий ва мушрик каби китоби йўқ кофир бўладими, фарқи йўқ. Уларни дўст тутиш ҳаром эканига сабаб, улар ҳақ Ислом динини мазах ва ўйин қилиб олганларидир. Ҳолбуки Исломдан бошқа динни Аллоҳ қабул қилмайди: **“Ким Исломдан бошқа бир дин истаса, унинг бу дини Аллоҳ ҳузурида асло қабул этилмас ва у қиёмат куни зиёнкорлардан бўлмай”** (Оли Имрон, 85).

Бу оятнинг нозил бўлишига сабаб, яҳуд ва насоролардан бўлган айрим аҳли китоблар ва мушриклар Ислом динини масхара қилишлари бўлди. Мунофиқлар ва яҳудийлар ҳар қачон муаззин мусулмонларни намозга чорлаб азон айтганини эшитсалар, масхара қилиб кулишар, бири: “Эшакнинг ханграшига ўхшайди”, деса, бошқа бири овозини азон товушидан баланд кўтариб ҳазил-мазах қилар эди. Шунда Аллоҳ таоло имкон топди дегунча дин аҳкомлари устидан куладиган бундай кимсалар билан дўстлашишни мўминларга ман қилиб, ушбу нидони нозил қилди: **“Эй иймон келтирганлар”** яъни, Аллоҳни Раб ва илоҳ, Исломни дин ва шарият, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар ва элчи деб инонган мўминлар, **“аҳли китоб ичидан”**, улар яҳудийлар ва насоролардир, **“динингизни”**, яъни динингиз Исломни, унинг қонун ва аҳкомларини, **“мазах”**, яъни масхара ва ўйин **“қиладиган кимсаларни ва кофирларни”** яъни мушрикларни **“дўст тутманг”**, уларни яхши кўриш, уларга ёрдам бериш билан дўстона муносабатда бўлманг.

Сўнг Аллоҳ таоло мўмин бандаларини тақвога буюрди. Тақво – Аллоҳга буйруқ ва қайтариқларида итоат этишдир. Тақводор бандалар Аллоҳнинг амрларини астойдил, жидду жаҳд билан бажарадилар, қайтарган ишларидан четланадилар. Шундай қайтарилган ишлардан бири аҳли китоб ва мушриклар билан ва хоссатан Ислом динини масхара қилиб куладиган жоҳил, нодон, аҳмоқ кимсалар билан дўстлашишдир. Чунки қалбида марази бор кимсалар билан дўстлашиш ақлга ҳам, динга ҳам тўғри келмайди. Мўмин киши бундай қилиши дуруст эмас. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятнинг охирида: **“Агар мўмин бўлсангиз”**, деди. Зотан, “Мен мўминман, мусулмонман”, деб иймонни даъво қилган киши динига душман бўлган, турли услублар билан унга қарши курашадиган, масхара қилиб куладиган ножинсларни қандай

қилиб дўст тутиши мумкин?! Бу мутлақо жоиз бўлмаган иш. “Агар мўмин бўлсангиз” сўзи билан келтирилган бу жумла кофирларни дўст тутиш ҳаром эканини қаттиқроқ таъкидлайди, бўлмаса бундан олдин “Оли Имрон” сурасида келган оятда (28-оят) бу ишнинг ҳаром экани келган эди: **“Мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутишдан Аллоҳ мўминларни қайтарди”**.

“Моида” сурасида ҳам шу маънода оят келган: **“Эй иймон келтирганлар, яҳуд ва насороларни дўст тутманг”**.

Кейинги оятда Аллоҳ таоло: **“Сиз қачон намозга азон айтсангиз, улар масҳара қилиб, намозга чорловингиз устидан кулишади. Бунинг сабаби уларнинг ақлсиз-жоҳил эканлигидир”** деди. Бу оятда уларнинг динни масҳара қилиши ва дин билан ўйнаши баён қилинган. Зеро, азон дин ва шариатдир, балки шариатнинг энг катта аломати ва диннинг энг олий мақомидир. Азонда тавҳид ва нубувват калимаси баралла янграйди. Энг улуғ, Аллоҳга қуллик изҳор қилинадиган энг катта ибодатга, яъни намозга азон билан чақирилади. Азон мусулмонларнинг шундай улуғ шиоридир.

“Бунинг сабаби уларнинг ақлсиз-жоҳил эканлигидир” сўзлари эса азонни масҳара ва ўйин-кулги қиладиган кимсалар ҳайвон каби ақлсиз деб эътибор қилинишини кўрсатади. Улар ҳайвондан ҳам баттар ақлсиз, ёмон, адашган кимсалардир.

Намозга чорлайдиган ана шундай қадри баланд, нажотга чақирувчи, самовий калималар маъносини англашни истамайдиган, балки уни ёқтирмайдиган кимса ақлсиз ҳайвондан баттар бўлади. Бу гапни энг ростгўй зот Аллоҳ айтди. Азонни масҳара ва ўйин қилиш, уни айттирмаслик ақлсиз кимсаларнинг ишидир. Аллоҳ рост сўзлагувчидир.

Шу баҳона билан Исломда азоннинг ўрни, унинг ҳукми ҳақида икки оғиз сўз:

Азон шаҳар ё қишлоқ аҳолисига фарзи кифоя, бошқаларни кутаётган жамоат учун суннат, хоҳ сафар, хоҳ муқимликда бўлсин, бошқа бировни кутмаётган кишилар учун мустаҳаб бўлган амалдир. Бироқ сафарда азон айтишнинг ажри каттадир. Бу ҳақда “Муваатто”да ҳадис келган: “Муаззиннинг азонини эшитганлар хоҳ жин, хоҳ инсон, хоҳ бошқаси бўлсин, қиёмат куни унга (шу солиҳ амалга ё муаззиннинг фойдасига) гувоҳлик беради”. Бу ҳадисни Имом Бухорий ҳам “Саҳиҳ”да (584) келтирган).

Азоннинг ҳукмини билдик. Иқомат айтишга келсак, ҳар намозга иқомат айтиш суннати муаккададир. Азон айтган киши иқоматни ҳам айтса яхши, азон айтган кишидан бошқа киши иқомат айтишининг ҳам зарари йўқ. Қуйида азон ва иқомат қандай айтилишини келтирамиз:

Азон: Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ, Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ. Ашҳаду анна Мухаммадан

Расулуллоҳ, Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ. Ҳаййа аlassолаҳ, ҳаййа аlassолаҳ. Ҳаййа алал фалаҳ, ҳаййа алал фалаҳ. Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ла илаҳа иллаллоҳ. Фақат бомдод намозида “ҳаййа алал фалаҳ”дан кейин икки бор “Ассолату хойрун минан навм” деб айтилади.

Иқомат: Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ. Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ. Ҳаййа аlassолаҳ. Ҳаййа алал фалаҳ. Қод қоматис солату, қод қоматис солаҳ. Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ла илаҳа иллаллоҳ.

“Сиз қачон намозга азон айтсангиз” оятининг маъноси: қачон беш вақт намозга азон чақирсангиз, деганидир.

Аллоҳ таоло илм эшикларини сизга ва барча мўминларга очиб қўйсин. Амин.

Ўттиз еттинчи нидо

Ҳалолни ҳаром қилиш ва динда ҳаддан ошишнинг ёмонлиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок ишларни ўзингизга ҳаром қилиб олманг ва Аллоҳ белгилаган чегарадан тажовуз қилманг. Аллоҳ тажовузкорларни ёқтирмайди. Аллоҳ сизларга берган ҳалол-пок нарсалар билан ҳузурланинг ва ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан тақво қилинг” (Моида, 87-88).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу икки оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ шундай ривоят қилади: Анас разияллоҳу анҳу айтади: “Уч киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатлари ҳақида сўраш учун у зот хотинларининг уйларига келдилар. Уларга Расулуллоҳнинг ибодатлари ҳақида хабар берилгач, бу ибодатларни гўё оз санаб: “Биз қаёқда-ю, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қаёқдалар. Аллоҳ таоло у зотнинг ўтган ва кейинги гуноҳларини мағфират қилган бўлса”, дедилар. Сўнг улардан бири: “Мен умрбод кечани намоз билан ўтказаман”, деди. Иккинчиси: “Мен умр бўйи рўзадор бўлиб ўтаман, асло рўзасиз юрмайман”, деди. Учинчиси эса: “Мен аёллардан четланаман, уйланмай ўтаман”, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам келгач уларга: “Сизларми бундай-бундай деган?! Ҳушёр бўлинг, Аллоҳга қасамки, мен ичингизда Аллоҳдан энг қўрқувчи ва тақводорингизман. Лекин, рўза ҳам тутаман, рўзасиз ҳам юраман, кечаси намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёлларга уйланаман. Ким менинг суннатимдан юз ўгирса мендан эмас”, дедилар. Шунда ушбу икки оят нозил қилинди: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни эй Аллоҳни Раб, Исломни дин ва шариат деб иймон келтирганлар, – дарҳақиқат Аллоҳ Ислом динидан бошқа динни қабул қилмайди ва бошқа шариат ҳам татбиқ қилинмайди, – ҳамда Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар деб иймон келтирган кишилар. Бу иймон Расулуллоҳдан бошқага эргашмасликни тақозо қилади.

“Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок ишларни ўзингизга ҳаром қилиб олманг”, яъни Аллоҳ сизга ҳалол қилган таом ва ичимликлар, уйқу, никоҳланиш каби покиза нарсаларни ўзингизга ман қилиб олманг. Бу ердаги покиза нарсалардан мурод нопок ва жирканч нарсалардан бошқа Аллоҳ таоло барча мўмин бандаларига, зоҳиру ошкор фойдалар бўлгани учун ҳалол қилган неъматлардир. Зеро Аллоҳ билувчи ва ҳикмат соҳиби бўлганидан, нимани ҳалол ё ҳаром қилган бўлса, фақат мўмин бандаларининг фойдаси учун қилган. Юқорида келган уч киши Абдуллоҳ ибн Масъуд, Усмон ибн Мазъун ва Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳум бўлгани айтилади.

Ҳалол нарсаларни ҳаром қилиб олишдан қайтаргандан сўнг Аллоҳ таоло мўмин бандаларига хитоб қилиб, уларни тажовузкорликдан қайтарди.

Тажовуз – ҳаддан ошиш, ҳалолни ҳаром ва ҳаромни ҳалол қилиш билан ҳад-ҳудудлардан ўтиш демакдир.

Ейиш, ичиш, кийиш, қўшилиш ва бошқа нарсаларда исрофгарчилик ҳам тажовузкорликка киради. Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган ҳалол нарсаларни еб-ичинг, фақат исроф қилманг. Аллоҳ ҳаддидан ошувчи исрофгарларни ёқтирмайди”** (Аъроф, 31).

Фойдадан зарарга, ҳақдан ботилга, саодатдан бахтсизликка ўтиш исрофдир.

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ белгилаган чегарадан тажовуз қилманг. Аллоҳ тажовузкорларни ёқтирмайди”**. Шундай экан, сиз қандай қилиб Аллоҳ ёқтирмайдиган ишни қиласиз?! Қандай қилиб ўзингиз учун Аллоҳнинг муҳаббатини эмас, ғзабини танлайсиз?! Ҳолбуки, сиз Аллоҳнинг муҳаббати ва розилигини истаб, Унинг ғзаби ва адоватидан қочиб, ўзингизга ҳалол нарсаларни ҳаром қилиб олдингиз!

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бу масалани ёритиб берганлар. Қуйида шуларни баён қиламиз:

- 1- Еб-ичинг, садақа қилинг, кийинг, фақат исроф ва кибр қилманг. Мутакаббир ва мақтанчоқ бўлманг.
- 2- Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо деди: “Икки иллат – исроф ва кибр аралашмас экан, хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни киявер”.
- 3- Кибр ва исрофгарчилик қилмай, энглар, ичинглар, кийинглар ва садақа қилинглар. Бандасида неъматини кўришни Аллоҳ яхши кўради.
- 4- Оқ кийим кийинг, оқ кафан билан маййитларингизни кафанланг, чунки оқ либос кийимларнинг энг тоза-пок ва яхшисидир.
- 5- Айрим салафлар айтганлар: “Аллоҳ таоло табобатни ярим оят ичига жамлаб қўйган: **“Енглар, ичинглар, фақат исроф қилманглар”**. Аллоҳ таолонинг: **“Аллоҳ сизларга берган ҳалол-пок нарсалар билан ҳузурланинг ва ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан тақво қилинг”**, оятида эса, уларни аёллар, таомлар, уйқу ва кийимларни ўзлари учун ҳаром қилиб олишдан қайтариб, уларга раҳмат юзасидан ва тўғри йўлга йўллаган ҳолда: **“Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан энглар”**, деб амр этди. Бу ўриндаги амр рухсат беришга далолат қилувчи амрдир. Рухсат, ейишингиз мумкин, фақат ҳалол-пок нарсалар энг, ҳаром еманг, ҳаромга рухсат йўқ. Ҳаром нарсалар ризқ бўлмайди, фақат музтар ҳолдагина жонни сақлаб қолгудай миқдорда ўлимтик, қон ва тўнғиз гўшти ейишга рухсат берилган. Оятдаги: **“ҳалол-пок нарсалар”** деган ибора ҳаром нарсалар ризқ бўлмаслигини ифода қилади. Ҳалол-пок нарсалар – жирканч, нопок ва ҳаром бўлмаган деганидир.

Нидонинг сўнгида Аллоҳ таоло улар ҳақида ушбу оят нозил бўлган кишилар ва булардан бошқа то қиёматга қадар келадиган барча мўмин эркагу аёлларни тақво қилишга буюрди. Аллоҳ ҳаром ё ҳалол қилган, буюрган ё қайтарган, шариати исломия ўз ичига олган ва уни пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилиб берган барча нарсаларда Аллоҳдан тақво қилинг. **“Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан тақво қилинг”** дейиш билан уларга Аллоҳга иймон келтирган эканлари эслатилмоқда. Инсон Аллоҳга иймон келтирган бўлса, Унинг қудрат, илм, ҳикмат ва раҳмат сифатларидаги улуғлиги ва камолини билса, гуноҳ қилиш уёқда турсин, Аллоҳга осий бўлишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилишга қандай журъат қиласиз?

Аллоҳ таоло ўзининг бу нидосида мўминларга йўл кўрсатар экан, ҳалол нарсаларни ўзларига ҳаром қилиб олган кишиларга дакки-дашном бермади, чунки улар бу ишни фақат ва фақат Аллоҳнинг розилигини истаб ва Унинг муҳаббатига эришиш учун қилган эдилар.

Ундан ташқари, бу оятда одамлардан узлатга чекиниб, жун кийимлар кийиб, Аллоҳ ҳалол қилган лаззатли таом ва ичимликлардан ҳузурланишни ўзларига ман қилган айрим сўфиларга ҳам раддия бор.

Қолаверса, ким Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ўзига ҳаром қилиб олса ҳам у нарса унга ҳаром бўлиб қолмайди. Фақат хотин бундан мустасно, зеро ким хотинини ўзига ҳаром қилса ҳаром бўлиб қолади, огоҳ бўлинг. Хотинига талоқ ниятида: “Сен менга ҳаромсан”, деса, талоқ тушади. Талоқ нияти бўлмаса қасам каффорати тўлайди ва хотини унга ҳаром бўлмайди. Буни унутманг. Аллоҳ тақводорларнинг дўстидир.

Ўттиз саккизинчи нидо
Ароқ, қимор, бут-санамлар ва фол чўпларининг ҳаромлиги

“Эй Аллоҳга иймон келтирганлар, ароқ, қимор, бутлар ва фол очиладиган чўплар – мана шуларнинг ҳаммаси шайтон чиройли кўрсатадиган гуноҳ ишлардир. Бу гуноҳлардан узоқлашинг, шояд нажот топсангиз. Албатта, шайтон гуноҳ ишларни сизга чиройли кўрсатиб, ароқ ичиш ва қимор ўйнаш сабабли ораларингизга адоват ва нафрат солиш ва сизни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан чалғитишни истайди, холос. Энди тийиларсиз” (Моида, 90-91).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, иймон инсон учун бамисоли руҳ эканини унутманг. Иймон келтирган ва иймонида содиқ бўлган киши ҳақиқатда тирикдир – буйруқ ва қайтариқни қабул қилади, буюрилса бажаради, қайтарилса четланади. Бу унинг баркамол эканидандир. Кофир эса бамисоли эшитмайдиган ва кўрмайдиган, тушунмайдиган ва ақл юргизмайдиган ўлиқдир. Шунинг учун кофир қачон Аллоҳга, қиёмат кунига, Унинг китобига ва Расулига иймон келтирса, шундан кейингина шаръий талаблар остига дохил бўлади. (Бу ихтилофли масала бўлиб, айрим уламолар кофирлар ҳам шариат аҳкомларига мукаллафдир дейишса, айримлари мукаллаф эмас деганлар. Учинчи гуруҳ уламолар эса қайтариқларга мукаллаф, буйруқларга мукаллаф эмас деганлар)

Тақводор мўмин бандаларга қаратилган бу илоҳий нидо уларни тўрт нарсадан қайтариб, уларнинг ҳаром эканини баён қилди. Улар ароқ, қимор, бутлар ва фол очиладиган чўплардир. Аллоҳ таоло деди: **“Эй Аллоҳга иймон келтирганлар, ароқ, қимор, бутлар ва фол очиладиган чўплар – мана шуларнинг ҳаммаси шайтон чиройли кўрсатадиган гуноҳ ишлардир. Бу гуноҳлардан узоқлашинг, шояд нажот топсангиз”**.

Ароқ деб таржима қилганимиз “хамр” сўзи аслида қамрови кенгроқ бўлиб, ақлни оладиган ва маст қиладиган барча нарсани: ичиладими, чекиладими, ҳидладими, укол орқали томирга юбориладими, фарқсиз, истеъмол қилган кишини тили алжираб, нима деётганини билмайдиган ҳолга туширадиган ва ёмон ишлар қилиб қўйишига сабаб бўладиган ҳар қандай нарсани ўз ичига олади.

Қимор – аслида, ўртага пул тикиб ўқ отиб ўйнашга айтилган. Кейинчалик умумийлашиб, пул тикиб ўйналадиган барча ўйинга қимор дейиладиган бўлди.

Бутлар – ибодат учун ўрнатилган тошлар, ҳайкаллар ва суратлар бўлиб, сиғинишнинг шакли таъзим қилиш, силаб юз-қўлини суртиш, атрофида айланиб тавоф қилиш, у билан қасам ичиш ва унга атаб назр қилиш каби ибодатнинг ҳар қандай кўринишида бўлсин, бари бут-санамга ибодат қилиш деб айтилади.

Фол очиладиган чўплар – жоҳилият даврида қисматни аниқлаш учун ишлатилган камон ўқлари бўлиб, учта ўқнинг бирига: “Раббим буюрди”, иккинчисига: “Раббим қайтарди” деб ёзишар, учинчисига ҳеч нарса ёзмас эдилар. Кимдир сафарга чиқмоқчи, ё уйланмоқчи, ё бошқа нимадир иш қилмоқчи бўлса, фол чўплари бор кишининг олдига бориб, толеини билиб беришини сўрарди. У чўпларни идишга солиб, аралаштирар, сўнг бирини тортар эди. Агар “Раббим буюрди” деб ёзилган чўп чиқса, мўлжаллаган ишига киришар, “Раббим қайтарди” деб ёзилган чўп чиқса, ўша ишни қилмай тарк қилар эди. Ҳеч нарса ёзилмаган чўп чиқса, то ёзилган икки чўпдан бири чиққунча чўп тортиш давом этарди.

Ислом келгач, бундай фол чўпларини ва қумга чизиб ёки бошқа хурофот йўллар билан фол очадиган фолбинларнинг залолат ишларини ҳаром қилди. Аллоҳ таоло булар ҳақида: **“мана шуларнинг ҳаммаси шайтон чиройли кўрсатадиган гуноҳ ишлардир”**, деди. Яъни улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан жирканч-нопок ишлардир. Аслида, ҳаром ишларнинг ҳаммаси ҳам гарчи ифлос-кир бўлмаса-да, нопок-жирканч ҳисобланади. Шайтон чиройли қилиб кўрсатадиган иш экани эса жирканчлигини янада зиёда қилади. Чунки шайтон ҳам моддий, ҳам маънавий жирканч-нопок бўлган ишларнигина чиройли кўрсатади. Шунинг учун Аллоҳ улардан четланишга амр этди: **“Бу гуноҳлардан узоқлашинг”**. Ароқ, қимор, бутлар ва фол чўплари каби бундай нопок ишлардан узоқ бўлсак, нажот топиб, жаннатга эришишимизга бизни умидлантирди: **“шояд нажот топсангиз”**. Нажот топиш дўзахдан қутулиб, жаннатга кириш билан бўлади.

Бу юқорида ўтганлар биринчи оятнинг иршоди бўлди.

Иккинчи оят: **“Албатта, шайтон гуноҳ ишларни сизга чиройли кўрсатиб, ароқ ичиш ва қимор ўйнаш сабабли ораларингизга адоват ва нафрат солишни ва сизни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан чалғитишни истайди, холос. Энди тийиларсиз”**.

Оятда келган жирканч, нопок бўлган бу тўрт ҳаром амални лаънати шайтон чиройли қилиб кўрсатиши сабабини Аллоҳ бизга хабар берди. Шайтоннинг бундай қилишига бош сабаб бизнинг орамизга душманлик уруғини сепиш, ўртамизда адоват, нафрат пайдо қилиш ва бизни Аллоҳнинг зикридан, намоздан тўсишдир. Шу боис шайтон бизга энг нопок, жирканч ишлардан бўлган ароқ, қимор, бутлар ва фол очиладиган чўпларни чиройли, зийнатли қилиб кўрсатди.

Буни асло унутмаслигимиз керак ва ҳар доим шайтонга лаънатлар айтиб, унинг васваса қилишини ва ҳаромга тушириб қўйишга уринишини пучга чиқаришимиз лозим. Бу эса ҳаром ишлардан, хоссатан ароқ ичишдан, уни ишлаб чиқариш ёки сотишдан сақланиш билан амалга ошади. Қимор ўйнамаслик, унинг ҳар қандай кўринишидан узоқ бўлиш, нарда, шахмат, домино ва бошқа Аллоҳ ҳаром қилган ўйинлардан четланиш билан бўлади.

Ана шунда шайтоннинг фитнасидан омонда бўламиз, ўртамиздаги биродарлик, дўстлик, муҳаббат бардавом бўлади. Аллоҳнинг зикридан, намозни ўқишдан чарчамаймиз. Динимиз устун, қувватимиз ўчоғи, ҳидоятимиз маёғи, юксалишимиз нарвони, фаҳш ва мункарга тушиб қолишдан қутқарувчи намоздир: **“Зеро, намоз фаҳш ва мункарга тушишдан қайтаради”** (Анкабут, 45).

Аллоҳ таоло бу кўрсатмасини нима билан яқунлаганига эътибор беринг: **“Энди тийиларсиз”**. Биз ҳам Умар разияллоҳу анҳу айтгани каби айтайлик: “Тийилдик Раббимиз, тийилдик”. Умар разияллоҳу анҳу: “Аллоҳим, ароқ ҳақида бизга етарли ҳукм нозил қил”, деб дуо қилганида ушбу оят нозил бўлган, шунда у: “Тийилдик Раббимиз, тийилдик”, деб айтган эди. Биз ҳам айтамыз: “Эй Раббимиз, бу нопокликларга яқинлашмаймиз, бу жирканч ишларни қилмайиз, уларга рози ҳам бўлмаймиз. Сен бизни собит қил. Бу азму қароримизда содиқ бўлишимизга тавфиқ ато эт. Чунки Сен бизнинг дўстимизсан. Бизнинг Сендан бошқа дўстимиз йўқ. Берган неъматларинг учун Сенга ҳамд айтамыз, шукр қиламыз. Ҳабибинг ва расулинг Мухаммад мустафога салавот ва саломлар йўллаймиз. Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Ўттиз тўққизинчи нидо
Аллоҳ таоло эҳромдаги бандаларини осон ов билан имтиҳон қилиши
ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ Ундан ғойибона қўрқадиган кишиларни билиши учун сизларни эҳромда эканингизда қўлингиз ва қуролингиз етгудек овлар билан албатта синайди. Ким мана шундай очиқ-равшан баёндан кейин ҳаддидан ошса, у қаттиқ азобга лойиқ бўлади” (Моида, 94).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло Ундан ғойибона қўрқадиган кишиларни синаш учун мўмин бандаларга синовлар юборади. Бу ҳақда Аллоҳ бундай марҳамат қилган: **“Албатта Рабларидан ғойибона (кўрмаган ҳолатларида) қўрқадиган кишилар учун Аллоҳ томонидан мағфират ва улкан ажр-мукофот бордир”** (Мулк, 12). Аллоҳ уларнинг мартабаларини кўтариб, олий мақомларга эриштиради ва улар шу дунёнинг ўзида ҳам иззатда бўладилар.

Мана бу илоҳий нидода Аллоҳ таоло мўмин бандаларини ов хусусида имтиҳонга тутишини хабар берди.

Ов деб зебра, кийик, қуён каби ҳайвонлар, ҳар хил қушлар ва бошқа овладиган жониворларга айтилади. Бу ерда “ов” деб масдар (иш-ҳаракат номи) кўринишида қўллангани ҳолда, аслида исм мафъул, яъни овладиган нарса кўзда тутилган.

“Эй иймон келтирганлар”, яъни Аллоҳга, қиёмат куни Унга йўлиқишга, Унинг китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган эй мўминлар!

“Аллоҳ сизни овлар билан албатта синайди”, яъни Раббингиз Аллоҳ сизни кийик, қуён ва булардан бошқа овладиган ҳайвонлар билан имтиҳон қилади. Дарҳақиқат, Ҳудайбия сулҳи бўлган умра сафарида Аллоҳ таоло мўминларни шундай имтиҳон қилди. Сафар асносида ҳайвонлар ва ҳар хил қушлар илгари мисли кўрилмаган тарзда уларни ўраб олган эди. Шундай ҳолатда мўминлар умра учун эҳромда бўлган ҳолларида Аллоҳ таоло уларни бу ҳайвонларни овлаш ва ўлдиришдан ман қилди.

Аллоҳ таолонинг: **“қўлингиз ва қуролингиз етгудек”**, сўзига келсак: овладиган ҳайвонлар кўп ва сафар давомида ҳар тарафларида тўла бўлганидан қўлларини чўзсалар уларнинг тухуми ва жўжаларини оладиган даражада, каттароқ ҳайвонлар эса овлашни истасалар найзалари билан бемалол овлай оладиган яқинликда эди. Сўнг Аллоҳ таоло нима учун бундай ғаройиб имтиҳон қилгани ҳикматини баён қилиб: **“Раббиларидан ғойибона қўрқадиган кишиларни Аллоҳ билиши учун”**, деди.

Мўминлар амалда Аллоҳдан ғойибона қўрқишларини кўрсатдилар. Қўллари билан ҳам, найзалари билан ҳам ҳеч бир ҳайвонни овламадилар. Бу саботлари билан муҳим ишлар, буюк вазифалар юклатилишига лойиқ бўлдилар. Кўп ўтмай бутун башариятга ҳидоят йўлини кўрсатувчи раҳбар ва

етакчиларга айландилар. Инсонларни ақл билан бошқардилар, шариат билан ҳукм қилдилар, улар билан яхши муомала ва гўзал ахлоқда умргузаронлик қилдилар. Шанба куни балиқ овлашдан ман қилинган Бани Исроил каби бўлмадилар. Аллоҳ таоло Бани Ироилга имтиҳон ўлароқ шанба куни балиқ овлашни ман қилган эди. Қаранги, балиқ ҳам айни шанба куни кўп миқдорда сув юзига чиқиб, соҳилга яқин келар, шанба тугаши билан бирорта ҳам балиқ кўринмасди. Шунда улар ҳийла йўлига ўтишди, шанба оқшомида ёки жума куни балиқ овлаш учун тўрлар ташлаб қўйдилар. Шанба куни келган балиқлар тўрга илингач, якшанба куни балиқ тўла тўрларни олиб, ейишадиган бўлди. Аллоҳ таоло уларни бу қилмишлари учун маймун ва тўнғизларга айлантириб қўйди. Бу ҳақда “Аъроф” сўрасида оят ҳам келган: **“Эй Пайғамбар, сиз бу яҳудлардан денгиз яқинида жойлашган қишлоқ аҳли ҳақида сўранг...”** (Аъроф, 163).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам атрофларидаги саҳобалардан иборат содиқ мўминлар жамоаси эса имтиҳондан ёруғ юз билан ўтдилар, нажот топиб, муваффақиятга эришдилар.

Бироқ, улардан сўнг жоҳил кимсалар келиб, ўзларича ҳаромни ҳалолга чиқариб олдилар. Турли ҳийла-найранглар билан рибони ҳалол дейишгача бордилар.

Нидонинг сўнгида Аллоҳ таоло деди: **“Ким мана шундай очиқ-равшан баёндан кейин ҳаддидан ошса, у қаттиқ азобга лойиқ бўлади”**. Яъни эҳромдалиқ ҳолда ов қилиш ман қилингач, буйруққа итоат этмай ҳаддидан ошган кимсага алам-оғриқли азоб бўлиши ҳақида огоҳ этди. Бу азоб гоҳида дунё ҳаётида бўлса, гоҳида охирада бўлади, ёки ҳаддидан ошувчининг ҳаддан ошган нарсасига қараб иккала дунёда бўлиши ҳам мумкин, ёхуд Раҳмон таолонинг афвиги тушиб, кечирилиши ҳам мумкин.

Ҳурматли ўқувчи, шуни ҳам билиш керакки, Ҳарам ҳудудида ов қилиш эҳромдаги кишига ҳам, эҳромда бўлмаган кишига ҳам ҳаромдир. Иккита ҳарам бор: Маккаи мукаррама ҳарами ва Мадинаи мунаввара ҳарами. Макка ҳарами ҳақида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Иброҳим алайҳиссалом Маккани ҳарам қилдилар, энди у қиёмат кунига қадар ҳарамдир. Дарахтлари кесилмайди, ўт-ўланлари юлинмайди, ундаги ҳайвонлар чўчитилмайди ва овланмайди” (Муслим ривояти, 1360).

Макка ҳарамининг ҳудудини Иброҳим алайҳиссалом Жаброил алайҳиссалом билан биргаликда белгилаганлар. Мадина ҳарамининг чегарасини эса Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мадина Оирдан Савргача ҳарамдир”, деган сўзлари билан белгилаб берганлар. Худди Макка ҳарами каби Мадина ҳарами ҳудудидаги дарахтлар ҳам кесилмайди, ўт-ўланлари юлинмайди ва ҳайвонлари овланмайди.

Шуни ҳам билиб қўйиш керак, хоҳ Ҳарам ҳудудида, хоҳ Ҳарамдан ташқарида бўлсин, эҳромдаги кишилар ҳам, эҳромда бўлмаганлар ҳам ўлдирса бўладиган бешта ҳайвон бор. Бу ҳақда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва

салламдан саҳиҳ ҳадис келган: “Бешта зараркунанда ҳайвон Ҳарамда ҳам, Ҳарамдан ташқарида ҳам ўлдирилади: илон, олақарға, сичқон, қутурган ит ва калхат” (Муслим ривояти, 2156). Булар одамларга озор берадиган, зарарли ва фойдасиз ҳайвонлар бўлгани учун Ҳарамда ҳам ўлдиришга рухсат берилган. Шунга қиёс қилиб, Ислом фуқаҳолари шер, йўлбарс, қоплон, бўри каби инсонлар ҳаётига хатар соладиган ҳайвонларни ҳам ўлдириш жоиз эканига ижмоъ қилганлар.

Эй мўминлар, сўзимиз сўнгида шуни эслатиб ўтмоқчимиз: Аллоҳ таоло имтиҳон қилади, Ўзига иймон келтирган бандаларини буйруқ ва қайтариқ, бажариш ва четланиш, яхшилик ва ёмонлик билан синайди. Уларни тарбиялаш, шариат юкини ва дин талабларини кўтаришга тайёрлаш учун шундай қилади. Мақсад, мўминлар Аллоҳнинг дўстлиги, муҳаббати ва розилигини топиб, саодатга эришсинлар. Буни доим ёдингизда тутинг ва имтиҳон ва синовларга бардошли бўлинг. Имтиҳон ва синовлар турлича бўлади. Гоҳ очлик бўлса, гоҳида хавф-хатар бўлиши мумкин. Кимдир соғлик-саломатлик билан синалса, айримлар касаллик билан имтиҳон қилиниши мумкин. Обрў-эътибор билан, ёхуд аксинча, беэътибор қолиш билан ҳам синалиш мумкин. Шуларнинг ҳаммасига сабрли бўлайлик. Бу имтиҳонларга розилик ва Аллоҳнинг хоҳишига таслим бўлиш билан сабр қилайлик. Ибодат, ҳамду сано ва шукр билан Аллоҳни доим ёд этайлик. Унинг зикридан ҳеч ажрамайлик. Ҳақиқий ютуқда бўлган инсонлар йўли шудир. Аллоҳ таоло бизларни ҳам шундай бандалар жумласидан қилсин. Амин.

Қирқинчи нидо

Эҳромдаги киши ов қилишининг ҳаромлиги ва эҳромда қасддан ов
ўлдиришнинг жазоси ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, эҳромда бўлган ҳолингизда овладиган ҳайвонларни ўлдирманг. Ким ов ҳайвонларидан биронтасини қасддан ўлдирса, бунинг жазосига худди ўша ҳайвонга тенг келадиган чорва ҳайвонни сўйиши лозим бўлади. Унинг ўлчовини икки адолатли киши белгилаб беради. Уни сўйиб, Ҳарамдаги фақирларга ҳадя қилиши ёки унинг қийматича егулик тарқатиши, ё таом ўрнига бир кун рўза тутиши лозим бўлади. Бу қилган қилмишининг оқибатини тотитиши учундир. Энди бу иш ҳаром қилинишдан илгари бунга қўл урганларни эса Аллоҳ афв қилди. Кимда ким ҳаром қилингандан сўнг бунга қасддан қайтса, албатта у Аллоҳнинг интиқомига йўлиқади. Аллоҳ қудратли, интиқом олишга қодир Зотдир” (Моида, 95).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бундан олдинги нидода Аллоҳ таоло мўмин бандаларини, хоссатан Ҳудайбия сулҳи содир бўлган йили умра сафарига чиққан саҳобаларни овдан ман қилиш билан синагани, улар Аллоҳнинг фазли-марҳамати билан синовдан ёруғ юз билан ўтишгани, гарчи сафар асносида уларга турли ҳайвонлар яқин келган, қўллари ё найзаларини чўзса етадиган даражада яқин ва овлаш осон бўлса-да, биронталари ов ҳайвонларини ўлдирмагани ва бу ишларидан Аллоҳ рози бўлгани баён қилинган эди.

Модомики, дунё ҳаёти давом этар экан, Ислом дини ҳам давом этади, унга бирон зиёда қўшилмайди ва ундан бирон нарса олиб ташланмайди.

Аллоҳ таоло Ўзи яратган бандаларининг ҳолини яхши билганидан бир кун келиб мўминлар ўз қадр-қиймати ва ўзлигини унутиши оқибатида, Аллоҳнинг амр-фармониға осийлик қилиб, ман этилганиға қарамай эҳромда ов қилиб қўядиган кишилар ҳам учрашини билган. Бунга сабаб улардаги ғафлат, илмсизлик устунлиги, дилларида Ислом ва иймоннинг вазни енгиллашиши бўлади.

Аллоҳ мўмин бандаларига нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар, эҳромда бўлган ҳолингизда овладиган ҳайвонларни ўлдирманг”**, деди.

Ҳаж ё умра учун эҳром боғлаган кишиларға Ҳарам ҳудудида бўладими, ташқарисидами, фарқсиз, ов қилишни ҳаром қилди.

“Эҳромда бўлган ҳолингизда...” Айнан ҳаж ёки умра ниятида эҳром боғлаган кишиларға ов қилиш ҳаром қилингани сабаби уларни имтиҳон қилиш, синаш учун эмас, балки ов қилишда кўнгилхушлик ва эрмак борлигидир. Эҳромдаги инсон эса ҳаж ё умра ибодатиға киришгани учун ҳеч бир замон кўнгилхушлик, вақтичоғлик қилиш унга дуруст бўлмайди. Эҳромдаги одам бамисоли намоздаги одам кабидир. Намоз ўқиётган киши гапириш, кулиш, еб-ичиш каби намозни бузувчи амаллардан четлангани каби эҳромдаги киши ҳам ҳар

хил бекорчи ишлардан тийилиши зарур. Эҳром кийган ҳожи жойнамоз устида турган намозхонга ўхшайди. Биргина: “Аллоҳим, чақириғинга лаббай деб, Сен учун умра ё ҳаж қилишни ният қилдим”, дейиши билан Аллоҳ буюрган энг буюк ибодатнинг бирига кирган бўлади. Шундай бўлгач, уни ғафлат ва ялқовлик билан ўтказиб юбориши муносиб бўлмайди.

Шунинг учун Аллоҳ овни ҳаром қилди ва буни хос зикр қилди, йўқса барча беҳуда, бефойда, ботил ишлар эҳромдаги кишига ҳаром. Овнинг ўзини алоҳида зикр қилиши сабаби шуки, эҳромдаги одам кўп ҳолларда таомга муҳтож бўлади. Ана шунда кийик, қуён ё бошқа бирон ҳайвон олдидан ўтиб қолса, нафси ундаб, ов қилиб қўйиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, Аллоҳ таоло эҳромдаги кишига хоҳ Ҳарам ичида, хоҳ ташқарисида бўлсин, ов қилишни ҳаром қилган. Эркакми, аёлми, эҳромда бўлган ҳар бир инсон қандай услубда ва нима билан бўлса ҳам, найза, қопқон, тўр билан бўладими, ҳатто қўли билан ҳам ов қилиши ҳалол эмас. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, эҳромда бўлган ҳолингизда овладиган ҳайвонларни ўлдирманг”**.

Сўнг овни ўлдирган кишининг жазоси қандай бўлишини баён қилиб бундай деди: **“Ким ов ҳайвонларидан биронтасини қасддан ўлдирса”**, яъни овлаб ўлдирса, **“бунинг жазосига худди ўша ҳайвонга тенг келадиган чорва ҳайвонни сўйиши лозим бўлади”**. Яъни қилмишининг жазоси сифатида чорва ҳайвонлардан катта-кичикликда ўзи ўлдирган ҳайвонга тенг келадиганини сўйиб, садақа қилиши керак бўлади. Туяқуш ўлдирган бўлса битта туя, буғу овласа битта сигир, кийик овлаб қўйса битта эчки сўйиб садақа қилади ва ҳоказо. Овлаган ҳайвонга тенг келадигани чорва ҳайвонлар ичида топилмаса, унда қийматини садақа қилади ва бунинг ўлчовини мусулмонлардан икки адолатли киши белгилаб беради. Бундаги ўлчовни овни ўлдирган кишининг ўзига ҳавола қилинмайди, чунки унинг нафси қийматда ўзи овлаган ҳайвон мислидан озроғини беришга ундаб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: **“Унинг ўлчовини икки адолатли киши белгилаб беради”**, деди. Адолатли киши деб катта гуноҳлардан сақланган ва аксарият ҳолларда кичик гуноҳлардан ўзини тийган мусулмон кишига айтилади.

Кўпчилик саҳобалар ва жумҳур уламолар сўзларига кўра, хато қилиб ов ўлдирган кишининг ҳукми унутган кишининг ҳукми каби бўлиб, иккисига ҳам каффорат вожиб бўлади.

“Уни сўйиб, Ҳарамдаги фақирларга ҳадя қилиши...” Яъни эҳромдаги киши ўлдирган ов муқобилида унинг ўлчовини икки адолатли киши белгилаб берган чорва ҳайвонни Ҳарамга юбориши, ўша ерда сўйиб, гўштини фақир ва мискинларга тарқатиши лозим. Оятдаги Ҳарамдан мурод мўминлар орасида маъруф бўлган Каъбанинг тўрт тарафидаги Ҳарам ҳудудидир. Ҳарам ҳудудида сўйишга қодир бўла туриб, унинг ташқарисида сўйиш жоиз эмас.

“Ёки унинг қийматича егулик тарқатиши...” Бу калималар мўминларга Аллоҳ таоло тарафидан енгиллик ва марҳамат қилинганини кўрсатади. Чунки сўйиши

вожиб бўлган туя, сигир ва эчки каби чорва ҳайвони ўрнига унинг қиймати миқдорида егулик сотиб олиб, қачон имкон топса садақа қилишга рухсат берилиши Аллоҳнинг мўмин бандаларига меҳрибонлигидир.

“Ё таом ўрнига бир кун рўза тутиши лозим бўлади”. Бу ҳам юқоридаги енгиллатишдан бошқа бир енгиллик ва мўминларга кўрсатилган марҳаматдир. Энди ов ўлдирган киши ҳар ярим соъ таом ўрнига, яъни икки ҳовуч буғдой, хурмо ё арпа ўрнига бир кун рўза тутиб беришига изн берилди. Қанча миқдорда таом бериши вожиб бўлса, камайтирмай шунча кун рўза тутиб беради.

“Бу қилган қилмишининг оқибатини тотитиши учундир”, яъни шариатга, Аллоҳнинг амр ва қайтариғига хилоф қилганига жазо бўлиши учундир.

“Энди бу иш ҳаром қилинишдан илгари бунга қўл урганларни эса Аллоҳ афв қилди”. Аллоҳ таоло ушбу сўзи билан бу ҳукм нозил бўлишидан олдин ким ов қилган, ов ҳайвонларини ўлдирган бўлса, Аллоҳ фазли-марҳамати билан афв этгани, кечиб юборганини баён қилди.

Аллоҳ таолонинг: **“Кимда ким ҳаром қилингандан сўнг бунга қасддан қайтса, албатта у Аллоҳнинг интиқомига йўлиқади”** деган сўзларида қаттиқ таҳдид бор. Ҳатто баъзи салаф олимлари, ким бунга қасддан қайтса, ундан фидя қабул қилинмайди, деб айтганлар. Аммо жумҳур уламолар фикрига кўра, фидя қабул қилинади, аммо оқибатини Аллоҳга топширилади, У хоҳласа гуноҳидан ўтиб афв этади, хоҳласа азоб беради, Аллоҳ бунга қодир: **“Аллоҳ қудратли, интиқом олишга қодир Зотдир”**. Аллоҳ бандасига маъсиятига яраша азоб беришга қодир, азоб беришни истаса ҳеч ким тўсиб қола олмайди. Шунинг учун ҳушёр бўлайлик, Аллоҳнинг амрларига хилоф қилишдан сақланайлик. Эҳромдалиқ ҳолимизда ов овлаш бўладими ё бошқами, гуноҳу маъсиятлардан тийилайлик. Аллоҳим, нафсларимиз ёмонлигидан бизларни Ўзинг сақла. Гуноҳ-маъсиятлардан узоқ, пок бандаларинг қаторида бўлишимизга муваффақ эт. Амин.

Қирқ биринчи нидо

Фойдасиз саволлар беришдан қайтарилгани ва бунинг ёмон оқибати ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, ҳали сизга очилмаган нарсалар ҳақида савол бермангки, агар улар очилса, сизларга оғирлик қилиб қолади ва зиммангизга юкланса, ундан ожизлик қилиб қоласиз. Аллоҳ бу нарсаларни бандаларига офият ўлароқ тарк қилган. Аллоҳ кечирувчи ва Ҳалим зотдир. Шундай саволларни сизлардан аввалги қавмлар ҳам ўз пайғамбарларидан сўрашди, сўнг ўша нарсалар уларга фарз қилинган, уни инкор қилишди ва бажаришмади. Сизлар ҳам уларга ўхшаб қолишдан ҳазир бўлинг” (Моида, 101-102).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло ушбу нидони қилишига бир сабаб бор. Зотан, Аллоҳ мўмин бандаларига марҳаматли бўлганидан уларга одоб-ахлоқли, комил инсон бўлишлари учун нидо қилади. Бу неъмат учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Қуйида нима сабабдан бундай нидо қилинганини баён қиламиз: Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ айтади: Мунзир ибн Валид ибн Абдурахмон Жорудий отасидан ривоят қилиб деди: Шўъба Мусо ибн Анасдан, у Анас ибн Моликдан ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилдилар. Мен бундай хутбани илгари ҳеч эшитмаган эдим. Айтдиларки: “Агар мен билган нарсани сизлар ҳам билганингизда, оз кулиб, кўп йиғлаган бўлар эдингиз”. Буни эшитгач юзларини ёпиб олган саҳобаларнинг йиғи овозлари эшитила бошлади. Бир киши: “Менинг отам ким?” деб сўраган эди, “Сенинг отанг фалончи”, деб айтдилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Шунда ушбу оят нозил бўлди” (Бухорий: 8/280).

Ибн Жарирнинг ривоятида қуйидагича келган: Бишр Язиддан, у Қатодадан ривоят қилади. Анас разияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг: **“Эй иймон келтирганлар, ҳали сизга очилмаган нарсалар ҳақида савол бермангки, агар шу нарсалар очилса, сизларга оғирлик қилиб қолади”** деган сўзлари ҳақида бундай деди: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан у зотга ёқмайдиган баъзи саволлар сўралди, бундай саволлар кўпайиб кетгач, минбарга чиқдилар ва: “Бугун мендан истаган нарсангизни сўрайверинг, баён қилиб бераман”, дедилар. Саҳобалар бирон катта воқеа содир бўлиб қолдимикин деб қўрқдилар. Анас деди: “Мен ўнг ва чап томонимга қарасам, ҳамма саҳобалар кийимлари билан бошларини ёпиб йиғлашаётган эди. Одамлар билан айтишиб қолганда отасидан бошқага нисбат бериладиган бир киши туриб: “Менинг отам ким?”, деб сўради. “Отанг Ҳузофа”, дедилар. Сўнг Умар ўрнидан туриб: “Аллоҳни Раб деб, Исломни дин деб, Муҳаммадни пайғамбар деб рози бўлдик. Фитналар ёмонлигидан Аллоҳ паноҳ беришини сўраймиз”, деди. Бу масала ҳақида бундан бошқа ривоятлар ҳам бор.

“Ҳали сизга очилмаган нарсалар ҳақида савол бермангки, агар улар очилса, сизларга оғирлик қилиб қолади”. Яъни сизга асл ҳолат очиб берилса, ҳақиқати баён қилинса, ёмон ҳолатга тушиб қолишингиз, озорланишингиз мумкин. Мисол тариқасида айтсак: Бир киши отаси ҳақида сўраганида Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Отанг фалончи”, деб айтганлар. Фараз қилинг, отанг фалончи, деб отасидан бошқа одам исмини айтсалар, унинг ўзига, онасига ва оиласига қандай ор, иснод, шармандалик бўларди ва оиладагилар ўлгунига қадар бу исноддан қутула олмасди.

Яна шунга ўхшаш саволлардан, Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй инсонлар, Аллоҳ сизларга ҳажни фарз қилди, ҳаж қилинглари”, деб айтганларида: “Эй Расулulloҳ, фақат бир йилми ё ҳар йилими?” деб сўрашди. Шунда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар йили эмас, умрда бир марта холос. Агар ҳар йилда деб айтсам, ҳар йил ҳаж қилиш зиммангизга фарз бўлиб қолар ва сиз бунга бажара олмасдингиз”, дедилар. Аллоҳ таолонинг: **“Эй иймон келтирганлар, ҳали сизга очилмаган нарсалар ҳақида савол бермангки, агар улар очилса, сизларга оғирлик қилиб қолади”**, сўзидан назарда тутилган маъно шудир.

“Агар шундай нарсалар ҳақида Қуръон нозил бўлиб турган пайтда сўрасангиз, унинг ҳукми сизга баён қилиб берилса”, уни сизга Биз юборган пайғамбар баён қилиб беради. Аммо шундай нарсалар ҳақида Қуръон нозил бўлмасидан олдин сўрашингиз дуруст эмас. Бу пайғамбарга озор бериш бобидан бўлиб, қаттиқ ҳаром ишдир.

“Аллоҳ бу нарсаларни бандаларига офият ўлароқ тарк қилди”. Яъни сўраган нарсалари сабабидан уларни азобламади, кечиб юборди.

“Аллоҳ кечирувчи ва Ҳалим зотдир”, тавба қилиб Унга қайтинг, Аллоҳ тавбангизни қабул қилади. Гуноҳингиздан ўтишини ёлвориб сўранг, албатта кечиради. Чунки Аллоҳ мағфиратли, Ҳалим зотдир.

“Шундай саволларни сизлардан аввалги қавмлар ҳам ўз пайғамбарларидан сўрашди, сўнг у нарсалар уларга фарз қилинган, уни инкор қилишди ва бажаришмади”. Яъни сизларнинг Пайғамбарга озор берадиган ҳаддан ошиқ майда-чуйда саволларингизга ўхшаш саволларни илгариги қавмлар ҳам ўз пайғамбарларидан сўраган эдилар. Сўраган нарсалари зиммаларига юклатилган эса, тоқатлари етмай инкор қилишга ўтдилар. Пайғамбар билан муомала қилишни билмай, хиралик қилиб, ҳар хил кераксиз нарсаларни сўраш оқибатида уларга оғир юк юклатилди. Уларга жазо сифатида шундай қилинди. Натижада зиммаларидаги вазифаларни бажармай, кофир бўлиб, ҳалокатга юз тутдилар. Аллоҳ бизларга паноҳ берсин.

Айрим қавмларни ҳалокатга олиб борган шундай саволлардан бири яҳудийларнинг Мусо алайҳиссаломдан сўраган саволи бўлди: **“Улар ундан Аллоҳни ошкора кўрсатишини сўрадилар. Ўз ҳақлари бўлмаган ишни сўраб,**

Ўз жонларига зулм қилганликлари боис уларни чақмоқ уриб ҳалок қилди” (Нисо, 153).

Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми туя сўраганлари ҳам шундай саволлардан бўлиб, уларга сўраган туялари берилгач, уни сўйдилар ва барчалари ҳалокатга юз тутдилар.

Исо алайҳиссаломдан ҳаворийлар осмондан ноз-неъматли дастурхон туширишини сўраши ҳам бунга мисол бўлади. Шунда Аллоҳ таоло деди: **“Мен ўша дастурхонни сизларга тушираман, аммо кимда-ким шундан сўнг кофир бўлса, Мен уни олам аҳлидан ҳеч кимга бермаган жуда қаттиқ азоб билан азоблайман”** (Моида, 115).

Азиз ўқувчи, унутманг! Савол беришда чуқур кетиш, эзмаланиш ва саволни кўпайтириш яхшиликка олиб келмайди. Мўминларга бу муносиб эмас. Сўз ва амалда бундай ишлардан сақланинг!

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда қаттиқ сўз айтганлар: **“Мусулмонларга ҳаром бўлмаган нарса ҳақида заруратсиз сўраган ва саволи сабабидан ўша нарса уларга ҳаром қилинган мусулмон киши, уларга нисбатан энг катта гуноҳқордир”** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Аллоҳ таоло оналарингизга оқ бўлишни, қизларни тириклайин кўмишни ва ҳақни эгасига бермай, ўзи ҳақли бўлмаган нарсани талаб қилишни ҳаром қилди ва уч нарсани: миш-мишни, (дунё ва охират учун фойдасиз бўлган) кўп савол сўрашни ва молни зое қилишни ёмон кўради”** (Бухорий (1407), Муслим (593) ривояти).

Яна бир ҳадисда саҳобаларга таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ўргатиб дедилар: **“Аллоҳ таоло фарзларни фарз қилди, уларни зое қилманг. Ҳудудларни чегаралаб қўйди, улардан ўтманг. Баъзи нарсаларни ҳаром қилди, уларни қилманг. Баъзи нарсалардан сукут қилди, унутганидан эмас, сизга раҳм қилиб шундай қилди. Сиз энди булар ҳақида сўраманг”** (Ҳоким ривояти).

Яна айтдилар: **“Ўзи учун бефойда гапларни тарк қилиши кишининг исломи гўзаллигидан”** (Термизий, 1490).

Муҳтарам ўқувчи, сўнгги сўз ўрнида айтамик, Аллоҳга нисбатан одоб сақлайлик, У жорий этмаган нарсалар ҳақида сўрамайлик.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан ҳам одоб сақлайлик, у зотнинг даъватларига қулоқ тутайлик, насиҳатларига амал қилайлик, уларни асло рад қилмайлик.

Уламолар билан ҳам одоб билан муомала қилайлик. Улар ҳузурида эзмаланиб, майда-чуйда саволлар билан вақтларини олмайлик. Ўзимиз билган нарсалар ҳақида ё қилишга ниятимиз бўлмаган ишлар ҳақида сўрамайлик.

Одамлардан мол-дунё сўрамайлик, қўлларидан келмайдиган, тоқатларидан ташқари нарсаларни талаб қилмайлик.

Сабр-бардошли бўлайлик. Сукут ва зикрдан айрилмайлик. Ҳидоят ва комиллик йўли шудир. Аллоҳ барчамизни шу йўлдан айирмасин. Аллоҳ сабр-бардошли ва яхши ишлар қилувчи муҳсинлар билан биргадир.

Қирқ иккинчи нидо

Мўмин ўзини тузатиши ва нафсини поклаши кераклиги, адашган кимсаларнинг унга зарар етказа олмаслиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, гуноҳдан четланиб, ўзингизни тузатинг. Модомики ҳақ йўлни тутар экансиз, адашган кимсалар сизга зарар етказа олмайди. Ҳаммангиз Аллоҳнинг ҳузурига қайтасиз. У сизларга қилган ишларингиз хабарини беради” (Моида, 105).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, мўминлар Аллоҳнинг бирлиги, Ундан ўзга илоҳ йўқлиги, Исломнинг ҳақлиги, ундан бошқасини Аллоҳ қабул қилмаслигига ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари ва элчиси эканига иймон келтирган ва буни чин дилдан тасдиқ этган кишилар бўлгани боис, бу илоҳий нидо уларга қаратилгандир. Улар иймонларида содиқ, ҳақиқий мўмин бўлганлари туфайли Аллоҳ таоло марҳамат кўрсатиб, лутф айлаб уларга нидо қилмоқда: **“Эй иймон келтирганлар, гуноҳдан четланиб, ўзингизни тузатинг”**, ҳидоятда собит туриш, ўзингизни ислоҳ қилиш пайида бўлинг, Раҳмон таолонинг розилигига лойиқ ва муносиб бўлиш учун гуноҳлардан сақланиб, нафсингиз поклигини таъминланг. Шунда адашган кимсаларнинг залолати, йўлдан озганларнинг хатоси сизга зарар етказа олмайди. Ҳар бир инсон ўз амалига жавоб беради, қиёмат куни ҳеч ким бировнинг юкини кўтармайди, бошқанинг гуноҳини ўз зиммасига олмайди. Ёмонлик қилган жазосини олади, у Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, Унинг азобидан ҳимоя қиладиган ёрдамчи ҳам топмайди.

Агар тўғри йўлда маҳкам тура олсак, адашган тоифаларнинг залолати бизга таъсир этмайди. Шунини яхши билиб олайлик. Буни бизга меҳрибон Раббимиз кафолатлаган: **“Модомики ҳақ йўлни тутар экансиз, адашган кимсалар сизга зарар етказа олмайди”**. Орамизда яхши амаллар қилмаётган кишиларга амри маъруф қилиб, яхшиликка ундасак, ёмон ишларга қўл урган кимсаларга наҳи мункар қилиб, ёмонликлардан қайтарсак, залолатдагиларнинг касофати бизга тегмайди. Биз гувоҳ бўлган ҳақиқат шуки, яхшиликка буюрмай, ёмонликдан қайтармай туриб, азобдан қутқарадиган комил ҳидоят ва саодатга ҳеч бир банд эриша олмайди. Зеро, амри маъруф ва наҳи мункар қилиш иймонида ростгўй бўлган ҳар бир мўмин-мусулмон эркак аёлнинг ажралмас сифатидир. Қаранг, Аллоҳ таоло “Тавба” сурасида чин иймон эгалари бўлган эркак ва аёл мўминларни қандай сифатлаган: **“Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар ва ёмонликдан қайтардилар. Намозни адо этадилар, закотни берадилар, Аллоҳ ва Расулига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳнинг раҳмати бўлур. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир”** (Тавба, 71).

Аллоҳ таолонинг **“бир-бирларига дўстдирлар”** деган сўзларига диққат қилинг! Дўстлик деганда яхши кўриш ва ёрдам бериш назарда тутилади. Ҳақиқий дўстлик шудир. Энди қайси мўмин дўстини яхши амаллар қилмай азобга гирифтор бўлишини ёки ёмон ишлар қилиб Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишини кўра-била туриб, уни яхшиликка буюрмай, ёмонликдан қайтармай ўз ҳолига ташлаб, индамай кетаверади? Шундай дўст бўлиши мумкинми? Йўқ асло, бу дўстлик эмас, аксинча, айна душманликдир.

Қолаверса, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш мўмин эркак ва мўмина аёлнинг сифати эмасми? Ҳа, бу ҳар бир мўминнинг сифатидир. Қандай ҳам ундай бўлмасин, ваҳоланки Аллоҳ таоло: **“Улар яхшиликка буюрадилар ва ёмонликдан қайтарадилар. Намозни адо этадилар, закотни берадилар, Аллоҳ ва Расулига итоат қиладилар”**, деб сифатлаган бўлса, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ичларингизда ким бирон мункарни кўрса, уни қўли билан қайтарсин. Қўли билан қайтаришга қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин. Бунга ҳам қодир бўлмаса, қалби билан инкор қилсин. Лекин бу иймоннинг энг заифидир” (Муслим ривояти) деб айтган бўлсалар, бошқача бўлиши мумкинми?

Бундан ташқари, масаланинг бошқа бир хатарли тарафи ҳам бор. У ҳам бўлса, агар биз амри маъруф ва наҳи мункарни ташлаб қўйсақ, тўғри йўлни топишга муваффақ бўла олмай, ҳидоятдан маҳрум қолишимиз мумкин. Чунки бирон давлат ё жамият ичида эзгу ишлар қилинмай, билакс, ёмонликлар урчиган бўлса, кўп ўтмай улар оммавий бузғунчиликка дучор бўладилар, Аллоҳ ва Расулига тоатни ташлайдилар, хулқ-атворлари бузилади, ана шунда ҳаммаларига ёппасига азоб келади. Аллоҳ сақласин.

Бу ҳақиқатнинг тасдиғи сифатида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларини келтирамиз: “Агар одамлар мункар ишни кўра-била туриб уни ўзгартирмасалар, Аллоҳ аzza ва жалла уларга оммавий азоб юбориши мумкин” (Термизий, (2168), Абу Довуд, (4338) ривояти).

Имом Термизий келтирган ҳадисга қулоқ тутайлик: Абу Умайя Шаъбоний деди: Мен Абу Саълаба Хушаний разияллоҳу анҳу ҳузурига келиб: “Мана бу оят ҳақида нима дейсиз?” деб сўрадим. У: “Қайси оят?”, деган эди, мен: **“Эй иймон келтирганлар, гуноҳдан четланиб, ўзингизни тузатинг. Модомики ҳақ йўлни тутар экансиз, адашган кимсалар сизга зарар етказа олмайди”** ояти, деб айтдим. Шунда улуғ саҳобий деди: “Бу оят ҳақида мен ҳам Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраган эдим. У зот бундай жавоб берган эдилар: “Бир-бирингизни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтараверинг. Токи одамлар дунёга ҳарислик туфайли бахилликка бўйсунгани, ҳавойи нафсига эргашиб кетгани, дунёни устун қўйгани ва ҳар бир киши ўзини мақтаб юрганини кўрсанг, шундагина ўзингни бил, авомдан узоқ бўл. Ҳали ортингизда шундай кунлар кутиб турибдики, унда сабр қилиш чўғни чангаллаш каби бўлади. У кунларда яхши амал қилувчи киши учун сиз каби

амал қилган кишиларнинг элликтаси мислича ажр-мукофот берилади” (Термизий, (3058); Абу Довуд, (4341); Ибн Можа, (4014) ривояти).

Бу илоҳий нидо шарҳида ўтган мулоҳазалар тасдиғи ўлароқ, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам халифаси Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу айтган сўзларни келтирамиз: у киши кунларнинг бирида одамларга хутба қилиб дедилар: “Ҳой одамлар, Аллоҳнинг: **“Эй иймон келтирганлар, гуноҳдан четланиб, ўзингизни тузатинг. Модомики ҳақ йўлни тутар экансиз, адашган кимсалар сизга зарар етказа олмайди”**, оятини ўқийсиз, лекин уни нотўғри тафсир қиласиз. Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Агар одамлар мункар ишни кўра-била туриб уни ўзгартирмасалар, Аллоҳ аzza ва жалла ҳаммаларига бирдан азоб юбориши мумкин”, деганларини эшитганман”. Биз ҳам бунини доим ёдда тутайлик, банди токи амри маъруф ва наҳи мункар қилмас экан, комил ҳидоятга мушарраф бўла олмайди, фақат яхши ишлар қилинаётган, ёмон ишларга қўл урувчи кимсалар йўқ бўлган дийрда яшаётган бўлса бошқа гап. Шундай ер бормикин ажабо?

Нидонинг сўнгидаги Аллоҳнинг: **“Ҳаммангиз Аллоҳнинг ҳузурига қайтасиз. У сизларга қилган ишларингиз хабарини беради”** деган сўзларида ваъда ҳам бор, ваъид (таҳдид) ҳам бор.

Аллоҳ ва Расулига итоат этган ва нафсини тоат-ибодатлар билан поклаган кишига жаннат ваъдаси, Аллоҳ ва Расулига итоат этмай, нафсини гуноҳ-маъсиятлар билан булғаган кимсага ваъид, яъни дўзах азоби таҳдиди бор. Аллоҳнинг ҳукми бунда очиқ-равшандир: **“Нафсини поклаган ва яхшиликлар билан ўстирган киши нажот топди. Нафсини гуноҳу маъсиятларга кўмган кимса эса зиён кўрди”** (Шамс, 9-10).

Аллоҳим, нафсимизни поклагин. Зеро Сен уни энг яхши покловчисан, унинг хожаси ва эгасисан.

Қирқ учинчи нидо

Васиятга гувоҳ ҳозир қилиш вожиблиги ва муслмон топилмаса муслмон бўлмаган кишини гувоҳ қилиш жоизлиги

“Эй иймон келтирганлар, сизлардан бирингизга ўлим соати келганда, муслмонлардан икки омонатдор кишини ўз васиятига гувоҳ қилсин, ёки сафарда эканингизда ўлим келса ва муслмон киши топилмаса, муслмон бўлмаганлардан икки кишини гувоҳ қилинг. Агар гувоҳлар тўғри гувоҳлик беришларига шубҳалансангиз, намоздан кейин уларни тургизинг, улар Аллоҳ номига қасам ичиб: “Бу қасамимиз эвазига дунё матосидан бирор нарса олмаймиз, гарчи қариндошимиз бўлса-да, тарафкашлик қилмаймиз ва Аллоҳ учун берган гувоҳлигимизни яширмаймиз. Агар шундай қилсак, биз гуноҳкорлардан бўламиз”, деб айтсинлар. Агар гувоҳларнинг гуноҳ қилишгани яъни ёлғон гувоҳлик берганларини маълум бўлса, у ҳолда у иккиси ўрнига майитнинг эгаларидан икки киши гувоҳликка туриб, Аллоҳ номига қасам ичадилар ва: “Бизнинг рост гувоҳлигимиз буларнинг ёлғон гувоҳлигидан кўра қабул қилинишга лойиқроқ. Биз ҳаққа тажовуз қилмадик. Акс ҳолда шубҳасиз зolimлардан бўлиб қоламиз”, деб айтадилар. Бу ҳукм улар охира азобидан қўрқиб ёки ёлғон гувоҳлик ҳақ эгаларининг қасамёди билан рад қилинишидан ва шарманда бўлишдан қўрқиб, гувоҳликни ҳаққи-рост адо этишларига яқинроқдир. Эй одамлар, Аллоҳдан қўрқинг ва насиҳатларга қулоқ тутинг. Аллоҳ фосиқ кимсаларни тўғри йўлга йўлламайди” (Моида, 106-108).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо ҳар бир мўмин ҳаётида тўқнаш келиши мумкин бўлган қийин бир муаммони ҳал қилиб, мўминларга ҳидоят ва тўғри йўлга йўлловчи бўлиб келди. Қуръондаги уч оят ўз ичига олган бу нидони қўйида бирма-бир баён қилиб берамиз:

Биринчиси: “**Эй иймон келтирганлар**”. Яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар ва элчи деб иймон келтирган мўминлар.

“**Сизлардан бирингизга ўлим соати келганда муслмонлардан икки омонатдор кишини ўз васиятига гувоҳ қилсин**”. Бирортангиз ўлим соати яқинлашганини сезиб, мол-дунё ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлар бўйича васият қилмоқчи бўлса, муслмонлардан бўлган икки адолатли киши унинг васиятига гувоҳ бўлсин. Бу муқимлик ҳолатидаги гап. Аммо бирингизга мусофир бўлган ҳолида ўлим етса ва атрофида муслмон ҳамроҳи бўлмаса, бундай ҳолда зарурат юзасидан кофир кишини бўлса ҳам васиятига гувоҳ қилсин. Агар хоҳ муслмон, хоҳ кофир бўлсин, бу икки гувоҳнинг гувоҳлиги борасида шак-гумон қилсангиз, сўзлари ҳаққоний ё уйдирма эканидан шубҳалансангиз, аср

намозидан сўнг уларни тургизинг ва улар сизга Аллоҳ номи билан қасам ичсинлар. Қасамларида: “Аллоҳга қасамки, биз бу гувоҳлигимизни арзимас дунё матосига алмаштириб юбормаймиз ва Аллоҳ учун берган гувоҳлигимизни яширмаймиз. Акс ҳолда гуноҳкор бўлиб қоламиз, ҳолбуки биз гуноҳга асло рози бўлмаймиз”, деб айтсинлар. Агар сиз уларнинг гувоҳлигига шубҳада бўлсангизгина бундай чора қўлланилади, бунда гувоҳлик муқимликда бўлганми, мусофирликдами баробардир, фақат сафардаги гувоҳликдан шак-шубҳа қилиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Икки гувоҳ гувоҳлик бергач ва гувоҳлигининг чин эканига қасам ичгач, уларнинг хиёнат қилгани ва ёлғон гапиргани ошкор бўлиб қолса, ичингиздан бошқа икки киши туриб, у иккисининг гувоҳлиги ва қасамини рад этсин. Аллоҳ таоло деди: **“Агар гувоҳларнинг гуноҳ қилишгани, яъни ёлғон гувоҳлик берганлари маълум бўлса, у ҳолда у иккиси ўрнига майитнинг эгаларидан икки киши гувоҳликка туриб, Аллоҳ номига қасам ичадилар”**, яъни гувоҳликка лойиқроқ бўлган икки киши туриб, қасам ичиб, айтадилар: “Бизнинг гувоҳлигимиз у иккисининг гувоҳлигидан кўра қабул қилинишга лойиқроқдир. Яъни биз ичган қасам рост ва тўғрироқдир. Биз у иккисига тўхмат қилиб ёки ёлғон сўзлаб, улар ҳақиқага тажовуз қилмаймиз, акс ҳолда золимлардан бўлиб қоламиз”. **“Биз ҳаққа тажовуз қилмадик”**, яъни ичган қасамимизда ҳақдан бошқасини айтмадик, чунки у ҳолда золимлардан бўлиб қолардик.

Иккинчиси: **“Бу ҳукм улар охираат азобидан қўрқиб ёки ёлғон гувоҳлик ҳақ эгаларининг қасамёди билан рад қилинишидан ва шарманда бўлишдан қўрқиб, гувоҳликни ҳаққи-рост адо этишларига яқинроқдир”**. Аллоҳ сизга жорий қилган бу қонунлар, яъни берилган гувоҳликка қарши гувоҳлар келтирилиши, қасамлар ичилиши ва гувоҳлигига шубҳа қилинган икки гувоҳнинг, хусусан у иккисининг рост сўзламаганига далиллар ошкор бўлганда, гувоҳлигини рад қилиш учун бошқа икки гувоҳнинг келтирилиши гувоҳларнинг гувоҳлик ва қасамни ҳаққоний бажаришларига яқинроқдир.

Учинчиси: **“Ёки ёлғон гувоҳлик ҳақ эгаларининг қасамёди билан рад қилинишидан қўрқиб”**, деган сўзлар ҳам гувоҳлар ичган қасамлари рад этилиб шарманда бўлишдан қўрққанидан ёлғон гапирмаслигига яқинроқдир.

Тўртинчиси: **“Аллоҳдан қўрқинг”**. Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинг, тақводорлардан бўлинг. Аллоҳ амрини тарк этиш ва маъсият домида қолиш билан Унинг тоатидан чиқманг ва: **“қулоқ тутинг”**, яъни нимага буюрилган бўлсангиз шунга қулоқ солиб, итоат қилинг. Бу илоҳий нидо кўрсатмаси бўлган ўлим соати яқинлашганда васиятга гувоҳ ҳозир қилиш вожиб экани ва сафарда мусулмон одам топилмаса мусулмон бўлмаган кишини гувоҳ қилиш жоиз экани ҳақидаги ҳукмга қулоқ солиб, амал қилиш ҳам шу жумладандир. Сўнг гувоҳларнинг гувоҳлиги тўғрилигига гумон пайдо бўлса, улардан бошқа икки адолатли мусулмон қасам ичиб, аввалги икки гувоҳнинг гувоҳлигини рад

қилади. Гувоҳлик ва қасам ичишдан сўнг хиёнат ва ёлғон аломатлари кўриниб қолса, яна бошқа икки киши гувоҳликка туриб, гувоҳликни рад қилади ва талаб қилинган ҳақни адо этади.

Бешинчиси: **“Аллоҳ фосиқ кимсаларни тўғри йўлга йўлламайди”**. Яъни улар учун яхши бўлган ҳолатга, саломатли, саодатли, комил йўлга йўлламайди. Чунки фосиқ кимсалар ўзларини гуноҳ ва маъсиятлар билан булғадилар. Хиёнат ва ёлғон билан Аллоҳ ва Расулининг тоатидан чиқиб қолишдан ҳазир бўлайлик.

Фосиқликнинг кўфр бўлгани бор, гуноҳи кабира ва бузуқлик бўлгани бор. Биз буларнинг ҳар биридан сақланайлик. Чунки буларнинг ҳар бири Аллоҳнинг ҳидоятидан тўсувчи иллатдир. Банда агар ёмонлик ва фасодга ботса, тавба қилиш ва тузалиш орқали ҳидоят топишга лойиқ бўлмай қолади ва натижада Аллоҳнинг ҳидоятидан маҳрум бўлади.

Ҳурматли ўқувчи, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик чоғларида содир бўлган бир воқеа билан сўзимни тугатаман. Ушбу илоҳий нидо ўз ичига олган уч оят ҳам шу ҳодиса сабабли нозил бўлган. Ўқиб фикр юритинг, зеро бу сизга билим ва маърифатингизни зиёда қилади.

Тамим Дорий деди: “Васиятга гувоҳ қилиш оятидан мен ва Адий ибн Баддодан бошқа кишилар дахлсиз бўлдилар (яъни шу иккисидан бошқа инсонларда бундай ҳолат бўлмаган). Бу иккиси насроний бўлиб, Ислом келишидан олдин тижорат учун Шом диёрига қатнар эдилар. Кунларнинг бирида улар олдига Бани Саҳмнинг озод қилинган қули Будаил ибн Абу Марям тижорат моллари билан келиб қолди. Моллари ичида энг қимматбаҳо бўлгани кумушдан ясалган бир идиш бўлиб, уни подшоҳга совға қилмоқчи эди. Бироқ Будаил кутилмаганда касал бўлиб қолди ва ўлим соати келганини сезгач, у иккисига тижорат молларини оиласига элтиб беришларини васият қилди. Тамим айтади: “У вафот этгач, биз ҳалиги кумуш идишни минг дирҳамга сотиб, пулини Адий билан бўлишиб олдик ва қолган молларни оиласига топширдик. Улар моллар ичидан кумуш идишни топмагач, у ҳақда биздан сўрадилар. Шулардан бошқасини билмаймиз, бизга бергани шулар дедик”. Тамим деди: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларидан кейин мен Исломни қабул қилдим ва қилган ишимдан пушаймон бўлиб, Будаилнинг оиласига бордим. Бўлган иш ҳақида уларга хабар бериб, беш юз дирҳам пулни бердим ва шеригимда ҳам шунча ҳақлари борлигини айтдим. Улар шеригимнинг ёқасидан тутиб ҳақларини талаб қилган эдилар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ўз динидаги муқаддас санаган нарса билан қасам ичишини талаб қилинлар, деб буюрдилар. У қасам ичди. Шунда: **“Эй иймон келтирганлар, сизлардан бирингизга ўлим соати келганда, мусулмонлардан икки омонатдор кишини ўз васиятига гувоҳ қилсин”** ояти **“Агар гувоҳларнинг гуноҳ қилишгани яъни ёлғон гувоҳлик берганларини маълум бўлса, у ҳолда у иккиси ўрнига майитнинг эгаларидан икки киши**

гувоҳликка туриб, Аллоҳ номига қасам ичдилар ва: "Бизнинг рост гувоҳлигимиз буларнинг ёлғон гувоҳлигидан кўра қабул қилинишга лойиқроқ", сўзигача нозил бўлди. Шунда Амр ибн Ос ва улардан яна бир киши туриб қасам ичдилар ва беш юз дирҳам Адий ибн Баддодан тортиб олинди" (Термизий ва Ибн Жарир ривояти. Термизий заиф деган. Бу ҳадис бошқалардан ҳам ривоят қилинган ва оят мазмунига мувофиқдир).

Қирқ тўртинчи нидо

Аллоҳ йўлидаги жангдан қочиш ҳаромлиги ва бу Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган катта гуноҳлиги

“Эй иймон келтирганлар, кофирларга тўқнаш келганингизда уларга орқа ўгириб жанг майдонидан қочманг. Кофирларга ҳийла ишлатиш ёки бошқа бир мусулмон гуруҳга қўшилиш учун ортга чекинган кишидан ташқари, кимда ким душманга тўқнаш келган вақтда уларга орқа ўгириб қочса, у Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлибди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Бу нақадар ёмон оқибат” (Анфол, 15-16).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, аввалги нидолар шарҳида такрор-такрор билдикки, мўмин киши иймони билан тирик, Парвардигорининг дўстлиги билан қувватлидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилиб айтмоқда: **“Эй иймон келтирганлар, кофирларга тўқнаш келганингизда”**, яъни Аллоҳ йўлида уларга қарши жанг қилиш учун ҳужумга ўтганингизда, **“уларга орқа ўгириб жанг майдонидан қочманг”**, кофирлар кўз ўнгида иродасизлик қилиб, уларга орқа ўгириб тум-тарақай қочманг. Бу катта айб, ор ва шармандалик бўлиб, Аллоҳнинг дўсти бўлган мўмин кишига бундай сифат билан сифатланиб қолиш асло муносиб эмас. Оятдаги қайтариқ бу ишнинг ҳаромлигини ифода қилади. Яъни кофирларга орқа ўгириб қочиш ҳаромдир. Бу билан Аллоҳ мўминларни мушрик ва кофирларга қарши жангга ярамай қолмасликлари учун шижоат ва жасурликка тайёрламоқда.

Душмандан қочиш ёмон оқибатларга олиб келади, хоссатан жанг майдонида душман билан тўқнаш келганда қочишнинг жуда ёмон оқибатлари бор. Шулардан: мўминлар зарарига кофир душманга ёрдам бериш, жанг майдонида урушаётган мўминларга жароҳат етиши ва қатл қилинишини келтириб чиқариш, душман мўминларнинг қурол-аслаҳа ва бошқа жанг учун тайёрлаган буюмларини эгаллаб олиши ва Ислом даъватини тўхтаб қолиши, унинг ёйилиши ва нусратига путур етиши. Шу ва бошқа сабабларга кўра жанг майдонидан қочиш гуноҳи кабиралар қаторига киритилган. Катта гуноҳ эканига оятдаги Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи етарлидир: **“кимда ким душманга тўқнаш келган вақтда уларга орқа ўгириб қочса, у Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлибди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Бу нақадар ёмон оқибат”**.

Саҳиҳ ҳадисда келган, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Етти ҳалок қилувчи гуноҳлардан сақланинг”, дедилар. Саҳобалар: “Эй Расулulloҳ, улар қайсилар?” деб сўрадилар. “Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан туҳмат қилиш”, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Жанг майдонидан қочишнинг Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, мўмина аёлларни бузуқлик билан тўхмат қилиш каби энг катта гуноҳлар қаторида зикр қилинишини ўзиёқ унинг нақадар катта гуноҳ эканига етарлидир.

Бу илоҳий нидодаги иккинчи оят баёни: **“Кимда ким душманга тўқнаш келган вақтда уларга орқа ўгириб қочса”**, яъни, жанг майдонида душманга юзма-юз тўқнашган мўмин мужоҳидлар ва кофир душмандан иборат икки тоифа бири-бирига ҳужум қилган пайт душманга орқа ўгириб қочса, ким шундай қилса қандай жазо берилишини зикр қилишдан олдин Аллоҳ таоло икки ҳолатни истисно қилди. Шу икки ҳолат сабаб чекинган кишига гуноҳ йўқ. Чунки бу чекиниш Ислом ва мусулмонларнинг нусрати учундир, ўлимдан қўрққани учун эмас. Зотан қочиш ўлимни қайтара олармиди?

Биринчи ҳолат: Мўмин киши қаршисида урушаётган кофирдан қочиши ва чекиниши ҳийла учун бўлса жоиз. Негаки у орқага чекиниши билан кофир душман унинг кетидан қувиб келса ва сафдошларидан узоқлашса, бир ҳамла билан уни қатл қилиш имкони туғилади. Мужоҳид қочиши, чекиниши мумкин бўлган ва унга ҳеч бир гуноҳ бўлмайдиган икки кўринишнинг бири шудир.

Иккинчи ҳолат: **“бошқа бир мусулмон гуруҳга қўшилиш учун”** чекиниш ҳам жоиз. Бу шундай ҳолатки, мужоҳид душманнинг қаттиқ босимида дуч келиб қолса, ҳарбий манфаатни кўзлаб, душманга қарши урушаётган бошқа жамоага ё қўмондонга қўшилиб, уларга мадад бериш, ўзи ҳам улардан мадад олиш мақсадида чекиниши жоиз. Ушбу икки ҳолатга: **“Кофирларга ҳийла ишлатиш ёки бошқа бир мусулмон гуруҳга қўшилиш учун ортга чекинган кишидан ташқари”**, деган сўзлар далолат қилади. Мана шу икки ҳолатдан ташқари кимда-ким душманга орқасини ўгириб жанг майдонидан қочса, катта гуноҳга қўл урган бўлади ва агар тавба қилмай шу ҳолида вафот этса, Аллоҳ таолонинг: **“Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлибди ва унинг жойи жаҳаннамдир”** деган сўзларига кўра, дўзахга киришга ҳақли бўлади, Аллоҳ сақласин. Яъни, жанг майдонидан Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган ва дўзахга равона бўлган ҳолда қайтади. Борар ери дўзах бўлиши нақадар ёмон оқибат, ёмон қайтишдир.

Ортга қочганлар дўзахга кириши ҳақида таҳдид қилинган бу оят Бадр ғазотига хос деб айтган уламолар ҳам бор, бироқ жумҳур уламолар оят гарчи Бадр ғазоти ҳақида нозил бўлган бўлса ҳам, ҳукми умумийдир, деб айтишган. Юқорида ўтган ҳадис бунга далил бўлади, тўғриси ҳам шудир.

Аллоҳ тавба қилиб, Унга тоат билан қайтган кишилар тавбасини қабул қилувчи зот. Жанг майдонидан қочган ва тавба қилмай вафот этган киши ўзини дўзахга лойиқ этган бўлади. Аммо қилмишидан пушаймон бўлиб тавба қилса, Аллоҳ тавбасини қабул қилади ва қилмиши гуноҳи кабира бўлса ҳам гуноҳини кечиради.

Тавбаларни қабул қилиб, гуноҳларни кечирувчи меҳрибон ва раҳмли Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Унинг барча пайғамбарларига давомли саловот ва саломлар бўлсин.

Қирқ бешинчи нидо

Аллоҳ ва Расулига итоат этиш вожиблиги ва мунофиқларга эргашиш ҳаромлиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расулига итоат қилинг, Қуръонни эшитиб туриб юз ўгириб кетманг. Ўзларига тиловат қилинган оятларни эшитиб, иймон келтирмаган ҳолларида “эшитдик” деган мунофиқлар каби бўлманг. Жонзотлар ичида энг ёмони – қулоқлари ҳақни эшитишдан кар, тиллари ҳақни сўзлашдан соқов бўлган ақлсиз кимсалардир. Агар Аллоҳ уларда бирор яхшилиқни билганда эди, қулоқларини Қуръонни эшитишга албатта очиб қўйган бўларди. Аллоҳ уларнинг қулоқларини ҳақни эшитишга очиб қўйганда ҳам, улар ҳаққа қиё боқмай, бурилиб кетишган бўлар эди” (Анфол, 20-23).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ сизга илму ҳикматни зиёда қилсин, бу нидода Аллоҳ ўзига ва расулига иймон келтирган, Унинг ўз дўстларига абадий жаннат ваъдаси, душманларига эса аламли жаҳаннам ҳақидаги таҳдидини тасдиқ этган бандаларига нидо қилмоқда. Жаннатга кириш ё дўзахга тушиш қиёмат кунини, Парвардигори оламга рўбарў бўлинган кун содир бўлади.

Бу илоҳий нидода мўминларни Аллоҳ ва Расулига итоат этишга, Қуръон оятлари, панд-насиҳат ва эслатмаларни эшитиб туриб ҳақдан юз буриб кетмасликка буйруқ бор. Чунки мўминларнинг нусрат топиши ва қўллаб-қувватланиши иймон ва тоатларининг натижаси ўлароқ юзага келади. Агар юз ўгириб, итоатсизлик қилсалар, Парвардигорларининг дўстлигини қўлдан бой берган кофир, фосиқ, осий кимсалар қаторида бўлиб қоладилар.

Нидо аввалида келган Аллоҳ таолонинг мана бу сўзларидан мақсад шудир: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расулига итоат қилинг, Қуръонни эшитиб туриб юз ўгириб кетманг”**.

“Ўзларига тиловат қилинган Аллоҳнинг оятларини эшитиб, иймон келтирмаган ҳолларида “эшитдик” деган мунофиқлар каби бўлманг” деган сўзлари билан Аллоҳ мўминларни мушрик, яҳудий ва мунофиқ кимсалар йўлини тутишдан қайтарди. Чунки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам даъватларига нисбатан уларнинг тутган йўли бир хил. Буларнинг бари ҳақни эшитишдан, ҳидоят ва саодатга чорловчи оятларга қулоқ солишдан кар, Аллоҳнинг бирлигига далолат қилувчи оятларни кўришдан кўр бўлиб оладилар. Улар гўё бундай деётгандай, балки ҳақиқатда: “Биз Муҳаммад гапираётган нарсаларни эшитишдан кар, у чақираётган нарсаларни кўришдан кўрмиз”, деб айтадилар. Улар: “Қулоқларимиз билан эшитдик”, деб айтсаларда, қалб билан эшитишдан кардирлар. Чунки улар эшитаётган оят ва ҳадислар ҳақида фикр юритмайдилар ва у ҳақда ўйланмайдилар. Шунинг учун ҳам худди ҳеч нарса эшитмагандек бақрайиб турадилар. Эшитишдан мурод қуруқ

товушнигина эшитиш эмас, балки фойда олиш, манфаатланишдир. Аллоҳ таолонинг: **“Ўзларига тиловат қилинган Аллоҳнинг оятларини эшитиб, иймон келтирмаган ҳолларида “эшитдик” деган мунофиқлар каби бўлманг”**, сўзидан мақсад ҳам шу, аслида.

Аллоҳ аzza ва жалла: **“Жонзотлар ичида энг ёмони – қулоқлари ҳақни эшитишдан кар, тиллари ҳақни сўзлашдан соқов ақлсиз кимсалардир”** деган сўзлари билан мусулмонлар даъват, жиҳод ва бошқа муомалаларда кофирлардан хушёр бўлишлари учун уларга кофирлар ҳоли ҳақида хабар берди. Улар жонзотлар ичида энг ёмон ҳайвон эканини билдирди. Ягона Парвардигорга кофир бўлишгани, бут-санамларни Унга шерик қилиб ибодат қилишгани, Аллоҳнинг йўлидан адашиб, фосиқ, золим ва мужрим бўлишгани уларни ер юзида энг ёмон жонзотга айлантирган ишлардир. Бу оят мушрик, яҳудий, кофир ва мунофиқларга дашном бўлиши билан бир вақтда мўминлар учун огоҳликка ундовдир. Уларни ҳар доим, ҳамиша, қаерда бўлса ҳам Аллоҳ ва Расулига исён қилиш, маъсият, гуноҳ ботқоғига ботиш, Қуръон ва суннатдан юз ўгириш оқибатидан огоҳ этмоқда. Чунки дашном берилаётган мушрик, кофир, яҳудий ва мунофиқларни энг ёмон кимсалар бўлишга олиб борган ҳолат Аллоҳ ва пайғамбарга осий бўлишгани, Қуръон ва суннатдан юз буришганидир. Аллоҳ таолонинг: **“Жонзотлар ичида энг ёмони – қулоқлари ҳақни эшитишдан кар, тиллари ҳақни сўзлашдан соқов ақлсиз кимсалардир”**, деган сўзлари маъноси шудир.

Аллоҳ таолонинг учинчи оятдаги: **“Агар Аллоҳ уларда бирор яхшиликни билганда эди, қулоқларини Қуръонни эшитишга албатта очиб қўйган бўларди. Аллоҳ уларнинг қулоқларини ҳақни эшитишга очиб қўйганда ҳам, улар ҳаққа қиё боқмай, бурилиб кетишган бўлар эди”**, деган сўзлари фараз қилиш бобидан бўлиб, Аллоҳ таоло азалий илми билан улар кўфрни иймондан, исённи тоатдан, залолатни ҳидоятдан устун қўйишларини билган. Шунинг учун, гарчи уларга эшиттирса ҳам, яъни уларни мўминлар Аллоҳнинг оятларини эшитганлари каби эшитадиган, оятлар моҳиятини тушунадиган, мўминларга берилган башоратлар, кофир, мушрик ва мунофиқларга қилинган огоҳлантирувларни англаб етадиган қилган тақдирда ҳам, барибир улар ҳаққа қиё боқмай, бурилиб кетишган бўлар эди. Шундай бўлиб қолишдан Аллоҳ сақласин.

Ҳақни эшитиб туриб ҳам қиё боқмай юз буриб кетишнинг сири шундаки, одам агар ёмонлик, бузғунчилик, зулм ва ахлоқсизликка шўнғиб кетса, яхшилик, одоб-ахлоқ, адолат ва покдомонликни қабул қила олмайдиган бўлиб қолади.

Бундай кишиларни даъват қиласиз, у сизнинг даъватингизни, нимага чақираётганингизни эшитади, тушунади. Жаннат ва унга кириш йўлини айтиб хушxabар берасиз, буни ҳам эшитади. Дўзах билан огоҳлантирасиз, унга туширадиган сабабларни айтасиз, буни ҳам эшитади ва англаб ҳам етади. Лекин ёмонлик ва фасод ботқоғига ботиб кетгани туфайли ўзини сиз айтаётган

гаплардан ғирт бегона ҳис этади, сиз бошқа водийда, у бутунлай бошқа водийда бўлади. Шунинг учун Қуръони карим ва ҳадис шарифларда тавбага шошилишга буюрилган, уни кечиктиришдан огоҳ этилган. Банда тавбага шошилмаса, уни кечиктирса, қилиб юрган маъсияти унинг табиатига, доимий хулқига айланиб қолади, ундан қутула олмайди ва охир-оқибат ҳалокатга юз тутади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Аллоҳ таоло бу нидода бизга қуйидаги нарсаларни таълим берди:

- 1) Аллоҳ ва Расулига итоат этишнинг фарзлиги.
- 2) Ўзини мушрик ва кофир кимсаларга ўхшатишнинг ҳаромлиги.
- 3) Одамлар ичида ит, маймун ва тўнғиздан ҳам ёмон бўлган кимсалар борлиги. Бунга сабаб улар ёмонлик, бузғунчилик, зулм ва ахлоқсизликка шўнғиб кетгани бўлиб, Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи буни таъкидлайди: **“Яҳудий, насроний ва мушриклардан иборат кофирларнинг жазоси жаҳаннам ўти бўлиб, унда абадий қоладилар. Ана ўшалар халқларнинг энг ёмонидир”** (Баййина, 6).

Шу нарсаларни доим ёдда тутайлик. Аллоҳ ва Расулига итоатда бўлайлик, ҳафта, ой ё йил у ёқда турсин, бир соат бўлса-да гуноҳ ва маъсиятда давом этмайлик. Акс ҳолда, халқларнинг энг ёмони бўлиб қолишимиз мумкин, Аллоҳ сақласин.

Қирқ олтинчи нидо

Аллоҳ ва Расулининг чақириқларига қулоқ солиб, итоат этиш фарзлиги

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расули сизларга ҳаёт бахш этадиган ҳаққа чорлаганда уни қабул қилиб, итоат этинг. Билинги, Аллоҳ инсон билан унинг қалби ўртасини тўсиб қўйишга қодир зот. Сизлар албатта Унинг ҳузурига йиғиб олиб келинаси. Гуноҳ-маъсиятлар қилиб турган золим кишиларнинг ўзигагина етмайдиган, балки оммавий равишда келадиган балолардан эҳтиёт бўлинг. Шунинг билан, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир” (Анфол, 24-25).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилар экан, уларнинг икки дунёда ҳам саодатга эришишларини хоҳлайди. Чунки мўминлар Унинг қуллари ва дўстларидир. Хожа қулининг ҳурматли бўлишини яхши кўрса, дўст дўстининг бахт-саодат топишини, обрў-эътиборли бўлишини сўяди.

Бу нидода ҳам Аллоҳ таоло қуллари ва дўстлари бўлмиш мўмин бандаларига нидо қилиб: “**Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расули динга даъват қилар экан, уни қабул қилиб, итоат қилинг**”, деди. Расулдан мурод пайғамбарлар хотами ва имоми Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдир. Қабул қилиб, итоат қилишдан мақсад қулоқ солиб, бажо келтириш, итоат этиб, амал қилишдир. Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизни динга чорласа, албатта қулоқ солинг ва даъватга ижобат қилинг. Яна ҳам кенгроқ айтадиган бўлсак: Аллоҳ ва Унинг пайғамбари У яхши кўрадиган ва рози бўладиган эътиқодга буюрса, шундай эътиқод қилинг. Яхши сўз айтишга буюрса – ҳолбуки, Аллоҳ фақат яхши, пок нарсаларга чақиради, – яхши сўз сўзланг. Солиҳ амал қилишга чорласа – ҳолбуки, Аллоҳ фақат солиҳ ишларга чорлайди, – солиҳ амал қилинг, ноқислик қилманг.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан муомала ҳам худди шундай бўлиши лозим, яъни ақида, сўз ё амалда пайғамбаримиз даъват этган ишларга қулоқ солиб, тезлик билан бажаришга ўтиш шарт. Фақат кучи етмаган, қодир бўлмаган ожиз бўлса, бошқа гап, сабаби Аллоҳ бандаларидан тоқатларидан ташқари нарсани талаб қилмайди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло қайтарган бузуқ ақида, ножўя сўз ва ёмон ишларни тарк қилинг. Аллоҳнинг чақириғини қабул қилинг, нимадан қайтарса дарҳол қайтинг. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан ҳам худди шундай: “**Пайғамбар жорий қилган ҳукми олинглари, сизларни нимадан қайтарса, ундан тийилинглари**” (Ҳашр, 7).

Аллоҳ ва Расулининг буйруғи ва уни қабул қилиб, итоат этиш бекорга жорий қилинмаган, бунинг боиси бор. Унда ҳам мўминларнинг фойдаси кўзланган.

Буларнинг бари улар одоб-ахлоқда баркамол бўлиб, ҳаётларида бахт-саодат, иззат-икром, покдомонлик, хотиржамлик ва кўп яхшиликларга эришишлари учун қилинган. Аллоҳ таолонинг: **“сизларга ҳаёт бахш этадиган ҳаққа чорлаган пайтда”** сўзининг маъноси шудир. Зеро Аллоҳ ва Пайғамбар тақводор мўминларни икки дунёда ҳам уларга яхши бўладиган, саодатли, покиза ҳаётга йўллайдиган ишларга чорлайдилар.

Аллоҳнинг: **“Шуни билингки, Аллоҳ инсон билан унинг қалби ўртасини тўсиб қўйишга қодир зотдир”** деган сўзлари мўминлар учун муҳим, жиддий бир хабар ва огоҳликка ундовдир.

Агар мўмин кишига яхши ишлар, солиҳ амаллар қилиш учун фурсат берилса, ўтиб кетмасидан олдин тезликда фурсатдан фойдаланиб қолиши керак. Бўлиб ҳам бу фурсат, имконият Аллоҳ ва Расули тарафидан берилган бўлса, буни қадрлаш керак. Нимани қилишга ёки нимадан тийилишга чорлаган бўлсалар, дарҳол бажариши лозим. Йўқса, Аллоҳ ҳар қандай инсон ва унинг хоҳлаб турган нарсаси орасини ёки инсон билан қалби ўртасини тўсиб қўйишга қодир. Аллоҳ қалбни ўзгартириб қўйишга, уни хоҳлаган тарафга: яхши ҳолатдан ёмон ҳолатга ёки ёмон ҳолатдан яхши ҳолатга буриб қўйишга қодир. Бу ҳақиқатнинг тасдиғи сифатида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам энг кўп ўқиб юрган дуоларига қулоқ солайлик: “Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот, қалбимни динингда собит қилгин”. Яна дуо қилиб айтардилар: “Эй қалбларни хоҳлаган тарафга буриб қўювчи Зот, қалбимизни Ўзингга тоат-ибодат тарафга бургин”.

Ушбу нидодаги биринчи оятга якун ясаган: **“Сизлар албатта Унинг ҳузурига йиғиб олиб келинасиз”** деган сўзлар билан Аллоҳ таоло мўмин бандаларига бир ҳақиқатни билдириб қўйди. Буни доим ёдда тутиш, асло унутмаслик керак. Ҳақиқат шуки, бандалар қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурига тўпланадилар. Аллоҳ уларга қилган ишларига кўра жазо ё мукофот беради. Ҳаётини тоат-ибодат билан ўтказганлар мукофотини олади. Исён ва маъсият билан умр кечирганлар жазосини тортади. Шунинг учун Аллоҳ ва Расули ҳаётбахш ҳаққа чорлаган пайтда уни қабул қилишга тараддудланиш ярамайди. Раббингиз дўстингиз-ку ахир, ҳеч замон сизни ёмон нарсага чорлайдими? Йўқ, албатта. Шунингдек, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизни бахтсиз ҳаёт сари етаклайдиларми? Йўқ, албатта. Сиз учун ҳаётбахш бўлган, сизни саодатга элтувчи нарсаларгагина чақирадилар. Ўйлаб кўрсангиз бўлмайдими?

Нидодаги иккинчи оят: **“Гуноҳ-маъсиятлар қилиб турган золим кишиларнинг ўзигагина етмайдиган, балки оммавий равишда келадиган балолардан эҳтиёт бўлинг. Шуни билингки, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир”**.

Бу оят мўминлар учун жиддий огоҳлантириш бўлиб, қачон ва қаерда бўлишларидан қатъи назар Аллоҳ ва Расулининг нидосини қабул этмасалар, даъватга қулоқ солмай тоат-ибодатни ташласалар, буйруқларни

бажармасалар, қайтариқлардан тийилмасалар, бу ҳол ёмонлик ва фасоднинг урчишига олиб келади ва натижада ҳаммалари азобга лойиқ бўлиб қоладилар.

Бу илоҳий нидода бажаришга буюрилган амр ва наҳий амри маъруф ва наҳий мункардир. Чунки одатда бало жамиятдаги ҳаммага, яхши-ю ёмонга баб-баробар келмайди. Қачон оммавий бало келади? Қачон жамият ичида амри маъруф ва наҳий мункар эътиборсиз ташлаб қўйилса, шундагина оммавий тарзда бало келади. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо бу оят ҳақида айтган сўз ҳам буни тасдиқлайди: “Аллоҳ таоло мўминларни ўз ораларида мункар ишларга имкон бермасликка амр этди. Акс ҳолда, азоб уларга оммавий равишда келади”. “Саҳиҳ Муслим”да келган ҳадис ҳам бу ҳақиқатни тасдиқ этиб, таъкидлайди: Мўминлар онаси Зайнаб бинти Жаҳш разияллоҳу анҳо Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан: “Эй Расулulloҳ, ичимизда солиҳ кишилар бўлиб туриб ҳам ҳалок бўлиб кетамизми?” деб сўраганида Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа, қачон ёмонлик (гуноҳ-маъсият) кўпайиб кетса, шундай бўлади”, деб жавоб берганлар. Имом Аҳмад “Муснад”да келтирган ҳадисда эса мўминлар онаси Умму Салама разияллоҳу анҳо айтади: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламинг бундай деганларини эшитдим: “Умматим орасида гуноҳ-маъсиятлар ошкор бўлиб кетса, Аллоҳ таоло уларга оммавий равишда азоб юборади”. Умму Салама разияллоҳу анҳо деди: “Эй Расулulloҳ, ичларида солиҳ кишилар бўлмайдимми?”. Расулulloҳ: “Бўлади”, дедилар. “Улар нима қилади?” деди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Одамларга етган бало уларга ҳам етади, сўнгида улар Аллоҳнинг мағфирати ва розилигига эришадилар”, дедилар.

Модомики, амри маъруф ва наҳий мункар ташлаб қўйилса, бало-мусибатлар келмай қолмайди, умматга азоб етмай қолмайди. Бунга мисоллар етарли даражада кўп. Андалус ва унинг аҳли қаерда? Муслмон ҳинд мамлакатлари ва подшоҳлари қаерда? Шарқий Оврўпа муслмонлари-чи? Барчаларининг диёрлари ботил нарсалар мамлакатига айланиб қолди. Бунинг сабаби ёмонлик ва фасоднинг ёйилиб кетгани ва ўз ҳолига ташлаб қўйилганидир. Ёмонлик оммалашгач, азоб ҳам оммавий келган.

Ҳурматли ўқувчи, қуйида бир неча ишларни эслатиб ўтамиз, буларни яхши билиб олинг:

- 1- Хоҳ буйруқ, хоҳ қайтариқ бўлсин, Аллоҳ ва Расулунинг амрини қабул қилиб, итоат этиш фарз.
- 2- Яхшиликлар эшиги очилган, берилган фурсат ва имкониятни ғанимат билиб, фойдаланиб қолинг, сусткашлик қилманг.
- 3- Яхши ишлар ташлаб қўйилса амри маъруф, гуноҳларга қўл урилса наҳий мункар қилиш фарз бўлади. Шундай қилинмас экан, ёмонлик оммалашиб кетади ва уммат ҳалок бўлади.

Буни доим ёдда тутайлик, қўлимиздан келганича амри маъруф ва наҳий мункар қилайлик.

Қирқ еттинчи нидо

Хиёнатнинг ҳаромлиги ва фитналардан огоҳ бўлиш ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилманг. Сизларга омонат қўйилган нарсаларда била туриб хиёнат қилманг. Шунинг биланги, мол-дунё ва фарзандларингиз сизлар учун имтиҳондир. Аллоҳнинг ҳузуринда эса кўп яхшилик ва улкан ажру савоб бор” (Анфол, 27-28).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, Аллоҳ таоло Ўзига, қиёмат кунига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган мўминларга нидо қилар экан, уларга иймонлари билан тирик эканлари, эшитиб, итоат этишга лойиқ бўлганлари учунгина нидо қилади.

Бу оятларда Аллоҳ таоло мўминларга нидо қилиб, уларни хатарли ишдан қайтармоқда. Бу хатарли иш хиёнатдир. Аллоҳ таолога зоҳирда тоат-ибодат қилган бўлиб, хуфёна гуноҳ-маъсиятлар қилиш хиёнатдир. Бундай иллат мўмин кишига асло лойиқ эмас. Бу мунофиқлар сифатидир. Шунинг учун Аллоҳ бундан қайтарди ва мўминларда шундай сифат топилиб қолишидан огоҳ этди.

Шунингдек, уларни инсонга омонат қилиб берилган барча нарсада хиёнат қилишдан қайтарди. Омонатлар хос ва умумий омонатларга бўлинади. Кишига биродари тарафидан қўйилган мол-дунё ёки сир каби омонатлар хос омонат ҳисобланади.

Умумий омонатлар Аллоҳ таоло бандалар устига юклаган, улардан талаб қилган шаръий омонатлар бўлиб, ҳатто жанобатдан ғул қилиш ҳам омонатдир.

“Била туриб”, яъни хиёнат жиноятининг нақадар улканлигини, унинг шахс ва жамиятга етадиган ёмон оқибатларини билган ҳолда хиёнат қилманг.

Аллоҳ таоло иккинчи оятда: **“Шунинг биланги, мол-дунё ва фарзандларингиз сизлар учун имтиҳондир. Аллоҳнинг ҳузуринда эса кўп яхшиликлар ва улкан ажру савоблар бор”**, деган сўзлари билан бандани омонатга хиёнат қилишга ундовчи омил мол-дунё ва бола-чақага бўлган муҳаббат эканини хабар берди. Мол-дунё ва фарзандларни яхши кўриш инсон табиатида жойланган туйғу, бу табиий. Лекин инсон бу муҳаббатга Аллоҳдан қўрқиш ва тақво билан қарши турмаса, уни тартибга солмаса, унинг фитнасидан саломат қолмайди: **“мол-дунё ва фарзандларингиз сизлар учун имтиҳондир”**, синовдир, фитнадир. Фитнанинг иши тоат-ибодатдан чалғитиш эканини ўзингиз яхши биласиз. Мол-дунё ва бола-чақа Аллоҳ ва Расулига итоат этишдан чалғитади, ибодат кўчасидан бошқа томонга буриб юборади. Аллоҳ ва Расулига итоат қилмаганлар эса дунёю охиратини бой беради, зиёнда қолади.

“Аллоҳнинг ҳузурида эса кўп яхшиликлар ва улкан ажру савоблар бор”. Бу сўзлар бандаларга танбеҳ ва огоҳлантиришдир. Банданинг нафси мол-дунёсини сақлаш, кўпайтириш, фарзандлари бекаму кўст, яхши яшаши учун омонатларга хиёнат қилишга чақиради, васваса қилади. Аллоҳнинг ҳузурида эса бундан кўра яхши бўлган жаннат бор. Нафсингиз ундаётган нарсани ташлаб, Раббингиз чақираётган нарсага ўтсангиз, Аллоҳ таоло улкан ажру савоблар ва кўп яхшиликлар билан мукофотлайди. Чунки Аллоҳ ўз ҳузурида буюк мукофотларни ҳозирлаб қўйган. Бу мукофот ва ажрларни Унинг йўлида оғишмай амал қилган, Аллоҳ ва Расулининг итоатида сабру матонат билан турган, Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилмаган, омонатларга хиёнат қилмаган, бу борада лоқайдлик қилмаган бандаларига ато этади. Бу мукофотлар охиратдаги жаннат ва роҳат-фароғатларга қўшимча тарзда, уларга кенг ва ҳалол ризқ, фаровон ҳаёт шаклида шу дунёда ҳам берилади. Банда дунё ишларидан бирон нарсани Аллоҳ учун ташласа, эвазига Аллоҳ ундан яхшироғини дунёда ҳам беради, охиратдагиси эса янада яхши ва абадий бўлади.

Шу ўринда бу нидо ояти нозил бўлиши сабаби ҳақида Абдураззоқ Зухрийдан келтирган ривоятни зикр қилиб ўтамиз. Унинг айтишича, бу оят Абу Лубоба ибн Абдулмунзир ҳақида нозил бўлган. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Лубобани аҳдни бузишгани ва хиёнат қилишгани учун муслмонлар тарафидан қамалга олинган Бану Қурайза қавмига Расулulloҳнинг ҳукмига бўйсунуш талабини етказиш учун юбордилар. Бану Қурайза Абу Лубобадан қандай йўл тутишса яхши бўлиши ҳақида маслаҳат сўрайдилар. Абу Лубоба Расулulloҳнинг ҳукмига рози бўлишни маслаҳат беради, фақат қўли билан бўғзига ишора қилиб, Расулulloҳнинг ҳукмига таслим бўлиш ўлим эканини билдиради, яъни барчангиз ўлимга ҳукм этиласиз, деб ишора қилади. Сўнг ўзининг нима қилиб қўйганини, яъни шу биргина ишораси билан Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилиб қўйганини англаб этади. Бу ишидан афсус қилиб, Бану Қурайза диёридан қайтгач, то ўлгунича ёки Аллоҳ тавбасини қабул қилмагунича туз тотмасликка қасам ичади. Сўнг Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларига келиб, ўзини унинг устунларидан бирига боғлайди. Бу устун “Абу Лубоба устуни” деб танилган ва ҳозирга қадар мавжуддир. Шу ҳолда тўққиз кун қолади. Машаққат сабаб ҳушидан кетишга яқин бўлади. Сўнг Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қилиб, Расулига оят нозил қилади. Одамлар хурсандчилик хабарини етказишга ошиқадилар. Уни устундан ечиб олмоқчи бўлганларида Абу Лубоба бу ишни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз муборак қўллари билан қилишларини сўраб ўтинади. Умматга меҳрибон, мушфиқ пайғамбаримиз келиб, уни ўз қўллари билан ечиб оладилар. Абу Лубоба: “Эй Расулulloҳ, мен бутун мол-мулкимни садақа қилишни назр қилган эдим”, дейди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Молингнинг учдан бирини садақа қилсанг бўлади”, деб айтадилар. Абу Лубоба шундай қилади. Бу нидо ояти нозил

бўлишига шу ҳодиса сабаб бўлган. Аммо, муҳими сабаб хос бўлса-да, лафз барчага умумийдир.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилиб, уларни хиёнат қилишдан қайтарди. Ҳар қандай омонатга бепарволик билан хиёнат қилишдан, хоссатан Аллоҳ ва Расулига тааллуқли бўлган ибодатлар, буйруқ ва қайтариқларда, зоҳиру ботинда итоат қилиш масалаларида хиёнат қилишдан қайтарди: **“Аллоҳ ва Расулига хиёнат қилманг. Сизларга омонат қўйилган барча нарсада била туриб хиёнат қилманг”**.

Хулоса шуки, Абу Лубоба билан бўлган ҳодисадан олинадиган катта ибратни асло унутманг. Мўмин одам ногаҳон ғафлат босиб, шайтон васвасаси билан хиёнатга қўл уриб қўйса, қандай хиёнат бўлмасин, тезликда Аллоҳга тавба қилиши, қилган ишидан пушаймон бўлиб кўп истиғфор айтиши, яхши амалларни кўпайтириши, молидан садақалар қилиши лозим ва албатта қилган хиёнатига иқрор бўлиб, ҳақни эгаларига қайтариши зарур. Ким тавба қилса, Аллоҳ тавбаларни қабул этувчи зот. Жон ҳалқумга келгунича тавбалар мақбул, иншааллоҳ. Тавбага шошилмоқ фарз, тавбани асло кечиктириб бўлмайди, уни кечиктириш ҳаром. Тавбани кечиктиришга ҳеч бир кимса учун узр йўқ. Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳ дарҳол тавба қилган кишилардан тавбани қабул қилади”** (Нисо, 17). Бу ердаги дарҳолдан мурод гуноҳга қўл урилган он, қилган ишининг маъсият эканини англаган пайтдир. Абу Лубоба разияллоҳу анҳунинг тавбасига диққат қилинг, у бир дақиқа ҳам кечиктирмай тавбага шошилди. Тавбасида бошқа кишилар қила олмайдиган ишни қилди. Натижада Аллоҳ ундан рози бўлди ва уни рози қилди. Аллоҳ бизнинг ҳам тавбамизни қабул этсин ва гуноҳларимизни кечирсин. Зотан фақат Аллоҳ бизнинг дўстимиз ва хоҷамиздир.

Қирқ саккизинчи нидо

Аллоҳ таолодан тақво қилиш ва бунинг дунё ва охираддаги самараси

“Эй иймон келтирганлар, агар Аллоҳдан тақво қилсангиз, У сизни Фурқонга – ҳақ билан ботил ўртасини ажратадиган нурга йўллайди, гуноҳларингизни ўчириб, сизни мағфират этади. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат эгасидир” (Анфол, 29).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо энг яхши бир илоҳий тортиқни келтирдик, бундан мосуво бўлган киши ҳақиқий маҳрумдир. Бу тортиқ Аллоҳнинг ҳақиқий тақводор бандаларига берган ваъдаси бўлиб, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди. Тақво – Аллоҳ ва Расулининг буйруқларини бажариб, қайтарган ишлардан тийилиш ва ҳаромга тушиб қолишдан қўрқиб, шубҳали нарсаларни тарк қилиш, қалбни холис ният билан қувватлаш, аъзоларни эса солиҳ амаллар билан банд этиш, шу билан бирга махфий ва ошкор ширк доғларидан сақланишдир. Шундай тақво соҳиби унинг самараларини кўради, иншааллоҳ. Самаралар қуйидагилардир:

- 1) Фурқонга эришиш. Фурқон Аллоҳдан қўрқиш натижасида ҳосил бўлган қалб нуридир. Бундай нурли қалб соҳиби бўлган тақводор мўмин ҳалокатга юз тутган одамлар орасидан нажотга эриша олади. Одамлар ёрдамсиз ташланиб, заиф-ночор қолганларида у қўллаб-қувватланиш ва ёрдамга эга бўлади. Ҳақ билан ботил, яхши билан ёмон, фойда билан зарар, дуруст билан бузуқ ўртасини ажрата олади. Бошқалар эса тақво қилмагани ва натижада нурли қалбдан бебаҳра қолгани сабабли бу нарсалар уларга қоронғу тундек, ойдин бўлмаётган тураверади. Фурқон - нарсаларни фарқлаш сўзидан олингандир. Тақводор мўмин нафсни покловчи тоат-ибодатлар қилиш ва нафсни булғовчи гуноҳ-маъсиялардан узоқ бўлиш билан қалбини софлайди. Шундай софлайдики, гўё ҳар тарафидан қоплаб олган нур ичида яшаётгандек бўлади. Ана шу нур унга ажрата олиш қувватини беради ва у чигалликлар, шубҳалар орасини фарқлаб, назарий фикр-мулоҳаза, сўз ва қарашларида камдан-кам хато қиладиган бўлиб қолади. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумонинг отаси ҳақида айтган сўзига диққат қилинг: “Отанинг: “Ўйлашимча шу иш шундай бўлса керак”, деб бирон иш ҳақида айтган сўзи худди у айтгандек бўлиб чиқар эди”. Бунинг сири, шубҳасиз, Умар разияллоҳу анҳу тақволарининг ўта кучли бўлганлигидир. Ҳатто у кишининг қалби ёруғлик қувватига айланиб кетган эди. Бунинг тасдиғи сифатида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гувоҳлик берган ушбу сўзни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади: “Умар бир кўчадан кетаётган бўлса, шайтон қочиб бошқа кўчага

Ўтиб кетади” (Бухорий ва Муслим ривояти). Аллоҳ азза ва жалладан қўрқуви, тақвосининг кучлилиги самараси ўлароқ Умар разияллоҳу анҳу шундай кучли нурга эришган эди. Бошқа бир ҳадисда бундай деганлар: “Агар умматим ичида фаришталар билан гаплашадиган кишилар бўлса эди, Умар шулардан бири бўларди” (Бухорий ва Муслим ривояти). Аллоҳ Умар ибн Хаттобдан рози бўлсин ва у кишини рози қилсин, ўта кучли тақво эгаси бўлганидан шундай катта баҳоларга сазовор бўлган. Буни доим ёдда тутинг, асло унутманг.

- 2) Гуноҳларнинг ўчирилиши. Билиб-билмай қилинган гуноҳларни ўчириш, улар сабабли азобга тутмаслик, уларнинг нафси булғашдаги таъсирини йўққа чиқариш. Аллоҳ ва Расулига қилинган ҳар қандай осийликка гуноҳ дейилади. Гуноҳ инсон қалбини ёмонлик кирлари билан булғаб, нопок қилади. **“Гуноҳларингизни ўчиради”** деган сўзларидан мурод тақво йўлига тушишдан олдин қилинган гуноҳлардир, дейилган. Бироқ, тақводор мўмин бандачилик билан гуноҳга қўл уриб, сўнг тавба қилгани боис ўчирилган гуноҳлар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Қилиб қўйган гуноҳнинг қалбга бўлган салбий таъсирини тақво кетказди ва қалб гўё ҳеч гуноҳ қилмагандек соф бўлиб қолади.
- 3) Гуноҳларнинг мағфират этилиши. Бу ҳам Аллоҳ таоло тақводор бандаларга ваъда қилган тақвонинг самараларидан биридир. Ўрни гуноҳларнинг мағфират этилиши ва гуноҳ сабаб дунёда ҳам, охиратда ҳам азобламаслик. Йўқса, баъзи гуноҳларга охиратдаги азобдан олдин шу дунёнинг ўзидаёқ азоб берилади, дунёда ҳам, охиратда ҳам азобга гирифтор қиладиган гуноҳлар бор, Аллоҳ сақласин. Ҳақиқий тақво гуноҳларнинг мағфират этилишига сабаб бўлади.
- 4) Тақво самараларининг энг сўнгиси ва энг яхшиси жаннат ва ундаги неъматларга эришишдир. Жаннат бамисоли тақвога берилган мукофот ўрнида бўлгани учун, уни буюк ажр сўзи билан ифода қилинган. Ажр ва мукофотнинг маъноси бир бўлиб, фалон ишга ажр беради ё мукофотлайди деса ҳам бўлаверади. Бундан ташқари, Аллоҳ таоло амал қилувчи бандаларига қиёмат куни берадиган ажр-мукофоти жаннат ва Ўз розилиги бўлгани учун ҳам жаннатни ажр калимаси билан ифода қилинган бўлса ажаб эмас. Зеро у кунда мол-дунё, олтин ва кумуш бўлмайди.

Ҳурматли ўқувчи, бу фурсатни бой берманг. Фойдаси ҳақ билан ботилни ажрата олувчи нур, гуноҳларнинг ўчирилиши, мағфират этилиши, жаннат ва Аллоҳнинг розилиги бўлган буюк тижоратни қўлдан чиқарманг. Тақво қилинг ва Аллоҳга йўлиққунга қадар тақвода маҳкам туринг.

Қирқ тўққизинчи нидо

Аллоҳ йўлидаги урушда ғалабага эришиш омиллари

“Эй иймон келтирганлар, кофир гуруҳ билан тўқнашганда сабот билан туринг. Аллоҳни кўп зикр қилинг, шояд нажотга эришсангиз. Аллоҳ ва Расулига итоат қилинг ва ихтилоф қилманг. Акс ҳолда заифлашиб, куч-қувватингиз кетиб қолади. Сабр-матонатли бўлинг. Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир. Одамларни Аллоҳнинг динидан тўсиш учун диёрларидан риё ва кибр билан чиққан мушрик кимсалар каби бўлманг. Аллоҳ улар қилаётган барча ишларни атрофлича билади, бирор иш Унга махфий эмас” (Анфол, 45-47).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб иймон келтирган мўминларга йўлланган бу илоҳий нидода Аллоҳга, қиёмат кунига, Аллоҳнинг китоблари ва пайғамбарларига иймон келтирмаган кофирларга қарши уруш қилишга изн берилди. Биринчи ҳарбий юришни Абдуллоҳ ибн Жаҳш разияллоҳу анҳу бошчилигидаги лашкар бошлаб берди, унинг ортидан Катта Бадр жанги бўлиб ўтди ва шу билан жиҳод эшигининг икки табақаси ланг очилиб кетди. Мусулмонлар жангга қандай киришиш ва ғалабага эришиш йўллари ҳақида раббоний таълимот, илоҳий ҳидоятга муҳтож бўлдилар. Бу илоҳий нидо ўз ичига олган уч оятда мусулмонлар учун айна керак бўлган урушга киришиш ва унда ғалабага эришиш йўллари баён қилинди:

- 1) Мужоҳидлар душман қаршисида гўё баланд тоғлар мисоли мустаҳкам, сабот билан туриши. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи шунга далолат қилади: **“Эй иймон келтирганлар, кофир гуруҳ билан тўқнашганингизда”**, сизга қарши уруш қилмоқчи бўлган кофир лашкарга тўқнаш келганда **“сабот билан туринг”**, яъни сизга қарши урушаётган кофир тоифа билан юзма-юз келганингизда собит туринг, асло чекинманг.
- 2) Аллоҳни зикр қилиш. Таҳлил (ла илаҳа иллаллоҳ), такбир (Аллоҳу акбар), тасбиҳ (субҳаналлоҳ), дуо-илтижолар қилиб Аллоҳни кўп ёдга олиш, Аллоҳнинг Ўз дўстларига ғалаба бериш, душманларига мағлубият аламини тоттириш ҳақидаги ваъдасини эслаш. Бунга далил Аллоҳнинг ушбу сўзидир: **“Аллоҳни кўп зикр қилинг, шояд нажотга эришсангиз”**. Яъни дунёда мағлубият ва хорликдан қутулиб ғалаба қозониш, охиратда дўзах ва унинг азобидан нажот топиб жаннатга эришиш билан зафар қучасиз.
- 3) Буйруқ ва қайтариқда Аллоҳ ва Расулига итоат этиш, шу билан бирга қўмондон ё амирга бўйсунинг. Оятдан бунга далил бор: **“Аллоҳга итоат қилинг ва Пайғамбарга ҳамда мусулмон раҳбарларингизга бўйсунинг”**

(Нисо, 59). Айни шу итоат ҳаётдаги Аллоҳнинг қонунига кўра нусратнинг энг катта омилидир.

- 4) Ихтилоф қилиб, талашиб-тортишмаслик. Чунки ихтилоф кучнинг тез кетишига, заифлашишга олиб боради. Бунинг ортидан эса қақшатгич мағлубият келади, Аллоҳ сақласин. Бунга далил: **“Ихтилоф қилманг, акс ҳолда заифлашиб, куч-қувватингиз кетиб қолади”**. Куч-қувватдан мурод ғалаба ва нусратдир. Қуръондаги ریح (рийҳ) калимасини куч-қувват деб таржима қилинди. Рийҳнинг шамол маъноси ҳам бор бўлиб, араблар ғолиб киши ҳақида: “фалончининг шамоли эсиб қолди”, деб айтадилар. Шеърда айтилганидек: “Шамолинг эсганда билгил ғанимат. Тебраниш ортидан келгай сукунат”.

Куч-қувват ва ғалаба деб тафсир қилинган рийҳ (шамол) маъносини яхшироқ англамоқчи бўлган киши машиналар юрадиган катта йўл четида турсин, юк машинаси тезлик билан ўтганида унинг шамоли учуриб юборгудек кучли эканига гувоҳ бўлади. Шунда оятдаги рийҳ-шамол душманни даф қилувчи куч-қувват эканини билади. Мужоҳидлар бирлашиб, бир сафда, бир тану бир жон бўлиб жанг қилсалар, душманни даф қилиш, кучини синдириш ва тор-мор қилиш йўлида эканлар, уларда юк машинасининг шамолидан ҳам кучли қувват пайдо бўлади.

- 5) Ихтилоф ва тортишувнинг натижаси. Бунинг натижаси қочиб қутулиб бўлмайдиган заифлашиш, куч-қувватнинг кетишидир: **“Ихтилоф қилманг, акс ҳолда заифлашиб, куч-қувватингиз кетиб қолади”**.

- 6) Сабр. Яъни Аллоҳ йўлидаги жиҳодга ўзини ҳозирлаб, керакли тайёргарлик кўргач, узлуксиз жангларга сабр қилиш: **“Сабр-матонатли бўлинг. Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”**. Яъни Аллоҳ уруш асносида сабот ва матонат билан турган мўминлар билан бирга, уларга нусрат ва ғалаба беради.

- 7) Ихлос. Барча ибодатларда бўлгани каби жиҳодда ҳам ихлос шарт. Жиҳод холис Аллоҳ таоло учун бўлиши керак. Чунки ихлос ибодатнинг руҳидир. Ихлос бўлмаса ибодат қабул этилмайди. Иккинчи оятдан кейин Аллоҳ таоло: **“Одамларни Аллоҳнинг динига киришдан тўсиш учун диёрларидан риё ва кибр билан чиққан мушрик кимсалар каби бўлманг”**, деб, мусулмонларга қарши урушиш ва одамларни Исломдан тўсиш учун ўз диёридан кибр-ҳаво ва риёкорлик билан чиққан кофирларга ўхшаб қолишдан мўминларни огоҳлантирди.

Бу уч оятда келган баъзиси буйруқ ва баъзиси қайтариқ бўлган ишлар кофирларга қарши урушдаги нусрат ва ғалаба омилларидир. Бу оятларни ёдлаб олинг. Қайта-қайта ўқиб юринг. Маънолари ҳақида фикр юритинг, шунда исломий лашкарни бошқаришга лойиқ раҳбар, жанг олиб бориш йўлларининг билимдони бўлиб етишасиз. Душман жаҳондаги барча куфр

ҳарбий билимгоҳларида ўқиб чиқса ҳам Қуръон ва ҳадислар таълимини олган лашкар даражасига асло ета олмайди.

Қуйида қўшимча маълумотлар келтирамиз, буни ҳам билиб олинг:

- 1- Жанг асносида қилинадиган зикрлар махфий-ичда қилинади, фақат илк ҳужумга ўтишда “Аллоҳу акбар” деб овозни баланд кўтарилади. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисларида шундай таълим берганлар: “Аллоҳ уч ўринда сукутни яхши кўради: Қуръон тиловат қилинаётганда, жанг майдонида ва жанозага эргашилганда”(Албоний заиф деган). Жанг асносида қилинадиган зикрлар қалб ва тил билан махфий тарзда айтилади. Ҳадиси қудсийда Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳ азза ва жалла бундай деган: “Душман билан жанг қилаётганида Мени зикр қилган бандам ҳақиқий бандамдир”, яъни уни шундай оғир ҳолат ҳам Мени эслашдан, Менга дуо қилиш ва ёрдам сўрашдан чалғитмайди.
- 2- Раббоний уламолардан бири бундай деган эди: “Агар бирон кишига зикрни тарк этишга рухсат берилганида эди, Закариё пайғамбарга рухсат берилган бўларди. Чунки Аллоҳ таоло унга: **“Сенга белги шуки, уч кун одамларга сўзлай олмайсан, фақат имо-ишора билан сўзлаша оласан. Шу муддат ичида Раббингни кўп зикр қил”**, деган (Оли Имрон, 41). Шунингдек, агар Аллоҳ бирон кишининг зикрни тарк қилишига рози бўлганда, жанг майдонидаги мужоҳидларга рухсат берган бўлар эди. Шундан келиб чиқадики, биргина ҳолат – ҳожатхонада ўтиргандан бошқа бирон ҳолда зикр тарк этилмайди.
- 3- Яна билиш керак бўлган масала: шаръий раҳбарсиз кофирларга қарши жиҳод қилинмайди. Муслмонлар халифаси ё амири рухсатсиз бирон шахс ёки жамоа ўзича уруш қилиши дуруст эмас.

Аллоҳим, бизларни жиҳод ажридан маҳрум қилма, гарчи тўшагимизда вафот топсак-да шаҳидлик ато эт. Сен бунга қодир ва дуоларни ижобат этувчисан.

Элигинчи нидо

Иймондан куфрни афзал билган қариндошларни дўст тутиш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, оталарингиз, ака-укаларингиз ва бошқа қариндошларингиз агар иймондан куфрни афзал билса, уларни дўст тутманг. Сизлардан ким уларни дўст тутса ва уларга муҳаббат қўйса, ўз жонига катта зулм қилибди” (Тавба, 23).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидода Аллоҳга иймон келтирган, фақат Ислом ҳақ дин, Аллоҳ Исломдан бошқа динни ҳаргиз қабул этмайди деб эътиқод қилган, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарлигига ишонган ва бу борада иймони комил бўлган ҳар бир мўминга қаттиқ танбеҳ ва огоҳлантириш бордир. Аллоҳ таоло уларни ота-оналари, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндош-уруғларидан бирор киши агар иймонни қўйиб, куфр йўлини танлаган кофир бўлса, ким бўлса ҳам уни дўст тутишдан қайтарди. Хоҳ уруш, хоҳ тинчлик пайтида бўлсин, энг яқин инсон агар кофир бўлса, уни яхши кўриш, ҳимоя қилиш, унга ёрдам бериш, мусулмонларнинг сирлари ва ички ишларини фош қилиш мумкин эмас, бундан қаттиқ қайтарилган. Аллоҳ иймон сифати билан нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни Аллоҳ ва Расулига, қиёмат кунига, Аллоҳнинг ваъда ва таҳдидларига инонган бандаларим, **“оталарингиз, ака-укаларингиз ва бошқа қариндошларингиз, агар иймондан куфрни афзал билса уларни дўст тутманг”**, деди. Яъни улар Аллоҳ ва Расулига иймон келтиришдан кўра уларга кофир бўлишни афзал деб билсалар ва қайсарлик билан куфрларида давом этсалар, уларни дўст тутманг. Сўнг Аллоҳ азза ва жалла мўминларга нидо қилиб: **“Сизлардан ким уларни дўст тутса, улар ўз жонига катта зулм қилибди”**, деди. Яъни агар мўмин бандалари Унинг амрига қулоқ солмай, иймондан куфрни, тавҳиддан ширкни, покликдан ифлосликни, тартиб-интизомдан бошбошдоқликни, адолатдан зулмни афзал кўрган оталари ва ака-укалари билан орани очиқ қилмасалар, кофир қариндошларини дўст тутган бундай кимса **“ўз жонига катта зулм қилибди”**, яъни зулмга ботиб, унинг ичига кириб кетибди. Бу эса гўё булардан бошқа золим йўқ, фақат шулар золим деган гапдир, Аллоҳ сақласин. Буларнинг зулми яширин эмас, очиқ-ойдин кўриниб турибди. Улар адоват ўрнига муҳаббатни, кўмаксиз қолдириш ўрнига ёрдам беришни ихтиёр этдилар. Ҳолбуки, зулм дегани бир нарсани ўз ўрнига қўймасликдир. Аслида улар Аллоҳни яхши кўриб, дўст тутишлари лозим эди. Аллоҳ уларни ва барча халқларни яратган, ризқ-рўз берган, ишларини бошқариш билан уларга чексиз неъмат ато этган зотдир. Ҳар бир нарса Унинг қўлидадир, У ҳамма нарсага қодир зотдир. Мана, кимни яхши кўриш ва дўст тутиш керак эди. Қандай қилиб Аллоҳни қўйиб, бирон нарсага эга бўлмаган, ўзи бировнинг мулки

бўлган, ҳеч нарса бера олмайдиган, ўзи муҳтож кимсани яхши кўриб, дўст тутиш мумкин?!

Одамлар орасидан яхши кўриш ва дўст тутиш керак бўлган кишилар Аллоҳга иймон келтириб, тоғутни инкор этган мўминлардир. Тоғут деб Аллоҳдан ўзга ибодат қилинган махлуқотларга айтилади. Инсонми, жинми, юлдузми, дарахтми, тошми, ё улардан бошқасими, ким бўлса ҳам Аллоҳни кўйиб унга ибодат қилинса тоғут бўлади. Муҳаббат ва дўстликка сазовор мўминлар Аллоҳни яхши кўрадилар, Уни дўст тутадилар, Аллоҳ яхши кўрган нарсаларни ҳам яхши кўрадилар, Аллоҳни яхши кўрган ва Уни дўст тутган солиҳ, мўмин, итоаткор бандаларни дўст тутадилар. Аммо иймондан куфрни, тавҳиддан ширкни, мўминлардан кофирларни афзал кўрган кимсани қандай яхши кўриш, унга ёрдам бериш мумкин бўлсин. Бу энг катта зулмдир. Шундай қилган кимса золимларнинг золимроғидир. Аллоҳ таоло айтади: **“Агар ота-оналарингиз, фарзандларингиз, ака-укаларингиз, хотинларингиз, қариндош-уруғларингиз, йиққан мол-дунёларингиз, касод бўлишидан кўрқадиган тижоратингиз ва яшаб турган уйларингизни Аллоҳ ва Расулининг ҳамда Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг муҳаббатидан устун кўрсангиз, у ҳолда Аллоҳнинг азобини ва жазосини кутаверинг! Аллоҳ итоатсиз қавмни ҳаққа муваффақ этмайди”** (Тавба, 24). Бундай фосиқ кимсаларга тавба қилиш, Аллоҳга, унинг муҳаббати ва дўстлигига қайтиш насиб этмайди. Чунки улар куфр, фиққ, зулм, ёмонлик ва фасодга ботиб кетганлар. Аллоҳнинг қонуни шуки, ким нима нарсага муккасидан кетган бўлса, кўпинча уни ташлай олмайди. “Фосиқ” дегани куфр, зулм ва бузуқлик билан йўлдан озган маъносига далолат қилади.

Юқорида баён қилганимиздан бу илоҳий нидо кўрсатмаларини билиб олдингиз. Бунга қўшимча тарзда айрим нарсаларни айтиб ўтсак, нур устига нур бўлади деб ўйлаймиз:

- 1) **“Эй иймон келтирганлар, оталарингиз...”** ояти мўмин киши гарчи энг яқин қариндоши бўлса ҳам кофир кимсани дўст тутиши ҳаромлигини ифода этади. Бу ҳукм қиёматга қадар Ислом уммати орасида умумийлигича қолади, нозил бўлиш сабабига қаралмайди. Чунки муҳими лафзнинг умумийлигидир, сабабнинг хослиги эмас.
- 2) Мушрикларни дўст тутган киши ўзи ҳам мушрикка айланади. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтганидек: “Ким мушрикларни дўст тутса, у ҳам улар каби мушрик бўлади. Чунки ширкка рози бўлиш айни ширқдир”. Кофир қариндошларга яхшилик қилиш ва совғалар бериш бундан мустасно қилинган. Бунга Асмо разияллоҳу анҳо айтган ҳадис далил бўлади. У: “Эй Расулulloҳ, онам соғиниб, мени кўргани келибди, лекин ўзи мушрик, унга яхшилик қилсам бўладими?” деб сўраганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Онанга яхшилик қил”, деб жавоб бердилар (Бухорий (2620), Муслим (1003) ривояти).

3) Аллоҳ ва Расулини яхши кўриш мажбуриятларнинг энг каттаси бўлиб, ким Аллоҳ ва Расулини яхши кўрмас экан, мен мусулмонман деб даъво қилса-да, иймонсиз бўлади. Бу ҳақиқатни таъкидлаган Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларига қулоқ тутинг: “Уч нарса бор, кимда шулар бўлса, иймон ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Унинг расули барча нарсадан кўра унга суюклироқ бўлиш, кимни яхши кўрса, фақатгина Аллоҳ учун яхши кўриш, Аллоҳ уни куфрдан қутқарганидан сўнг яна куфрга қайтиб қолишни оловга ташланишдан кўра ҳам ёмонроқ билиш” (Бухорий, 1/60, Муслим, 2/13 ривояти).

Эллик биринчи нидо
Мушрикларнинг икки Ҳарамга кириши ҳаромлиги, аҳли китоблар
билан жизя тўлагунларига қадар урушиш фарзлиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, шак-шубҳасиз, мушриклар нопок кимсалардир. Бу йилдан сўнг улар Ҳарамга яқин келмасинлар. Агар уларнинг тижоратлари сизлардан узилиб қолиши сабабли камбағал бўлиб қолишдан қўрқсангиз, билингки, Аллоҳ унинг ўрнини тўлдириб беради ва хоҳласа сизларни Ўз фазл-марҳамати билан бой-бадавлат қилиб қўяди. Шубҳасиз, Аллоҳ билувчи ва ҳақим зотдир. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган, Аллоҳ ва Расули қайтарган ишлардан тийилмайдиган, Ислому шариати ҳукмларига амал қилмайдиган аҳли китоб яҳуд ва насороларга қарши то улар мағлубиятларини тан олиб, жизя тўловини хор бўлган ҳолларида ўз қўллари билан тўламагунларича жанг қилинг” (Тавба, 28-29).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо иймон ва тақвоси билан Аллоҳга дўст бўлган мўмин бандаларга қаратилган бўлиб, унда икки буюк иш ҳақида сўз юритилган.

Биринчиси: Мушрикларнинг Масжиди Ҳаромга кириши ҳаромлиги. Макка шаҳри тўлиғича ҳарам ҳисобланади ва у мазкур ҳукмда Масжиди Ҳаромга тобедир. Шунинг учун мушрик ё кофирлар хоҳ аҳли китоб бўлсин, хоҳ бошқаси бўлсин, Масжиди Ҳаромга киришлари мумкин эмас. Шунингдек, мушрик ва кофир кимсалар Масжиди набавийга ва умуман Мадинаи мунавварага кириши ҳам мумкин эмас. Чунки Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “Иброҳим алайҳиссалом Маккани ҳарам қилганлар, мен Мадинани ҳарам қиламан” (Муслим ривояти).

Мушрик ва кофирлар икки Ҳарамга кириши ҳаром бўлгани учун мусулмонлар ҳар қандай ҳолда ҳам уларни киришдан ман қилишлари ва тўсишлари шарт. Бу нидодаги биринчи оят шунга далолат қилади: **“Эй иймон келтирганлар, шак-шубҳасиз мушриклар нопок кимсалардир. Бу йилдан сўнг улар Ҳарамга яқин келмасинлар”**. Оятдаги “бу йил”дан мурод ҳижрий тўққизинчи йил бўлиб, ўша йили Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу ҳожиларга амир бўлиб ҳаж қилган эди. Шу оят нозил бўлгач, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафот, Мино ва Маккада ушбу амрни одамларга етказиш учун жарчилар юбордилар: “Ҳой одамлар, ҳеч ким Каъбани яланғоч ҳолда тавоф қилмасин ва бу йилдан сўнг мушриклар ҳажга келмасин” (Муттафақун алайҳ).

Мушриклар ҳалол-пок кийим топа олмасалар, Байтуллоҳни яланғоч ҳолда тавоф қилишар эди. Энди бунга чек қўйилди, нафақат кийимсиз тавоф қилиш, балки иймонсиз бўлса умуман ҳажга келиш ман этилди. Шу сабабли сизлар эй мўминлар: **“Агар уларнинг тижоратлари сизлардан узилиб қолиши сабабли**

камбағал бўлиб қолишдан қўрқсангиз...” Яъни мушриклар ҳаж мавсумида Маккага озиқ-овқат ва бошқа тижорат моллари олиб келиб, олди-сотди қилишар эди. Ҳаждан ман қилингани сабабли улар келмаса ва бу билан нарсалар келиши ҳам тўхтаб, сизларга фақирлик етишидан хавотир олаётган бўлсангиз, қўрқманг: **“Аллоҳ унинг ўрнини тўлдириб беради ва хоҳласа сизларни Ўз фазл-марҳамати билан бой-бадавлат қилиб қўяди”**, Аллоҳ мўминларга уларнинг эҳтиёжларини қондириб, муҳтож бўлмайдиган миқдорда бойлик беришга ваъда берди. Ризқ мушриклар қўлида эмас, ризқ Аллоҳнинг қўлидадир. **“Хоҳласа сизларни Ўз фазл-марҳамати билан бой-бадавлат қилиб қўяди. Шубҳасиз, Аллоҳ билувчи ва ҳаким зотдир”**. “Аллоҳ хоҳласа” дейишидан мақсад шуки, мўминлар чин қалбдан Аллоҳга боғланиб, умид ва қўрқувда турсинлар, хотиржам, бемалол бўлиб қолмасинлар. Аллоҳнинг билувчи ва ҳаким зот экани ҳам шу маънони тасдиқлаб келадик, илм ва ҳикмат эгаси ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўяди, ноўрин тасарруф этмайди. Шунинг учун Аллоҳнинг раҳмати ва фазл-марҳаматини истаган киши шунга лойиқ бўлишга интилиши, Аллоҳ ва Расулига иймони ва тўлиқ итоати билан астойдил ҳаракат қилиши лозим.

Иккинчиси: Ушбу нидо ўз ичига олган иккинчи буюк ишни кейинги оят баён қилган: **“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган, Аллоҳ ва Расули қайтарган ишлардан тийилмайдиган, Ислом шариати ҳукмларига амал қилмайдиган аҳли китоб бўлган яҳуд ва насороларга қарши то улар мағлубиятларини тан олиб, жизя тўловини хор бўлган ҳолларида ўз қўллари билан тўламагунларича жанг қилинг”**. Аллоҳ таоло мушрикларни Масжиди ҳаромга киришдан ман қилишни мўминларга буюрар экан, бу нарса токи Исломни қабул қилмас эканлар, улар билан жанг қилишга бўлган буйруқни ҳам тақозо этади. Яна Аллоҳ азза ва жалла аҳли китоблар ё Исломни қабул қилиши ёки мусулмонлар ҳимоясига кириб, жизя тўлаб туриши кераклигини, акс ҳолда улар билан жанг қилинишини мўминларга уқтирди: **“Ҳақ динга эътиқод қилмагунча аҳли китоблар билан жанг қилинг”**. Аҳли китоблар яҳуд ва насоролардир. Аллоҳ уларнинг бузуқ иймонларига рози бўлмади.

Яҳудлар мушаббиха (Аллоҳнинг сифатларини махлуқотлар сифатига ўхшатувчи), мужассима (Аллоҳга жисм ва шакл берувчи) бўлиб, Аллоҳни нолойиқ сифатлар билан сифатлайдилар.

Насоролар эса “Аллоҳ учтанинг биридир” деб айтадилар ва шундай эътиқод қиладилар. Аллоҳга қасамки, бу иймон эмас, айни кўфрдир. Шунинг учун Аллоҳ уларнинг иймонларини йўққа чиқариб: **“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган”**, деди.

Агар улар ҳақиқатда Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлганида, соғлом иймон ва Аллоҳ буюрган солиҳ амаллар билан жаннатга кириш ва дўзахдан нажот топишга интилган, амал қилишган бўлар эди. Демак, улар Аллоҳга ва охират кунига кофир кимсалардир.

Аллоҳнинг: **“Ислом шариати ҳукмларига амал қилмайдиган”** деган сўзларига келсак, яъни ҳақ дин бўлмиш Исломга эътиқод қилмайдиган яҳудийлар ўзларининг яҳудийлик бидъатларига, насоролар эса насронийлик бидъатларига эътиқод қиладилар. Ундан бошқасини Аллоҳ қабул қилмайдиган ҳақ дин Исломга кофир бўлиб, унга қарши уруш қиладилар. Уларнинг динлари ботил, улар дўзахдан қутқармайдиган ва жаннатга олиб крмайдиган ботил динга эътиқод қиладилар.

“Жизя тўловини хор бўлган ҳолларида ўз қўллари билан тўламагунларича...”

Кофирларга қарши жанг қилишдаги ғоя шудир. Муслмонларга бўйин эгиб, жизя тўловини тўламагунича кофирларга қарши жанг қилинади. Кофирлар бўйсуниб, жизя тўлай бошласалар, муслмонларнинг ҳимоясига кирган бўладилар ва бу билан зиммаларига юклатилажак айрим шартлар эвазига жон, мол, обрў ва динларини омон сақлайдилар. Бу ҳақда батафсил маълумотни Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ тафсирида зикр қилган Умар разияллоҳу анҳунинг ёрлиғида ўқишингиз мумкин.

Сўзимиз сўнгида сиз азиз ўқувчиларга юқорида ўтган икки оят далолат қилган айрим нарсаларни баён қиламиз, булар ҳақида фикр юритиб, яхши тушуниб олинг:

- 1- Мушрикларнинг нопоклиги маънавий бўлиб, бу уларнинг Аллоҳга бўлган ширкидир. Гарчи жанобатдан ғул қилмасалар ва нопокликлардан сақланмасалар ҳам уларнинг нопоклиги маънавийдир. Бунга далил Бухорий ва Муслимда келган Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Мўмин киши нопок бўлмайди”**, деган сўзларидир. Бу ҳадисдан кофирнинг нопоклиги унинг куфри ва ширки экани тушунилади. Аҳли китоб билан қўл бериб кўришгандан сўнг қўлни ювиб ташлаш шарт эмас ва бу таҳоратни ҳам бузмайди.
- 2- Масжиди Ҳаром ва Масжиди набавийдан бошқа масжидларга кофирлар муслмонларнинг рухсати билан кириши жоиз.
- 3- Исломни қабул қилмагунича аҳли китоблар билан урушишнинг вожиблиги. Исломга кирсалар мукаммал саодатга эришадилар ёки ўз динларида қолиб муслмонларнинг ҳимоясига ўтсалар, уларга қарши урушилмайди. Муслмонларнинг улар устидан адолат ва ҳақ билан юритган ҳукми остида яшайверадилар.
- 4- Улардан жизя олишнинг вожиблиги. Жизя касб-ҳунар қилишга қодир кишилардан олинадиган муайян миқдордаги йиллик тўловдир. Жизя қариялар, ёш болалар ва аёллар каби ожиз, заиф инсонлардан олинмайди.
- 5- Оятдаги: **“ўз қўллари билан”** сўзининг икки маъноси бор. Биринчиси: жизяни тўлашга қодир кишидан олинсин, тўлашга ожиздан эмас, деган маънодир. Иккинчи маъно: жизя тўловчи шахсан ўзи, ўз қўли билан олиб

келиб берсин, бошқа бировдан бериб юбормасин, деганидир. Ушбу маънони таъкидлаб Аллоҳ таоло: **“хор бўлган ҳолларида”**, деди. Яъни Ислом ҳукмига итоат қилиб, хор бўлган ҳолларида тўласинлар.

6- Камбағалликдан қўрқиш мўмин кишини Аллоҳнинг буйруқларига амал қилишдан тўсиб қўймасин. Аллоҳ таоло итоаткор, ҳаромдан тийилиб, буйруқларга амал қиладиган бандасини бировга муҳтож қилмаслика, Ўз фазли-карами билан бой-бадавлат қилишга ваъда берган. Ҳақиқатда шундай. Мўминлар Аллоҳнинг буйруғига амал қилиб, мушрикларни ҳажга келишдан тўсган эдилар, Аллоҳ уларга фатҳу нусратлар, кофирлардан ундирилган жизялардан чексиз мол-давлат ато этди.

Эй мўминлар, Аллоҳнинг буйруқларига риоя қилинг, шариатига амал қилинг, судхўрлик ва ҳаром нарсалар олди-сотдисини ташланг, Аллоҳ фазлу-марҳамати билан бой-бадавлат ва Ўзидан ўзгага беҳожат қилиб қўяди. Аллоҳнинг ўзигина ҳеч нарсага муҳтож бўлмайдиган беҳожат ва ҳамиша мақтовга сазовор зотдир.

Эллик иккинчи нидо

Одамлар молини ноҳақ ейиш ҳаромлиги ва закотини бермай, олтин-күмушни босиб ётган кишига қаттиқ таҳдид

“Эй иймон келтирганлар, аҳли китобларнинг олим ва роҳибларидан кўпи одамларнинг молини ноҳақ йўллар билан оладилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Олтин-күмушни босиб ётадиган ва закотини бермайдиган кимсаларга аламли азоб хабарини беринг. Қиёмат куни олтин-күмушни қиздирилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва орқаларига тамға босилиб: “Йиғиб, босиб ётган молларингиз шудир. Бермаганингиз сабабли энди аламли азобни тотинглар”, дейилади” (Тавба, 34-35).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига фақат уларни комиллик ва саодатга элтувчи амалларга буюриш ёки бахтсизлик ва зиён-заҳматга туширувчи ишлардан қайтариш учун нидо қилади.

Ушбу нидода ҳам Аллоҳ таоло мўмин бандаларига душманлари бўлмиш яҳуд ва насоролар ҳолидан хабар бермоқда. Улар ҳамиша Аллоҳнинг нурини ўчирмоқчи, яъни Исломни ёлғон сўзлари билан бекор қилмоқчи бўладилар. Аллоҳ гарчи ўша кофир ва мушриклар ёқтирмасалар-да, Ўз динини мукамал қилиб, ҳақни ёлиб қилади.

Хусусан, бу нидода аҳли китобларнинг олим ва роҳиблари ҳоли ҳақида, уларнинг ўта молпарастлиги, ундаб юрган динлари оми ва жоҳил кишилар учун алдов экани ҳақида хабар берилди.

Аллоҳ таоло деди: “**Аҳли китобларнинг олим ва роҳибларидан кўпи...**” Аҳли китобларнинг олимлардан мурод яҳуд олимлари, роҳибларидан мурод эса насоро роҳибларидир. Чунки насороларнинг олимларини “қиссислар” деб айтилади.

“**Одамларнинг молларини ноҳақ йўллар билан оладилар**”. Яъни одамлар молини ҳар хил ёлғон ва ҳийлалар билан, хусусан пора олиш ёки гуноҳ қилган кимсаларга гуноҳи кечирилгани тўғрисида ҳужжат ёзиб бериш каби турли найранглар ишлатиб оладилар.

Аллоҳ таолонинг: “**Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар**” деган сўзларидаги йўлдан мурод Ислом динидир. Улар ўзларига эргашган яҳуд ва насоролардан текин хизматчи сифатида фойдаланиб, шунинг ҳисобига фаровон ҳаёт кечиришгани учун одамларни Исломдан тўсадилар. Чунки уларга эргашган кишилар Исломни қабул қилгудек бўлса, улар устидан ҳукм юритиш ва мол-дунёларига эгалик қилишдан маҳрум бўладилар, уларни биров эсга олмай, ҳаётда ном-нишонсиз кетадилар. Шунинг учун ҳозирги кунга қадар ҳам улар бутун вужудлари билан Исломга қарши турибдилар.

“Олтин-күмушларини босиб ётадиган, уларнинг закотини бермайдиган кимсаларга аламли азоб хабарини беринг”. Бу сўзлар мўминлар ҳам яҳуд олимлари ва насоро роҳиблари тушган ҳолатга тушиб қолмасликлари учун Аллоҳ таолодан яна бир огоҳлантириш бўлди. Аллоҳ уларга олтин-күмушни жамлаб, босиб ётадиган, уни Аллоҳ йўлида бермайдиган кимсалар хоҳ кофир-мушриклардан, хоҳ мусулмонлардан бўлсин, ким бўлса ҳам аламли азобга гирифтор бўлишини хабар берди. Чунки олтин-күмуш ишларнинг асоси ва фаровон ҳаёт кечириш асбобидир.

Рофизий (шиа) олимларини ҳам яҳуд олимлари ва насоро роҳиблари йўлини тутганлар қаторига киритиш мумкин. Уларнинг имомлари ҳам ўшалар каби ўзларига эргашган кишиларнинг мол-дунёсини ноҳақ йўллар билан ейдилар. Улар ҳар бир кишининг топган пулидан, бу даромад қаердан келишидан қатъи назар, бешдан бирини ўлпон сифатида оладилар. Буни менга ўзларининг ичидаги одам айтиб берган.

Аллоҳ таоло олтин-күмушни босиб ётган кишиларга қандай азоб беришини баён қилди. Қиёмат куни улар жамлаган олтин ва күмуш парчаларини дўзах ўтида қиздирилиб, шу билан уларининг пешоналари, ёнлари ва орқаларига тамға босилади. Жасадларида бирон ерни қолдирмай шу қизиган парчаларни босилади.

Абу Лаҳабга жаҳаннамда киноя ва таҳқир билан: **“Сен бугун шу азобни тот! Ахир сен қавминг ичида қудратли ва обрў-эътиборли кишисан-ку”**, деб айтилганидек, уларга ҳам: **“Тўплаб, босиб ётган молларингиз шудир. Бермаганингиз сабабли энди аламли азобни тотинглар”**, деб айтиладики, бу билан жисмоний азобланишларига маънавий азобланиш ҳам қўшилади. Бундай истехзо ва таҳқир билан берилган маънавий азобнинг алами баданга берилган жисмоний азобнинг оғриғидан кам эмас, балки ундан-да аламлидир. Аллоҳ таолонинг: **“Қиёмат куни олтин ва күмушлар қиздирилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва орқаларига тамға босилиб: “Тўплаб, босиб ётган молларингиз шудир. Бермаганингиз сабабли энди аламли азобни тотинглар”, дейилади”**, деган сўзининг маъноси ва мақсади шудир.

Мана шу оят нозил бўлганда мусулмонлар ўта оғир ғам-ташвишда қолдилар, бу ҳукм уларга оғир келди. Умар разияллоҳу анҳу: “Мен сизларнинг ташвишингизни енгиллатаман”, деди. Сўнг тўғри Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: “Эй Расулulloҳ, бу оят саҳобаларни ташвишга солиб қўйди”, деди. Шунда Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло молларингизни поклаш учун закотни ва сиздан кейин меросхўрларингизга қолиши учун меросни фарз қилди”, деб айтган эдилар, Умар разияллоҳу анҳу такбир айтиб юборди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Эй Умар, ҳар бир киши учун энг яхши жамфарма нима эканини айтайми? Қараса кўзи қувонадиган, бирон ишга буюрса итоат

этадиган, йўқлигида (эрининг моли ва обрўсини) сақлайдиган солиҳа аёл энг яхши жамғармадир” (Абу Довуд (1664) ва Ибн Можа (1857) ривояти).

Бу ҳадис мол-дунё жамлаш ҳақидаги оятдан сўнг мўминлар қалбига тушган қўрқувни аритди. Ҳақиқатда мол-дунё жамлаш ҳаром ва ман қилинган бўлганида, мерос ҳақидаги оятлар қандай нозил қилинган бўлар эди?!

Фурсатдан фойдаланиб, мерос қандай тақсимланиши ҳақида бир оз тўхталсак фойдадан холи бўлмас.

Кишининг мероси ворисларига қуйидагича тақсим қилинади:

Бир ўғилга икки қиз улуши миқдорида берилади.

Вафот этган кишининг ортида фарзандлари ва ота-онаси қолаётган бўлса, ота-онасидан ҳар бирига мероснинг олтидан бири тегади.

Агар ортида фарзанд қолдирмаган бўлса, онасига учдан бири, қолгани эса отасигадир.

Вафот этган эр ўғил ёки қиз фарзанд қолдирмаган бўлса, мероснинг тўртдан бири хотинга бўлади.

Агар эр фарзанд қолдирган бўлса, хотинга саккиздан бири тегади.

Агар хотин вафот этса ва ўғилми-қиз фарзандлари бўлса, қолдирган меросининг тўртдан бири эрга тегади. Агар ундан фарзанд қолмаган бўлса, қолдирган меросининг ярми эрга бўлади.

Агар бир эркак ё аёл вафот этса ва унинг ота-онаси ҳам, боласи ҳам бўлмаса, она бир ака-укаси ё опа-синглиси бўлса, шунингдек, ота томондан қариндошлари бўлса, ака-сингилдан ҳар бирига мероснинг олтидан бири тегади ва қолгани ота томон қариндошларга бўлади.

Агар она бир ака-ука ёки опа-сингиллар кўпчилик бўлса, уларнинг барчаси учдан бир улушда шерик бўладилар, қолгани ота томон қариндошларга бўлади.

Агар боласи бўлмаган киши вафот этса ва ортида опаси ё синглиси қолган бўлса, опаси ё синглисига у қолдирган мероснинг ярми тегади.

Агар фарзанди бўлмаган опа ё сингил вафот этса, унинг барча молини ака ё ука мерос қилиб олади.

Агар вафот этган кишининг иккита опа-синглиси бўлса, икковларига у қолдирган молнинг учдан иккиси тегади ва қолгани амаки каби ота томон қариндошларга бўлади.

Агар опа ё сингил вафот этиб, ортида бир нечта ака-ука ва опа-сингиллар қолган бўлса, ота вафот этганида бир ўғил болага икки қиз улуши миқдорида берилгани каби, қолдирилган меросни бир эркакка икки аёлнинг улушича тақсимлаб оладилар.

Шуни билиш лозимки, аввал васиятлар бажарилиб, зиммадаги қарзлар ҳақдорларга берилади, шундан сўнг мерос тақсимланади.

Бу тақсимот вафот топган киши қолдирган молдаги Аллоҳ таолонинг тақсими бўлиб, агар мол-дунё жамлаш ҳаром бўлганида эди, баён қилинган шаклдаги тақсимлаш билан Қуръон оятлари нозил бўлган бўлармиди?

Шунинг учун уламолар закотини берган кишининг тўплаган моли ҳаром ҳисобланмаслигига ва азобга сабаб бўлмаслигига, йиллик закоти ўталмаган мол соҳиби азобга гирифтор бўлишига ижмо қилишган.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Қайси бир киши молининг закотини ўтамас экан, қиёмат куни оловдан қуйма парчалар қилиниб, улар билан ана шу мол эгасининг пешонаси, ёнбоши ва орқасига тамға босилади. Бу ҳол миқдори эллик минг йилга тенг бўлган бир кунда то бандалар ўртасида ҳукм қилингунга қадар давом этади. Шундан кейин у ё жаннатга, ё дўзахга равона бўладиган йўлини кўради” (Насоий ривояти).

Шу мазмундаги яна бир ҳадисда бундай деганлар: “Кимнинг туяси ё қўйи ё сиғири бўлса-ю, уларнинг закотини бермаса, ҳисоб-китоб тугагунга қадар қиёмат майдонида азобга тутилади, сўнг жаннатга ё дўзахга равона бўлади”.

Бу гапларни ҳамиша ёдда тутайлик.

Динимиздаги билиш фарз бўлган илмларни одамларга ўргатайлик. Уларни ўрганган илмларига амал қилишга тарғиб қилайлик. Зеро, Аллоҳ азоби қаттиқ, ҳисоби тез зотдир.

Эллик учинчи нидо

Оммавий сафарбарлик чоғида жиҳодга чиқиш фарзлиги ва чиқмаслик ҳаромлиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқинглар, деб айтилса, сусткашлик қилиб, уй-жойларингизга ёпишиб олдингиз?! Дунёдаги насибангизни охират неъматидан афзал кўрдингизми?! Ҳолбуки, дунё матоси оз ва ўткинчи, охират неъматлари эса битмас-туганмасдир. Агар душманингизга қарши жангга чиқмасангиз, Аллоҳ сизларни аламли азоб билан азоблайди, чақирилганда чиқадиган бошқа бир қавмни ўрнингизга келтириб қўяди ва сиз унга бирор зарар етказа олмайсиз. Аллоҳ барча нарсага қодирдир” (Тавба, 38-39).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, мўминларга қаратилган навбатдаги бу нидо Мадинада нозил бўлган. Бунинг сабаби, Рум шоҳи Ҳирақл мусулмонларга қарши уруш очиш учун катта қўшин тўплагани ҳақидаги хабар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб келганида у зот оммавий сафарбарлик эълон қилдилар. Бу ҳодиса ҳижратнинг тўққизинчи йили Шаввол ойида бўган эди. Ўшанда ёзнинг жазирама иссиқ кунлари эди, устига-устак юртда қурфоқчилик ва очарчилик ҳукм сурарди. Шунинг учун бу ғазот “Қийинчилик лашкари” деб ном олди.

Аллоҳ таоло мўминларни Расулulloҳга қарши урушиш учун у зотнинг юртига бостириб келишга шайланган душманга қарши урушишга ва пайғамбарлари билан елкама-елка туриб жанг қилишга ундаб: **“Эй иймон келтирганлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқинглар, деб айтилса”**, яъни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сизларни чақирса, **“сусткашлик қилиб, уй-жойларингизга ёпишиб олдингиз”**, гўё оғир юк кўтарган кимсадек ҳаракатингиз суст, қимир этмай юртингизга ёпишиб олдингиз, ҳовли-жойингиз, хотинларингиз ва бола-чақангиз олдида қолишни ихтиёр этиб, жиҳодга чиқишни хоҳламаяпсиз?! **“Дунёдаги насибангизни охират неъматидан афзал кўрдингизми?!”**. Бу сўзлар билан Аллоҳ таоло саҳобалар ичидан шу ҳолга тушиб қолганларга қаттиқ дашном берди. Аслида, бундай кишилар кўп эмас, жуда оз эди. Саҳобаларнинг аксарияти Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга жангга чиқишган, аввалда сусткашлик қилиб турганлари ҳам кейинроқ лашкар ортидан етиб олиб, улар сафига қўшилган эди. Фақат айримлари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан изн сўраб, жангга чиқмадилар. Аллоҳ таоло уларга қарата деди: **“Дунё матоси оз ва ўткинчи, охират неъматлари эса битмас-туганмасдир”**. Шундай экан, қандай қилиб ўткинчи дунёнинг ейиш-ичиш, ясан-тусан каби озгина роҳатини охиратдаги мангу неъматлардан устун қўясиз? Қандай қилиб

фоний оз нарсани боқий кўп нарсадан афзал кўрасиз? Вожаб, бу ишингиз жуда қизиқ!

Сўнг Аллоҳ таоло Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва мўминлар билан урушишга шайланган румликларга қарши жангга чиқишни мўминларга фарз қилди, уларни урушга тарғиб қилиб ва огоҳлантириб, шундай деди: **“Агар душманингизга қарши жангга чиқмасангиз”**, яъни пайғамбарингизга ёрдам бермай, ташлаб қўйсангиз, у ёлғиз ўзи озчилик саҳобалари билан бўлса ҳам Румга қарши жангга чиқади, лекин сизларнинг жазонгиз қаттиқ бўлади: **“Аллоҳ сизларни аламли азоб билан азоблайди”**, яъни чидаб бўлмас қаттиқ азоб билан азоблайди. Бундан ташқари, устингизга азоб юбориб сизни ҳалок этгач, ўрнингизга Расулига ёрдам берадиган, у зот билан елкама-елка туриб душманга қарши жанг қиладиган қавмни келтиради: **“чақирилганда чиқадиган бошқа бир қавмни ўрнингизга келтириб қўяди ва сиз унга бирор зарар етказа олмайсиз”**, чунки унинг дўсти ва ёрдамчиси Аллоҳдир. **“Аллоҳ барча нарсага қодирдир”**, У сизни ҳалок қилиб юбориш, ўрнингизга бошқа қавмни олиб келиш ва пайғамбарни ёрдамсиз ташлаб қўйсангиз, унга ёрдам беришдан ожиз эмас.

Бу нидо ҳар бир замон ва маконда мусулмонлар учун умумий бўлган бир ҳукмни олиб келган. Зеро, гап сабабнинг хослигида эмас, лафзнинг умумийлигидадир. Шунинг учун қуйида баён қиладиган ишларни жиддий тааммул қилинг:

- 1- Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш энг афзал амаллардандир, токи Аллоҳга ибодат қилмайдиганлар бўлар экан, жиҳод ҳам бўлаверади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй мўминлар, то мусулмонларни динларидан тўсиш ва Аллоҳга ширк келтириш тугаб битмагунича, Ислом дини ғолиб бўлиб, Аллоҳдан бошқага ибодат қилинмайдиган ҳолат вужудга келмагунича тажовузкор мушриклар билан урушишда давом этинг!”** (Бақара, 193). Жиҳод Арабистон ярим оролидан бошланиб, ер шарининг ҳар томонига ёйилди. Чунки Ислом уммати башариятга ҳидоят, поклик ва саодатни олиб келган даъватни бутун оламга етказишда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўринбосар бўлиб қолди.
- 2- Бу нидодаги оятга кўра, эҳтиёж туғилганда мусулмонлар халифаси оммавий сафарбарлик эълон қилади.
- 3- Амалларнинг энг афзалларидан бўлмиш жиҳод гоҳида фарзи айн, гоҳида фарзи кифоя бўлади. Жиҳод қуйидаги уч ҳолатда фарзи айндир:
 - а) Ушбу оятда келганидек, мусулмонлар имоми умумий сафарбарлик эълон қилиб, жиҳодга чиқишга чорлаганда;
 - б) Мусулмонлар имоми бирон кишини тайинласа, шу кишига жиҳодга чиқиш фарзи айн бўлади;

в) Душман мусулмонларнинг чегара постига ёки чегара яқинидаги шаҳрига тўсатдан ҳужум қилса, балоғатга етган, эс-ҳушли ҳар бир киши ўз ерини мудофаа қилиб, босқинчини тор-мор қилмагунича ё халифа тарафидан ёрдам етиб келмагунича душманга қарши жанг қилиши фарзи айн бўлади.

4- Жиҳод – жони ва молини сарфлаб, бор кучи билан ҳаракат қилиш фақатгина Аллоҳ йўлида, Аллоҳнинг розилигига эришиш, Унинг пайғамбарига ва мусулмон раҳбарга итоат учун бўлиши шарт. Ҳокимиятга эришиш, мол-дунё топиш, обрў-эътибор қозониш, риё учун бўлмаслиги лозим.

5- Абадий саодат ва битмас-туганмас ноз-неъматлар диёри бўлган охират олдида дунёнинг арзимас, ҳақир, алдамчи эканининг баёни. Аллоҳ таоло деди: **“Ҳолбуки, дунё матоси оз ва ўткинчи, охират неъматлари эса битмас-туганмасдир”**. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Охират олдида бу дунёнинг арзимаслиги мисоли сизлардан бирингиз мана бу бармоғини денгизга тикиб чиқаргани кабидир. Қарасин-чи, бармоғи нимани олиб чиқади”, яъни улкан денгиздан қанча миқдорда сув илаштириб чиқади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ишора қилган бармоқ кўрсатгич бармоқдир.

6- Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга динда, уммат ишларида ва суннатларида ёрдам бериш фарзлиги.

Эй мусулмонлар, бу илоҳий нидо ўз ичига олган масалалар ҳақида хотиримизни жам қилиб, бир фикр юритайлик. Ўзимиз амал қилгач, бошқаларга ҳам сидқидилдан етказайлик. Яхшилиқнинг мукофоти минг чандон зиёда яхшилиқ бўлмай. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганлар: “Аллоҳ яхшилиқка минг бор зиёдаси билан мукофот беради”. Аммо жиҳодга минг-минг чандон, яъни миллион зиёда мукофот берилажак. Аллоҳ истаган бандасига ажр-савобларни кўпайтириб беради. Оламлар Рабби бўлган Аллоҳга аввалу охирда ҳамду санолар бўлсин. У ҳеч шериксиз, ёлғиз Ўзигина барча мақтовларга сазовор Зотдир.

Эллик тўртинчи нидо

Аллоҳдан тақво қилишга ҳамда ният, сўз ва амалда ростгўй бўлишга буйруқ

“Эй иймон келтирганлар, ҳар бир ишингизда Аллоҳдан қўрқинг ва иймонларида ростгўй бўлган кишилар билан бирга бўлинг” (Тавба, 119).

Шарҳ:

Мухтарам ўқувчи, мўминлар иймон билан чин маънода тирик экани ҳақида юқорида ҳам бот-бот айтиб ўтдик. Ҳақиқатда шундай, мўминлар иймонлари билан тириқдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ азза ва жалла уларга иймон сифати ила нидо қилади. Зеро, мўминлар қалби очиқ бўлганидан эшитиш, сўзлаш, амал қилиш ва тарк қилишга лаёқатлидирлар. Кофирлар эса ундай эмас. Улар кўфри сабабли ҳис этмайдиган ўлиқдан баттардир. Бирон амални бажаришга ё тарк қилишга чорланса қабул этмайди, панд-насихатни олмайди, нидо қилинса эшитмайди. Мўминлар бунинг аксича, том маънода тирик бўлиб, нидо қилинса ижобат этади, бирон ишга буюрилса бажаради, қайтарилса тийилади.

Бу илоҳий нидода икки буюк иш ҳақида сўз кетади:

Биринчи иш: Аллоҳ азза ва жалладан тақво қилиш. Эсласангиз, бу ҳақда юқорида ҳам сўз ўтган эди. Яна такрорлаш фойдадан холи бўлмайди. Тақво Аллоҳ ва Расули буюрган ё қайтарган барча ишларда итоат этишдир. Чунки Аллоҳ таолонинг азоби, ғазаби ва жазосидан сақланиш фақатгина Унга итоат этиш, ҳукмига таслим бўлиш, қазо ва қадарига рози бўлиш билан бўлади.

Билимдон мўмин Аллоҳ таолонинг дўстлиги тақво билан қўлга киритилишини яхши билгани учун Парвардигори уни ва бошқаларни тақвога буюришидан хурсанд бўлади. Аслида, энг буюк шараф, олий мақсад ва орзу-истак ҳам Аллоҳнинг дўстлигини қозонишдир. Аллоҳнинг дўстлигига тақво билан эришилади. Тақво нафсни поклайди. Тақводор мўмин буюрилган ишларни бажариш ва қайтарилган ишлардан четланиш билан нафсини поклайди. Банда нафсини покласа, Парвардигори ундан рози бўлади, уни яхши кўриб, Ўзига дўст тутади.

Тақво ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, албатта. Тақвога эга бўлишни истаган киши Аллоҳ суядиган ва суймайдиган ишларни билиши лозим, токи нафсини поклаш учун Аллоҳ суядиган ишларни қай тарзда амалга ошириш тўғрисида билимга эга бўлсин. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло илм талаб қилишни ҳар бир мўмин ва мўминага фарз қилган.

Иккинчи иш: Сўзида ҳам, ишида ҳам содиқ ва ростгўй кишилар билан бирга бўлиш. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, ҳар бир ишингизда Аллоҳдан қўрқинг ва иймонларида ростгўй бўлган кишилар билан бирга**

бўлинг". Яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам улардан ажралманг, ҳамиша бирга бўлинг. Охиратда ҳам улар билан бирга бўлишингиз учун ниятларингиз уларнинг ниятлари каби, сўзингиз сўзлари, амалингиз амаллари, орзуларингиз орзулари каби бўлсин. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: "Ростгўй бўлинглар. Дарҳақиқат, ростгўйлик яхшиликка, яхшилик эса жаннатга етаклайди. Киши давомий равишда рост сўзлар экан ва ростгўйликка интилар экан, Аллоҳнинг ҳузуринда "сиддиқ" (ростгўй) деб ёзиб қўйилади" (Муттафақун алайҳ).

"Сиддиқ" деб ёзиб қўйилса, Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳуга ўхшаган содиқ кишилардан бўлади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр разияллоҳу анҳуни Сиддиқ деб номлаган эдилар. Қуръонда ҳам бунга ишора қилинган оят бор: **"Фақат ростликни, ҳақни келтирган ва уни тасдиқ этганлар – ана ўшалар тақводор зотлардир"** (Зумар, 33). Ростлик ва ҳақни келтирган зот Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлсалар, уни тасдиқ этган киши Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳудир.

Сиддиқлардан бўлишнинг яна бир йўли зоҳиру ботинда, махфий ва ошкор, тангликда ҳам, фаровонликда ҳам Аллоҳ ва Расулига итоатда бўлишдир. Аллоҳ таоло айтади: **"Ким Аллоҳ ва Расулига итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ уларга жаннат инъом қилган пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ мўминлар билан бирга бўладилар. Ўшалар жаннатдаги энг яхши ҳамроҳлардир. Бу улкан фазлу марҳамат Аллоҳдандир. Аллоҳнинг ўзи етарли билувчидир"** (Нисо, 69-70).

Бу илоҳий нидода келган ишларни, хоссатан ростгўйликни, унинг қийматини ва ҳақиқатини яхши билиб олинг ва одамлар орасида шу сифат билан танилишга ҳаракат қилинг.

Табук ғазотида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлар билан урушиш учун Мадинаи Мунавварага бостириб келмоқчи бўлаётган Рум қўшинига қарши оммавий сафарбарлик эълон қилганларида мунофиқлар арзимас баҳоналар ва ёлғон узрлар билан урушга чиқмай қолиб кетдилар. Айрим иймони заиф мусулмонлар ҳам жангга чиқмасликка баҳоналар келтириб, узр сўрадилар. Дарҳақиқат, бу ғазот юртда қурфоқчилик ва очарчилик авж олган пайтга, қолаверса, ёзнинг жазирама иссиқ кунларига тўғри келган эди. Ҳатто Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан изн олмай ҳам қолиб кетганлар бўлди. Лекин Аллоҳнинг фазли-марҳамати билан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанг қилиш учун келаётганларидан хабар топган душман қўрқоқлик қилиб, жангга чиқиш фикридан воз кечади ва орқасига қайтиб кетади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва мусулмонлар Мадинага қайтишганида жангга чиқмай қолиб кетган кишилар нима сабаб чиқмаганини айтиб, узр сўраб келишди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг тилларидаги узрларини қабул қилдилар, қалбларини Аллоҳга ҳавола қилдилар. Жангдан қолиб кетганлар орасида уч

киши – Каъб ибн Молик, Ҳилол ибн Умайя ва Мурора ибн Рабиъ исмли саҳобалар ҳам бор эди. Улар бошқалар каби арзимас ёки ёлғон баҳоналар айтмай, ҳеч қандай сабабсиз қолиб кетишганини рўйирост айтдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни улар билан алоқани узиб туришга буюрдилар. Уларнинг Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам, Мадина аҳли ва ҳатто хотинлари ва фарзандлари билан алоқалари узилиши анча кун давом этди. Бу уч саҳоба сабр-матонат ва садоқат билан эллик кунни ўтказдилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло оят нозил қилиб, тавбалари қабул бўлгани хабарини берди: **“Шунингдек, ансорлар ичидан тавбалари қабул қилиниши ортга сурилган уч кишининг тавбаларини ҳам Аллоҳ қабул қилди. Улар Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам билан бирга чиқишдан қолиб кетишган ва бунга қаттиқ қайғуришган эди. Қолиб кетишганидан пушаймон бўлиб, ғам чекканларидан кенг ер уларга торайиб кетган, ғамнинг зўридан кўнгиллари қаттиқ сиқилган ва улар Аллоҳдан қочиб, бошқа бировнинг паноҳига бориш имконсиз эканига аниқ ишонч ҳосил қилишган эди. Аллоҳ таоло уларни тоатга муваффақ қилди. Албатта, Аллоҳ бандаларининг тавбаларини қабул қилувчи ва уларга раҳмли Зотдир. Эй иймон келтирганлар, ҳар бир ишингизда Аллоҳдан қўрқинг ва иймонларида ростгўй бўлган кишилар билан бирга бўлинг”** (Тавба, 118-119).

Бу икки оят Аллоҳ таоло Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам билан бирга ғазотга чиқишдан қолиб кетган уч кишига ростгўйликлари сабабли нажот берганини ва тавбаларини қабул қилганини кўрсатади. Шунинг учун Аллоҳ мўмин бандаларини ростгўй бўлишга чақирди. Ростгўйликда яхшилик ва барака бор. Ростгўйлик кишини дўзахдан нажот топиб, яхшилар диёри бўлмиш жаннатга киришига сабаб бўлади. Аллоҳим, бизни ҳам ростгўй бандаларингдан қилгин. Омин.

Элик бешинчи нидо
Исломга кириб саодат топишлари учун кофир қавмга қарши жанг
қилишнинг вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, Ислом диёрига яқин бўлган кофирлар билан урушинг. Кофирлар сизларда қаттиқлик ва шиддатни кўрсин. Шунин биланги, албатта Аллоҳ тақводорлар билан биргадир” (Тавба, 123).

Шарҳ:

Бу илоҳий нидода Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотлари яқинлашганига ишора бор. Чунки Аллоҳ таоло Расулини жиҳод қилишга буюрар эди, у зотга эргашган мўминлар эса набийлари билан бирга бўлар эдилар. Масалан: **“Эй Пайғамбар, кофир ва мунофиқларга қарши жиҳод қилинг, уларга нисбатан қаттиққўл бўлинг”** (Тавба, 73). Буйруқ пайғамбарга қаратилган ва табиийки асҳоблар у зот билан бирга жиҳодга чиқардилар. Аммо бу нидода Аллоҳ буйруқни мўминларга қаратди: **“Эй иймон келтирган кишилар, урушни Ислом диёрига энг яқин бўлган кофирлардан бошланг. Кофирлар сизларда қаттиқлик ва шиддатни кўрсин. Билинги, албатта Аллоҳ таоло Ўз ёрдами билан тақводорлар билан биргадир”**.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак умрлари охираб қолганида Арабистон ярим ороли ширкдан тозаланиб, Ислом диёрига айланди. Шунда Аллоҳ таоло мўминларни пайғамбарларидан кейин ҳам Аллоҳ йўлидаги жиҳодни давом эттиришга амр этди ва бу борада қандай йўл тутишга йўллаб қўйди. Энг аввал даъват ва жиҳодни ўз диёрларига яқин бўлган кофир диёрлардан, яъни Арабистонга қўшни бўлган Урдун, Шом ва Ироқ каби ўлкалардан бошлашга амр этди. Ўзларига қўшни бўлган диёр яқинида қўшин жойлаштириб, ўша диёрдагиларни уч ишдан бирига чақирадилар: Биринчиси: Раҳмат, адолат, поклик, софлик, иззат ва каромат дини Исломни қабул қилишга даъват этадилар. Агар бундан бош тортсалар, иккинчи ишни – муслмонлар ҳимоясига киришни таклиф қиладилар. Буни қабул қилсалар, муслмонлар уларнинг диёрларига кириб, шариат ҳукмларини татбиқ этадилар ва уларни жизя тўлашлари муқобилига ўз ҳимояларига оладилар. Жизя солиғи ҳаммадан эмас, фақат эркаклардан олинади, қариялар, болалар ва аёллардан олинмайди. Ислом динининг бу раҳматини, нурини, адолат ва софлигини кўрган ўша диёрдаги кишилар, мажбурланмаган, зўрланмаган ҳолда, ўз хоҳиши ва ихтиёри билан Исломни қабул қилади. Шунда ҳам қабул қилмаса, унда учинчи ишга ўтилади: кофирлар билан то улар тор-мор этилиб, Ислом лашкарлари куч билан уларнинг диёрига киргунига қадар жанг қилинади. Ерлари Ислом ва муслмонлар мулкига айланади, хазиналарига муслмонлар эгалик қилади, ўша диёрлар муслмонлар давлати ичига киради. Сўнг унга қўшни диёр

яқинига қўшин тортиб бориб, худди биринчи диёрга қилинган ишларни амалга оширадилар. То дин Аллоҳга холис бўлмагунича ва ер юзида мусулмон бўлмаган одам қолмагунича шу ҳол давом этади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, урушни Ислом диёрига энг яқин бўлган кофирлардан бошланг”**.

“Кофирлар сизларда қаттиқлик ва шиддатни кўрсин”. Яъни кофирлар сизлардан қўрқиб, ҳайиқиб туришлари, мағлуб бўлиб, оёқлари қалтираб, олдингида тиз чўкишлари учун уларга куч-қувватингиз ва қатъиятингизни кўрсатиб қўйинг.

“Шуни билинги, албатта Аллоҳ тақводорлар билан биргадир”. Яъни Аллоҳ уларга ёрдам бериши ва куч-қувват ато этиши билан биргадир. Тақводор бандалар ширк ва маъсиятлардан сақланган, ғалаба пайтида ҳам, мағлубият пайтида ҳам илоҳий суннатлардан чиқмаган кишилардир.

Дарҳақиқат, саҳобалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Аллоҳнинг амрига бўйсунгани амалий тарзда кўрсатиб бердилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан сўнг Арабистон ярим ороли теваарагидаги Исломдан қайтган муртадларга қарши жанглари тугаши биланоқ Расулulloҳнинг халифаси Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳу хочга қуллик қилувчи Рум давлатига ва оловга сиғинувчи Форс давлатига қарши Ислом лашкарларини сафарбар этди. Кейинги халифа Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу ҳам жиҳод ишини давом эттириб, шарқу ғарб салтанатларини қўлга киритди. Кисронинг тахтини синдиргани учун Умар разияллоҳу анҳудан интиқом олган мажусий Абу Луълуа мўминлар амирини Расулulloҳнинг меҳробларида шаҳид қилгач, халифалик Усмон разияллоҳу анҳуга ўтди. Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу Аллоҳнинг: **“Эй иймон келтирганлар, урушни Ислом диёрига энг яқин бўлган кофирлардан бошланг”** буйруғини амалга ошириб, жиҳод ва жанглари давом этдирди. Ислом ерлари шарқу ғарбга кенгайиб, кўпгина мамлакатлар Ислом динига кирди. Шу зайл уч аср мобайнида жиҳод ва футуҳотлар давом этиб, Ислом диёрининг ҳудуди шарқу ғарбга кенгайиб борди. Бу уч аср ҳақида Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтган эдилар: “Сизларнинг яхшиларингиз менинг асримда яшаганлар, сўнг кейинги асрадагилар, сўнг ундан кейинги асрадагилардир” (Бухорий (2651), Муслим (2535) ривояти).

Бу уч олтин аср ўтиши билан мажус, яҳуд ва насоролардан иборат уч душман Ислом умматига турли макр-ҳийлалар ишлатиб, мусулмонлар сафини бўлишга, орага ихтилоф солиш, лашкарни тарқоқ ҳолга келтириш, ўлкаларни парчалаш ва одамларни пароканда қилишга астойдил интилди ва бир нав мақсадига эришди ҳам. Фатҳ қилинган ерларни аста-секин қайтариб олди. Бир пайтлар кенг бўлган Ислом ерлари торайди. Тараққиёт ва ривожланиш тўхтади.

Бугунга келиб, башарият урчиб кетган иллатлар, касалликлар, зулм ва ёмонликлардан халос этиши учун Ислом динига кўз тикиб турибди. Шояд

меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ таоло мўминларни тавба қилишга муваффақ этса, тавбаларини қабул қилса ва яна уларнинг гап-сўзлари бир жойдан чиқиб, давлати бир бўлиб, зиммаларидаги вазифаларини бажаришга киришсалар, исломий давлатларга қўшни бўлган диёрлвр аҳлини даъват қилсалар, ерларини фатҳ этиб, Исломга киришларига сабабчи бўлсалар... Шунда Аллоҳ таолонинг Расули тилидан айтган ваъдаси тамомига етар эди: “Аллоҳ бу ишни (яъни Ислом динини) албатта охирига етказади. Ҳатто шаҳар, қишлоқ, чўлдашда бирон уй қолмай, азизни азизлаб, хорни хорлаб Ислом кириб боради” (Аҳмад, Табароний ва Ҳоким ривояти). Яъни Ислом етмаган жой қолмайди. Исломни қабул қилган киши азизланади, қабул этмаса хор бўлади.

Сўзимиз сўнгида бу оят ўз ичига олган маълумотларни санаб ўтамоғимиз:

- 1- Токи ер юзида ширк қолмагунича, мўминга зулм қилиш тўхтамагунича ва дин Аллоҳга холис бўлмагунича Ислом умматига жиҳоднинг вожиблиги ва давом этиши.
- 2- “Яқинлар яхшиликка энг ҳақлидирлар” қоидасига кўра, жиҳодни мусулмонлар диёрига энг яқин кофирлардан бошлаш лозимлиги.
- 3- Аллоҳ таолонинг тақводорларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлашга бўлган ваъдаси то қиёмат боқийдир.
- 4- Ислом бутун дунёга ёйилмагунга қадар мусулмонлар диёрига энг яқин бўлган кофирларга қарши жанг қилиш вазифаси бажарилмас экан, умматнинг бари осий бўлади. Бу осийликдан фақат узр эгаларигина мустасно бўлиб, Аллоҳ таолонинг ушбу сўзида бунинг баёни келган: **“Кўзи ожиз, чўлоқ ё касал бўлган узрли кишилар жиҳод ва шу каби ўзлари адо этишга қодир бўлмаётган фарз ишларни тарк қилишларида улар учун бирон гуноҳ йўқдир”** (Нур, 61). Булар ичига хотинлар, болалар ва мажнунлар ҳам киради. Ҳар ким “бор борича, йўқ ҳолича” деганидек ҳаракат қилади. Аллоҳ хато ва камчиликларимизни афв этсин. Зеро У кечирувчи, карами кенг Зотдир.

Элик олтинчи нидо

Намоз, закот, жиҳод, Исломни маҳкам тутиш ва Аллоҳга боғланиш ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, руку ва сажда қилинг, Раббингизга ибодат қилинг, яхшиликлар қилинг, шояд нажот топсангиз. Аллоҳ йўлида холис жиҳод қилинг. У сизларни дин юкини кўтаришга танлади ва бу динда сизларга торлик ва оғирлик қилмади. Бу отангиз Иброҳимнинг динидир. Пайғамбар сизлар устингизда гувоҳ бўлиши ва сизлар ҳам бошқа умматлар устида гувоҳ бўлишингиз учун Аллоҳ олдин нозил қилинган китобларда ҳам, Қуръонда ҳам сизларни мусулмон деб номлади. Шундай экан, намозни тўкис адо қилинг, закотни ўтанг ва Аллоҳга боғланинг. У сизнинг ҳожангиздир. Аллоҳ нақадар яхши дўст ва нақадар яхши ёрдамчидир” (Ҳаж, 77-78).

Шарҳ:

Ақидага тегишли асосий масалалар – Аллоҳнинг бирлиги, пайғамбарнинг ҳақлиги, қиёмат куни ва у кунда ҳисоб-китоб бўлиши ҳақидаги масалаларни уқтирганидан сўнг Аллоҳ таоло мўмин бандаларига улардаги комил руҳий ҳаёт ва ирода қувватига далолат қилувчи иймон сифатлари билан нидо қилди:

“Эй иймон келтирганлар”. Яъни Аллоҳни Раб ва илоҳ деб иймон келтирган, зотан Ундан ўзга ҳақ раб ва илоҳ йўқ, Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар ва Аллоҳнинг элчиси деб инонган, охират куни Аллоҳга рўбарў бўлиш, Унинг мукофот ва жазоси муҳаққақ эканига ишонган мўминлар!

Руку ва саждалар қилинг”. Яъни ёлғиз Парвардигорингизга бош эгинг, Унгагина итоат қилинг, амрларига бўйсунинг, қайтариқларидан тийилинг. **“Яхшилик қилинг”**. Яхшилик деганда Аллоҳ таоло тарғиб қилган турли хил эзгу ишлар, тоат-ибодатларни бажариш назарда тутилади. Яхшилик қилиш билан киши нажот топади ва бахт-саодатга эришади. Дўзахдан қутулиш ва жаннатга кириш ҳақиқий бахт-саодат ва нажотдир. **“Шояд нажот топсангиз”** сўзи шунга далолат қилади.

Оятда Аллоҳ таоло намоз рукнлари ичидан руку ва саждани алоҳида зикр қилдики, бунинг сабаби руку ва сажда намознинг энг юксак, шарафли қисмидир ва бу иккиси билан банданинг Парвардигорига бўйсунуши, Унга бўлган хорлиги янада аниқроқ кўринади.

Аллоҳ таоло иккинчи оятни: **“Аллоҳ йўлида холис жиҳод қилинг”** сўзлари билан бошлаб, бандаларни буюк ишга буюрди. Биринчи оятдаги буйруқнинг таъсири бадандан кўра кўпроқ руҳ софлиги ва поклигига қаратилган бўлса, бу буйруқ руҳ ва баданга баб-баробар катта таъсирга эгадир. Бу буюк иш Аллоҳ ва мусулмонларнинг душмани бўлмиш кофир, мушрик ва мунофиқларга

қарши жиҳод қилишдир. Табиийки, бу иш мол ва жонни сарфлашни талаб қилади.

Шайтонга қарши жиҳод ҳам шу қаторда бўлиб, шайтон алайҳи лаъна тинмай ёмонни яхши, яхшини эса ёмон кўрсатади, нопокликка чорлайди, покликдан тўсади, охир-оқибат бандани тубанлик, фасод ва ёмонлик чоҳига қулатади. Шунинг учун ҳам шайтонга қарши жиҳод қилиш энг муҳим ишлардандир.

Жиҳод маъноси ичига ёмонликка ундовчи нафсга қарши жиҳод қилиш ҳам киради. Банда нафсини енгиб, унинг устидан ғолиб бўлгунича, нафси покланиб, хотиржам-сокин нафсга айлангунича, ибодат қилиб роҳат топадиган даражага чиққунича нафсга қарши курашиши лозим.

“Аллоҳ йўлида холис жиҳод қилинг”. Холис жиҳод – Аллоҳ йўлида ҳам жисмоний, ҳам ақлий куч-қувватни сарфлаш, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун бутун борлиғини, жонию молини бериш билан бўлади. Инсон бор куч ва имкониятини Аллоҳнинг дўстларига ёрдам беришга сарфлаши, уларга ёмонликка ундовчи нафсларига қарши, ботилни чиройли қилиб кўрсатувчи шайтонга қарши, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинишини ва мўминларнинг қудратли бўлишини асло хоҳламайдиган кофир ва фожир душманларига қарши ёрдам бериши лозим.

“Аллоҳ сизларни бу дин юкини кўтаришга танлади ва динда сизга бирон торлик ва оғирлик қилмади”. Модомики, инсоннинг тоқати чекланган экан, меҳрибон Аллоҳ мўмин бандаларини тоқатлари етмайдиган ишларга буюрмади. Уларга ўта қийин, бажариш ва устидан чиқиш имконсиз бўлган ишларни юкламади, балки уларни шарафли вазифа учун – бутун инсониятга Аллоҳнинг даъватини етказиш учун танлади.

“Бу динда сизга бирон торлик ва оғирлик қилмади”, деган сўзларига бир қанча ишларни далил ўлароқ келтирсак бўлади.

Шулардан бири – тавба эшигини очиб қўйгани. Гуноҳ қилиб қўйган банда қилган ишига пушаймон бўлиб, истиғфор айтса, Аллоҳ тавбасини рад этмай қабул қилади. Яна касал ё мусофирга рўза тутмасликка рухсат бергани; касал киши намозни тик туриб ўқишга қодир бўлмаса, ўтириб ё ётиб ўқишига рухсат бергани; оммавий сафарбарликда бетоб кишига, кўзи ожиз кишига ва чўлоқ кишига жиҳодга чиқмасликка бўлган рухсат; сув топа олмаганда ёки сув ишлатишдан ожиз бўлганда ғул ва таҳорат ўрнига таяммум қилиб намоз ўқишга бўлган рухсат ва ҳоказо динда ҳараж йўқлигига булардан бошқа мисоллар бисёрдир.

“Бу отангиз Иброҳимнинг динидир”. Аллоҳ таоло мўмин бандаларини оталари Иброҳим алайҳиссалом динини маҳкам тутишга ундади. Иброҳим алайҳиссалом араблашган араблар отаси Исмоил алайҳиссаломнинг отасидир. Исмоил алайҳиссалом зурриётидан Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам дунёга келганлар. Аллоҳ таоло мўмин бандаларини ана шу зотлар

дини ни маҳкам тутиш, ибодатни ёлғиз Аллоҳ азза ва жаллага қилиш, ширк ва бидъатларни тарк қилишга амр этди. Оталарингиз дини бўлмиш Исломни маҳкам тутинг, ундан чиқиб кетманг, уни тарк этманг ё бошқа динга алмаштирманг, чунки Ислом дини иззат ва шарафингиз асоси, дунё ва охирадаги саодатингиз пойдеворидир.

Аллоҳ таоло илгариги китобларда ҳам, Қуръони каримда ҳам мўмин бандаларини улар учун шарафли ном билан номлаганини зикр қилиб: **“Аллоҳ бундан олдин нозил қилинган китобларда ҳам, бу Қуръонда ҳам сизларни мусулмон деб номлади”**, деди. Мўминларнинг қадри ва обрў-эътиборини кўтарадиган бундай ном билан номлашининг боиси эса: **“Пайғамбар сизлар устингизда гувоҳ бўлиши учун ва сизлар ҳам бошқа умматлар устида гувоҳ бўлишингиз учундир”**. Чунки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ичингизда энг биринчи мусулмон бўлган зот, Ислом ва унинг аҳлини яхши билади. Шунинг учун Аллоҳ таоло у зотни гувоҳликка тортса, у устингизда гувоҳ бўлади, сизларни гувоҳ қилиб келтирса, сиз бошқа одамлар устида гувоҳ бўласиз. Ким чин иймон келтирган ва ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган бўлса унга ҳам, ким иймон келтирмай Аллоҳдан бошқага ибодат қилиб, ширк келтирган, кофир бўлган, йўлдан адашиб кетган бўлса унга ҳам гувоҳ бўласиз.

Ушбу нидо намозни буюрилганидек мукамал адо этишга буюриш билан охирига етади: **“Шундай экан, намозни тўла-тўкис адо қилинг”**.

Намоз тўла-тўкис бўлиши учун қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

- 1) Поклик. Агар кичик таҳоратсизлик бўлса таҳорат қилиш, жунуб бўлса ғул қилиш билан покланиш, бадан, кийим ва намоз ўқийдиган жойни сийдик, ахлат, қон каби најосатлардан поклаш.
- 2) Намозни ўз вақтида ўқиш. Вақтидан олдин ҳам ўқимаслик, вақтини ўтказиб ҳам юбормаслик. Фақат касаллик ё мусофирлик бундан мустаснодир.
- 3) Жамоат билан ўқиш. Зарурат ҳоллардан бошқа пайт ёлғиз эмас, мусулмонлар жамоатида ўқиш.
- 4) Намознинг барча рукнларини жойига келтириш. Ҳар ракатда Фотиҳа сурасини ўқиш, рукуда ва рукудан бош кўтарганда, саждада ва икки сажда оралиғида ўтирганда хотиржамликка риоя қилиш. Қиём, руку, рукудан бош кўтариб тик туриш, сажда, охириги ташаҳҳудда ўтириш ва салом бериш – булар намознинг рукнларидир.
- 5) Намознинг суннат ва одобларига эътибор бериш, шунда намозхон қалб поклигига эришишга муваффақ бўлади.

Намозни тўла-тўкис адо қилишнинг маъноси шудир.

“Закотни ўтанг ва Аллоҳга боғланинг”. Намозни мукамал адо этинг, закотни ўтанг ва Аллоҳга боғланинг, яъни Ислом динини бутун қонунлари, ҳукмлари, одоб ва ахлоқлари билан маҳкам тутинг.

Аллоҳга боғланинг, зеро: **“У сизнинг хожангиздир. Аллоҳ нақадар яхши дўст, нақадар яхши ёрдамчидир”**. Шундай зот яхши кўрилиш, улуғланиш ва итоат этилишга лойиқдир. Хожангиз Аллоҳни яхши кўрсангиз, Уни улуғласангиз, Унга итоат қилсангиз, Аллоҳ сиз учун нақадар яхши дўст ва нақадар яхши ёрдамчи бўлур.

Эслатиб ўтиш керакки, ушбу нидони ва унда келган оятларни ўқиган ўқувчи таҳоратли бўлса **“шояд шунда нажот топсангиз”** оятидан сўнг сажда қилади, саждадан бош кўтаргач яна тиловатида давом этиб, қолган оятларни ўқиб тугатади. Чунки бу оят айрим уламолар сўзига кўра Қуръонда келган сажда оятларидан биридир.

Бироқ уламолар бу оятнинг сажда ояти экани борасида Аъроф, Раъд, Марям, Ҳаж, Фурқон, Намл, Сажда, Фуссилат, Нажм, Иншиқоқ ва Алақ сураларидаги сажда оятларига ижмо қилганларидек иттифоқ қилмаганлар. Сод сурасидаги сажда оятида ҳам ихтилоф бор.

Омонат юзасидан айтиб қўйдим. Аллоҳ барчамизни яхшиликка муваффақ қилсин.

Эллик еттинчи нидо

Шайтонга эргашиш оқибати ва Аллоҳ мўминларни шайтондан сақлаши

“Эй иймон келтирганлар, шайтоннинг йўлларига юрманглар. Ким шайтоннинг йўлларига юрса, у уни қабиҳ ва ёмон ишларга буюради. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганда эди, ҳеч бирингиз қилган гуноҳининг кирлигидан покланмаган бўлар эди. Лекин Аллоҳ Ўз фазли билан истаган бандасини поклайди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир” (Нур, 21).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло Ўзига ва қиёмат кунига иймон келтирган, жаннат ва дўзахни тасдиқлаган, Аллоҳнинг фазлу инъомига ошиқ, раҳмату марҳаматидан умидвор мўмин бандаларига нидо қилар экан, уларни жаннатга олиб борадиган, раҳматига ноил қиладиган ишларга буюриб, ғазабига дучор қиладиган ишлардан огоҳ этади.

Ушбу нидода ҳам Раб таоло: “**Эй иймон келтирганлар**” деб, мўминларни лаънати шайтоннинг йўлларига юришдан қайтарди: “**шайтоннинг йўлларига юрманглар**”. Чунки шайтон сизга очиқ душмандир. Шундай очиқ душман кетидан қандай юрасиз, жирканч гуноҳларни, ёмон сўз ва ишларни чиройли қилиб кўрсатса эргашиб кетаверасизми?!

Сўнг шайтоннинг йўлига юриш ва унга эргашиб кетишдан қайтариши сабабини баён этиб: “**Ким шайтоннинг йўлларига юрса, у уни қабиҳ ва ёмон ишларга буюради**”, деди. Шайтоннинг йўлига кирган киши кўп ўтмай ўзи ҳам ёмон ишларга чақирадиган шайтонга айланади. Бу душманнинг фарқига боринг, у билан алоқани ўзил-кесил ўзинг. Унинг кетидан юрманг. Шайтон ҳеч қачон яхшиликка бошламайди. Шундай экан, унинг васвасасига учманг, ундан ҳазир бўлинг. Шайтон васваса қилаётганини, яхшилиқдан тўсиб, ёмонликка ундаётганини ҳис қилсангиз, унинг ёмонлигидан паноҳ сўраб, Аллоҳга илтижо қилинг. Зеро, унинг ёмонлиги ва касофатидан, умуман шайтондан сизга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким нажот бера олмайди. Ким сизга ёмонликни яхши ва яхшиликни ёмон қилиб кўрсатса ёки васваса қилиб, шаҳват кетидан юришга ундаса: “Аъзу биллаҳис-самийил алийм минаш-шайтонир рожим” (Эшитувчи ва билувчи Аллоҳга илтижо қилиб, малъун шайтондан паноҳ тилайман) деб айтинг. Бу зикрни қалбингиздан васваса кетгунича айтаверинг.

Бу айтганларимиз шайтоннинг йўлига юришдан қайтариқ ва унинг йўлида юрган кишининг ҳоли ҳақида эди. Аллоҳ барчамизни шайтоннинг шарридан сақласин.

Бу нидо ўз ичига олган яна бир мавзу – Аллоҳ таоло мўмин бандаларига раҳм қилиб, уларни шайтондан сақлаганлигидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло деди: “**Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганда эди, ҳеч бирингиз**

қилган гуноҳининг кирлигидан покланмаган бўлар эди". Эй иймонида содиқ мўминлар, агар сизга Аллоҳнинг фазли-марҳамати бўлмаганида ва шайтонни сиздан даф қилмаганида эди, заифлигингиз боис ва табиатингизда азалий душманингиз шайтони лаинга қулоқ солишга мойиллик борлиги туфайли биронтангиз ҳам гуноҳ-маъсиятлар кирлигидан ўзингизни пок тутолмаган бўлар эдингиз. Демак, Аллоҳ сақлаб, кўпчиликни ўз домига тортган гуноҳу маъсиятлардан нажот топган мўминлар гуноҳга ботган биродарлари ҳаққига дуо қилишлари лозим. Уларни ҳадеб маломатлаб, таъна қилавермаслик керак. Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида улар ҳам ўша биродарлари каби маъсиятлар ботқоғига тушиб қолардилар. Шундай экан, уларни шайтондан сақлаган, биродарлари тушиб қолган ботқоқдан қутқарган Аллоҳга ҳамд айтсинлар, хокисорлик ва шукроналик билан Унга бош эгсинлар. Бу оятлар мунофиқлар бошлиғи Ибн Убай бошчилигидаги "Ифк" ҳодисаси (Оиша разияллоҳу анҳога бўҳтон қилиниш ҳодисаси) ортидан нозил бўлган эди.

"Лекин Аллоҳ ўз фазли билан истаган бандаларини поклайди. Аллоҳ эшитувчи, билувчи зотдир". Бу сўзлар мўминларни Аллоҳга юзланишга ва Ўз фазли-марҳамати билан уларни ҳам поклашини сўраб Унга илтижо қилишга ундайди. Аллоҳ хоҳлаган бандасини поклайди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, Аллоҳнинг махлуқотлари устида жорий қилган суннатига кўра, У ўзига илтижо қилиб поклашини сўраган бандаларини поклайди. Сидқидилдан сўраган бандасини Аллоҳ асло ноумид қилмайди, уни албатта поклайди. Зеро Аллоҳ бандаларининг ниятларини билувчи, муножотларини эшитувчи Зотдир. Шундай экан, мўмин киши модомики покланишни истар экан, Аллоҳга ёлворсин, Уни кўп ёдга олсин, берган неъматларининг шукрини адо этиб, солиҳ амалларни кўпайтирсин ва гуноҳ-маъсиятлардан узоқ бўлсин. Ана шунда Аллоҳнинг поклашига лойиқ бўлади. Фазл ҳам, миннат ҳам Аллоҳга хосдир, Аллоҳ ўз фазлини хоҳлаган бандасига беради. Аллоҳнинг фазли-марҳамати бўлмаганида эди, Ифк ҳодисасига аралашиб гуноҳга ботганлар ҳам, бу бўҳтонга аралашмай саломат қолган саҳобалар ҳам гуноҳлар кирлигидан покланмаган бўлар эди.

Дунёнинг ишлари қизиқ экан, шиаларнинг кўпчилиги бугунга қадар шу фитнага, яъни Оиша разияллоҳу анҳога тухмат ва бўҳтон қилишдек разилликка тушиб, гуноҳга ботиб юришибди. Ҳолбуки, Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръонда Оиша онамизни поклади ва унга жаннат билан башорат берди: **"Улар учун Аллоҳ таоло томонидан барча гуноҳларни кўмиб юборадиган мағфират ва жаннатда улуг ризқлар бордир"** (Нур, 26). Ким Аллоҳни ёлғончига чиқарса, Ислом миллатидан чиқарадиган очиқ кўфр қилган бўлади. Ўзининг адашган имоми ва нафси ҳавосига кўр-кўрона эргашишнинг оқибати шудир. Ҳақиқий мўмин эса ҳаргиз кўфрга рози бўлмайди.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиб ўтсак, барчамизга фойдадан холи бўлмас:

- 1) Шайтонга у чиройли кўрсатган фаҳш-мункар, ботил ва ёмон ишларда эргашиб кетиш ҳаромдир.
- 2) Шайтон чақирган ҳар бир ишда унга эргашиш, унинг кетидан кетиш банданинг ўзини ҳам фаҳш-мункарга чорловчи шайтонга айлантириб қўяди.
- 3) Аллоҳ таоло кимни эътиқод, сўз ва амалда ботил йўлларга тушиб қолишдан, фаҳш-мункар ва ёмонликларга шўнғиб кетишдан сақлаган бўлса, кўп шукр қилсин, камтарин бўлсин, гуноҳга ботган кишиларни таҳқирлаб, обрўсини тўкмасин, тилини тийсин, балки уларнинг ҳаққига дуо қилсин, тўғри йўлга тушиб кетишлари ва гуноҳларининг кирлигидан покланишларини Аллоҳдан сўрасин. Ҳикмат ва чиройли сўзлар билан уларни даъват қилсин. Жазо ёки мукофот бериш Аллоҳга ҳаволадир. Аллоҳ оламлар Рабби ва қиёмат кунининг эгасидир.

Элик саккизинчи нидо
Бировнинг уйига киришда изн сўраш вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то эгаларидан изн сўрамагунча ва салом бермагунча кирманг. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд шундай қилиш билан Аллоҳнинг буйруқларини эсга олиб, Унга итоат қилувчи бўлсангиз. Агар бировнинг уйида ҳеч ким бўлмаса, то изн берилмагунча унга кирманг. Агар «қайтинглар» деб айтилса, қайтиб кетинг. Бундай пайтда қайтиб кетишингиз сизлар учун яхшироқдир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчидир. Лекин бировнинг хос уйи бўлмаган, балки эҳтиёжи бор одамлар фойдаланиши учун тайёрлаб қўйилган жойларга изн сўрамасдан киришингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир. Аллоҳ сизларнинг ошқору махфий ҳолатларингизни билади” (Нур, 27-29).

Шарҳ:

Мўмин-мусулмонлар бузуқлик билан тўхматланишнинг олдини олишлари, фаҳш ва бузуқ ишга қўл уришдан сақланишлари учун Аллоҳ таоло уларга бировларнинг уйларига киришдан олдин рухсат сўрашни буюрди: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб иймон келтирган ҳой мўминлар! **“Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то эгаларидан изн сўрамагунча ва салом бермагунча кирманглар”**. Суннатга мувофиқ изн сўрашнинг кўриниши қуйидагичадир: бировнинг уйига келган киши эшикнинг ўнг ёки чап тарафида туриб: “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деб уч марта сўрайди. Рухсат берилса уйга киради, изн берилмаса хафа бўлмай, тўғри тушуниб, қайтиб кетаверади.

“Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд шундай қилиш билан Аллоҳнинг буйруқларини эсга олиб, Унга итоат қилувчи бўлсангиз”. Бировнинг уйига киришдан олдин рухсат сўраш ва салом бериш келган одам учун ҳам, уй эгалари учун ҳам яхшидир. Чунки рухсат сўраб киришнинг вожиб қилинишига сабаб киши биродарининг авратига кўзи тушмаслигидир. Бировнинг авратига кўзи тушган киши ҳам худди авратини биров кўриб қолган киши каби ноқулай аҳволга тушади. Шундан келиб чиқиб, изн сўраш икки томон учун ҳам яхши экани очиқ кўриниб турибди. Аллоҳ таоло: **“Мана шу сиз учун яхшироқдир. Шояд шундай қилиш билан Аллоҳнинг буйруқларини эсга олиб, Унга итоат қилувчи бўлсангиз”** деган сўзларида кўзда тутган маъно ҳам шудир, яъни мўмин эканингизни эсга олиб, сизга зарар етмаслиги ва уятли ҳолатга тушиб қолмаслик учун Аллоҳнинг бировлар уйига рухсатсиз киришдан қайтарган амрига итоат қиласиз. Шундай қилишингиз ўзингиз учун яхши, бу билан қалб поклигига ва маънавий юксакликка эришасиз.

Бировнинг уйига келган киши киришга изн сўраса, бироқ жавоб берадиган одам топилмаса, индамай кириб кетавермайди, балки кирмай қайтиб кетади ёки жавоб бўлгунича кутиб туради. Аллоҳ таолонинг: **“Агар бировларнинг уйида бирон кишини топмасангиз, то сизларга изн берилмагунича унга кирманг”**, деган сўзларидан кўзда тутилган маъно шудир.

Сиз киришга изн сўраган уйда одам бўлса-ю, лекин “кирманг” жавоби берилса, негалигини сўрамай қайтиб кетинг. Шунда Аллоҳ таолонинг мана бу сўзига амал қилган бўласиз: **“Агар «қайтинглар» деб айтилса, қайтиб кетинг”**. Уй эгаси ҳолатини ўзи яхши билади, балки ҳолат шуни тақозо қилаётгандир, шароити йўқдир ва ҳоказо сабаблари бордир. Қайтиб кетиш сўрамай кириб боришдан яхшидир. Шунинг учун: **“Бундай пайтда қайтиб кетишингиз сизлар учун яхшироқдир”** деб, таълим берди Раббимиз Раҳмон таоло. Бу ишнинг дилларингиз софланиши, аҳил-тотувлик ва биродарлик ришталари узилмаслиги каби кўпгина яхшилиги ўзингизга қайтади.

“Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчидир”, яъни У зот ҳол-аҳволингиз ва амалларингизни яхши билгани туфайли ўзгалар уйига киришдан олдин изн сўрашни жорий қилиши айна жойига тушган ишдир. Шундай бўлгач, Аллоҳнинг бу ва бошқа барча буйруқларига итоат этсангиз, баркамол, бахт-саодатга тўла ҳаётга эришасиз.

Ушбу нидонинг учинчи оятида Аллоҳ таоло деди: **“Лекин бировнинг хос уйи бўлмаган, балки эҳтиёжи бор одамлар фойдаланиши учун тайёрлаб қўйилган жойларга изн сўрамасдан киришингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир”**. Бу Аллоҳ таоло тарафидан мўмин бандаларига берилган рухсат бўлиб, улар муайян кишилар яшаши учун хосланмаган, унда хотин-қизлар, ходималар ва умуман қараш ҳаром қилинган аёллар бўлмаган, балки эҳтиёжи бор одамлар фойдаланиши учун тайёрлаб қўйилган меҳмонхоналарга, шунингдек, дўконлар ва бозорлар каби умумий жойларга киришда изн сўраб ўтирмайдилар. Бундай ўринлар барча учун очиб қўйилган, рухсат сўрамай одамлар бемалол кирсин, фойдалансин, ўзлари учун зарур нарсаларни ҳарид қилиб эҳтиёжларини қондирсин. Рухсат сўрашдаги гап шу. Энди салом беришга келсак, бирон ерга кирган ё мусулмонлар олдидан ўтган киши салом бериши суннатдир. Отлиқ пиёдага, тик турган киши ўтирган одамга, кичиклар катталарга салом беради. Дўкон, ошхона ё бирон ерга кирган киши суннатга мувофиқ: “Ассалому алайкум” деб салом беради. Салом берилганлар: “Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ” деб жавоб қайтаради.

Мўминлар орасида кўнгил яқинлик ва меҳр-муҳаббатни келтириб чиқарувчи, покликни рўёбга чиқариб, уни муҳофаза қилувчи бу нидони Аллоҳ таоло ушбу сўзи билан яқунлади: **“Аллоҳ сизларнинг ошқору махфий ҳолатларингизни билади”**, яъни ошқору яширин ниятларингиз, сўзу амалларингиз ва ҳолатларингизни яхши билади. Шундай экан, Аллоҳдан қўрқинг, буюрган ишларини сўзсиз бажаринг, қайтарган нарсалардан қайтинг. Сизни доим

кузатиб туришини хис қилинг, шунда одоб-ахлоқингиз мукаммал даражага чиқади, ҳаётингиз бахт-саодатда ўтиб, охиратда ҳам нажотга эришасиз.

Юқоридагиларга қўшимча яна ушбуларни айтиб ўтсак, фойдадан холи бўлмас:

- 1) Бу илоҳий нидонинг нозил бўлиш сабаби қуйидагичадир: Ансорлардан бўлган бир аёл: “Эй Расулulloҳ, мен уйимда шундай ҳолатда бўламанки, бу ҳолатимда мени на отам, на болам, ҳеч ким кўришини хоҳламайман. Отам кириб келади, оиламдаги эркаклар кириб келаверишади. Қандай қилсам бўлади?” деб айтганида шу оят нозил бўлган. Шунда Абу Бакр разияллоҳу анҳу: “Эй Расулulloҳ, Шомнинг шарқида ҳеч ким яшамайдиган уйлар, карвонсаройлар бор, буларнинг ҳукми қандай?” деб сўраганида: **“Лекин бировлар яшаши учун хосланмаган, балки эҳтиёжи бор одамлар фойдаланиши учун тайёрлаб қўйилган жойларга изн сўрамасдан киришингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир”** ояти нозил бўлди.
- 2) Бировнинг уйига келган киши киришга изн сўраб эшик қоққанида уй эгаси: “Ким бу?” деб сўраса, “Мен” деб айтмасин. Балки исмини тўлиқ айтиб: “Мен фалончи ўғли фалончиман” деб айтиши лозим. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кириш учун изн сўраган кишига: “Ким бу?” деганларида, “Мен” деб жавоб берса, буни ёқтирмаганларидан: “Мен, мен”, дер эдилар.
- 3) Бировнинг уйига келган киши кириш учун изн сўрамоқчи бўлса, эшикнинг рўпарасида эмас, ўнг ёки чап томонида туриши, овозини эшитилгудек даражада кўтариши, эшикни қаттиқ қоқмаслиги ва “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деб уч марта айтиши рухсат сўраш одобларидан. Рухсат берилса киради, рухсат берилмаса қайтиб кетади.
- 4) Аллоҳ ва Расулига қилинадиган ҳар қандай итоатда, гарчи икки оғиз ширин сўз бўлса ҳам, яхшилик ва барака бордир.

Эллик тўққизинчи нидо

Хизматчилар ва ёш болалар уч вақт, балоғатга етган болалар эса ҳар вақт катталар олдига кириш учун изн сўраши вожиблиги

“Эй мўминлар, қул-чўриларингиз ва балоғатга етмаган болаларингиз уч вақт ҳузурингизга киришда сизлардан изн сўрасинлар: бомдод намозидан олдин, туш пайти кундузги уйқу учун кийимлар ечилган вақтда ва хуфтон намозидан сўнг. Бу уч вақт кўпинча авратларингиз очиқ-сочиқ бўладиган вақтлардир. Аммо бундан бошқа пайтларда ҳузурингизга киришга эҳтиёжлари бўлгани учун изнсиз кирсалар, уларга ҳам, сизларга ҳам гуноҳ йўқ. Чунки улар хизмат учун ҳузурингизга кириб-чиқиб турадилар. Хусусан, ҳожат юзасидан бир-бирингизнинг олдингизга кириб-чиқиб туришингиз одатий ҳолдир. Аллоҳ таоло сизларга Ўзининг оятларини ана шундай баён қилиб беради. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир. Ёш болаларингиз балоғат ёшига етсалар, ҳузурингизга кирмоқчи бўлганларида улар ҳам худди улардан илгари балоғатга етганлар каби ҳамма вақт изн сўрасинлар. Аллоҳ таоло изн сўраш одобларини баён қилиб бергани каби сизларга Ўзининг оятларини баён қилади. Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир” (Нур, 58-59).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бошқа нидо ва оятларда бўлгани каби бу илоҳий нидонинг ҳам нозил бўлиш сабаби бор. Нозил бўлиш сабаби хос бўлгани билан токи Ислому ва мусулмонлар бор экан, оят ҳукми умумий бўлиб, барча мўмин ва мўминага тегишли бўлиб қолаверади.

Бу нидонинг нозил бўлиш сабабига келсак, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мудлиж исмли ансорий йигитни Умар разияллоҳу анҳуни чақириб келиш учун юбордилар. Йигит Умар ибн Хаттобнинг уйига келганида у киши туш вақтида ухлаётган эди. Йигит эшикни тақиллатиб ичкари кирди. Умар разияллоҳу анҳу уйғониб, авратининг бир қисми очилиб қолганини кўрди. Шунда ўзига-ўзи: “Қанийди, Аллоҳ таоло фарзандларимиз, чўри ва хизматчиларимизни шу вақтда рухсат сўрамай киришдан қайтарса эди”, деди. Пайғамбаримиз ҳузурларига борганида ушбу оят нозил бўлганини билгач, Аллоҳга шукр қилиб, дарҳол саждага бош қўйди. Бу Умар разияллоҳу анҳунинг орзу-истаги Аллоҳнинг хоҳишига мувофиқ келган ёлғиз ҳолат эмас. Ҳижоб ояти, Мақоми Иброҳимнинг орқасида намоз ўқиш ва булардан бошқа аҳкомларда ҳам у кишининг истаги Аллоҳ таолонинг ҳукмига мувофиқ бўлган.

“Эй иймон келтирганлар”, яъни Аллоҳга, қиёмат кунига, Аллоҳнинг китоблари ва пайғамбарларига иймон келтирган эй мўминлар!

“Қул-чўриларингиз ва балоғат ёшига етмаган болаларингиз қуйидаги уч вақт ҳузурингизга киришда сизлардан изн сўрасинлар”. Яъни фарзандларингиз, қул ва чўриларингизга шу уч вақтда рухсат сўраб кириш лозимлигини таълим беринг ва уларни шундай қилишга буюринг. Оятдаги уч вақт уйқу вақтлари бўлиб, бу вақтлар кўпинча авратлар очиқ-сочиқ бўлиш эҳтимоли бор. Биринчиси: **“бомдод намозидан илгари”**; иккинчиси: **“туш пайтида қайлула-кундузги уйқу учун кийимларни ечиш вақти”**; учинчиси: **“хуфтон намозидан сўнг”**, чунки у тунги ухлаш пайтининг бошланишидир.

“Бу уч вақт кўпинча авратларингиз очиқ-сочиқ бўладиган вақтлардир”. Бу вақтларда уйқу сабабли авратлар очилиб қолиши эҳтимоли кўп бўлгани учун изн сўраб киришга амр этилди. Аврат ерлар деб очилиб, кўриниб қолишидан уяладиган, хижолат бўладиган аъзоларга айтилади.

“Аmmo бундан бошқа пайтлар ҳузурингизга киришга эҳтиёжлари бўлгани учун изнсиз кирсалар, уларга ҳам, сизларга ҳам гуноҳ йўқ”. Яъни булардан бошқа вақтларда фарзандлар ва хизматчилар рухсат сўрамай кирсалар, уларга ҳам, ота-она ва хўжайинларга ҳам гуноҳ йўқ. Доим рухсат сўраб киринг, деб сизларга ҳам, уларга ҳам қийинчилик ва торлик қилинмади. **“Чунки улар хизмат учун ҳузурингизга кириб-чиқиб турадилар. Хусусан, ҳожат юзасидан бир-бирингизнинг олдингизга кириб-чиқиб туришингиз одатий ҳолдир”.** Яъни фарзандлар ва ота-оналар бир-бирига ҳожати тушиб тургани учун, қул-чўрилар эса хўжайинига хизмат қилиши учун кириб-чиқиб туришга зарурат бор. Ҳар кирганида рухсат сўраш ўзига яраша машаққат ва ҳаражни келтириб чиқаради. Шунинг учун меҳрибон Раббимиз изнсиз кириш ман қилинган вақтлардан бошқа пайтларда ҳам рухсат сўраб кириш машаққатини сизлардан кўтарди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Бу нидонинг биринчи оятини Аллоҳ таоло ушбу сўзлар билан яқунлади: **“Аллоҳ таоло изн сўраш ҳукмларини сизларга баён қилиб бергани каби Ўзининг оятларини баён қилиб беради”**, яъни уч вақтда изн сўраб кириш ҳукмини баён қилгани каби Аллоҳ сиз мўминларга шариат қонунлари, аҳком ва одобларини ўз ичига олган оятларини баён қилиб беради. Чунки Аллоҳ бандаларни ўзи яратган, уларнинг ҳолатларини, саодатга эришишдаги эҳтиёжларини яхши билади. Уларга нимани шариат қилиш, зиммаларига қайси нарсаларни юклаш ва фарз қилишни яхши биладиган ҳикмат соҳибидир: **“Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир”.**

Бу илоҳий нидодаги иккинчи оят: **“Ёш болаларингиз балоғат ёшига етсалар”** деган сўзлар билан бошланди. Балоғат ва эҳтилом ёши ўғил болаларда ўн беш ёшга тўлиш ёки қовуқда туклар чиқиши ё уйқуда маний келиб, эҳтилом бўлишида кўринади. Қизлар эса ҳайз келиши ё қовуқда туклар чиқиши ёки кечи билан ўн беш ёшга етиши билан балоғатга етган ҳисобланади. Кўпинча қиз болаларда ўн икки ёшдан ўтгач балоғат аломатлари кўринади. Гоҳо ўғил болалар ўн беш ёшдан олдин балоғатга етиши ҳам мумкин, ўн беш ёшдан ўтиб

Ўн саккиз ёшгача кечикиши ҳам мумкин. Қизларда ҳам айни, ўн икки ёшдан ўтиб ўн беш ёшгача кечикиши ҳам мумкин. Ўғилми, қизми, фарзандлар балоғат ёшига етгач, ота-онасининг уйига бўладими, бошқа бировнинг уйига, киришдан олдин изн сўрашлари вожибдир. Изн сўраш қай кўринишда бўлиши олдинги нидода айтиб ўтилди. Яъни эшик олдида келиб: “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деб уч марта айтади. “Нур” сурасидаги изн сўраш ҳақидаги аввалги нидода бу ҳақда батафсил айтилди. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **“ҳузурингизга кирмоқчи бўлганларида улар ҳам худди улардан илгари балоғатга етганлар каби ҳамма вақт изн сўрасинлар”**, деди. Улардан илгари балоғатга етганлар оталари, ака-укалари ва амакилари каби эркаклардир.

“Аллоҳ таоло изн сўраш одобларини баён қилиб бергани каби сизларга Ўзининг оятларини баён қилади”. Яъни бировлар уйига киришдан олдин изн сўраш одобларини қандай баён қилган бўлса, Аллоҳ таоло сизлар саодатли, хотиржам ва покдомон бўлишингиз учун шариат ва аҳкомларини олиб келган оятларини шундай баён қилади.

“Аллоҳ билувчи”, яъни бандаларининг ҳолини ва уларни ислоҳ қиладиган ишларни яхши биладиган **“ва ҳикмат соҳиби бўлган зотдир”**, яъни Аллоҳ ўзи тузиб берган қонунлари ва туширган шариатида ҳикмат соҳибидир. Бу эса Аллоҳга итоат этиш, буйруқ ва қайтариқларига бўйсунитишни вожиб қиладиган ҳолдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, бу илоҳий нидо қуйидаги ишларга йўллайди:

- 1) Ота-оналар фарзанд ва хизматчиларига уч вақт изн сўраб киришни ўргатишлари лозим. Негаки бу уч вақтда кўпинча авратлар очиқ-сочиқ бўлиш эҳтимоли бор.
- 2) Балоғат ёшига етган фарзандлар ўз уйларида бошқа уйга кирмоқчи бўлсалар изн сўрашлари вожиб. Чунки балоғат ёшига етиши билан болаларга ҳам шаръий мажбуриятлар юкланади.
- 3) Балоғатга етиш белгиларини билиб олинг ва уларни бошқаларга ҳам ўргатинг. Чунки кўпгина йигит-қизлар буларни билмайди.

Олтмишинчи нидо Неъматларни эслаш ва шукр қилиш вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ сизларга инъом этган неъматни эсланг. Ўшанда сизларга қарши қўшинлар йиғилиб, сизларни ўраб олган эди. Биз бу қўшинлар устига қаттиқ шамолни ва осмондан сизлар кўрмаган фаришталарни юбордик. Аллоҳ сизлар қилаётган барча ишларни кўрувчи зотдир. Улар тепангиздан ва қуйи тарафингиздан бостириб келишганини эсланг. Ўша онда кўзлар қотиб қолган, юраклар бўғизларга етган ва Аллоҳга нисбатан ҳар хил ёмон гумонларни қилаётган эдингиз. Ана шундай оғир ҳолатда мўминларнинг иймони синалди ва қаттиқ ларзага солиндилар” (Аҳзоб, 9-11).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо аввалда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларига Аллоҳнинг буюк бир неъматини эслаб, шукр қилишлари, фаровонликда ҳам, қийин дамларда ҳам Аллоҳ ва Расулига итоат қилишлари учун йўлланган бўлса-да, сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади. Қолаверса, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари душманларнинг уларни таг-туғи билан йўқ қилиб ташлаш режасидан нажот топиб, омон қолишлари Аллоҳ таолонинг ҳар бир мўмин ва мўмина учун ҳаёти дунёдаги энг катта неъматидир. Чунки улар Аҳзоб жангида ҳалок бўлиб кетишганида эди, бизларга Ислом етиб келмаган, Раббимизни танимаган, Уни улуғлаб эсламаган, шукр қилмаган бўлар эдик. Бизларга неъматларини инъом этган, фазл-марҳаматини ёғдирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, Расулulloҳ ва саҳобаларга қарши фитна уюштирган гуруҳлар умидини пучга чиқариб, уларни муваффақиятсиз қайтарди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳоби киромлар эса фитнадан қутулиб, нажот топдилар.

Қуйида сиз азиз ўқувчига ушбу илоҳий нидо ўз ичига олган уч оят шарҳини баён қиламиз.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига қаратилган нидоларини қайси сўзлар билан бошлаши юқорида кўп келганидан сизга ёд бўлиб қолган бўлса ажабмас: “**Эй иймон келтирганлар**”, яъни Аллоҳни Раб ва илоҳ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар ва элчи, Исломни дин ва шариат деб билган мўминлар!

“**Аллоҳ сизларга инъом этган неъматни эсланг**”, яъни сизга хавф солиб турган, сизни ўраб олган катта бир хатарни даф қилгани неъматини ёдга олинг. Хатар шундан иборат эдики, мусулмонларга қарши жанг қилиш учун мушрик, мунофиқ ва яҳудийлардан иборат қўшин Мадинага бостириб келган эди. Улар Қурайш, Асад ва Ғатафон қабиласи мушриклари қўшини ҳамда Мадинадаги

яхудлардан Бани Қурайза қўшини бўлиб, бу гуруҳларни яҳудий Хуяй ибн Ахтаб мусулмонларга қарши гижгижлаб, уруш майдонига келтирган эди. Сабаби, мусулмонлар уни Мадинадан ҳайдаб чиқарган эдилар. Мадинадан ҳайдалган Хуяй Хайбар ва Таймода Бани Назир қабиласи яҳудийлари билан топишиб, мусулмонлардан ўч олиш учун ўзаро тил бириктирадилар.

“Ўшанда сизларга қарши қўшинлар йиғилиб, сизларни ўраб олган эди”. Бу қўшин Қурайш, Асад ва Ғатафон мушрикларидан йиғилган катта гуруҳ эди.

“Биз бу қўшинлар устига қаттиқ шамолни ва осмондан сизлар кўрмаган фаришталарни юбордик”. Бу ҳол тоғ ёнбағридаги йигирма беш кунлик камалдан кейин содир бўлди. Орқаларида дара, олдиларида эса хандақ бор эди. Аллоҳ таоло улар устига сабо шамолини юборди. Шамол уларнинг ёққан гулханларини, овқат пишираётган оловларини ўчирди. Қозонларини ағдариб, чодирларини қўпориб ташлади. Уларнинг ҳаммасини ташлаб кетишдан, оёқни қўлга олиб қочишдан бошқа чоралари қолмади. Бунга қўшимча Аллоҳ таоло уларга қарши осмондан фаришталардан бўлган қўшин юборди. Уларнинг қалбларига қўрқув тушиб, нима қилишларини билмай қолдилар ва аччиқ мағлубият юкини судраганча қайтиб кетдилар. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

“Аллоҳ сизлар қилаётган барча ишларни кўрувчи зотдир”. Яъни эй мўминлар, Раббингиз Аллоҳ сизнинг барча амалларингизни кўриб, билиб турувчидир. Жанг, кураш услублари бўлсин, сиз билан душманингиз ўртасини тўсган хандақ қазиш бўлсин, мунофиқлар айтган ёмон сўзлару уларнинг дилларидаги ёмон ўйлар бўлсин, буларнинг бари Аллоҳга махфий эмас. Яхшиларни қилган яхшилиги билан мукофотласа, ёмонларни ёмонлиги билан жазолайди.

Бу илоҳий нидонинг иккинчи оятида Аллоҳ таоло деди: **“Улар тепангиздан”**, яъни шарқ томондан Уяйна ибн Ҳисн қўмондонлиги остида Ғатафон ва Асад қабилалари **“ва қуйи тарафингиздан”**, яъни жанубий-ғарб тарафдан Қурайш ва Кинона мушриклари **“бостириб келишганини эсланг”**. Бу жанг майдонининг чегараси эди. Ана шунда **“кўзлар қотиб қолган”**, яъни қаттиқ қўрқувдан кўзлар бостириб келган душмандан бошқасини кўрмай қолган, **“юраклар бўғизларга етган”**, яъни даҳшат ва хавфнинг зўридан юраклар ўпкадан ўтиб, бўғизнинг охиригача етган эди. Ҳамма мўминлар шу ҳолга тушмаганлар, бу ҳол уларнинг айримларига етган эди. **“Аллоҳга нисбатан ҳар хил ёмон гумонларни қилаётган эдингиз”**, яъни ғолиб бўламузми ё мағлуб, саломат қоламузми ёки ҳалок бўламузми, деган турли хил гумонлар қилдингиз. Ҳолатни бундай ўта нозик тарзда тасвирлаш Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига, барча нарсадан хабардор, ҳар нарсани билувчи эканига далолатдир. Ҳақиқатда ҳолат айнан шундай эди.

Бу нидодаги учинчи оят эса мўминларнинг яна бир бор имтиҳон қилингани ҳақида хабар беради: **“Ана шундай оғир ҳолатда мўминларнинг иймони**

синалди”, яъни иймонида собит турувчи, қийинчиликлар бука олмайдиган, фитналарга алданмайдиган мўмин билан иймони бўш, осонгина мағлуб бўлувчи, ақидасининг заифлиги, қатъият ва сабрининг камлигидан тезда ўзгариб қолувчи мўминни кўрсатиб бериш учун Парвардигорлари уларни имтиҳон қилди. **“Ва қаттиқ ларзага солиндилар”**, яъни душман қўшинининг кўпсонли ва куч-қудратли экани, мусулмонларнинг заиф ва озлиги, очлик, камал, қаттиқ совуқ, мунофиқларнинг ташлаб кетиши, Бани Қурайза яҳудлари аҳдни бузиб, мусулмонларга қарши йиғилган гуруҳларга қўшилиб кетиши каби бир қанча омиллар боис қаттиқ ларзага тушдилар.

Неъматларни эслаш ва уларни инъом этган Зотга шукр қилиш мўмин киши асло унутмаслиги лозим ишлардандир. Ким неъматни эсламаса, шукрини ҳам адо этмайди.

Аллоҳ таолонинг бандаларига берган неъматлари сон-саноксиз, адоғи йўқ. Бадан ва ақл соғлиги, соғлом ақида ва ҳақ дин каби улуғ неъматларнинг ҳар бири бандадан алоҳида-алоҳида, тинмай шукр қилишни тақозо этади. Неъматларни ва уларни ато этган Аллоҳни эслаш шукр қилишга ёрдам беради.

Шукр қуруқ тилда эмас, балки неъматларни берган Аллоҳга ибодат қилиш билан, Аллоҳ яхши кўрган ишларни бажариш, Уни улуғлаш, Унга ҳамду сано айтиш билан адо этилади. Банда Аллоҳни қалби ва тили билан зикр қилиши, берилган неъматларни Аллоҳ йўлида сарфлаши ҳам неъматларга шукр қилиш бобидандир.

Неъматларига шукр қилган бандасига Аллоҳ янада яхши ва ундан-да афзалини зиёда қилаверади: **“Агар неъматларимга шукр қилсангиз, албатта Мен сизларга ўз фазлимдан яна зиёда қиламан. Агар куфрони неъмат қилсангиз, албатта сизларни оғир азоб билан азоблайман”** (Иброҳим, 7).

Парвардигоро, Сенга ҳамду санолар ва шукроналар бўлсин. Бизга берган неъматларингга барака бер ва уларни янада зиёда қил.

Олтмиш биринчи нидо

Аллоҳни зикр қилиш ва бунга берилажак савоблар баёни

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглари. Эртаю кеч Уни поклаб, тасбеҳ айтинглар. Аллоҳ сизларга раҳм қилади ва мақтайди. Унинг фаришталари ҳам сизларни кўфр зулматларидан Ислом нурига чиқаришини сўраб, ҳаққингизга дуо қиладилар. Аллоҳ мўминларга раҳмли зотдир. Мўминлар Аллоҳга йўлиққан кунда: “Сизларга Аллоҳнинг азобидан омонлик бўлсин”, деб уларга салом берилади. Аллоҳ уларга гўзал савобни – жаннатни ҳозирлаб қўйгандир” (Аҳзоб, 41-44).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо оламлар Рабби Раҳмон таолодан мўмин бандаларига йўлланган бўлиб, унда Аллоҳ иймон келтирган бандаларига иймонларини янада зиёда қиладиган, душманлари бўлмиш лаънати шайтондан сақланишларига сабаб бўладиган йўлни кўрсатиб берди. Бу Аллоҳнинг зикридир.

Аллоҳ деди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглари”**, яъни саноқсиз ва чексиз кўп зикр қилинглари, чунки зикр руҳий ҳаётга кўмак берувчи катта кучдир.

“Эртаю кеч Уни поклаб, тасбеҳ айтинглар”. Эрта – тонг отгандан бошлаб чошгоҳ вақтигача, кеч – заволдан то қуёш ботгунича бўлган вақтдир.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам тасбеҳ айтишнинг бир қанча хилини айтиб берганлар. Шулардан бири **“Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи”** ни юз марта айтишдир. Шу тасбеҳни шунча ададда айтган кишининг ўтган гуноҳлари кечирилади. Тонгдан сўнг ёки асрдан кейин айтса шу ажрга, яъни гуноҳлари мағфират этилишига эга бўлади. Яна: **“Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр”**. Буни ҳам юз марта айтилади. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганлар, ким шу зикрни юз марта айтса, ўнта қўлни озод қилган киши каби ажрга эга бўлади, унга юзта савоб ёзиб қўйилади, юзта хатоси ўчириб юборилади, кун бўйи шайтондан сақланган бўлади ва шунча ёки ундан кўп айтган кишидан ташқари бирон киши бунинг ажрига тенг келадиган иш қилмаган бўлади. Яна ҳар бир фарз намозидан сўнг 33 марта **“субҳаналлоҳ”**, 33 марта **“алҳамдулиллаҳ”** ва 33 марта **“Аллоҳу акбар”** деб жами 99 мартта айтади ва юзинчисида **“Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр”** дейди.

Аллоҳни зикр қилиш энг афзал ибодатлардан экани ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганлар. У зот: **“Амалларингизнинг энг яхшиси (яъни савоби кўпроғи), Раббингиз ҳузурини энг покроғи ва**

мартабангизни кўтарувчироғи, олтин ва кумуш инфоқ қилишдан кўра сизга яхшироқ бўлгани ва душманингиз билан рўбарў келиб, (Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун) уларнинг бўйнига уришингиз, улар сизнинг бўйнингизга уришидан кўра хайрлироғи ҳақида хабар берайми”, дедилар. Саҳобалар: “У қандай амал, ё Расулulloҳ?” деган эдилар, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиш”, дедилар (Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривояти).

Аллоҳ таоло бу нидонинг иккинчи оятида деди: **“Аллоҳ сизларга раҳм қилади ва мақтайди”**, яъни Аллоҳ таоло сизларни малоикаларга мақтайди ва кенг раҳмати ила сизларга марҳамат кўрсатиб, раҳм қилади.

“Унинг фаришталари ҳам ҳаққингизга дуо қиладилар”, яъни Аллоҳнинг малоикалари ҳам ҳаққингизга дуо қиладилар. Оятда Аллоҳ таолонинг раҳм қилиши ва фаришталарнинг дуо қилишлари “салавот” лафзи билан келган. Аллоҳнинг салавоти мўминларга раҳм қилиши бўлса, фаришталарнинг салавоти дуо ва истифодир. Аллоҳ таоло аршини кўтариб турадиган фаришталар ҳақида: **“Раҳмоннинг аршини кўтариб турадиган ва арш атрофини ўраб турадиган фаришталар Аллоҳни ҳар қандай айбу нуқсондан поклаб, тасбеҳ айтадилар. Аллоҳдан мўминларни афв этишини сўрайдилар”**, деб айтган (Ғофир, 7).

“Сизларни куфр зулматларидан Ислом нурига чиқаришини сўраб...” Яъни фаришталар Аллоҳ таоло сизларни куфр, гуноҳ ва маъсиятлар зулматидан иймон ва тоат нурига чиқаришини сўраб дуо қиладилар. Аллоҳнинг раҳм қилиши ва фаришталарининг дуоси ҳалокатли зулматлардан ҳидоят нурига, фалокатдан нажотга чиқарувчи омилдир.

“Аллоҳ мўминларга раҳмли зотдир”. Аллоҳ тарафидан мўминларга кўрсатилган бу марҳамат юқорида ўтган раҳм қилиш ва фаришталар дуосидан бошқа алоҳида инъомдир. Аллоҳ мўминларга меҳрибон, раҳмли, уларни азобламайди, бахтсиз қилмайди, дунёда ҳам, охирада ҳам хорлаб, шарманда қилмайди.

Бу нидодаги тўртинчи оят: **“Мўминлар Аллоҳга йўлиққан кунда: “Сизларга Аллоҳнинг азобидан омонлик бўлсин”, деб уларга салом берилади”**. Яъни Аллоҳга иймон келтирган мўминлар дунёдан ўтиб, Рабларига йўлиққан кун уларга саломатлик-омонлик ҳозирлаб қўйилади. Ўлим фариштаси мўмин кишининг жонини олиш учун келганда унга салом беради. Салом бермасдан олдин жонини олмайди. Баро ибн Озиб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келганидек, Аллоҳ таолонинг: **“Мўминлар Аллоҳга йўлиққан кунда: “Сизларга Аллоҳнинг азобидан омонлик бўлсин”, деб уларга салом берилади”** деган ояти тафсирида: “Малакул-мавт (ўлим фариштаси) мўмин кишининг жонини олиш чоғида унга салом беради, салом бермай туриб жонини олмайди”, деб айтилган.

Аллоҳга иймон келтирган мўмин жаннатга кирганида фаришталар салом билан кутиб оладилар: **“Фаришталар уларни жаннатга кирганлари билан қутлаб, барча эшиклардан уларнинг олдига кирадилар. Уларга: “Сизларга салом бўлсин, сабр қилганингиз сабабли барча ёмонликлардан саломат бўлдингиз, сизлар учун охиратдаги гўзал оқибат бўлмиш жаннат нақадар яхши!” деб айтадилар”** (Раъд, 24).

Буюк улуғлик ва салтанат соҳиби Раҳмон таоло ҳам мўминларга салом йўллайди: **“Мўминлар учун жаннатда турли-туман лаззатли мевалар, ўзлари истаган анвойи хил ноз-неъматлар бор. Улар учун яна бир улкан неъмат бор, у меҳрибон Парвардигорлари уларга салом бериб, сўзлаган пайтда ҳосил бўлади. Шунда уларга ҳар томонлама тўла-тўқис омонлик бўлади”** (Ёсин, 57-58). Яъни ҳар қандай хавф-хатар ва ташвишдан омон бўладилар. Чунки жаннат аҳли Аллоҳнинг дўстлари бўлгани учун уларга хавф-хатар ҳам йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмайдилар.

“Аллоҳ уларга гўзал савобни – жаннатни ҳозирлаб қўйгандир”. Аллоҳ таоло мўмин бандаларини эъзозлаб, уларга буюк ажр-мукофот, омонлик диёри бўлмиш жаннатни тайёрлаб қўйган. Аллоҳ нақадар саховатли, улуғ зот! Мўминлар нақадар бахтли кишилар!

Мўмин бандаларига иймон неъматини ато этган ва тоат-ибодатга буюрган Аллоҳ азза ва жалла улардан кўп зикр қилишни ва Ҳақ таолога эртаю кеч тасбеҳ айтиб, улуғлашни талаб қилди. Шундай қилсалар, уларга саноқсиз ва бебаҳо мукофотлар беради. Саховатли ва меҳрибон Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Хулоса:

- 1) Аллоҳ таолони тил ва дил билан кечаю кундуз, ҳамма вақт зикр қилиш. Фақат қазои ҳожатга кирилганда зикр қилинмайди.
- 2) Тақводор мўмин бандалар фазилатининг баёни. Уларга Аллоҳ таоло раҳм этиши ва фаришталар ҳақларига дуо қилишлари.
- 3) Иймон аҳли ҳақлигига эътиқод қилган охират кунини эслатиш. Аллоҳ таоло деди: **“Мўминлар Аллоҳга йўлиққан кунда: “Сизларга Аллоҳнинг азобидан омонлик бўлсин”, деб уларга салом берилади”**, Аллоҳга тўлиқ йўлиқиш қиёмат куни бўлади.
- 4) Мўминларга жаннат башорати. Аллоҳ таоло деди: **“Раббимиз ёлғиз ва шериксиз Аллоҳдир, деб айтган, сўнг Унинг шариатига амал қилган кишиларга ўлимлари олдида фаришталар тушиб, уларга: «Ўлимдан ва ундан кейинги ҳолатлардан қўрқманглар, ортингизда қолдириб кетаётган дунё ишларингиз ҳақида қайғурманглар ва сизларга ваъда қилинган жаннат билан хурсанд бўлинглар», деб айтадилар”** (Фуссилат, 30).

Аллоҳим, барчамизни иймон ва тақво аҳлидан, дунёю охиратда жаннат башорати берилган бахтли кишилардан айлагин.

Олтмиш иккинчи нидо

Қўшилмай туриб талоқ қилинган аёлдан идда соқит бўлиши ва маҳр белгиланмаган бўлса ҳадя билан сийлаш вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, мўмина аёлларни никоҳингизга олсангиз-у улар билан қўшилмай туриб талоқ қилсангиз, уларнинг зиммасида сизлар санайдиган идда йўқдир. Уларни озми-кўпми ҳадя билан сийланг ва яхшилик билан жавобларини беринг” (Аҳзоб, 49).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо мўминларга қаратилган бўлиб, улар Аллоҳни Раб ва илоҳ, Исломни Аллоҳ ундан бошқасини қабул қилмайдиган, қонун ва аҳкомларга эга одил дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни у зотдан кейин пайғамбар келмайдиган охириги пайғамбар ва одамзотга юборилган элчи деб иймон келтирганлари учун шундай буюк илтифотга лойиқ бўлдилар.

Аллоҳ таоло ана шу мўминларга шариат аҳкомлардан бир ҳукмни таълим бериб, нидо қилди. Бу ҳукм шаръий никоҳига олган аёлини қўшилмай туриб талоқ қилган киши аёлдан идда сақлашни талаб қилмаслигидир. Никоҳдан сўнг аёл билан холи қолмай ё қўшилмай туриб талоқ қилса, уч ҳайз ёки уч ой иддада ўтиришни талаб қилмайди, сабаби иддадан мақсад талоқ қилинган хотин ҳомиладорми, йўқми, шуни билишдир. Модомики қўшилмаган экан, ҳомиладор эмаслиги аниқ бўлади.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, мўмина аёлларни никоҳингизга олсангиз”**, яъни улар билан никоҳ ақди (битими) қилсангиз... Чунки араб тилида “никоҳ” сўзи ақдга, яъни никоҳ битими тузишга ҳам, жинсий яқинлик қилишга ҳам қўлланилади. “Никоҳ” лафзи Қуръонда кўп ўринларда жинсий яқинлик ва никоҳ битими маъносида қўлланган бўлиб, бу оятда никоҳ битими маъносида келган. Чунки Аллоҳ таолонинг оятдаги: **“улар билан қўшилмай туриб”**, сўзи шуни кўрсатади.

“Мўмина аёлларни” деб айтилгани сабаби мўминлар кўпинча мўмина аёлларга уйлангани учундир. Йўқса, аҳли китоб аёллар ҳам никоҳ, талоқ, маҳр, идда, ҳадя масаласида мўмина аёллар билан баробардир.

“Улар билан қўшилмай туриб талоқ қилсангиз”, яъни жинсий яқинлик қилмай туриб талоқ қилсангиз. Талоқ лафзи эрнинг аёлига: “Сен талоқсан”, “Сени талоқ қилдим” ёки талоқ ва ажрашиш ниятида: “Уйингга кетавер”, деган сўзларидир. “Уйингга кетавер” каби сўзлар киноя талоқ бўлиб, бунда ниятга қаралади. Ният талоқ бўлса талоқ тушади, ният талоқ бўлмай, қўрқитиб қўйиш, адабини бериш бўлса талоқ бўлмайди. Аммо “талоқсан”, “талоқ қилдим” каби очиқ лафзларда ниятга қаралмайди, ҳатто ҳазиллашиб айтган бўлса ҳам талоқ тушади. Бунга ушбу ҳадис далил

бўлади: “Уч нарсанинг жиддийси ҳам жиддий, ҳазили ҳам жиддийдир. Улар: талоқ, никоҳ ва ражъа (талоқ қилган аёлини қайтариб олиш)” (Абу Довуд (2194), Термизий (1148) ривояти).

“Уларнинг зиммасида сизлар санайдиган идда йўқдир”. Яъни эр никоҳига олган хотинини ҳали қўшилмай туриб талоқ қилган бўлса, бу аёлдан уч ой тугул, бир ой ва ҳатто бир кун ҳам иддада ўтиришни талаб қилишга ҳаққи бўлмайди. Чунки юқорида ўтганидек, иддадан мақсад ҳомила бор-йўқлигини аниқлашдир. Жинсий яқинлик қилинмаган аёлда ҳомила бўлмаслиги шубҳа қилинмайдиган ишдир. Шунинг учун бу йўсинда талоқ қилинган аёл шу куниёқ бошқа эрга никоҳланиб, турмуш қуриши жоиз.

“Уларни озми-кўпми ҳадя билан сийланг”. Яъни хотинини талоқ қилган эр моддий ҳолига қараб, бор борича, йўқ ҳолича, озми-кўпми бирон ҳадя бериши лозим. Талоқ қилинган аёл масаласини қози кўрадиган бўлса, эрнинг қанча беришини қози ҳал қилади. Никоҳланишда маҳр белгиланмаган бўлса, бу ҳадяни бериш вожиб бўлади. Агар маҳр белгиланган бўлса, маҳр талоқ қилинган аёлнинг ҳаққидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади: **“Агар уларни никоҳдан кейин ҳали жинсий яқинлик қилмай туриб талоқ қилсангиз, лекин белгиланган маҳрни зиммангизга олиб қўйган бўлсангиз, у ҳолда келишилган маҳрнинг ярмини беришларингиз вожиб бўлади. Аммо талоқ қилинган аёллар ўзлари ҳақли бўлган ярим маҳрдан кечсалар ёки эр талоқ қилган аёлига маҳрни тўлалигича бериб юборса, бу ҳам жоиз”** (Бақара, 238). Талоқ қилинган аёл ўз ҳаққи бўлмиш маҳрнинг ярмини олишдан воз кечса ўзининг иши, эр тантилиқ қилиб маҳрнинг ҳаммасини бериб юборса ҳам ихтиёри ўзида. Муҳими, инсонлар бир-бирларига фазлу карам ва эҳсон қилишни унутмай, мурувватли бўлишлари керак. Зеро Аллоҳ қилаётган амалларимизни кўриб туради.

Аллоҳ таолонинг: **“ва яхшилик билан жавобларини беринг”** деган сўзлари зулм қилишдан қайтариб, яхшилик қилишга ундайди. Яъни талоқ қилган аёлингизнинг йўлини яхшилик билан очиб қўйинг, озор берманг. Отасининг ёки яқинларининг уйига зарарланмай, муаммосиз кетишига имкон қилиб беринг.

Талоқ қилган аёлини яхшилик билан жавобини бермаса, уни ҳақоратлаб, бўлган-бўлмаган айблар билан айбласа, белгиланган маҳрини бермаса ё қийматга эга бирон фойдали нарсасини беришдан бош тортса, Аллоҳ азда ва жаллага осийлик қилган, мусулмон бўла туриб Аллоҳнинг амрига қарши чиққан бўлади. Бу қилмишидан дарҳол тавба қилиши лозим. Акс ҳолда азобга ҳақли мужрим кимсалар қаторида бўлиб қолади.

Сўзимиз сўнгида сиз азиз ўқувчига бу илоҳий нидо ўз ичига олган аҳкомларни баён қиламиз:

- 1) Никоҳига олган аёли билан қўшилишдан олдин талоқ қилишнинг жоизлиги.
- 2) Эри билан қўшилмай туриб талоқ қилинган аёл учун идда йўқ. Бундай аёл талоқ қилинган куниёқ бошқа эрга тегиб кетиши мумкин.
- 3) Эри билан қўшилишдан олдин талоқ қилинган аёл агар маҳри белгиланган бўлса, маҳрнинг ярмига ҳақли бўлади. Агар маҳр белгиланмаган бўлса, талоқ қилган эрнинг бой-камбағаллигига қараб, бирон ҳадя бериш вожибдир. Ҳадя миқдорида икки тараф келиша олмаса, миқдорни қози белгилаб беради.
- 4) Талоқ қилинган аёлга қандай бўлмасин озор беришнинг ҳаром экани. Хоҳлаган ерига кетиши учун йўлини очиб, ўз ҳолига қўйиш вожиблиги.
- 5) Талоқ қилинган, аммо маҳри белгиланмаган аёлни озми-кўпми ҳадя билан сийлаш шарият белгилаган қонун экани.
- 6) Ҳайз кўрадиган аёл уч ҳайз ёки уч поклик миқдорида иддада ўтиради. Талоқ қилиш поклик даврида қўшилишдан олдин бўлиши керак. Кексалиги ё ёши кичиклиги боис ҳайз кўрмайдиган аёлнинг иддаси уч ойдир. Ҳомиладор аёлнинг иддаси эса ҳомиласини туғиши бўлиб, туғиши билан иддаси тугайди. Эри вафот этган аёлнинг иддаси тўрт ой-у ўн кун. Агар эри вафот этган аёл ҳомидор бўлса, узоқроқ муддатлигини олгани яхши. Яъни ҳомиласи тўрт ой-у ўн кундан олдин туғилса-да, тўрт ой-у ўн кун идда сақлаши ё аксинча тўрт ой-у ўн кун идда муддати тугаса ҳам ҳомиласини туққунча иддада ўтириши ўзига ҳам, марҳум эрининг оиласи учун ҳам яхшидир. Яхшилик қилиш мақталган ишдир. Аллоҳ муҳсинларни яхши кўради.

Олтмиш учинчи нидо

Расулulloғга нисбатан одоб сақлаш вожиблиги, у зотга озор бериш ва вафотларидан сўнг аёлларига уйланиш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, Пайғамбарнинг уйларига таом ейиш учун фақат унинг изни билан кириш. Таомнинг пишишини узоқ кутиб ўтирманг. Чақирилган пайтда кириб, таомлангач тарқалинг, ўзаро гаплашиб ўтирманг. Чунки бу ишингиз Пайғамбарга озор беради. У сизларни уйдан чиқариб юборишдан уялади. Аллоҳ ҳақни баён қилишдан уялмайди. Пайғамбарнинг хотинларидан бирон нарса сўрамоқчи бўлсангиз, парда ортидан сўранг. Шундай қилишингиз сизнинг қалбингизни ҳам, уларнинг қалбини ҳам тоза тутувчиروқдир. Сизлар учун Расулulloғга озор бериш ва ундан сўнг хотинларига уйланиш асло мумкин эмас. Бу иш Аллоҳ наздида жуда катта гуноҳдир” (Аҳзоб, 53).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу улуг нидо мўминларга Расулulloғ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик чоғларида йўлланган бўлиб, унда Аллоҳ таоло улар Пайғамбарга нисбатан бажаришлари лозим бўлган ишларни баён қилган. Қуйида шуларни санаб ўтамоғимиз:

- 1) Расулulloғ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларига рухсатсиз кирмаслик. У зот изн берсаларгина кирдилар. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, Пайғамбарнинг уйларига таом ейиш учун фақат унинг изни билан кириш. Таомнинг пишишини узоқ кутиб ўтирманг”**. Яъни Расулulloғнинг уйларига овқатланиш вақтидан анча олдин кириб олманг, таомдан сўнг ҳам ўтираверманг. Балки: **“Чақирилган пайтингизда кириб, таомлангач тарқалинг, ўзаро гаплашиб ўтирманг”**. Яъни гапга берилиб у ерда қолиб кетманг, тезда тарқалишиб, ҳамма ўз ишига қайтсин. Кимдир уйига, кимдир ишига, кимдир бошқа юмушга, хуллас ҳамма ўз иши билан машғул бўлсин. Таомланиб бўлгач, бир-бирингиз билан гаплашиб ўтириб, Пайғамбар хонадонида кўп қолиб кетсангиз, у зотни ва оилаларини заҳматга қўйган бўласиз. Айрим саҳобалар тарафидан шундай ҳолат содир этилган ҳам. Қайтариқ сабабини Аллоҳ маълум қилиб деди: **“Чунки бу ишингиз Пайғамбарга озор беради. У сизларни уйдан чиқариб юборишдан уялади”**, яъни сизга: “чиқиб кетинглар” ёки “бўлди, ўтираверманглар” дейишдан ийманади. **“Аллоҳ ҳақни баён қилишдан уялмайди”**, яъни Аллоҳ ҳақни айтишдан ёки ҳаққа буюришдан уялмайди. Шунинг учун узоқ ўтирмай, тарқалиб кетишга амр этди.
- 2) Расулulloғ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларидан хоҳ идиш-товоқ, сув, таом бўлсин, хоҳ диний масалалар ҳақида бирон нарса сўрамоқчи бўлсангиз, парда ортидан сўранг. Аллоҳ таоло деди: **“Пайғамбарнинг**

хотинларидан бирон нарса сўрамоқчи бўлсангиз, парда ортидан сўранг". Бунинг сабабини баён қилиб: **"Шундай қилишингиз сизнинг қалбингизни ҳам, уларнинг қалбини ҳам тоза тутувчиروқдир"**, деди. Яъни кўринмай парда ортидан сўрашингиз сизнинг ҳам дилингизни пок тутувчидир – эй эркаклар, – ва Пайғамбар аёлларининг дилини ҳам тоза тутувчиروқдир. Ҳеч бир инсон ҳаёли бузилишдан холи эмас. Хоссатан, эркак киши номаҳрам аёл билан кўришиб гаплашганда ҳар иккисининг қалбига ёмон ўйлар келиб қолиши ҳеч гап эмас. Зеро, кўриш фитнага сабаб бўлади.

- 3) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қандай бўлишидан қатъи назар озор бериш ҳаром экани. Аллоҳ таоло деди: **"Сизлар учун Расулulloҳга озор бериш мумкин эмас"**. "Мумкин эмас", "дуруст бўлмайди" иборалари озор бериш ақл бовар қилмайдиган иш эканига далолат қилади ва ҳақиқатда шундай. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга молию жонини, бор-йўғини фидо қилишга тайёр бўлган мўмин кишидан у зотга озор беришни кутиш мумкинми?! Йўқ, йўқ, асло мумкин эмас! Ҳечам бундай бўлмайди.
- 4) Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан сўнг у зотнинг хотинларига уйланиш ҳаром экани. Чунки Расулulloҳнинг аёллари мўминларнинг оналаридир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деган: **"Пайғамбар мўминларга ўзларидан кўра ҳам ҳақлироқдир. Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир"** (Аҳзоб, 6). Яъни фарзанд учун туққан онасига уйланиш қандай ҳаром бўлса, Пайғамбарнинг аёллари ҳам мўминлар учун никоҳи абадий ҳаромдир. Чунки улар мўминларнинг оналари. Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин. Шунинг учун Аллоҳ таоло бу нидода: **"Пайғамбардан сўнг унинг хотинларига уйланиш асло мумкин эмас. Расулulloҳга озор беришингиз ва ундан кейин хотинларига уйланишингиз Аллоҳ наздида жуда катта гуноҳдир"**, деди. Яъни Расулulloҳга ўта кичик даражада бўлса ҳам озор бериш, ёки вафотларидан сўнг у зотнинг аёлларига уйланиш Аллоҳ наздида, Унинг ҳукми ва шариатида беҳад улкан гуноҳдир. Бу жиноятнинг жазоси ва уқубатини ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билади.

Бу илоҳий нидога ҳулоса ўлароқ, сизга фойдали бўлишини умид қилган ҳолда ундаги муҳим нуқталарни бир бошдан санаб чиқамиз. Шояд бу ҳақ йўлда, тўғри манҳажда юришингизга ва дўзахдан нажот топиб, яхшилар диёри жаннатга киришингизга сабаб бўлса:

- 1- Уйларга кириб-чиқиш одоби ва изн сўраш каби мусулмон киши риоя қилиши лозим бўлган ишлар баёни.
- 2- Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баркамол инсон, етук ва гўзал ахлоқ соҳиби эканлари. Уйларига келган кишиларга: "овқат тугади, тарқалинг", деб айтишдан ҳам уялишлари.

- 3- Аллоҳ таоло сифатларининг Қуръон ва суннатдаги исбот ва тасдиғи. Бу оятда Аллоҳ ўзини васф этиб: **“Аллоҳ ҳақни баён қилишдан уялмайди”**, деди. Шунга кўра, биз ҳам Аллоҳни У ўзини қандай сифатлаган бўлса ва Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам қандай сифатлаган бўлсалар, шундай сифатлаймиз. Аллоҳ ўзини сифатламаган ва Расули ҳам Аллоҳни сифатламаган сифатлар билан сифатламаймиз. Аллоҳнинг сифатларини инкор қилмаймиз, бу сифатлар билан Аллоҳни сифатлашдан қочиб, ашъарий ва мўътазилалар каби сифатларни таъвил қилмаймиз.
- 4- Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига, оилаларига, мўмин ва мўминалардан иборат умматларига қандай бўлмасин озор беришнинг ҳаромлиги.
- 5- Инсон ёмон ўй-хаёллардан холи эмаслиги. Хоссатан, аёллар билан гаплашиш ёки уларга қараш фитнага сабаб бўлиши.
- 6- Ҳижобнинг фарз экани. Номаҳрам аёл билан холи қолиш, у билан ҳижобсиз гаплашишнинг ҳаромлиги. Фақат кексалар, қариялар бундан мустаснодир.

Буларни эслаб қолинг, асло ёддан чиқарманг ва бошқаларга ҳам ўргатинг, чунки бу фарз ва умматга фойдали бўлган илмдир.

Олтмиш тўртинчи нидо

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишнинг вожиблиги

“Аллоҳ таоло Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни мақтаб, салавот айтади. Унинг фаришталари ҳам Пайғамбарга мақтов айтиб, уни дуо қиладилар. Эй иймон келтирганлар, сизлар ҳам Расулulloҳга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, салавот ва саломлар айтинглар” (Аҳзоб, 56).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо катта аҳамиятга эга ва унинг ўзига хос ўрни бор. Аллоҳ таоло бу нидода мўминларга буюрган ишни уларга буюришдан олдин Ўзи қилгани унинг қадрли нақадар улўф эканига етарлидир. Аллоҳ таоло мўминларга нидо қилишдан аввал: **“Аллоҳ таоло Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни мақтаб, салавот айтади. Унинг фаришталари ҳам Пайғамбарга мақтов айтиб, уни дуо қиладилар”** деб, Унинг ўзи ҳам, малоикалари ҳам Пайғамбаримиз Мўхаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишини хабар берди. Аллоҳнинг буюклиги, малоикаларнинг баркамол ва покизалиги олдида биз киммиз, эй мўминлар?! Шундай зотлар Пайғамбаримизга салавот айтар экан, демак Аллоҳ таоло бизни ҳам салавот айтишга буюриши биз учун буюк шараф ва бу дунёдаги ҳар қандай обрў-эътибордан юқори бўлган қадр-қимматдир. Салавот ва салом юборилаётган Расулulloҳнинг қадрлари, мартабалари ва улўф мақомлари ҳақида сўрамай қўяверинг, зеро биз бу мақомни билмаймиз, тасаввур ҳам қила олмаймиз. Парвардигоро, модомики зокирлар зикр қиларкан, ғофиллар ғафлатда қоларкан, Сен Пайғамбаримизга салавот ва саломлар йўллагин.

“Аллоҳнинг салавотидан мурод нима, фаришталарнинг ва мўминларнинг салавотидан мурод нима?” деган савол туғилиши табиий.

Жавоб қуйидагича:

- 1- Аллоҳ таолонинг Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишининг маъноси у зотни мақташи ва у зотдан рози бўлишидир.
- 2- Малоикаларнинг салавати Пайғамбаримиз ҳақларига дуо қилиб, истиғфор айтишларидир.
- 3- Мўминларнинг салавати дуо билан бирга Расулulloҳни улўғлаш ва иззат-икром кўрсатишдир.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишнинг ҳукмига келсак, ҳар бир мўсулмон учун умрида бир бор бўлса ҳам салавот айтиш вожибдир. Ким шуни ҳам қилмаса, зиёнда ва ҳасратда қолади. Чунки бир

бор бўлса ҳам салавот айтмаслик қалбда иймон, Аллоҳ ва Расулига ишонч йўқлигига далолат қилади. Бундай ҳолга тушишдан Аллоҳ сақласин.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш қачон яна ҳам таъкидли бўлади?

Икки ўринда салавот айтиш янада таъкидланади:

1) Ташаҳҳуддан сўнг, яъни фарз ё нафл бўлсин, ҳар намознинг охири қаъдасида ташаҳҳуддан кейин салавот айтиш таъкидланган бўлиб, унинг айтилиши қуйидагичадир: “Аллоҳумма солли ала Муҳаммад ва ала оли Муҳаммад, кама соллайта ала Иброҳим ва ала оли Иброҳим, иннака ҳамийдум-мажид. Ва борик ала Муҳаммад ва ала оли Муҳаммад, кама боракта ала Иброҳим ва ала оли Иброҳим, иннака ҳамийдум-мажид”. Бундан бошқача лафзда келган салавотлар ҳам бор, лекин энг мукаммали шу, ёдлаб олиб, ўқиб юринг.

2) Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номлари зикр қилинганда. Бунга диққат қилиш лозим бўлган ҳадис бор: “Номингиз зикр қилинганида сизга салавот айтмаган киши хор бўлсин”, деб Жаброил алайҳиссалом айтганлар. Ҳадис саҳиҳ.

Булардан бошқа ўринларда мустаҳаб бўлади. Шулардан:

А) Дуо қилувчи ижобат бўлиш умидида, дуони Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш билан бошлаши ва салавот билан тугатиши. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Раббим, эй Раббим”, деб дуо қилаётган кишини эшитиб: “Бу киши шошилиб қолди. Агар бирингиз Аллоҳдан бирор нима сўрамоқчи бўлса, аввал Аллоҳни улуғлаб, ҳамд-сано айтсин, Пайғамбарга салавот ва салом йўлласин, шундан сўнг ҳожатини сўрайверсин”, дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривояти). Дуо икки салавот орасида бўлса ижобат бўлади. Алҳамдулиллаҳ.

Б) Жума хутбаси ёки бошқа ҳар қандай хутбани Аллоҳга ҳамду сано ва Пайғамбарга салавот ва салом билан бошлаш.

В) Азондан сўнг. Чунки Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам азон айтилаётганда муаззин айтган сўзларни қайтаришга, фақат ҳайъа алас-солат ва ҳайъа алал-фалоҳда “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ”, деб, азон тугагач Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга ташаҳҳуддан сўнг айтиладиган салавотни айтиб, сўнг азон дуосини ўқишга тарғиб қилганлар. Азон дуоси қуйидагичадир: “Аллоҳумма Робба ҳазихид даъватит таамма вас-солатил қоима. Оти Муҳаммадан ал-васийлата вал-фазийла. Вабъасҳу мақоман маҳмудан аллазий ваъадта”. Ким шундай тартибда дуо қилса, унга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатлари вожиб бўлади.

Г) Жума куни ва жума оқшоми, яъни пайшанба кечасидан бошлаб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга кўп салавот ва салом айтиш. Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва саллам бунга тарғиб қилганлар.

Д) Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламга салавот ва салом айтишнинг ўттиздан ортиқ лафзлари бор бўлиб, буларнинг энг афзали Иброҳимия салавоти, яъни намозда ташаххуддан кейин айтиладиган салавотдир. Турли лафзларда келган салавотларни айтса яхши. Бу нидодаги салавот матни салавотлар ичида энг қисқаси ва енгили бўлиб, шу билан вожиб адо бўлади: “Аллоҳумма соли ала Муҳаммад ва саллим таслийма”.

Е) Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг исмларини Муҳаммад деб ёзган киши унинг ортидан “саллalloҳу алайҳи ва саллам” деб ёзиши даркор, салафи солихлар, саҳих, сунан ва муснад ҳадис тўплamlари соҳиблари шундай қилганлар. Барчалари ҳадисда Пайғамбаримизнинг муборак исмларини ёзсалар, албатта, “саллalloҳу алайҳи ва саллам”ни ҳам ёзар эдилар. Кейинги даврларда айримларнинг (сав) деб ёзишлари Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳақларида ноқислик қилиш бўлиб, бундай ёзиш дуруст эмас.

Олтмиш бешинчи нидо
Расулulloҳга озор бериш ҳаромлиги ва Мусога озор берган
яҳудларга ўхшаб қолмаслик кераклиги

“Эй иймон келтирганлар, сўз ё ишингиз билан Расулulloҳга озор бериб қўйманг ва Аллоҳнинг пайғамбари Мусога озор берган кимсаларга ўхшаб қолманг. Аллоҳ Мусони улар айтган ёлғон ва бўҳтонлардан поклади. Мусо Аллоҳнинг наздида қадр-қиммати баланд ва обрўли эди” (Аҳзоб, 69).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, юқорида такрор-такрор ўтган сўзни доим ёдда тутинг. У нима эди? Аллоҳ таоло мўминларга иймонлари учун нидо қилиши эди. Чунки мўмин киши иймони билан тирик, эшитади, тушунади, амрларни бажариб, қайтариқлардан тийилади. Мўмин иймони билан мукамал ҳаётга эга ва ҳақиқатда тирик. Кофирлар эса тамоман буни акси. Уларни аввало иймонга келишга чақирилади, иймонга буюрилади. Иймон келтирсалар, шундагина буйруқ ва тақиқларга амал қилишга чорланадилар. Дўзах ва азоб билан қўрқитилишга лойиқ бўладилар, жаннат билан хушxabар берилса хурсанд бўладилар, таълим берилса тушуниб, амал қиладилар.

Аллоҳ таоло мўминларга нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар”**, деди. Яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб иймон келтирган эй мўминлар!

“Сўзингиз ёки ишингиз билан Расулulloҳга озор бериб қўйманг ва Аллоҳнинг пайғамбари Мусога озор берган кимсаларга ўхшаб қолманг”. Аллоҳ таоло мўминларга бундай амр этишининг сабаби бор. Мунофиқларнинг бошлиғи Ибн Убай мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳога тўхмат қилиб, буни атрофга ёйганида Ҳассон разияллоҳу анҳу ва бошқа айрим мусулмонлар бу ишга аралашиб қоладилар. Шу сабаб барча мўмин ва мўминани қамраб олиши учун Аллоҳ уларга иймон номи билан нидо қилдики, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга қандай бўлмасин озор бериш ҳаромдир. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалардан бу тўхмат аччиғини енгиллатиш ва уларга тасалли бўлиши учун Аллоҳ таоло пайғамбари Мусо алайҳиссаломга Бани Исроилнинг берган озорини эслатди: **“Аллоҳнинг пайғамбари Мусога озор берган кимсаларга ўхшаб қолманг”**. Бани Исроил Мусо алайҳиссаломни бир сафар бир мояги шишган дабба деган бўлсалар, бошқа сафар Мусо акаси Ҳорунни бизга юмшоқлик қилгани учун қатл қилган, деган эдилар.

“Аллоҳ Мусони улар айтган ёлғон ва бўҳтонлардан поклади”, яъни уларнинг тўхматларидан поклади.

Бани Исроилнинг Мусо алайҳиссаломга қилган биринчи тухматига келсак, бу ҳақда Имом Муслимнинг ривоятини ва Имом Бухорийнинг шу маънодаги ҳадисини баён қиламиз: Бани Исроил қавми яланғоч ҳолда бир-бирларига қараб чўмилар эди. Мусо алайҳиссалом ҳаёлари кучли бўлганидан ёлғиз ўзлари ғул қилардилар. Шунда улар Мусо бир мояги шишган бўлганидан биз билан бирга чўмилмайди, дедилар. Мусо алайҳиссалом бир куни ғул қилиш учун чиқдилар. Кийимларини ечиб, тош устига қўйдилар ва чўмила бошладилар. Тўсатдан тош у кишининг кийимларини олиб қочади. Мусо алайҳиссалом тошнинг кетидан югурадилар ва Бани Исроил қавми йиғилиб турган жойга бориб қоладилар. Улар Мусо алайҳиссалом мояги шишган эмаслигини кўриб, бу гап тухмат эканини билладилар.

Мусо алайҳиссалом акалари Ҳорунни қатл қилиш тухматидан оқланишлари эса қуйидагичадир. Ибн Абу Ҳотим Али разияллоҳу анҳу бундай деб айтганини ривоят қилади: “Мусо ва Ҳорун Тур тоғига чиқишганида Ҳорун алайҳиссалом вафот этиб қолди. Бани Исроил Мусо алайҳиссаломга: “Уни сен ўлдиргансан, у сендан кўра бизга юмшоқ муомала қилар ва ҳаёлироқ эди”, деб, Мусо алайҳиссаломга озор бердилар. Шунда Аллоҳ малоикаларга амр этди, улар Ҳоруннинг жасадини кўтариб, Бани Исроил ўтирган ердан олиб ўтишди ва унинг вафот этганини айтишди. Унинг қабрини қузғун қушдан бошқа биров билмади. Аллоҳ бу қушни кар-соқов қилиб қўйди”. Ибн Жарир ҳам айтишди кўринишда ривоят қилган.

Аллоҳ таоло деди: **“Мусо Аллоҳнинг наздида қадр-қиммати баланд ва обрўли эди”**. Яъни Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳузурини катта эътиборга, мартабага эга эдилар. Руҳий жиҳатдан комил, юқори одоб-ахлоққа эга бўлганларидан Аллоҳ сўраган нарсаларини берар, паноҳ истасалар сақлар ва ёрдам сўрасалар ёрдам берар эди. Буларнинг бари Аллоҳ у зотга икром этган поклик, софдиллик, садоқат ва вафо сабабидандир.

Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анҳу Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Расулulloҳ, дуо қилинг, Аллоҳ мени дуоим ижобат қилсин”, деб айтганида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Саъд, ҳалол касб қилсанг, дуоларинг ижобат бўлади”, деб айтган эдилар. Саъд дуоим ижобат этилган кишилардан эди (Табароний ривояти, маъноси саҳиҳ, бироқ ўзи заиф ҳадис).

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айрим саҳобалар тарафидан озорланган ерлари бўлган, шулардан:

- 1- Ифк ҳодисасида (Оиша разияллоҳу анҳога тухмат қилинган воқеа) озорланганлар. Бу ўзларининг ҳам, покиза аёлларининг ҳам обрўномусига бўлган озор эди. Аллоҳ таоло Расулulloҳнинг аёллари Оиша разияллоҳу анҳонинг поклиги ҳақида ўн еттига яқин оят нозил қилди, алҳамдулиллаҳ. Ажабланарлиси шуки, адашган рофиза-шиалар ҳали-

хануз мўминлар онаси Оиша разияллоҳу анҳога бўлган ўша бўҳтон-туҳматни чайнаб юришибди. Ҳолбуки, Аллоҳни ёлғонга чиқарган киши кофир бўлади. Улар ўзлари билмаган ҳолда кофир бўлиб юрибдилар.

2- Бир куни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар орасида мол тақсим қилаётган эдилар. Шунда ансорлардан бир киши: “Бу тақсимот билан Аллоҳнинг розилиги исталмади”, деди. Ўша ердаги кишилардан бири: “Эй Аллоҳнинг душмани, бу айтган гапингни Расулulloҳга етказаман”, деди. Бўлган гапни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтганида у зотнинг юзлари қизариб кетди ва: “Мусога Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, у бундан ҳам кўпроқ озорлар чекди, лекин сабр қилди”, дедилар” (Муттафақун алайҳ).

3- Бир сафар Ақраъ ибн Ҳобис отли одам кийимларидан тортиб: “Бу тақсимот билан Аллоҳнинг юзи исталмади. Биз ҳақимизда адолат қилинг, эй Расулulloҳ”, деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг сўзини рад қилиб: “Ҳолинг вой бўлгур, мен адолат қилмасам ким адолат қилади?! Биродарим Мусога Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, у бундан ҳам кўпроқ озорлар чекди, лекин сабр қилди”, дедилар.

Сўзимиз сўнгида ҳар бир мўмин ва мўминани огоҳлантириб шуни айтамыз: “Ҳушёр бўлинг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга қандай бўлса ҳам озор бериб қўйишдан сақланинг, чунки бу улкан гуноҳ, катта жиноятдир”.

Аллоҳнинг Расули пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга қиёматга қадар тўхтовсиз салавот ва саломлар бўлсин.

Олтмиш олтинчи нидо

Аллоҳдан тақво қилиш ва тўғри сўзлаш вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан тақво қилинг ва фақат тўғри сўзни сўзланг. Шунда Аллоҳ ишларингизни ўнглаб қўяди ва гуноҳларингизни кечиради. Ким Аллоҳ ва Расулига итоат этса, дунёю охирада улкан зафарга эришибди” (Аҳзоб, 70-71).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, юқорида ўтган шарҳлардан ҳам билганингиз каби, Аллоҳ таоло иймон келтирган бандаларини бирон ишга буюриш ё бирон ишдан қайтариш, итоат этсалар жаннат хушхабарини бериш, осийлик қилсалар дўзах билан қўрқитиш учун уларга мўминлик сифатлари билан нидо қилади. Бу Аллоҳнинг уларга бўлган раҳмати ва эҳсони сабаблидир, токи мўминлар баркамол ҳаётга эришсинлар ва икки дунёда саодат топсинлар. Бу нидода ҳам Аллоҳ таоло: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан тақво қилинг”**, деб мўминларни тақвога ва Аллоҳга итоат этишга буюрди. Чунки иймондан кейин Аллоҳнинг дўстлигини қозонишга олиб борувчи сифат тақводир. Аллоҳ кимнинг дўсти бўлса, унга хавф-хатар йўқ ва у ғамгин ҳам бўлмас. Ким Аллоҳга душман бўлса, унга омонлик йўқ ва у ҳаргиз рўшнолик кўрмас.

Тақвонинг моҳияти Аллоҳдан қўрқиш бўлиб, у бандани Аллоҳ буюрган ва қайтарган зоҳиру ботин ишларда Унга осийлик қилмасликка етаклайди. Бу эса ўз навбатида Аллоҳ мўмин бандаларини буюрган ва қайтарган эътиқодлар, сўзу амаллар ва сифатларни ўрганишга ундайди. Ўзини тоатга мажбурлаб, ҳузур-ҳаловат ва хотиржамлик даражасига эришгунича нафсига қарши жиҳод қилишга, унинг ислоҳи йўлида саъй-ҳаракатда бўлишга тезлайди. Буни амалга ошира олган мўмин Аллоҳга тоат-ибодат билан шодланадиган, гуноҳ-маъсиятдан ғамгин бўладиган бўлади. Бир сўз билан айтганда, унинг ҳоли Аллоҳга йўлиқишга иймон келтирган, Унинг қазою қадарига рози бўлган, Аллоҳ берганига қаноат қилган ҳолатга етади. Солиҳ кишиларнинг дуоларида келганидек: **“Аллоҳим, Сенга йўлиқишга иймон келтирувчи, қазою қадарингга рози бўлувчи ва берганингга қаноат қилувчи хотиржам-сокин нафс сўрайман”**. Эй Аллоҳ, бизларни ҳам шундай зотлар жумласидан қилгин.

“Ва фақат тўғри сўзни сўзланг”. Яъни мўмин киши гапирса фақат рост сўзни сўзлаши, зарардан холи ва фойдали гап гапириши, аҳамиятга эга, яхши таъсирли сўзлар айтиши лозим.

Тўғри сўзга қўйидагича таърифлар берилган: **“Тўғри сўз – Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Расулulloҳдир”**, **“Чин ният-тўғри мақсад”**, **“Зоҳири ботинига монанд сўз”**, **“Ўзгани қўйиб, ёлғиз Аллоҳнинг юзи исталган сўз ва амал”**. Бу таърифларнинг бари ҳақ ва булардан бошқа таърифлар ҳам бор, зеро Аллоҳ мўминларни буюрган тўғри сўз буларнинг барини ўз ичига олади.

Шуни билинги, Аллоҳ таоло ишларимиз ўнгланиши ва гуноҳларимиз мағфират этилишини Аллоҳдан тақво қилишимиз ҳамда бир-биримизга фақат рост-тўғри сўзлар сўзлашимиз самараси қилиб қўйди. Мана шу икки нарса – ишлар ўнгланиши ва гуноҳлар кечирилиши рўёбга чиқса, икки дунё саодати қўлга киритилади. Бунинг сири шундаки, Аллоҳдан тақво қилиш нафси поклайди, нафси поклаш билан охиратда мукамал саодатга эришилади. Аллоҳ таоло деди: **“Нафсини поклаган киши нажот топди”** (Шамс, 9). Нажот топиш – дўзахдан қутулиб, жаннатга кириш деганидир.

Тўғри сўз эса олди-сотди, бузиш-қуриш, никоҳ-талоқ, мусофир-муқимлик ва булардан бошқа инсон учун зарур бўлган дунёвий ишларни ислоҳ қилади.

Аллоҳ таоло ўзининг дўстлари бўлмиш мўмин бандаларига нақадар тўғри йўл кўрсатишига, уларни икки ишга – тақво қилиш ва тўғри сўз сўзлашга буюришидаги лутф-карамига боқинг.

Ишларнинг ўнгланиши ва гуноҳларнинг мағфират этилишини бу икки ишнинг мукофоти қилиб қўйганига қаранг. Бундан ортиқ матлаб бўлурми?

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло мўмин бандаларига инъом-эҳсонини янада зиёда қилиб: **“Ким Аллоҳ ва Расулига итоат этса, дунёю охиратда улкан зафарга эришибди”**, деб марҳамат қилди. Аллоҳ ва Расулига итоат этиш – амр ва наҳийда, тарғиб ва тарҳибда, нафл ва макруҳлардадир. Улкан зафар эса икки дунё саодатига эришишдир. Дунёдаги саодат хотиржамлик, қалб кенглиги билан бўлган фаровон ҳаёт, омонлик, доимий иззат-икромдир. Охиратдаги саодат эса дўзахдан нажот топиб, пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар даврасида бўлишдир. Аллоҳ таоло деди: **“Ким Аллоҳ ва Расулига итоат қилса, ана ўшалар Аллоҳ уларга жаннатни инъом этган пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга бўладилар. Улар эса жаннатдаги энг яхши ҳамроҳлардир”** (Нисо, 69-70).

Ушбу нидо шарҳини сиз азиз ўқувчиларга тақвонгиз зиёда бўлишига сабаб бўлажак бир ривоят билан тугалламоқчиман. Буни Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган, Ибн Касир тафсирида зикр қилган: Кунларнинг бирида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан пешин намозини ўқигач, уларга **“ўтиринглар”** деб ишора қилдилар. Ўтиришгач, уларга бундай дедилар: **“Аллоҳ таоло менга сизни тақво қилиш ва тўғри сўзни сўзлашга буюришимни амр этди”**. Шундан сўнг аёллар олдига келиб, уларга ҳам: **“Аллоҳ таоло менга сизни тақво қилиш ва тўғри сўзни сўзлашга буюришимни амр этди”** дедилар.

Бу нидонинг охири ҳам унинг аввалидек бўлди. Бандаларига марҳаматли Аллоҳга ҳамду сано бўлсин.

Олтмиш еттинчи нидо

Аллоҳ динга ёрдам берган кишиларга нусрат бериши ва кофирларнинг амаллари зое бўлиши

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг динига ёрдам берсангиз, Аллоҳ сизларга ёрдам беради ва қадамларингизни собит қилади. Кофирларга эса ҳалокат бўлгай. Аллоҳ уларнинг барча амаллари савобини кетказди. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ туширган китобни ёмон кўришганидир. Аллоҳ уларнинг амалларини бекор қилди” (Мухаммад, 7-9).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо мўминларга қаратилган бўлиб, улар Аллоҳни шериксиз ёлғиз ҳақ илоҳ, Исломни Аллоҳ ҳузурида ягона мақбул дин, Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни у зотдан кейин пайғамбар келмайдиган охириги пайғамбар ва то қиёматга қадар бутун инсониятга юборилган элчи деб иймон келтирганлари учун шундай буюк илтифотга лойиқ бўлдилар. Мўминларга нидо қилишининг сабаби, Аллоҳ таоло уларни иймон, Ислом, эҳсон, одоб-ахлоқ, илм-маърифатда юқори даражага эришиб, жисмоний ва руҳий бахт-саодат топишлари учун яхшиликларга буюради, ёмонликлардан қайтаради. Итоат этсалар жаннат хушхабарини беради, осийлик қилсалар дўзах билан қўрқитади. Аллоҳ Ўзига иймон келтирган мўминларни асло уларни бахтсиз қиладиган ишларга буюрмайди. Аллоҳ бундан пок, чунки У мўминларнинг Рабби ва дўстидир. Уларга меҳрибон ва раҳимлидир.

Аллоҳ таоло бу нидода ҳам мўмиларга хабар бермоқдаки, улар Аллоҳнинг динига, Расулига ва тақводор мўмин бандаларига ёрдам берсалар, Аллоҳ уларга ёрдам беради. Аллоҳнинг ва мўминларнинг душмани бўлган кофирларга ҳамда Аллоҳнинг бирлиги, Пайғамбари, Китоби, шариати, қиёмат куни, жаннат ва дўзахни инкор қилувчи кимсаларга қарши мўминларга нусрат ато этади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг динига ёрдам берсангиз, Аллоҳ сизларга ёрдам беради ва қадамларингизни собит қилади”**, яъни кофир ва мушрик кимсаларга қарши ҳар бир жангда сизга ёрдам бериб, сизни собитқадам қилиб қўяди. Кофиру мушриклар тили ва дили билан Исломни қабул қилмагунича уларга қарши жанг қилиш мўминлар устидаги фарздир. Аллоҳ таоло деди: **“Эй мўминлар, то мусулмонларни динларидан фитналаш тугаб битмагунича тажовузкор мушриклар билан урушишда давом этинг”** (Бақара, 193). Фитна – ширкдир, яъни ширк йўқолмагунича ёки ширкка чақирувчи кимсалар битиб, дин ёлғиз Аллоҳ учун холис бўлгунича урушинг.

Аллоҳ таоло кофирлар ҳақида ҳам хабар берган. Аллоҳга, Унинг Пайғамбари ва китоби Қуръонга, қиёмат кунига, ваъда ва таҳдидларига, ибодатни ёлғиз Аллоҳга қилиш кераклигига иймон келтирмаган кофир ва мушрикларга

ҳалокат бўлишини, улар ҳайвонлардан баттар тубан ҳаётга тушиб кетишини, икки дунёда ҳам зиёнда қолишини хабар берган.

Дунёдаги зиёнлари руҳий комилликдан маҳрум бўлишларидир. Бу маҳрумлик уларнинг одоб-ахлоқсизлиги, нопоклиги ва беҳаловатлигида намоён бўлади. Чунки улар куфр зулматига ботиб кетгандирлар. Жисмоний саодатдан маҳрумликлари ҳам дунёдаги зиёнларидандир. Кофирликлари сабаб Аллоҳнинг дўстлигидан мосуво бўлганлари учун уларга доимий хавф-хатар, бахтсизлик ва ҳалокат бўлгай.

Охиратдаги зиёнлари – улар жонлари чиққандан бошлаб, ҳеч тугамайдиган руҳий азобда қоладилар. Қиёмат қоим бўлгач жаҳаннамга тўп-тўп қилиб ҳайдаладилар ва устларига маломат, койишлар билан шундай азоб қўйиладики, бу билан ҳаёт таъмини билмай қоладилар. Кофирлар дўзахда абадий қоладилар, ўлиб ўлолмайдилар, яшаб роҳат топмайдилар. Устига устак руҳий азобга жисмоний, баданга бўладиган азоб қўшилади. Кофирлар бошларидан ўта қайноқ сув қўйилади, бу сув уларнинг бошларини тешиб кириб, ички аъзоларини эритиб, парчалаб ташлайди, териларини ҳам кўйдиради. Уларни темир гурзилар билан урилади. Очлик ичак-човоқларини титиб, тилка-пора қилиб ташлайди. Шунда уларга таом ўрнида заққум ва тикан берилади. Ташналиқдан силлалари қуриса, қайноқ сув берилади. Қайноқ сув уларнинг ичак-чавоқларини титиб ташлайди. Ёлғизлик ваҳшатида қоладилар, чунки жаҳаннамда ота-она, хотин, бола-чақа ва дўст-ёр деган гап йўқ. Ёлғизлик, ғурбат, қаттиқ азоб бор. Аллоҳ таоло деди: **“Ҳақиқий зиён кўрувчилар қиёмат куни ўзларига ва аҳли оилаларига зиён келтирганлардир. Бу эса дунёда уларни йўлдан оздиришлари ва иймондан адаштиришлари туфайли бўлган. Билинларки, ўша мушриклар қиёмат куни ўзларини ва аҳли оилаларини бой беришлари очиқ-ойдин зиёндир”** (Зумар, 15). Булар Аллоҳ таолонинг: **“Кофирларга эса ҳалокат бўлсин”** деган сўзларига далолат қилувчи айрим сўзлар эди.

“Аллоҳ уларнинг барча амаллари савобини кетказди”. Бу сўзлар хабар маъносидадир. Яна бунда уларнинг ҳаққиға дуоибад маъноси ҳам бор бўлиб, амаллари зое бўлганидан, барча қилган амалларидан бирон фойда ололмайдилар. Чунки айрим кофирларни очни тўйдириш, ташнага сув бериш, яланғочни кийинтириш каби эзгу ишлари ҳам бор эди. **“Кофирларга ҳалокат бўлсин”** деган сўзларда ҳам хабар, ҳам дуоибад маъноси бор.

“Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ туширган китобни ёмон кўришганидир. Аллоҳ уларнинг амалларини бекор қилди”. Бу сўзлар уларнинг ҳалокатга юз тутиб, амаллари беҳуда кетганига ишорадир. Уларга етган бу бадбахтлик ҳамда руҳий ва жисмоний зиён Аллоҳ нозил қилган Қуръонни ёмон кўрганлари сабабидир. Қуръонни улар тавҳидга буюриб, ширкдан қайтаргани, кофирларни дўзахда абадий қолиш билан огоҳлантириб, мўминларга жаннат билан хушxabар бергани учун ёмон кўрдилар. Аллоҳ Қуръонда нозил қилган

хукмларни ёмон кўришлари сабабли Аллоҳ уларнинг амалларини бекор қилди, энди ҳеч бир амалларидан фойдалана олмайдилар. Иззатли, осуда ва бахтли давлат қура олмайдилар, ҳаётда абадий қола олмайдилар. Мана энди охирадда фойдаланиб, саодат топадиган мукофотлари ҳам йўқ. Зиён устига зиён, бахтсизлик устига бахтсизлик. Кифирларнинг жазоси шудир.

Олтмиш саккизинчи нидо

Аллоҳ ва Расулига итоат этиш вожиблиги, солиҳ амаллар бекорга чиқишидан огоҳлантириш

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расулига итоат этинг, амалларингизни йўққа чиқарманг. Аллоҳнинг ҳақ илоҳ эканини инкор этган, одамларни Унинг динидан тўсган ва шу кофир ҳолида дунёдан ўтган кимсаларни Аллоҳ асло кечирмайди” (Муҳаммад, 33-34).

Шарҳ:

Азиз ўқувчи, шуни билинги, Аллоҳ ва Расулига итоат этиш икки дунё саодатининг таянч ўқидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло иймон келтирган бандаларини айни шу ишга буюрди. Бунинг акси ўлароқ, бахтсизлик Аллоҳ ва Расулига осий бўлишдадир.

Аллоҳ таоло иймон келтирган, гуноҳ-маъсиятни тарк этиб, итоат этган мўмин бандаларини яхши кўради. Яхши кўрганидан улар бахтсиз бўлиб қолмасинлар, икки дунёда бахт-саодат топсинлар деб, саодат калити бўлган тоат-ибодатга амр этди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар”**. Яъни Аллоҳни Раб ва илоҳ, Исломни ундан ўзгаси фойда бермайдиган ҳақ дин, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни охирги пайғамбар ва инсониятга юборилган элчи, деб иймон келтирган бандаларим...

“Аллоҳга итоат этинг”. Яъни Раббингиз, Парвардигорингиз, дўстингиз Аллоҳга сизни буюрган ва қайтарган барча амрларида итоат қилинг.

“Пайғамбарга итоат этинг”. Яъни пайғамбарингиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам сизни буюрган ва қайтарган барча ишларда у зотга итоат қилинг. Зеро, итоат нажот йўли, юксалиш поғонаси ва саодат калитидир. Шундай экан, икки дунё саодатидан ўзингизни маҳрум этманг.

Аллоҳ ва Расулига итоат этиш маъноси – Аллоҳ ва Расулининг тоатини маҳкам тутиш ва шу итоатда собитқадам бўлиш, деганидир. Зеро, мўминлар иймонлари билан итоат этувчи бандадирлар.

Аллоҳ таолонинг: **“амалларингизни йўққа чиқарманг”** деган сўзлари ҳам бу ердаги итоатдан мурод собитқадам бўлиш, итоатга асло бепарво бўлмаслик эканини таъкидлайди.

Бир қанча ишлар борки, солиҳ амалларни йўққа чиқаради. Шулардан энг кўзга кўрингани ширк келтириш ва диндан қайтиб, муртад бўлишдир. Сўнг риё учун амал қилиш, яъни яхши ишларни Аллоҳ учун эмас, балки одамлар кўриб мақташи ёки ташаккур этиши учун қилиш ё маломат тошларини ўзидан нари қилиш учун амал қилиш. Яна берган нарсасини миннат қилиш ҳам садақа ажрини йўқ қилади: **“Қилган садақаларингиз савобини миннат ва озор билан**

йўққа чиқарманг” (Бақара, 264). Миннат – садақа берган кишисига берган нарсасини такрор-такрор эслатавериш бўлса, озор – садақа берилган кишини маломатлаш, ёмон сўзлар билан уялтиришдир.

Амални бекор қиладиган ишлардан яна бири катта гуноҳлар, фаҳш ва бузуқликлар қилишдир. Бу ўринда амални бекор қилиш дегани маъноси шуки, ёмонликлар қалбни ўраб олса, қилинган яхши амаллар нурини ёпиб, тўсиб қўяди, натижада кишида қилган яхшиликларининг нури қолмайди. Ҳасан Басрий ва Имом Зухрийдан амалларни гуноҳ-маъсиятлар билан бекор қилиш хусусида келган ривоятга кўра, икковлари: “Амалларингизни маъсиятлар билан бекор қилиб юборманг”, деб айтганлар. Бекор қилиш амални ҳабата қилиш маъносида эмас, зеро амални фақат ширк ва куфргина ҳабата қилади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, қасамки, Аллоҳга ширк келтирсанг, шубҳасиз, барча қилган амалинг ҳабата бўлади ва зиён кўрувчилардан бўлиб, ҳалок бўласан”** (Зумар, 65).

“Ким иймон тақозо қилган шаръий аҳкомларни инкор қилса, унинг амали бекор бўлиб, қиёматда зиён кўрувчилардан бўлгай” (Моида, 5).

Аллоҳ таолонинг: **“амалларингизни йўққа чиқарманг”**, сўзидан келиб чиқиб, айрим уламолар: “Ким қандай ибодатни бошлаган бўлса, хоҳ фарз бўлсин, хоҳ нафл, охирига етказиб қўйиши лозим”, деб айтганлар. Нафл намоз бошлаган киши охиригача тўлиқ ўқиши, тавофни бошлаган киши уни ниҳоясига етказиши, рўза тутган одам охирига етказиши, эҳром боғлаган киши ҳаж ё умра ибодатини тўлиқ бажариши, имомга иқтидо қилган киши намоздан чиқмай охиригача ўқиши лозимдир. Лекин бу лозимлик вожиб эмас, балки мустаҳабдир.

“Аллоҳнинг ҳақ илоҳ эканини инкор этган”, яъни Аллоҳни ва Пайғамбарни инкор қилиб, кофир бўлган ва **“одамларни Унинг динидан тўсган ва шу кофир ҳолида дунёдан ўтган кимсаларни Аллоҳ асло кечирмайди”**. Яъни ўлгунича тавба қилмай, кофирлигича қолган кимсаларни Аллоҳ ва Расулига кофир бўлганлари ва Ислом динидан одамларни тўсганлари сабаб Аллоҳ ҳаргиз кечирмайди. Гарчи бундан олдин яхши ишлар қилган, Аллоҳ буюрган барча ибодатларни бажарган бўлсалар ҳам, энг катта гуноҳ ва энг жирканч жиноят бўлмиш Аллоҳга ва Унинг динига кофир бўлиш ҳамда бошқаларни Аллоҳнинг динидан тўсиш устида ўлим топганлари учун улар кечирилмайди. Аллоҳнинг динидан турли воситалар ёрдамида тўсиш мумкин: жанг, қатл, жароҳатлаш билан, динни камситиш, ўзгартириш ва ёмон кўрсатиш билан одамларни ундан тўсиш мумкин. Бу ваъидга ҳеч шак-шубҳасиз яҳуд ва насоролар ҳам киради. Чунки улар одамларни Исломдан тўсишга бел боғлаганлар ва бу йўлда чексиз мол-дунё, куч-ғайрат сарфламоқдалар. Ким шу ҳолда ўлса, амали ҳабата бўлади ва қиёмат куни зиёнкорлар қаторида туради.

Олтмиш тўққизинчи нидо

Ўз фикрини Қуръон ва ҳадисдан устун қўйиш ҳаромлиги ва Аллоҳдан тақво қилиш вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, дин ишларидан бирон ишда Аллоҳ ва Расулининг кўрсатмаларисиз ўзингизча ҳукм қилманг. Аллоҳдан кўрқинг. Шубҳасиз, Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир” (Ҳужурот, 1).

Шарҳ:

Муҳтарам ўқувчи, унутманг, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига иймон номи билан нидо қилади. Чунки мўмин иймони билан тирикдир, эштади, фаҳмлайди. Бирон ишга буюрилса бажаради. Нимадан қайтарилса тийилади. Бунинг боиси иймонидир, Аллоҳга иймони ва бир куни Унга йўлиқишига ишончи уни шундай ҳаёт кечиришга ундайди.

Юқорида ўтган нидолар каби бу нидонинг ҳам нозил бўлиш сабаби бор. Бу ҳақда Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: “Тамим қабиласи вакиллари Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келишди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Қаъқо ибн Маъбадни амир этиб тайинланг”, деган эди, Умар разияллоҳу анҳу: “Ақраъ ибн Ҳобисни амир этинг”, деди. Шунда Абу Бакр Сиддиқ Умар ибн Хаттобга: “Бу билан менга хилоф қилмоқчи бўляпсиз”, деган эди, Умар разияллоҳу анҳу: “Сизга хилоф қилишни қасд қилмадим”, деб жавоб қайтарди. Шу зайл тортишиб қолдилар ва овозлари бироз кўтарилиб кетди. Шундан сўнг: **“Эй иймон келтирганлар, дин ишларидан бирон ишда Аллоҳ ва Расулининг кўрсатмаларисиз ўзингизча ҳукм қилманг...”**, ояти нозил бўлди. Яъни Аллоҳни Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқ бўлган Раб ва илоҳ, Исломни ундан ўзгаси қабул қилинмайдиган дин ва шариат деб иймон келтирган эй мўминлар, хоҳ сўз, хоҳ иш, хоҳ фикр бўлсин, фарқсиз, ҳеч бирида ўзингизни Аллоҳ ва Расулидан муқаддам қилманг. Айтадиган ҳар бир сўзингиз, қиладиган ҳар бир ишингиз Аллоҳ ва Расулига, улар буюрган шариатга тобе бўлсин. Чунки банда ўз фикри ё сўзини хожасининг фикри ва сўзидан устун қўйиши одобсизлик саналади. Бу ҳақиқатни Муоз ибн Жабалнинг қиссаси янада ойдинлатиб беради. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабални Яманга юборатуриб сўрадилар:

- Уларга нима билан ҳукм юритасан, Эй Муоз?
- Аллоҳнинг китоби билан.
- Аллоҳнинг китобида топмасанг-чи?
- Расулulloҳнинг суннати билан.
- Суннатда ҳам топмасанг-чи?
- Унда ўзим ижтиҳод қиламан.

Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз разияллоҳу анҳунинг кўксига уриб: “Аллоҳнинг элчисининг элчисини Аллоҳнинг элчиси рози бўладиган ишга муваффақ қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, дедилар (Аҳмад, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Бу ҳадисдан салаф уламоларимиз қуйидаги қоидани чиқарганлар: “Аллоҳнинг бир ишдаги ҳукмини билмай туриб, унга қадам босиш мўмин кишига ҳалол бўлмайди”.

Бу қоида мўмин-мусулмонларни илм ўрганишга ундайди. Агар мусулмонлар ушбу қоидага амал қилганларида ораларида Аллоҳ ва Расулининг ҳаётдаги ҳар бир муаммони ҳал қилган ҳукмларини билмайдиган бирон киши қолмаган, Қуръон ва суннатнинг қадрни юксалган бўларди. Аллоҳ таоло айтади: **“дин ишларидан бирон ишда Аллоҳ ва Расулининг кўрсатмаларисиз ўзингизча ҳукм қилманг”**. Яъни сўз, амал, фикр, тушунча ё завқ билан бўлсин, шариат кўрсатмасини билмай туриб бирон ишга қўл урманг. Бир ишни бошлашдан олдин Китоб ва суннатга мурожаат қилинг, шу ишингиз шариатга мувофиқми, йўқми, билинг. Илмингиз етмаса олимлардан сўранг, мумкин ё мумкин эмаслигини сизга айтиб берадилар. Аллоҳ таоло айтган: **“Агар билмасангиз аҳли илмлардан сўранг”** (Анбиё, 7).

Мўмин киши ўзи илм аҳлидан бўлса, билганига амал қилади. Агар ўзи илмли бўлмаса, аҳли илмлардан сўраб билади, сўнг шу билганига амал қилади. Мўмин киши шундай бўлади.

Уламолар бирон нарса ҳақида сўралса, сўровчига шу ҳақда тўлиқ айтиб, тушунтириб беришлари вожиб бўлади. Бу билан мусулмонлар ичида илмсиз бирон эркак ва аёл қолмайди. Ўзи яшаётган диёрда олим топилмаса, Қуръон ва суннатни биладиган олим бор шаҳарга, гарчи узоқ бўлса ҳам, сафар қилиб сўраш вожиб бўлади. Олими бўлмаган диёрдан ҳижрат қилиш керак. Чунки илмсиз Аллоҳга ибодат қилиш ярамайди. Мусулмонлар бу ҳақиқатни англаб етишганида, адашиб, нотўғри йўлларда юришмаган бўлар эди. Фақат Аллоҳнинг марҳамати билан ҳақ йўлда юрганлари бундан мустасно. Азиз ўқувчи, сиз ҳам бу масалага диққат қилинг. Беэътибор ўтиб кетманг!

Нидонинг сўнгидаги: **“Аллоҳдан қўрқинг. Шубҳасиз, Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир”** сўзи Аллоҳдан тақво қилишга буйруқдир. Аллоҳ ва Расулига итоат этишга олиб борувчи қўрқувни тақво дейилади.

“Дин ишларидан бирон ишда Аллоҳ ва Расулининг кўрсатмаларисиз ўзингизча ҳукм қилманг” қоидасини маҳкам тутиш ҳам **“Аллоҳдан қўрқинг”** амри далолат қиладиган маънога дохилдир, яъни Аллоҳдан қўрқувчи мўмин Аллоҳ ва Расулининг кўрсатмаларисиз ўзича ҳукм қилишга журъат қилмайди.

“Шубҳасиз, Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир”. Яъни Аллоҳ айтаётган ҳар бир сўзингизни эшитувчи, қилаётган ҳар бир ишингизни билиб турувчидир. Шундай экан, Аллоҳдан ҳақиқий тақво қилинг, чинакамига қўрқинг, Унга

сўзсиз итоат этинг. Ҳар қандай ҳолатда, кенглик ва торликда ҳам, енгиллик ва қийинчиликда ҳам тоқатингиз етгунича тоатда бўлинг. Зеро, Аллоҳ бандаларидан тоқатдан ташқари нарсани талаб қилмайди.

Етмишинчи нидо

Мўмин амали бекор бўлиб, ўзи ҳалок бўлмаслиги учун Расулulloҳга нисбатан одоб сақлаши вожиблиги

“Эй иймон келтирганлар, Пайғамбар билан сўзлашган пайтингизда овозингизни унинг овозидан кўтарманг ва уни бир-бирингизни чақирганингиз каби баланд овозда чақирманг! Акс ҳолда, сезмаган ҳолингизда амалларингиз бекор бўлиб кетиши мумкин. Расулulloҳнинг ҳузурида овозларини паст қилганлар – ана ўшалар Аллоҳ қалбларини имтиҳон қилган ва уларни Ўзидан тақво қилишга хослаган кишилардир. Улар учун мағфират ва улкан ажр-мукофот бордир” (Ҳужурот, 2-3).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу нидонинг нозил бўлишига сабаб бундан олдинги нидонинг нозил бўлишига сабаб бўлган икки улуғ саҳобий разияллоҳу анҳумо ўртасида юз берган ҳолатдир. Улар Бану Тамим элчилари орасидан амир тайинлаш хусусида тортишиб қолишган эди. Абу Бакр Сиддиқ Қаъқо ибн Маъбадни, Умар ибн Хаттоб эса Ақраъ ибн Ҳобисни тайинлашни маъқул кўриб, тортишиб қолишди, ҳатто овозлари кўтарилиб, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг овозларини ҳам босиб кетди. Бу буюк илоҳий нидода Аллоҳ таоло мўмин бандаларини Пайғамбар ҳузурида баралла овозда гапиришдан ҳамда у зот билан сўзлашганда овозларини Расулulloҳнинг овозларидан юқори кўтаришдан қайтарди. Ушбу оятдан келиб чиқадики, бунга риоя қилиш вожиб ва ҳар бир мўмин хулқланиши лозим бўлган одобдир. Чунки бирон заруратсиз овозни баланд кўтариш одобсизлик, ахлоқсизлик саналади. Луқмон алайҳиссалом ўғлига қилган насиҳатни эсланг: **“Эй ўғлим, билгинки, яхшилик ё ёмонлик гарчи хантал уруғича ўта кичик бўлиб, харсангтош ичида ёки еру осмонлардаги қай ўринда бўлса ҳам, албатта Аллоҳ уни келтиради. Шубҳасиз, Аллоҳ Латиф – меҳрибон, ҳамма нарсанинг яширин тарафларини ҳам яхши биладиган, Хабир – хабардор зотдир. Эй ўғлим, намозни тўкис адо эт, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар, ўзингга етадиган азиятларга сабр қил. Билгинки, бу насиҳатлар қаттиқ аҳамият берилиши керак бўлган ишлардандир. Одамларни камситиб, манманлик билан улардан юз ўгирма. Ерда кеккайиб, кибру ҳаво билан юрма. Аллоҳ ўзига бино қўйган ҳар қандай мутакаббирни ёқтирмайди. Шошмасдан, виқор билан юр. Овозингни паст қил, баланд кўтарма. Зеро энг хунук ва энг ёқимсиз овоз эшаклар овозидир”** (Луқмон, 16-19).

Луқмон алайҳиссаломнинг гўзал ахлоқ-одобларни ўз ичига олган бу раббоний насиҳатларига қулоқ солайлик. Шунингдек, бу насиҳатда барчамиз амал қилишимиз вожиб бўлган бирламчи вазифалар зикр қилинган. Шулардан:

Аллоҳнинг кўриб турганини ҳис этган ҳолда Аллоҳдан қўрқиш ва ҳаё қилиш; чунки ҳеч бир сўзу ишимиз Аллоҳнинг назаридан четда қолмайди.

Намозни тўлиқ адо этиш, одамларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш ва шу даъват йўлида етадиган озорларга сабр қилиш.

Кибрланиш ва мақтанчоқликнинг ҳаромлиги; одамларга бўйнини чўзмаслик, кеккайиб юрмаслик, юганда шошмасдан ўртача юриш; эҳтиёжга қараб озгина тезлашишнинг зарари йўқ.

Ва ниҳоят мазкур насиҳатдаги охирги қайтариқ бизнинг мавзуимизга тегишли бўлган овозни паст қилиш, баланд кўтармаслик, ҳамсуҳбат эшитгудек даражада сўзлаш ва хоссатан ота-она, устоз ва мураббийлар билан суҳбатда овозни кўтармаслик энг вожиб ишлардандир.

Собит ибн Қайс разияллоҳу анҳу ҳақидаги воқеани эсга олинг. Бу ҳақда Имом Аҳмад “Муснад”да Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ушбу ривоятни келтирган: **“Аллоҳ таолонинг: “Эй иймон келтирганлар, Пайғамбар билан сўзлашган пайтингизда овозингизни унинг овозидан кўтарманг ва уни бир-бирингизни чақирганингиз каби баланд овозда чақирманг! Акс ҳолда, сезмаган ҳолингизда амалларингиз бекор бўлиб кетиши мумкин”** ояти нозил бўлди. Собит ибн Қайс ибн Шаммос баланд овозда гапирадиган киши эди. Бу оят нозил бўлганда у: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг овозларидан овозини баланд кўтарадиган мен эдим. Мен дўзах аҳлидан эканман, амалим бекор бўлиб кетибди”, деб уйида маҳзун бўлиб ўтириб қолди. Собитнинг кўринмай қолганини пайқаган Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам уни йўқладилар. Бир неча саҳоба унинг уйига бориб: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салам сени сўрадилар. Нега кўринмай қолдинг?” дедилар. Собит ибн Қайс: “Мен овозимни Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг овозларидан баланд кўтарар, у зотни баланд овозда чақирар эдим. Амалим бекор бўлиб, ўзим дўзах аҳлидан бўлибман”, деди. Саҳобалар Пайғамбар саллalloҳу алайҳи ва салламга Собит ибн Қайснинг гапини етказдилар. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Йўқ, балки у жаннат аҳлидан”, дедилар. Анас разияллоҳу анҳу деди: “У орамизда юраркан, биз уни жаннат аҳлидан деб билардик”. Собит ибн Қайс разияллоҳу анҳу Ямома жангида шаҳид бўлган.

Азиз ўқувчи, шу оятдан келиб чиқиб, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида, ҳужраи шарифларининг яқинида овозни баланд кўтариш макруҳдир. Чунки у зотнинг вафотларидан кейинги ҳурматлари ҳам худди ҳаёт чоғларидаги ҳурматлари кабидир. Бир куни Умар разияллоҳу анҳу Масжиди Набавий ичида икки кишининг баланд овозда гаплашаётганини

эшитиб, уларни чақиртирди ва қаердан келишганини сўради. Улар Тоифдан келишганини айтишди. Шунда Умар разияллоҳу анху: “Агар Мадиналик бўлганингизда адабингизни бериб, қаттиқ савалаган бўлардим. Расулulloҳнинг масжидларида ҳам овозни баланд кўтарасизми?!” деб танбеҳ берди.

Аллоҳ таолонинг: **“Акс ҳолда, сезмаган ҳолингизда амалларингиз бекор бўлиб кетиши мумкин”** деган сўзлари Пайғамбар ҳузурида овозни баланд кўтаришдан қайтариқнинг сабабидир. Чунки овозни баланд кўтариш билан Расулulloҳнинг ғазабларини келтириш хавфи бор. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабланганлари учун Аллоҳ ҳам ғазабланиб, бундай беодоблик қилган кишини азоблаши мумкин. Амал бекор бўлиб кетиши эса Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан атайин беодоблик қилиш кишини диндан чиқарадиган куфр иш эканига далолат қилади. Шунинг учун ҳам амали ҳабата (бекор) бўлди, чунки амал ширк ва куфр содир бўлсагина ҳабата бўлади. Аллоҳ таоло деди: **“Эй Пайғамбар, қасамки, Аллоҳга ширк келтирсанг, шубҳасиз, барча қилган амалинг ҳабата бўлади ва зиён кўрувчилардан бўлиб, ҳалок бўласан”** (Зумар, 65).

Мухтарам ўқувчилар, ҳушёр бўлайлик, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан одобсизлик қилиб қўйишдан ҳазир бўлайлик. У зот ҳақларида гапирганимизда ёки ҳадисларини айтганимизда ўта одоб ва эҳтиром билан ёндошайлик.

Аллоҳ таолонинг: **“Расулulloҳнинг ҳузурида овозларини паст қилганлар – ана ўшалар Аллоҳ қалбларини имтиҳон қилган ва уларни Ўзидан тақво қилишга хослаган кишилардир. Улар учун мағфират ва улкан ажр-мукофот бордир”** деган сўзлари эса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида овозини паст қилган, баланд кўтармай одоб сақлаган киши учун улкан яхшилик ҳушхабаридир. Аллоҳдан тақво қилиш қалбига жойлаша олиши учун Аллоҳ унинг қалбини кенг очиб қўяди. Бундай кишилар учун Аллоҳ мағфиратни ва улкан ажр, яъни омонлик диёри жаннатни ҳозирлаб қўйгандир. Аллоҳ барчамизни жаннат аҳлидан қилсин ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан одоб сақлайдиган кишилардан бўлишимизни насиб этсин.

Етмиш иккинчи нидо

Мусулмонлар устидан кулиш ва уларга ёмон лақаблар қўйиш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, бир мўмин қавм бошқа бир мўмин қавм устидан масхара қилиб кулмасин. Эҳтимол, масхара қилинганлар масхара қилувчилардан яхшироқдир. Мўмина аёллар бошқа мўмина аёллар устидан кулмасин. Эҳтимол, масхара қилинганлар масхара қилувчилардан яхшироқдир. Бир-бирингизни айбламанг ва бир-бирингизга ёмон лақаблар қўйманг. Исломга кириб, мўмин бўлгандан сўнг фосиқлик билан номланиш нақадар ёмон! Ким тавба қилмаса, ўшалар ўзларига зулм қилган кишилардир” (Ҳужурот, 11).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо ҳамда бундан олдин ўтган уч ва бундан кейин келадигани билан жами беш нидо Ҳужурот сурасида келган нидолар бўлиб, барчаси мўминларнинг тарбияси, уларни поклаш, одоб-ахлоқларини юксалтириш мақсадида нозил қилинган. Чунки улар Аллоҳга, қиёмат кунига, Қуръон ва ундаги ҳукмларга, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг суннатларига иймонлари билан шунга лойиқ бўлдилар. Энди бу лаёқатни оқлаган ҳолда ҳар бир мўмин ушбу нидоларни диққат ва тафаккур билан ўқиши, маъноларини англаб амал қилиши лозим бўлади. Шунда баркамол ҳаёт ва икки дунё саодатига эришади. Аллоҳ барчамизни муваффақ қилсин. Амин.

Қуйида Ҳужурот сурасида келган беш илоҳий нидонинг тўртинчиси бўлган бу нидо шарҳини баён қиламиз:

Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, бир мўмин қавм бошқа бир мўмин қавм устидан масхара қилиб кулмасин”**. Яъни орангиздаги бир тоифа кишилар бошқа кишиларни мазах қилиб, таҳқирламасин. Иззаи мўмин ҳаром ва Аллоҳнинг ғазабига дучор қиладиган ишдир. Раббингиз ғазабига гирифтор бўлишга қандай рози бўласиз? Ҳолбуки Аллоҳ мўминларнинг дўстидир, мўминлар ҳам иймон ва тақволари билан Унинг дўстидирлар.

“Эҳтимол, масхара қилинганлар масхара қилувчилардан яхшироқдир”. Яъни масхара қилинганлар эҳтимол Аллоҳнинг ҳузурида масхара қилувчилардан кўра яхшироқ ва ҳурматлироқдир. Одамлар ичидаги ҳурмат-этибор муҳим эмас, муҳими Аллоҳнинг ҳузурида ҳурматга сазовор бўлишдир. Масхара қилаётган бечора билмайдики, масхара қилаётган кишиси балки ундан кўра Аллоҳга яқин ва суюқлидир. Шу боис мўмин киши бошқа бир мўминни мазах қилиб, таҳқирлаши ўта қабиҳ, жирканч ишдир.

Бундан ҳазир бўлайлик, иймон келтирган Аллоҳнинг мўмин дўстлари бўла туриб бир-биримизни масхара қилмайлик.

“Мўмина аёллар бошқа мўмина аёллар устидан кулмасин. Эҳтимол, масхара қилинганлар масхара қилувчилардан яхшироқ бўлсалар”. Яъни мўмина аёллар ҳам ўзлари каби мўмина бўлган бошқа аёлларни масхара қилмасин. У масхара қилаётган аёл Аллоҳ наздида ундан кўра яхши бўлиши мумкин. Аллоҳ таолонинг: **“Эҳтимол”** деган сўзида масхара қилинаётган эркак ё аёл Аллоҳнинг ҳузурда мазах қилиб, кулаётган эркак ва аёлдан яхши эканига ишора бор.

Аллоҳ таоло мўминлар бир-бирини мазах қилиб, таҳқирлашини ҳаром қилишига сабаб, бу иш мўмин ва мўминалар ўртасида адоват уруғи сочилишига, бу эса душманлик кучайиб, уруш-жанжалга, ҳатто қон тўкилишига олиб бориши мумкин. Мўмин киши ё мўмина аёл ўзининг мўмин биродари билан адоватлашиб, уруш-жанжал қилишга ва Аллоҳ сақласин, қонини тўкишга қандай рози бўлади?

Аллоҳ таоло мўминлар бир-бирларини масхара қилишини ҳаром қилгани каби бир-бирларини қоралаш ва ёмон лақаблар билан аташни ҳам ҳаром қилди: **“Бир-бирингизни айбламанг ва бир-бирингизга ёмон лақаблар қўйманг”.** Яъни бир-бирингизни қоралаб юрманг, чунки сиз бир тану бир жон бўлган умматсиз. Мўмин мўмин биродарини айблаши ярамайди. Мўмин биродарини айблаган киши ўзини айблагандек бўлади. Ундан ташқари, айбланган мўмин ҳам ўзини айблаган биродарини айблади, натижада ўртада адоват урчийди. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **“Бир-бирингизни айбламанг”**, деди. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтган: “Бало сўзга вакил қилингандир. Мен бир итни масхара қилсам, ўзим итга айланиб қолишдан қўрқаман”.

“Бир-бирингизга ёмон лақаблар қўйманг”. Мўмин киши ўзи каби мўмин биродарини ёмон лақаблар билан мазах қилиши, биродарига дилини оғритадиган лақаблар қўйиши ҳалол эмас. Чунки бу ҳам ўзаро адоват, уруш-жанжал ва ҳатто қон тўкишгача олиб борадиган ёмон ишдир.

“Исломига кириб, мўмин бўлгандан сўнг фосиқлик билан номланиш нақадар ёмон!” Яъни иймон келтириб, мўмин номини олгандан кейин фосиқ деб ном олиш энг қабиҳ, манфур ҳолатлардан биридир. Шунинг учун мўмин киши мўмин биродарига: “Эй фосиқ, эй кофир, эй фожир, эй бузуқ, эй бузғунчи”, деб айтиши ҳаромдир. Чунки фосиқлик энг ёмон, жирканч номлардан биридир. Мўмин кишини ёмон лақаблар билан атайдиган киши фосиқ саналади. Аллоҳ ва Расулига, қиёмат кунига, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган ҳақ динга, Китоб ва суннатга иймон келтириб, мўмин номини олгандан сўнг фосиқлик билан номланиш нақадар ёмон!

Аллоҳ таоло нидонинг сўнгида: **“Ким тавба қилмаса, ана ўшалар ўзларига зулм қилган кишилардир”**, деди. Яъни ким мўминларни масхара қилиш, уларни айблаш, уларга дилари оғрийдиган лақаблар қўйиш каби катта гуноҳларига тавба қилмаса, Аллоҳнинг ғазаби ва азобига ўзини рўпара қилган золимлардан бўлади. Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишдан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ тилаймиз.

Мўминнинг қадрини туширадиган, таҳқир ва мазах бўлган лақаблар қўйишдан сақланиш лозим. Аммо таҳқир ва масхаралашни ифода этмайдиган, аксинча, мақтов бўладиган Ҳотамтой, Жасур, Аллома каби лақаблар билан аташнинг зарари йўқ.

Мўминлар бир-бирини суяб, тутиб турувчи бино каби эканини унутманг. Шундай бўлгач, мўмин ўз биродарини масхара қилиши, айблаши, унга турли ёмон лақаблар қўйиши қандай дуруст бўлсин?! Булар душманчиликка олиб борадиган ишлардир. Мўмин биродарларга нисбатан доим ҳақ ва рост сўзларни сўзлайлик.

Етмиш учинчи нидо

Гумондан сақланиш, Аллоҳдан тақво қилиш вожиблиги, жосуслик ва ғийбатнинг ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, кўп гумонлардан сақланинг. Чунки айрим гумонлар гуноҳдир. Муслмонлар айбини излаб жосуслик қилманг, бир-бирингизни ғийбат қилманг. Ахир сизлардан бирингиз ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимиз?! Бундай қилишни ёмон кўрасизлар. Шундай экан, уни ғийбат қилишни ҳам ёмон кўринг. Аллоҳдан қўрқинг. Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, раҳмли зотдир” (Ҳужурот, 12).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо Ҳужурот сурасида келган беш нидонинг охиргиси бўлиб, мазкур беш нидонинг бари исломий жамиятнинг ҳар бир аъзосини ислоҳ қилиш мавзуси атрофида сўз юритади. Биринчи нидо шариат ҳукми олий ҳакам бўлиб қолиши учун мўмин киши ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фикрини Қуръон ва Суннатдан муқаддам қўймаслигига чақирди. Ҳукм чиқарадиган ҳакам шариатдир. Шариат жорий қилган қонунлар қонундир. Шариат буюрган буйруқлар вожибдир. Шариат ҳаром қилган нарсалар ҳаромдир. Хуллас, биринчи нидо Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга, у зотнинг саҳобалари ва умматдаги уламоларга нисбатан одоб сақлашга буюрди. Иккинчи нидода одоб-ахлоқ мўминларнинг ажралмас сифати бўлиши лозимлиги уқтирилди. Зеро, одоб-ахлоқ Ислом умматининг ўзига хос хусусияти, фазилати, бошқача айтганда ажралиб турувчи белгисидир. Учинчи нидода ҳукм чиқаришда ҳар бир сўз ва ҳодисани аниқлаштиришга, кейин афсус чекиб, ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун шошмасдан, мулоҳаза билан иш тутишга буюрилди. Тўртинчи нидода мўминларни масхара қилиш, таҳқирлаш, обрўсини тўкиш, ўзаро уруш-жанжалга олиб борадиган ёмон лақаблар қўйиш ҳаромлиги баён этилди. Чунки мўминлар бир умматдир.

Ниҳоят, бу бешинчи нидода Аллоҳ таоло мўминларга бир-бирларига нисбатан ёмон гумон қилишни ҳаром қилди. Аллоҳ таоло деди: “**Эй иймон келтирганлар**”. Яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар деб иймон келтирган эй мўминлар!

“**Кўп гумонлардан сақланинг**”. Бу қайтариқ сабабини баён қилиб: “**Чунки айрим гумонлар гуноҳдир**”, деди. Модомики айрим гумонлар гуноҳ экан, Аллоҳнинг ғазабига дучор қиладиган гуноҳга тушиб қолмаслик учун бир йўла барчасидан сақланиб қўяверинг. Фақат шундай гумонлар борки, айрим кишиларнинг ёмон ишлар қилиб юрганини кўрсатувчи ҳолатлар сабабли

улардан шубҳаланишга ҳақли бўлиб қолади. Шундай гумонлардан мўмин киши ҳам қочиб қутулиши қийин. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: “Гумондан сақланинг, чунки гумон сўзларнинг энг ёлғонидир” (Бухорий ва Муслим ривояти).

“Мусулмонлар айбини излаб жосуслик қилманг”, яъни мўмин киши ўзи каби мўмин бўлган кишининг орқасидан айбини излаб, қадамини пойлаб юрмасин. Бу ишда катта зарар бор. Бир киши ҳақида сўраб-суриштириш ҳам жосусликнинг айна ўзи бўлиб, фарқи сўраб-суриштириш яхшиликда ҳам бўлиши мумкин бўлса, жосуслик фақат ёмонлик ва озор беришда бўлади. Жосуслик ҳаром эканини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилиб айтганлар: “Гумондан сақланинг, зеро гумон сўзларнинг энг ёлғонидир. Жосуслик қилманг, бировлар айбини қидирманг, нажш қилманг (сотиб олиш нияти бўлмаган нарсанинг нархини ошириб сўраш), бир-бирингизга ҳасад қилманг, бир-бирингизга нафрат-адоват қилманг, бир-бирингиздан юз ўгирманг, балки Аллоҳнинг бир-бирига биродар бандалари бўлинг” (Бухорий ривояти, 6064).

Бу ҳадисда бир нечта ҳаром ишлар баёни келган, қуйида шуларни баён қиламиз:

- 1- Барча мўминларга ва хусусан солиҳ кишиларга ёмон гумон қилиш.
- 2- Жосуслик қилиш. Жосуслик – мўмин кишига зарар етказиш мақсадида яширин тарзда унинг кетига тушиш, айбини излаш.
- 3- Бировлар ҳақида сўраб-суриштириш, айбини кавлаш. Бу ҳам жосуслик каби ҳаромдир. Фақат мўмин биродаридаги нуқсон-камчиликларни тўғрилаш ёки зарурий эҳтиёжларини қондириш мақсадида бўлса ҳаром бўлмайди. Шунда ҳам яширинча, ўғринча бўлмаслиги лозим. Очиқ бўлиш керак, мўмин биродарининг ўзидан тўғридан-тўғри: “Нима эҳтиёжингиз бор?”, “Бирон нарса керакми?” деб сўрасин, орқадан сўраб-суриштириб юрмасин.
- 4- Нажшнинг ҳаромлиги. Нажш дегани сотувга қўйилган маҳсулотни сотиб олиш нияти бўлмай туриб нархини кўтариб, савдолашиш.
- 5- Ҳасаднинг ҳаром экани. Ҳасад – мўмин биродаридаги неъматнинг йўқ бўлишини орзу қилишдир. Бунда ҳасад қилувчи мўмин биродаридаги неъматга ўзи эришадими, йўқми, фарқи йўқ. Муҳими, Аллоҳ берган неъматдан мўмин киши маҳрум қолса бўлди.
- 6- Нафрат-адоватнинг ҳаромлиги. Мўмин киши мўмин биродаридан нафратланиши, унга адоват қилиши ҳалол эмас. Мабодо биродарингиз сизга адоват қилса ҳам сиз қилманг.
- 7- Юз ўгиришнинг ҳаром экани. Юз ўгириш – юзкўрмас бўлиб кетишдир. Икки мўмин бир-бири билан кўришмаслиги, гаплашмаслиги, рўбарў келиб қолганда тесқари қараб кетиши ҳаромдир.

8- Мўминлар ўзаро биродарлик ришталарини боғлашлари, чин биродарликни рўёбга чиқаришлари вожибдир. Бу вожиб биродарига яхшилик қўлини чўзиш, озор беришдан, ёмон гумон ва жосуслик қилишдан, айбини пойлаш, ҳасад, адоват ва юзкўрмасликдан сақланиш билан амалга ошади. Яхшилик қўлини чўзиш ва юқорида санаб ўтилган ёмонликлардан тийилиш билан ҳақиқий ийманий биродарлик вужудга келади.

Бу илоҳий нидодаги Аллоҳ таолонинг: **“бир-бирингизни ғийбат қилманг”** деган сўзидан мурод киши мўмин биродарининг орқасидан у эшитиб қолса хафа бўладиган сўз айтмаслигидир. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ғийбат ҳақида сўралганларида: “Биродаринг ёқтирмайдиган сўзни орқасидан гапиришингдир”, дедилар. Яъни юзига эмас, орқасидан гапириш. “Биродаримда шу иллат ростдан бўлсачи?” деб сўрашганида: “Биродарингда у ёқтирмайдиган иллат бор бўлса ғийбат қилган бўласан, йўқ бўлса тўхмат қилган бўласан”, деб жавоб бердилар саллаллоҳу алайҳи ва саллам. Тўхмат ғийбатдан кўра оғирроқ гуноҳдир. Уни ғийбатнинг энг ёмон тури деса ҳам бўлади.

“Ахир сизлардан бирингиз ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадимми? Бу саволнинг жавоби маълум: “Йўқ, асло”. Ҳа, бу табиий жавоб. Демак, ўлган биродарингиз гўшти сизга тақдим қилинса, уни ейишни ёмон кўрганнингиз каби, тириклик чоғида ҳам гўштини ейишни ёмон кўринг. Биродарингизнинг обрўси, шаъни унинг гўшtidир. Обрўсини тўкишдан, шаънини ерга уришдан сақланинг. Обрў-эътибор жисм-шаклдан азизроқ, қимматроқдир. Ушбу байтни ёдлаб олиш фойдадан ҳоли бўлмас: “Гўштимни есалар, гўшtlарини мўл қилдим. Обрўйимни тўксалар, обрўларин тикладим”.

“Аллоҳдан қўрқинг”. Яъни бир-бирингизни ғийбат қилишдан Аллоҳдан қўрқинг. Ғийбат қилманг, чунки ғийбат мусулмонлар ўртасида уруш-жанжал, қон тўкиш, фитна-фасодга сабаб бўлади.

“Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, раҳмли зотдир”. Бу тавба қилишга буйруқ сабабини баён қилувчи гапдир. Зеро, ким Аллоҳдан қўрқса, ғийбат қилишни ташлаб, тавба қилади. Аллоҳ мўмин бандаларига Ўзининг тавбаларни қабул қилувчи, раҳмли зот эканини, ким тавба қилса тавбасини қабул қилишини, унга раҳм қилишини, асло азобламаслигини билдириб қўйди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Аллоҳим, биз ҳам тавба қилдик, тавбаимизни қабул эт, бизларга раҳм айла. Амин.

Етмиш тўртинчи нидо

Аллоҳдан тақво қилиш ва Муҳаммад пайғамбарга иймон келтириш вожиблиги ҳамда бунинг мукофоти

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинг ва Унинг пайғамбарига иймон келтиринг. Шунда Аллоҳ сизларга ўз раҳматидан икки ҳисса ато этади, йўлларингизни ёритадиган нурни қилиб беради ва гуноҳларингизни кечиради. Аллоҳ кечирувчи, раҳмли зотдир” (Ҳадид, 28).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо аҳли китоб бўлган яҳуд ва насоролар ичида Аллоҳга иймон келтирганини даъво қилган, ўзини мўминман деётганларга йўлланган. Аллоҳ уларга иймон номи билан нидо қилди, чунки улар мўминликни даъво қилишар, Муҳаммад пайғамбар олиб келган янги иймонга этиёжимиз йўқ, деб ҳисоблашарди. Аллоҳ уларни Ўзидан тақво қилишга буюрди. Зеро Аллоҳга чин иймон келтирган мўмин Аллоҳдан қўрқади, Аллоҳ буюрган буйруқларни бажариш, таъқиқлаган мункар ишлардан тийилиш билан Унга итоат этади. Тақвога буюрганидан сўнг Аллоҳ таоло уларни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтиришга амр этди. Чунки улар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни инкор қилган, у зотнинг инсониятга пайғамбар этиб юборилганларини эътироф этмаган эдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло аҳли китоблар ичидан мўминликни даъво қилганларни Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар ва элчи эканларига иймон келтиришга буюрди. Бу буйруққа итоат этиб тўлиқ иймон келтирсалар, Аллоҳ ва Расулининг барча буйруқ ва тақиқларига бўйсунсалар, Аллоҳ уларга мўминларга ато этадиган раҳмат ва ажр-мукофотдан икки ҳисса беришини ваъда қилди. Ортиқча бир улуш уларнинг Мусо, Исо ва булардан бошқа Иброҳим, Нух, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Довуд алайҳимуссалом каби ўтган пайғамбарларга иймон келтирганлари сабаблидир. Бундан ташқари уларга дунёда унинг ёруғида юришлари учун нур ато этади. Бу нур Исломга ҳидоятланишдир. Ислом тўғри йўл бўлиб, бу йўлда юрган киши асло адашмайди ва бахтсиз бўлмайди. Охиратда эса жаннатга элтувчи йўл узра бўладилар. **“Шунда Аллоҳ сизларга ўз раҳматидан икки ҳисса ато этади, йўлларингизни ёритадиган нурни қилиб беради”** оятининг маъноси шудир. Яна Аллоҳ таоло уларнинг Исломга киришдан олдинги гуноҳларини ҳам, шу кундаги гуноҳларини ҳам кечиб юборади. Мўмин киши ҳам гуноҳ қилиб қўйиши мумкин, лекин тавба ва истиғфор билан гуноҳлари мағфират этилади. Тавба қилмай вафот этган бўлса қиёматга қолади. Қиёматда кечирилиб юборилиши ҳам, қилмишига яраша жазоланиб, дўзахга тушиши ҳам мумкин, Аллоҳ сақласин. Мўмин бўлгани учун кофир ва мушриклар каби дўзахда

абадий қолмайди, жазосини олгач иймони ва солиҳ амаллари боис дўзахдан чиқади.

“Аллоҳ кечирувчи, раҳмли зотдир”. Шундай экан, Аллоҳ уларга берган ваъдаси устидан чиқиб, уларнинг ўтган ва ҳозирдаги гуноҳларини кечиради, дунёда ҳам, охиратда ҳам уларга раҳм қилади. Зеро, Аллоҳ таоло тавба қилган бандаларининг гуноҳини мағфират этувчи, меҳрибон Зотдир. Модомики бандалар гуноҳга қўл урмасалар, ёмонликлар қилмасалар, Аллоҳ уларни азобламайди.

Аҳли китоблар Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириб, Ислом динига кирсалар ажр-мукофотлари икки ҳисса қилиб берилиши ҳақидаги: **“икки ҳисса ато этади”** оятини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари ҳам таъкидлайди: “Уч нафар инсонга ажр-мукофотлари икки ҳисса қилиб берилади. Биринчиси: аҳли китоб бўлган киши; у ўз пайғамбарига ҳам, менга ҳам иймон келтирган, ана шундай кишига икки ажр бўлади. Иккинчиси: Аллоҳ таолонинг ҳаққини ҳам, хўжайинининг ҳаққини ҳам адо этган қулга икки ажр бўлади. Учинчиси: чўриси бўлган киши чўрисига чиройли одоб берса, сўнг уни озод қилиб унга уйланса, шундай кишига ҳам икки ажр бўлади” (Бухорий ва Муслим ривояти).

Бу оятнинг бошқа бир тафсири ҳам бор. Унга кўра, бу оятлар биз мўминлар учун нозил қилингандир. Араб бўладими, ажамми, мушриклардан бўладими, аҳли китобданми, кимда-ким иймонга келган, Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар деб эътироф этган бўлса, ушбу оят ҳаммасига тегишлидир. Демак, иймон номи билан қилинган ниодоларнинг бари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларига йўлланган экан. Саид ибн Жубайр раҳимаҳуллоҳ айтади: “Аҳли китоблар ўзларига икки ажр бўлишини айтиб фахрланганларида Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссалом уммати ҳақида ушбу оятни нозил қилди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинг ва Унинг пайғамбарига иймон келтиринг. Шунда Аллоҳ сизларга ўз раҳматидан икки ҳисса ато этади”**, яъни раҳматидан икки улуш беради. Қўшимчасига **“йўлларингизни ёритадиган нурни қилиб беради”**, яъни ҳидоят беради, у билан жаҳолатдан чиқиб, тўғри йўлни топасиз. **“Ва гуноҳларингизни кечиради”**, Аллоҳ нур ва мағфират ато этиб, сизларни Ўз фазл-марҳамати билан сийлайди” (Ибн Жарир ривояти).

Оят охиридаги ушбу сўзлар шу маънони қўллаб-қувватлайди: **“Аҳли китоблар Аллоҳнинг фазлидан бирон нарсага етиш ё ундан бировни ман этишга қодир эмасликларини, фазлу марҳаматнинг ҳаммаси ёлғиз Аллоҳнинг қўлида, уни Ўзи истаган бандасига беришини билишлари учун Аллоҳ сизларга мазкур неъматларни ато этди. Аллоҳ буюк фазлу марҳамат эгасидир”** (Ҳадид, 29). Яъни Биз аҳли китоблардан бошқа чин мўмин бандаларимизга ажр-мукофотни икки ҳисса қилиб бердик. Бунга қўшимча, уларга йўлларини мунаварр қилувчи нур ато этдик. Мақтанчоқ аҳли китоблар Аллоҳ таоло қайси

бир бандасига Ўз фазлу марҳаматидан ато этишни ирода қилса, ундан бирон нарсани ман этишга қодир эмасликларини билиб олишлари учун шу неъматларни бердик, дейди Аллоҳ таоло.

Катта илм бўлган бу ҳақиқатларни яхши билиб олинг. Аллоҳ илмларимизни зиёда қилсин.

Етмиш бешинчи нидо

Гуноҳ, адоват ва Пайғамбарга осийлик борасида пичирлашиш ҳаромлиги, яхшилик ва тақвода пичирлашиш мумкинлиги

“Эй иймон келтирганлар, ўзаро пинҳона сўзлашган пайтингизда гуноҳ, адоват ва Пайғамбарга хилоф қилиш борасида пичирлашманг. Фақат яхшилик, тоат-ибодат ва тақво ҳақида сўзлашинг. Аллоҳдан тақво қилинг. Зеро, яқинда Унинг ҳузурига қайтасиз. Гуноҳ ва адоватга сабаб бўладиган сўзларни пинҳона сўзлашиш шайтоннинг васвасасидандир. Бу билан у мўминлар қалбига маҳзунлик киритишни истайди. Ҳолбуки, Аллоҳнинг изни иродасисиз уларга ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Шундай экан, мўминлар ёлғиз Аллоҳга таваккул қилсинлар” (Мужодала, 9-10).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига: **“Эй иймон келтирганлар”**, деб нидо қилди. Чунки мўмин киши иймони билан чинакам тирикдир. Чақириқни эшитади, ўзига айтилган гапни фаҳмлай олади. Бу унинг ҳақиқий тирик эканини кўрсатади. Аллоҳ таоло мўминларни руҳий, ҳам ахлоқий жиҳатдан етук бўлишлари учун уларга таълим бериб нидо қилди. Зеро, Аллоҳ мўминларнинг дўсти ва ёрдамчисидир, мўминлар эса Унинг бандалари ва дўстларидир. Аллоҳ мўминларга нидо қилиб деди: **“ўзаро пинҳона сўзлашган пайтингизда”** яъни бирон зарурат юзасидан бир-бирингизга пичирлаб гапирганингизда, **“гуноҳ, адоват ва Пайғамбарга хилоф қилиш борасида пичирлашманг”**. Акс ҳолда бир-бири билан гаплашганида гуноҳ-маъсият ҳақида пичирлашадиган яҳудий ва мунофиқ кимсаларнинг ишини қилган бўласиз. Улар гуноҳ ишларда пичир-пичир қилганлари каби Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда саҳобаларга адоват, Аллоҳ ва Расулига исён қилиш борасида ҳам пичирлашардилар. Аллоҳ ва Расулига итоат этмасликни бир-бирларига тавсия қилардилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло мўмин дўстларини **“гуноҳ”**, яъни ғийбат, беҳаё ва ёмон сўзларда, **“адоват”**, яъни зулмда ва **“Пайғамбарга хилоф қилиш борасида”**, яъни Расулulloҳ буюрган ё ман қилган айрим ишларда у зотга итоат этмаслик хусусида пичирлашишдан қайтарди: **“Эй иймон келтирганлар, ўзаро пинҳона сўзлашган пайтингизда”**, яъни бир-бирингиз билан пинҳона гаплашишга бирон зарурат туғилиб қолган тақдирда ҳам, душманингиз бўлмиш яҳуд ва мунофиқлар қилганидек гуноҳ, адоват ва Пайғамбарга хилоф қилиш борасида пичирлашманг. Яҳуд ва мунофиқ кимсалар хусусида оят нозил бўлган: **“Эй Пайғамбар, ҳаром ва гуноҳ ишларда махфий сўзлашишдан қайтарилган яҳудийларни кўрмадингизми? Улар ўзлари қайтарилган ишга яна қайтишиб, гуноҳ, адоват ва Пайғамбарнинг амрига хилоф бўлган ишларда махфий сўзлашмоқдалар...”** (Мужодала, 8).

Аллоҳ таоло яҳуд ва мунофиқлар пичир-пичирига ўхшаш пичирлашдан мўмин бандаларини қайтаргач, уларга яхшилик, Аллоҳ ва Расулига тоат-ибодат борасида пичирлашишга рухсат берди: **“Фақат яхшилик”**, яъни гуноҳ ва ёмонлик бўлмаган том маънодаги яхшилик ҳақида ва тақво борасида, яъни буюрган ва ман қилган ишларида Аллоҳ ва Расулига итоат этиш борасида сўзлашинг. Сўнг мўминларни тақвога буюриб: **“Аллоҳдан тақво қилинг”**, деди. Бу билан Аллоҳ таоло тақвога буюришининг боисига ишора қилди. Бунинг боиси шуки, мўминлар қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурига тўпланадилар. Аллоҳ ҳисоб-китоб қилиб, ҳар бир кишига қилган амалига яраша жазо ё мукофот беради. Шунинг учун тақво қилиб, Аллоҳ ва Расулига итоат қилишлари қиёмат куни дўзахдан нажот топиб, жаннатга киришлари учун мўминларнинг ўзларига керак бўлган бирламчи ишдир.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадис юқорида айтилган сўзларнинг тасдиғи ва баёни ўлароқ етарли далил бўлади. Келинг, ҳадисга қулоқ тутайлик: Ҳумам Қатодадан, у Сафвон ибн Мухриздан қилган ривоятда Сафвон раҳимахуллоҳ бундай деди: “Абдуллоҳ ибн Умарнинг қўлини тутиб кетаётганимда бир киши у зотнинг йўлига чиқиб: “Қиёмат кунидаги пичирлашиш ҳақида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам нима деганларини эшитганмисиз?” деди. Абдуллоҳ ибн Умар жавоб берди: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб айтганларини эшитганман: “Аллоҳ таоло мўмин бандасини Ўзига яқинлаштиради, унга парда ташлаб, одамлардан тўсади ва гуноҳларига иқрор қилдиради. “Мана бу гуноҳ эсингдами? Бу гуноҳ-чи? Мана буниси-чи?” дейди. Мўмин банда гуноҳларига иқрор бўлиб, ҳалок бўлдим, деб турганида Аллоҳ таоло: “Мен гуноҳларингни дунёда беркитган эдим, бугун эса кечириб юбораман”, дейди ва номаи аъмоли ўнг тарафдан берилади. Аммо кофир ва мунофиқлар ҳақида гувоҳлар, яъни фаришталар айтади: “Мана шулар Аллоҳ таоло шаънига ёлғон гапларни айтган эдилар. Билиб қўйинглр, золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай” (Муттафақун алайҳ).

Бу нидодаги Аллоҳ таолонинг: **“Гуноҳ ва адоватга сабаб бўладиган сўзларни пинҳона сўзлашиш шайтоннинг васвасасидандир”** деган сўзларига келсак, мўминларни ғам-андухга солиш учун гуноҳ-маъсият ва душманчилик келтириб чиқарадиган пичир-пичирга ундовчи шайтондир. Шунинг учун Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам уч киши турганида бири қолиб, иккиси пичирлашиб гаплашишини ман этганлар: “Уч киши бўлсангиз, то одамлар ичига кирмагунингизча бирингиз қолиб, иккинги ўзаро пичирлашмасин. Чунки бу уни (яъни учинчи кишини) ранжитади” (Бухорий ривояти). “Саҳиҳ”да Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда эса: “Уч киши турган бўлса, бири қолиб иккиси пичирлашмасин”, деб айтганлар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам. Салаф уламолари ва кейинги аҳли илмларнинг аксари шу гапни айтишган,

яъни икки киши учинчиларини, уч киши тўртинчиларини, беш киши олтинчиларини ажратиб қўйиб, ўзаро пичирлашишлари жоиз эмас. Чунки бу иш бир мажлисда ўтирган биродарлари уни бир четда қолдириб ўзлари пичирлашган мўминнинг қалбига хафалик ва қўрқув солади. Бу ҳукм уруш ва хавф ҳолатигагина хос эмас, балки ҳар қандай ҳолатга ҳам тааллуқлидир. Қуръони каримда Аллоҳ таоло марҳамат қилган: **“Одамларнинг ўзаро гаплашадиган аксарият хуфёна гапларида ҳеч бир фойда йўқ, фақат садақа қилиш ёки яхши сўзлар айтиш каби яхшиликларга чорловчи, ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга чақирувчи сўз бўлса, бундан мустаснодир”** (Нисо, 114). Халққа фойда бўлгани учун садақа қилиш, яхшиликлар ва одамлар орасини ислоҳ этиш борасидаги хуфёна гаплар жоиз бўлади.

Нидо сўнгида Аллоҳ таоло айтмоқда: **“Гуноҳ ва адоватга сабаб бўладиган сўзларни пинҳона сўзлашиш шайтоннинг васвасасидандир”**, яъни мўминлар ўртасида озор-азият келтириб чиқариш учун гуноҳ-маъсият ва душманчиликда пичир-пичирга ундовчи шайтондир. Бу билан у мўминлар дилини хира қилишни истайди. **“Ҳолбуки, Аллоҳнинг изни иродасисиз уларга ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Шундай экан, мўминлар ёлғиз Аллоҳга таваккул қилсинлар”**. Шунинг учун мўмин киши яҳудий ёки мунофиқ кимсалар пичирлашса ғамга ботмаслиги лозим. Ўзининг мўмин биродарлари пичирлашишига ранжимаслиги янада авлодир. Унинг ўрнига Аллоҳга таваккул қилсин, ишини Аллоҳга топшириб қўйсин. Зеро, Аллоҳ мўмин бандасига озор етказадиган барча ёмонликлардан асрагувчи дўстидир.

Етмиш олтинчи нидо

**Даъват манфаати учун мажлисда сурилиб жой бериш сўралса сурилиш,
туриб кетиш талаб қилинса туриб кетиш вожиблиги**

“Эй иймон келтирганлар, бирон мажлис ё суҳбатда ўтирган пайтингизда сурилиб, бир-бирингизга жой бериш сўралса, жой беринг. Шунда Аллоҳ дунёю охиратда сизларга ҳам кенглик ато этади. Ўзингиз учун яхшилик бўлган бирон иш учун ўтирган ўрнингиздан туриб кетишингиз сўралса, дарҳол туриб кетинг. Аллоҳ сизлардан чин мўмин бўлганлар ва илмли кишиларнинг мартабаларини юқори қилади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир” (Мужода, 11).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, навбатдаги бу илоҳий нидо ҳам бундан олдинги нидо каби мўминларнинг тарбияси ва одоб-ахлоқи борасида сўз юритди, токи улар икки дунёда саодат топиб, баркамол ҳаётга эришсинлар.

Бу нидода ҳам Аллоҳ таоло мўмин бандаларига нидо қилиб деди: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар деб иймон келтирган, шу билан мукамал тирик инсон бўлиб, эшитиб, итоат этишга лаёқатли бўлган эй мўминлар!

“Бирон мажлис ё суҳбатда ўтирган пайтингизда сурилиб, бир-бирингизга жой бериш сўралса жой беринг”. Яъни эй мўминлар, сизларга ахлоқ-одоб ўргатувчи мураббий ва муаллимингиз Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салам ёки устозларингиз бўлган уламолар ва ўзларингиздан бўлган бошлиқлар: **“Сурилишинглар, бошқалар ҳам ўтириши учун бир-бирингизга жой очинглар, Расулulloҳга ё бирон устозга ёки дунё ва охиратда сизга асқотадиган яхшиликларни эслатувчи даъватчи инсонга яқин ўтираман деб бахиллик қилманглар”**, десалар қулоқ солинг. Шунинг билан, сиздан бир оз сурилиш ё жой бериш сўралганда сурилиб жой берсангиз, Аллоҳ таоло дунёда ризқингизни, барзахда қабрингизни кенг қилиб, жаннатда кенг қасрлар билан муносиб тақдирлайди. Бундай мукофотни Аллоҳнинг ўзи ваъда қилган: **“Шунда Аллоҳ дунёю охиратда сизларга ҳам кенглик ато этади”**.

Илм мажлисларида сурилиб, жой беришга бўлган амр ва бунга берилажак мукофотлар ваъдаси Аллоҳ таоло тарафидандир. Буни ғанимат билинг, эй иймонида содиқ мўминлар. Расулulloҳга яқин ўтириш ёки бошқа бирон олим ва ҳокимга яқин бўлиш учун жой беришга бахиллик қилиб Аллоҳ ваъда қилган ризқ, қабр ва жаннат кенглигини қўлдан бой берманг.

Бу нидодаги Аллоҳ таолонинг: **“Ўзингиз учун яхшилик бўлган бирон иш учун ўтирган ўрнингиздан туриб кетишингиз сўралса, дарҳол туриб кетинг. Аллоҳ сизлардан чин мўмин бўлганлар ва илмли кишиларнинг мартабаларини**

юқори қилади” деган сўзлари ҳам буйруқ, ҳам ваъдадир. Ким буйруқни бажарса, илоҳий ваъдага мушарраф бўлади.

Аллоҳ таолонинг: **“Ўзингиз учун яхшилик бўлган бирон иш учун ўтирган ўрнингиздан туриб кетишингиз сўралса, дарҳол туриб кетинг”** деган сўзлари буйруқдир. Яъни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик чоғларида: **“Ўрнингдан тур”**, десалар ёки у зотнинг вафотларидан сўнг бирон олим киши ё даъватчи ё мусулмонлар хавсизлигини таъминловчи бошлиқ ўтирган ерингиздан туришни талаб қилса, дарров туриб кетинг. Модомики, улар сизни турғизиб, бошқа кишини ўрнингизга ўтқазмоқчи эканлар, буни зарурат тақозоси, исломий даъват манфаати учун қиладилар. Ёки сизга намозга, жиҳодга, ё бошқа бирон эзгу иш учун тур, десалар туринг, чунки бу Аллоҳнинг амридир: **“Ўзингиз учун яхшилик бўлган бирон иш учун ўтирган ўрнингиздан туриб кетишингиз сўралса, дарҳол туриб кетинг”**.

Аллоҳнинг ваъдаси эса: **“Аллоҳ сизлардан чин мўмин бўлганлар ва илмли кишиларнинг мартабаларини юқори қилади”**. Яъни дунёда нусрат-ғалаба ато этиш ва яхши ном қозондириш, охиратда эса жаннат қасрларига эга этиш билан даражаларини баланд қилади.

Эй мўминлар, орангиздаги илм эгалари бўлмиш олимлар иймон, илм ва амални жамлаганлари боис Аллоҳ таоло уларнинг мартабасини кўтаради. Умар разияллоҳу анҳу халифалик даврида бўлган воқеа бунга далил бўлади: **“Халифа Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Маккага Нофеъ ибн Абдулҳорисни волий қилиб юборган эди. Кунларнинг бирида уни Усфонда (Маккадан 80 км масофадаги ерда) учратиб қолади ва: “Ўрнингга Макка аҳлига кимни қолдирдинг?”** деб сўради. Нофеъ: **“Озод қилган қулимиз Ибн Абзани ўрнимга қолдириб келдим”**, деди. Умар разияллоҳу анҳу: **“Уларга озод қилинган қулни бош қилдингми?”** деган эди, Нофеъ: **“Эй мўминлар амири, у Аллоҳнинг китобини тўлиқ ёд олган қори, фароиз илмида олим ва ўткир воиз”**, деб жавоб берди. Шунда Умар ибн Хаттоб деди: **“Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бежиз айтмаган эканлар: “Аллоҳ таоло бу Қуръон билан баъзи одамлар мартабасини кўтарса, айримларини туширади”** (Муслим ривояти).

Аммо ҳеч бир эҳтиёжсиз ўтирган ўрnidан туриш ёки бировни турғизиб, ўрнига ўтириш жоиз эмас. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳадис бор: **“Ҳеч бир киши ўзи ўтириши учун бошқа кишини ўрnidан турғизиб юбормасин. Аксинча, сурилиб, бир-бирингизга жой беринг”** (Муттафақун алайҳ). Бошқа бир ҳадисда: **“Бирон киши бошқа бир кишини ўрnidан турғизиб ўзи ўтириб олмасин. Аммо, сурилиб жой беринглар, шунда Аллоҳ дунёю охиратда сизларга ҳам кенгчилик беради”**.

Шуни ҳам билиб қўйиш керакки, мўмин киши аҳли илмларга ё кексаларга ҳеч кимнинг буйруғисиз, ўз ихтиёри билан туриб жой бериши жоиз, бунда ҳар икки томонга ҳам маломат йўқдир. Шунингдек, оми киши намозда имомнинг

орқасида турган бўлса, шу аснода олим киши келиб қолса, оми киши орқага ўтиб олим унинг ўрнида туриши лозим. Бунга ушбу ҳадис далилдир: “Намозда менга оқил ва болиғларингиз яқин турсин” (Муслим ривояти). Сўнг оқил ва болиғларга яқин бўлганлар, сўнг уларга яқин бўлганлар сафда туриши керак.

Нидонинг охирида: **“Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир”** деган сўзлари билан Аллоҳ таоло бандаларига Ўз илмини, ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг ҳолидан хабардор эканини эслатмоқдаки, бандалар Аллоҳ мени кўриб турибди, деб, Аллоҳ ва Расулига итоат этишда бардавом бўлсинлар. Аллоҳдан тақво қилсинлар, Аллоҳ билан дўстлик алоқасини муҳофаза этсинлар. Шунда икки дунёда ҳам хавф ва қайғудан омонда бўладилар. Аллоҳ буни барчамизга насиб этсин.

Етмиш еттинчи нидо

Расулulloҳ билан махфий сўхбатлашишдан олдин муҳтожларга садақа бериш ҳукми, намоз, закот ҳамда Аллоҳ ва Расулига итоат вожиблиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, қачон Пайғамбар билан махфий сўзлашмоқчи бўлсангиз, бу сўзлашувдан олдин муҳтож кишиларга садақа беринглар. Мана шу ўзингиз учун яхши ва қалбларингизни гуноҳдан покловчидир. Агар садақа қилиш учун бирон нарса тополмасангиз, сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ кечирувчи, раҳмли зотдир. Расулulloҳ билан ёлғиз сўзлашувдан олдин садақа берсак камбағал бўлиб қоламиз, деб қўрқдингизми? Модомики, ўзингизга буюрилган ишни қилмаган экансиз ва Аллоҳ бунинг учун тавбаларингизни қабул қилган экан, энди намозни тўкис адо этинг, закотни ўтанг, Аллоҳ ва Расулига итоат этинг. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир” (Мужодала, 12-13).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо шаръий бир ҳукми олиб келди. Унга кўра, саҳобалардан бирлари Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан гувоҳларсиз, ёлғиз ўзи махфий сўхбатлашмоқчи бўлса, олдин камбағал-мискинларга садақа қилиб, сўнг сўхбатга келиши вожиб қилинган эди. Бироқ уруш ҳолати ва муҳтожлик сабабидан улар бу ҳукми бажаришга қодир бўла олмадилар. Бундан ташқари, саҳобалар бу ҳукм уларни тарбиялаш, одоб ўргатиш учун жорий қилинганини англаб етдилар. Табиийки, ҳамма ҳам Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ҳеч ким халақит бермаган ҳолда холи гаплашишни истайди. Аммо буни амалда татбиқ қилиш осон эмас, чунки ҳар бир киши билан алоҳида гаплашишга вақт ҳам етмайди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга машаққат бўлади, толиқишларига олиб боради. Саҳобалар Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан холи сўхбатлашишни талаб қилмайдиган бўлишгач, Аллоҳ таоло бу ҳукми бекор қилди ва зарурат туғилганда сўзлашувдан олдин садақа қилмай сўхбатлашишга рухсат берди.

Юқоридаги ҳукм жорий қилинганида Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳудан бошқа биронта саҳоба сўхбатлашувдан олдин садақа қилгани собит бўлмаган. Ҳазрат Али ҳақларида Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо бундай деган эди: “Али разияллоҳу анҳуда уч фазилат бор. Шулардан бирининг менда бўлиши қизил туяларим бўлганидан кўра менга суюклироқдир. Бу фазилатлар – Фотима разияллоҳу анҳога уйланиши, Хайбар куни унга байроқ берилиши ва Расулulloҳ билан махфий равишда сўзлашув ҳақидаги оят”. Шу оятдаги ҳукмга юқорида айтганимиздек фақат Али разияллоҳу анҳу амал қилишга мушарраф бўлган.

Қуйида бу ояти карима ўз ичига олган аҳкомларни баён қиламиз:

“Эй иймон келтирганлар”, яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб иймон кетирган эй мўминлар!
“Қачон Пайғамбар билан махфий сўзлашмоқчи бўлсангиз”, яъни одамлардан холи, алоҳида гаплашмоқчи бўлсангиз, **“бу сўзлашувдан олдин муҳтож кишиларга садақа беринглар”**. Аллоҳ таоло ким Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан гувоҳларсиз ёлғиз ўзи сўзлашишни истаса, сўзлашувга келишдан олдин муҳтожларга садақа беришини амр этди. Бу буйруқ аввало камбағаллар манфаати учун жорий қилинган ва қолаверса бу билан Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга енгиллик қилиш ҳам кўзда тутилган эди. Чунки ҳар бир мўмин Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан холи қолиб суҳбатлашишни, у зотга яқин бўлишни хоҳлайди. Расулulloҳ ҳам инсон, барча билан алоҳида гаплашишга вақтлари етмайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло у зотга енгиллик қилиш учун шу садақани жорий қилганини мўминларга англадиб қўйди. Саҳобалар буни англашгач ҳамда кўплари камбағаллик туфайли садақага арзигулик нарса топа олишмагани боис садақа қилолмагач Аллоҳ таоло бу ҳукми бекор қилди. Бу ҳукм бир неча кун амалда бўлиб, узоқ давом этмай мансух-бекор бўлган.

“Садақа берсак камбағал бўлиб қоламиз деб, қўрқдингизми?” Яъни ҳар бир суҳбатлашув олдидан садақа қилсак камбағал бўлиб қоламиз деб қўрқсангиз...

“Модомики, ўзингизга буюрилган ишни қилмаган экансиз ва Аллоҳ бунинг учун тавбаларингизни қабул қилган экан”, яъни вожиб қилинган садақа ҳукми бекор қилинган, Расулulloҳ билан махфий суҳбатлашиш олдидан садақа беришдан аввалги ҳолатга сизларни қайтарилган экан, **“энди намозни тўкис адо этинг”**, яъни фарз, вожиб ва суннатларини тўлиқ бажариб, масжидда жамоат билан адо этинг ва **“закотни ўтанг”**, яъни мол-мулкингиз устида фарз бўлган закотни эгаларига беринг, зеро закот бериш ва шу каби нафсни покловчи ибодатларда қалб ва молнинг покланиши бордир. Бу биринчидан. Иккинчидан эса: **“Аллоҳ ва Расулига итоат этинг”**, яъни буюрилган фарз амалларни бажариш ва ман қилинган ҳаром ишлардан тийилиш билан Аллоҳ ва Расулнинг амрига сўзсиз бўйсунинг. Эй мўминлар, шу ишларни қилишингиз Расулulloҳ билан махфий суҳбатлашиш олдидан садақа беришингиз ўрнига ўтади. Сизларга енгиллик бўлиши учун суҳбатлашув олдидан садақа бериш ҳукмини Аллоҳ таоло бекор қилди. Зеро Аллоҳ мўминларнинг дўсти ва ёрдамчисидир, мўминлар эса Унинг бандалари ва дўстларидир.

“Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир”. Шундай экан, Унинг кўриб турганини хис қилган ҳолда қадамингизни ўйлаб босинг. Аллоҳ ва Расулига итоат этишда сусткашлик қилманг. Шундай қилсангиз, дўзахдан қутулиб, жаннатга кириш билан нажот топувчилардан бўласиз.

Шу ўринда илмий бир фойда ҳақида айтиб ўтамиз: Бу насх-бекор қилиш масаласидир. Насх қилиш Қуръон ва суннатда собит бўлган. Қуръонда Аллоҳ

тало айтади: **“Бирон оятни бекор қилсак ёки уни диллар ва зеҳнлардан ўчирсак, сизлар учун ундан кўра фойдалироғини ёки унга тенг бўлган бошқа бирини келтирамиз”** (Бақара, 106). Ҳадисда келгани Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидир: “Мен сизларни қабр зиёратидан қайтарган эдим, энди зиёрат қилаверинг. Зеро, қабрлар зиёрати охиратни эслатади” (Муслим ривояти).

Бундан олим, даъватчи кишилар Қуръон ва суннатдаги носих ва мансукларни билишлари вожиб экани келиб чиқади.

Али разияллоҳу анҳу масжидда одамларга ваъз айтаётган кишини чақиртириб: “Носих ва мансукни биласанми?” деб сўради. Киши: “Йўқ”, деди. Али разияллоҳу анҳу: “Унда бизнинг масжидларимизда ваъз-насихат қилма”, деди. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ҳам шунга ўхшаш ривоят келган, фақат унда Ибн Аббос илмсиз ваъз қилаётган кишига: “Ҳалок бўлибсан, ҳалок бўлибсан”, деб айтган.

Бу сўзларни доим ёдда тутайлик.

Етмиш саккизинчи нидо

Тақво қилиш, охират тадоригини кўриш ва Аллоҳни зикр этишнинг
вожиблиги ҳамда хасрат ва маҳрумликка олиб борувчи ғафлатнинг
ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинглар. Ҳар бир жон қиёмат кунига ҳозирлаб қўйган ишлари ҳақида фикр юритсин. Аллоҳдан қўрқинглар. Аллоҳ қилаётган амлларингиздан хабардордир. Сизлар Аллоҳни унутган яъни Унинг амр-фармонларига итоат этмаган оқибатда Аллоҳ ҳам уларга ўзларини унуттирган яъни ўзларига охиратда фойда берадиган амаллар қилишдан юз ўгиртириб қўйган кимсаларга ўхшаманглар. Ана ўшалар фосиқ кимсалардир. Дўзах эгалари билан жаннат эгалари тенг эмаслар. Жаннат эгалари барча мурод-мақсадларига эришган кишилардир” (Ҳашр, 18-20).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига иймонли бўлганлари учун нидо қилиши ёдингизда бўлса керак. Чунки мўминлар иймон билан том маънода тирикдирлар, нидо қилувчининг нидосини эшитиб, лаббай деб ижобат қиладилар.

Навбатдаги бу илоҳий нидода ҳам Аллоҳ таоло мўминларга: **“Эй иймон келтирганлар”** деб нидо қилмоқда, яъни эй Аллоҳга ва қиёмат куни Унга йўлиқишга иймон келтирган, Пайғамбар Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у зот олиб келган шариатга инонган, Қуръон ва ундаги нарсаларга ишонган мўминлар: **“Аллоҳдан қўрқинглар”**, сизни яратган Раббингиз азза ва жалладан тақво қилинглар. Тақво – Аллоҳнинг китоби ва Расулининг суннатида буюрилганидек фарз амалларни адо этиш ва ҳаром ишлардан ҳазар қилишдир. Яна тақво эзгу ишлар, солиҳ амалларга шошилиш ва мусобақалашиш ҳамдир. Аллоҳ таоло мўминларни тақвога буюрганидан сўнг алоҳида ҳар бир жон эгасини эртанги кунга қандай яхши амалларни ҳозирлаб қўйганига назар солишга буюрди. Шунингдек қандай ёмон ишлар қилганига ҳам қараб қўйишига амр этди. Чунки ҳар бир банда ўзи қилган амалларга кўра жазо ё мукофот олади. Эртанги кундан мурод қиёмат кунидир. Қиёмат куни ҳисоб-китоб ва жазо ё мукофот олинадиган кундир: **“Ким қиёмат куни Раббига солиҳ амаллардан биргина амал билан йўлиқса, унга ўша амалнинг ўн баробарича ажру савоб берилади. Ким Раббига битта ёмон амали билан йўлиқса, ўшанча жазо билан жазоланади. Уларга зарра миқдорида ҳам зулм қилинмайди”** (Анъом, 160). Сўнг тақвога бўлган олий амрини яна бир бор такрорлаб: **“Аллоҳдан қўрқинглар”** деди. Яъни Аллоҳ ва Расулига итоат этиш билан Аллоҳнинг азобидан сақланинг, зеро тоат-ибодат билан нафс покланади. Ихлос ва суннатга мувофиқликдан иборат шартни тўлиқ қилиш билан Аллоҳга ибодат деб бажараётган ҳар бир сўзимиз ва амалимиз ҳасанот бўлади. Ҳасанотлар билан эса инсоннинг нафси покланади. Шу билан бирга Аллоҳ таоло бизни қайтарган, ундан ҳазар қилишга буюрган ҳар бир сўз ва

ишни, агар биз осийлик қилиб шу ишларни қилиб қўйсак, бу қилмишимиз туфайли нафсларимиз кирланиб, тубанлашади ва бора-бора шайтон мисоли ёмон нафсга айланиб қолади, Аллоҳ асрасин. Оятни Аллоҳ таоло ушбу сўзи билан тугатди: **“Аллоҳ қилаётган амлларингиздан хабардордир”**. Бу сўзда “Аллоҳ менинг ҳар бир сўзим ва амалимни эшитиб, кўриб турибди” деб, Аллоҳнинг хабардор зот эканини хис этиб туришга ва мана шунга сабр қилишга шижоатлантириш бор. Бу ҳол ўз навбатида Аллоҳнинг жорий этмиш суннатига кўра солиҳ амаллар қилиш ва ёмон ишлардан четланиш билан Аллоҳ ва Расулига итоат этишга тезлайди. Ана шу тарзда ҳаёт кечириш билан банданинг нафси покланиб, софдил инсонга айланади ва Аллоҳ таолонинг розилигига лойиқ, олий мулки ва салтанатида тақводорларга тайёрлаб қўйган жаннат диёрида Унга қўшни бўлишга сазовор этади.

Бу буюк нидодаги иккинчи оятда Аллоҳ таоло бундай деди: **“Сизлар Аллоҳни унутган яъни Унинг амр-фармонларига итоат этмаган оқибатда Аллоҳ ҳам уларга ўзларини унуттирган яъни ўзларига охиратда фойда берадиган амаллар қилишдан юз ўгиртириб қўйган кимсаларга ўхшаманглар. Ана ўшалар фосиқ кимсалардир”**. Бу оят тақводор мўминлар учун Аллоҳнинг чексиз раҳматидир. Мўминлар Аллоҳнинг дўстлари бўлганидан Аллоҳ мўминларни уларга зарар берадиган, уларни бахтсизлик ва зиёнга гирифтор этадиган ишдан қайтарди. Уларга нидо қилиб деди: Ҳой мўминлар Аллоҳ ва Расулига итоат этмай, солиҳ амаллар қилишни ташлаб қўйган кимсалар каби бўлиб қолманг. Мен бундай кимсаларга жазо ўлаоқ ўзлигини унуттириб қўйдим. Натижада улар нафсни покловчи амаллар қилиб уни поклашдан ва бу билан Менинг муҳаббатимни қозониш ва жаннатда Менга яқин бўлишдан маҳрум қолдилар. Сизлар ҳам шундай ҳолга тушиб қолманг.

Аллоҳнинг қонуниятига кўра бу унуттириш бардавомдир, ҳозирда ҳам мавжуддир. Ким Аллоҳни унутса, Уни эсламаса, Унга итоат этмаса, шаҳватларга шўнғиб, гуноҳ ва маъсиятга ботиб кетади ва бу билан фосиқ кимсалар сафидан ўрин олади. Бундай кимса ўзлигини унутади, нафсини поклайдиган амаллар қилмайди. Зеро софдиллик Аллоҳга ибодат қилиш, Аллоҳ буюрган амалларни бажариш, У ман этган гуноҳу маъсиятлардан четланиш билан вужудга келади.

Нидонинг сўнгидаги Аллоҳ таолонинг: **“Дўзах эгалари билан жаннат эгалари тенг эмаслар”** сўзига келсак, тоат ва ибодатли кишилар билан гуноҳ ва маъсиятга ботган кимсалар тенг бўлмаганидек, ҳақ йўлда собитқадам бўлган зотлар билан адашган тоифалар баробар бўлмагани каби, дўзах эгалари билан жаннат эгалари ҳам асло тенг бўлмайдилар. Чунки дўзах эгалари бахтсизлик, зиён ва заҳматда бўлсалар, жаннат эгалари бахт-саодат ва розилик узра бўладилар. Дўзах аҳли бахтсизлик оламининг энг тубида, асфала-софилинда бўлсалар, жаннат аҳли олий фирдавс жаннатида бўладилар.

Қуйида сиз учун азиз ўқувчи бир қанча эслатмаларни келтириб ўтамиз, буларни доим ёдда тутинг, асло унутманг:

- 1- Аллоҳ суйган ишларни бажариш ва аксинча Аллоҳ ёмон кўрган ишлардан четланиш билан Аллоҳ таолодан тақво қилишнинг вожиб экани.
- 2- Токи банда ғафлат босиб гуноҳга тушиб қолмаслиги учун, Аллоҳ ҳар қандай ҳолатдан хабардор эканини хис этиб туришининг вожиблиги.
- 3- Аллоҳни унутишдан ҳазир бўлиш. Чунки Аллоҳни унутиш бандани фосиқликка етаклайди, Аллоҳ сақласин.
- 4- Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг узун хутбаси ичидаги ушбу сўзларни доим ёдда тутинг: “Аллоҳнинг розилиги ирода этилмаган сўзда яхшилик йўқ. Аллоҳ йўлида инфоқ қилинмаган мол-мулкда яхшилик йўқ. Жоҳиллиги ҳалимлигидан устун бўлган кимсада яхшилик йўқ. Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқадиган кимсада яхшилик йўқ”.

Бу сўзларни доим ёдда тутинг, бошқаларга ҳам эслатинг. Аллоҳ яхши амаллар қилувчиларнинг ажр-мукофотларини зое қилмайди.

Етмиш тўққизинчи нидо

Кофирларни дўст тутиш, уларга ёрдам бериш ҳаромлиги, ким шундай қилса саодат йўлидан адашиб кетиши

“Эй иймон келтирганлар, Менинг душманам ва сизларнинг душманингиз бўлган кимсаларни дўст ва яқин тутманглар. Сизлар уларни дўст тутиб, уларга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабарларини ва мусулмонларнинг сирларини етказмоқдасиз. Ҳолбуки, улар сизларга келган ҳақни инкор қилишди. Улар Пайғамбарни ва сизларни Маккадан қувиб чиқардилар. Сабаби, сизлар Раббингиз Аллоҳга иймон келтирасиз ва Уни бир деб эътиқод қиласиз. Эй мўминлар, агар Менинг йўлимда жиҳод қилиб ва Менинг розилигимни истаб ҳижрат қилган бўлсангиз, Менинг душманам ва сизларнинг душманингиз бўлган кимсаларни дўст тутманг. Сизлар уларга хуфёна равишда дўстлик хат-хабарини йўлламоқдасиз. Ҳолбуки, Мен сизларнинг махфию ошкор барча ишларингизни биламан. Сизлардан ким шундай қилса, у тўғри йўлдан адашибди. Агар сизлар хуфёна дўст тутаётган ўша кимсалар устингиздан зафар қозонишса, албатта сизларга душман бўлишади, сизларга ўлдириш ва асир олиш билан қўлларини чўзишади, сўкиш ва ҳақоратлаш билан тилларини чўзишади. Улар қандай бўлмасин, сизларни ҳам ўзлари каби кофир бўлишингизни орзу қиладилар” (Мумтаҳана, 1-2).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Мадинада нозил бўлган бу муборак сура бир сабаб билан нозил бўлган. Нозил бўлиш сабаби хос бўлса-да, лафзнинг умумийлиги эътибор қилинади. Бу суранинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳудан келган ривоятни Имом Муслим ҳадис тўпламида келтирган:

“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мени, Зубайр ва Миқдодни бир топшириқ билан сафарга юбораётиб, бундай дедилар: “Равзаи Хохга (Мадинадан 20 км узоқликдаги ер) боринглар. У ерда бир йўловчи аёл бор. У аёлда мактуб бор. Ана шу мактубни олиб келинглар”. Биз дарҳол от чоптириб, йўлга тушдик. Кўзланган манзилга етиб бориб, ўша аёлни топдик. Унга: “Мактубни бер”, деган эдик: “Менда ҳеч қандай мактуб йўқ”, деди. Биз: “Ё мактубни ўзинг чиқариб берасан ё кийимларингни ечиб бўлса ҳам оламиз”, дедик. Шундан сўнг у соч турмаги ичидан мактубни чиқариб берди. Биз мактубни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга келтирдик. Мактубда Ҳотиб ибн Балтаъа Макка мушрикларига Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айрим ишлари ҳақида хабар берган экан. Расулulloҳ саллаллоу алайҳи ва саллам: “Эй Ҳотиб, бу нимаси?”, дедилар. Шунда Ҳотиб: “Эй Расулulloҳ, устимдан ҳукм чиқаришга шошилманг. Мен Қурайшнинг иттифоқдошларидан эдим. Ўзим қурайшлик эмасман. Маккада атрофингиздаги бошқа муҳожирларнинг аҳли-оиласини ҳимоя қиладиган қариндошлари бор. Мен қурайшлик бўлмаганим учун яқинларимни ҳимоя

қиладиган бир иш қилиб қўяй деб шундай қилган эдим. Буни динимдан қайтиб кофир бўлганим ва Исломдан сўнг куфрга рози бўлганим учун қилмадим. Аллоҳ уларга азобини туширишини, менинг бу мактубим уларни Аллоҳнинг азобидан қутқара олмаслигини, Аллоҳ улар устидан сизга зафар беришини ҳам биламан”, деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Рост айтдинг”, дедилар. Умар разияллоҳу анҳу: “Рухсат беринг эй Расулulloҳ, бу мунофиқнинг бошини танидан жудо қилай” деган эди, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “У Бадр жангида қатнашган. Сен қаердан биласан эй Умар, балки Аллоҳ Бадр иштирокчиларига қараб: “Хоҳлаганингизни қилаверинг, Мен сизларни кечирдим”, дегандир”, дедилар. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни Аллоҳ ва Расулини тасдиқ этган эй мўминлар: **“Менинг душманам ва сизларнинг душмангиз бўлган кимсаларни”** яъни кофир ва мушриклардан бўлган душманларни **“дўст ва яқин тутманглар”** яъни ўзингизга ёрдам берувчи қилиб олманглар. **“Сизлар уларни дўст тутиб мактуб юборяпсиз”**, яъни уларга дўстлик изҳор қиляпсиз, аммо бунинг кетидан келадиган зарарни ўйлаб ҳам кўрмаяпсиз. **“Ҳолбуки, улар сизларга келган ҳақни инкор қилишди”**, ҳақ эса Ислом дини, ақидаси, шариати, Қуръон ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эди. Улар буларнинг барини инкор этиб, кофир бўлдилар. **“Пайғамбарни ва сизларни Маккадан қувиб чиқардилар”**. Ўз диёрингизда турли зулмлар билан сизларни танг аҳволга солдилар, натижада динингизни сақлаш учун ҳижрат қилишга мажбур бўлдингиз. **“Сабаби, сизлар Раббингиз Аллоҳга иймон келтирасиз ва Уни бир деб эътиқод қиласиз”**. Улар сизларни Раббингиз Аллоҳга иймон келтирганингиз учун шу кўйга солдилар. Энди сиз ана шундай золим кофирларни ўзингизга яқин тутиб, дўстлик изҳор этасизми? Бу жуда катта хатодир.

“Эй мўминлар, агар Менинг йўлимда жиҳод қилиб ва Менинг розилигимни истаб ҳижрат қилган бўлсангиз”, яъни модомики ўз диёрингиздан Менинг йўлимда, яъни Менинг диним, Расулим ва дўстларим бўлмиш мўмин бандаларимга нусрат бериш, Менинг розилигимни топиш мақсадида чиққан бўлсангиз, душманам ва сизларнинг душманингиз бўлган кофир кимсаларни дўст тутманг. **“Сизлар уларга хуфёна равишда дўстлик хат-хабарини йўлламоқдасиз”**, яъни яширинча мактуб йўллаб, дўстлик изҳор қилмоқдасиз, уларга Пайғамбарнинг сирларини етказмоқдасиз. **“Ҳолбуки, Мен сизларнинг махфию ошкор барча ишларингизни биламан”**, нафақат сизнинг, балки сиздан бошқаларнинг ҳам яширину ошкор барча қилмишларини биламан. Мана бу ҳолатда ҳам Макка мушрикларига Пайғамбарнинг улар устига тўсатдан ҳужум қилиб, кўп талофотсиз Маккани фатҳ қилиш ниятини ошкор қилиб юборган мактубингиз ҳақида Расулимни огоҳ этдим. **“Сизлардан ким шундай қилса”**, яъни мушрикларга дўстлик изҳор этса, **“у тўғри йўлдан адашибди”**, дунё ва охиратда саодатга етакловчи Исломдан четланибди.

Аллоҳ таолонинг: “Агар сизлар хуфёна дўст тутаётган ўша кимсалар устингиздан зафар қозонишса, албатта сизларга душман бўлишади, сизларга ўлдириш ва асир олиш билан қўлларини чўзишади, сўкиш ва ҳақоратлаш билан тилларини чўзишади. Улар қандай бўлмасин, сизларни ҳам ўзлари каби кофир бўлишингизни орзу қиладилар” деган сўзларидан мурод мўмин бандаларини огоҳ этишдир, яъни бу кофирлар ҳеч қачон эл бўлмайдиган ҳақиқий душмандир. Улар сиз изҳор қилаётган дўстликка парво ҳам қилмайдилар, устингиздан зафар қучиб, имконият топди дегунча сизларга уриш, ўлдириш билан қўлларини, сўкиш ва ҳақоратлаш билан тилларини чўзишади. Бу ҳам етмагандек, сизларнинг ўзлари каби кофир бўлишингизни ва яна қайта ширк ва куфрга қайтишингизни орзу қилишади.

Билим ва маърифатингиз зиёда бўлиши ҳамда тоат-ибодатга қувват ҳосил бўлиши учун қуйида ушбу илоҳий нидо чорлаган ишлар хулосасини келтириб ўтамыз:

- 1) Кофирларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаб дўстлик изҳор қилиш, муслмонларни қўйиб кофирларни дўст тутиш ҳаром экани.
- 2) Муслмонларнинг ҳарбий сирларини яҳуд, насоро ва бошқа кофир душманларга етказишнинг ўта катта гуноҳ экани. Бундай қилган киши гарчи намоз ўқиса ҳам, рўза тутса ҳам катта хатарга тушиши.
- 3) Кофирлар муслмонлар устидан қўли баланд келди дегунча уларга зинҳор раҳм-шафқат қилмаслиги. Чунки кофирларнинг қалби кўр бўлиб қолган, яхшилик нима, ёмонлик нима, билмайди. Улар Аллоҳ ҳар бир қилмишларидан хабардор эканини ҳис қилмай, дилларидаги куфр зулмати боис шу кўйга тушганлар. Бундан ташқари, улар Аллоҳ таолонинг Ўз дўстлари учун ҳозирлаб қўйган неъматларини ва душманларига берадиган азоб-уқубатларини билмайдилар, унга ишонмайдилар.
- 4) Бадр жанги иштирокчиларининг фазилати, Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин.
- 5) Ўзича ижтиҳод қилган, лекин хато қилиб қўйган солиҳ ва содиқ кишилар узрини қабул қилиш маршруъ экани.

Саксонинчи нидо

Куфр диёридан Ислом диёрига ҳижрат қилган муҳожир аёллар ҳукми ва эрлари билан қандай муомала қилишлари баёни

“Эй иймон келтирганлар, агар мўмина аёллар куфр диёридан Ислом диёрига ҳижрат қилиб келсалар, иймонлари ростлигини билиш учун уларни имтиҳон қилинг. Аллоҳ уларнинг иймонлари ҳақиқатини яхши билади. Агар сизлар уларнинг мўмина эканлигини билсангиз, уларни кофир эрларига қайтарманг. Мўминалар кофирларга турмушга чиқишлари ҳалол эмас. Кофирлар мўминаларга уйланишлари ҳалол эмас. Исломга кирган аёлларнинг кофир эрларига улар учун сарфлаган маҳрларини беринглар. Ўша аёлларга маҳрларини бериб уйланишингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир. Кофир хотинларингизни никоҳингизда ушлаб турманг ва Исломдан муртад бўлиб, кофирларга қўшилиб кетган хотинларингизга берган маҳрларингизни мушриклардан талаб қилинг. Улар ҳам Исломга кириб, сизларга келиб қўшилган хотинларига берган маҳрларини талаб қилсинлар. Бу ҳукм Аллоҳнинг ҳукмидир. У шу билан сизларнинг ўртангизда ҳукм қилади. Аллоҳ Билувчи, Ҳаким зотдир. Агар хотинларингиздан баъзилари муртад бўлиб, кофирларга бориб қўшилса ва кофирлар у хотинларга берган маҳрларингизни сизларга бермасалар, кейин сизлар кофирлар билан урушиб, улар устидан ғолиб бўлсангиз, хотинлари кетиб қолган мусулмонларга улар сарфлаган маҳр миқдорича маблағни ўша урушдан тушган ўлжадан беринглар ва ўзингиз иймон келтирувчи бўлган Аллоҳдан қўрқинглар” (Мумтаҳана, 10-11).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, навбатдаги бу илоҳий нидо ҳам бир сабаб билан нозил бўлган. Ҳижратнинг олтинчи йили Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан мушриклар ўртасида сулҳ тузилди. Сулҳ бандларидан бирида Маккадан Мадинага Расулulloҳ ҳузурларига қочиб келган киши гарчи динини сақлаш учун ҳижрат қилган мусулмон бўлса ҳам уни Маккага қайтариб юбориш, аммо мушриклардан бирон киши Мадинадан Маккага қочган бўлса уни қайтармаслик ҳақида ёзилган, бироқ бу бандда аёллар ҳақида бирон нарсa ёзилмаган эди. Шу аснода Уқба ибн Абу Муитнинг қизи Умму Гулсум Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келди. Кетидан акалари Аммор ва Валид уни яна Қурайшга қайтариш учун етиб келишди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбия сулҳида бундай банд бўлмагани учун муҳожир аёлни акаларига қайтариб бермадилар. Шунда ушбу нидо нозил қилинди:

“Эй иймон келтирганлар”, яъни Аллоҳни Раб ва ягона ҳақ илоҳ, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар ва расул, Исломни дин ва шарият деб иймон келтирган эй мўминлар!

“Агар мўмина аёллар ҳузурингизга ҳижрат қилиб келсалар”, яъни куфр диёридан Ислом диёрига келсалар, **“иймонлари ростлигини билиш учун уларни имтиҳон қилинг. Аллоҳ уларнинг иймонлари ҳақиқатини яхши**

билади. Агар сизлар уларнинг мўмина эканлигини билсангиз”, яъни гумонларингиз кўпроқ уларнинг чин мўмина эканига кетса, **“уларни кофир эрларига қайтарманг”**. Имтиҳоннинг кўриниши шундайки, муҳожир аёлга: “Аллоҳга қасам ич, яъни Ундан ўзга ҳақ маъбуд бўлмаган Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, мен Исломга рағбатим туфайлигина ҳижрат қилиб келдим. Эримни ёмон кўрганим ё бу диёрдаги мусулмон кишини севганим учун келмадим, деб айт”, дейилади.

“Мўминалар кофирларга турмушга чиқишлари ҳалол эмас. Кофирлар мўминаларга ўйланишлари ҳалол эмас”. Чунки Ислом мушрика аёлларни никоҳлаб олиш ва мушрик эркакка муслима аёлни никоҳлаб беришни ҳаром қилиш билан бундай эр-хотинлик риштасини ўзиб ташлади. Шунинг учун муҳожир мўмина аёлларни кофир эрларига қайтариб беришга Аллоҳ изн бермади.

Аллоҳ таоло: **“Исломга кирган аёлларнинг кофир эрларига улар учун сарфлаган маҳрларини беринглар”** сўзи билан, агар мушрик эр мўмина хотинидан берган маҳрини талаб қилиб келса, сарфлаган ўша маҳрни сизлар тўлаб беринг, деди. Мушрик эр мўмина аёлига сарфлаган маҳрни мусулмонлар имоми ёки мусулмон жамоаси тўлаб беради.

Оят давомида Аллоҳ таоло: **“Ўша аёлларга маҳрларини бериб ўйланишингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир”**, деди. Никоҳнинг маҳрдан бошқа шартларига ҳам тўлиқ риоя қилган ҳолда, албатта. Шартлар эса, биринчи навбатда валий бўлиши, агар аёлнинг валийси бўлмаса қози валий бўлади. Шаҳарда шаръий қози бўлмаса қариндошлари ичидаги эътиборли киши валийликка ўтади. Никоҳ дуруст бўлишининг яна бир шарти турмушдан чиққан аёл бўлса иддасининг тугаши. Идда тугагачгина бошқа турмуш қуриши жоиз бўлади.

“Кофир хотинларингизни никоҳингизда ушлаб турманг”. Яъни агар эр Исломни қабул қилиб мусулмон бўлса, хотин эса мушрика ҳолида қолса, улар ўртасидаги эр-хотинлик риштаси ўзилади ва мушрика аёл мусулмон бўлган эрига ҳаром бўлиб қолади. Шунингдек, муслима аёл диндан қайтиб муртад бўлса ва куфр диёрига кетиб қолса, ўртадаги эр-хотинлик риштаси ўзилади ва бундай аёлни хотин қилиб ушлаб туриш ҳалол бўлмайди. Бунинг фойдаси шуки, агар киши никоҳида тўртта хотин бўлса, хотинларидан бирининг муртад бўлиши ёки эр мусулмонликни қабул қилиб хотин мушрикалигича қолиши билан эр-хотинлик риштаси ўзилади ва киши унинг ўрнига бошқа аёлга ўйланиши мумкин бўлади. Бу мумкинлик Аллоҳ таолонинг: **“Кофир хотинларингизни никоҳингизда ушлаб турманг”**, сўзидан келиб чиқди. Никоҳ боғланган ҳолда қолиши хотин бошқа эрга тегиб кетишини ман қилади, яъни бошида эри бор аёл бошқа эрга турмушга чиқиши ҳаромдир.

Аллоҳ таоло деди: **“Исломдан муртад бўлиб, кофирларга қўшилиб кетган хотинларингизга берган маҳрларингизни мушриклардан талаб қилинг”**, яъни муртад бўлиб кетган хотиндан унга берган маҳрингизни қайтаришини

талаб қилинг. **“Улар ҳам Исломга кириб, сизларга келиб қўшилган хотинларига берган маҳрларини талаб қилсинлар”**, яъни мушриклар ҳам Исломни қабул қилиб мўмина бўлган ва сизлар яшаётган диёрга ҳижрат қилиб келган собиқ хотинларига берган маҳрни талаб қилсинлар.

“Бу ҳукм Аллоҳнинг ҳукмидир. У шу билан сизларнинг ўртангизда ҳукм қилади”, сизлар буни чин дилдан қабул қилинг ва Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиб, таслим бўлинг. Зеро, бу ҳукм адолатли, меҳрибон Зот тарафидан чиқарилган ҳукмдир.

“Аллоҳ Билувчи, Ҳаким зотдир”, яъни бандаларининг аҳволини, уларнинг эҳтиёжларини билувчи, улар устида чиқарадиган ҳукмида ҳикмат соҳибидир. Буни уларга баён қилиб берган. Шундай бўлгач, бандалар ҳукмни Аллоҳга топширсинлар ва ҳукмига рози бўлсинлар. Зеро, бу ҳукмлар барча учун манфаат асосига қурилгандир.

Бу илоҳий нидодаги Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига келсак: **“Агар хотинларингиздан баъзилари муртад бўлиб, кофирларга бориб қўшилса ва кофирлар у хотинларга берган маҳрларингизни сизларга бермасалар, кейин сизлар кофирлар билан урушиб, улар устидан ғолиб бўлсангиз, хотинлари кетиб қолган мусулмонларга улар сарфлаган маҳр миқдорича маблағни ўша урушдан тушган ўлжадан беринглар”**. Яъни муртад бўлиб кофирлар тарафига ўтиб кетган хотинларингиз – бундай бўлишидан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз – берган маҳрингизни қайтаришдан бош тортсалар, сўнг кофирлар билан жангда зафар қучиб, ғаниматлар қўлга киритсангизлар, уни тақсимлашдан олдин хотини куфр диёрга кетиб қолган ва берган маҳрини қайтармаган мусулмон биродарингизга улар сарфлаган нафақа миқдорича беринглар. **“Ва ўзингиз иймон келтирувчи бўлган Аллоҳдан қўрқинглар”**. Яъни Унинг азобидан қўрқинглар, буюрган ва ман этган барча ишларда осийлик қилмай, Унга итоат этинглар. Бу илоҳий нидода сизларга бирма-бир баён этган адолат, раҳмат ва кўп яхшиликлар бўлган ҳукмларни ҳаётингизга татбиқ қилинглар.

Ҳурматли ўқувчи, ушбу нидодан қуйидаги хулосаларни оламиз:

- 1- Муҳожир бўлиб келган аёлларни имтиҳон қилиш вожиблиги. Уларнинг мусулмонлиги маълум бўлса, кофир эрларига қайтаришнинг ҳаром экани.
- 2- Мушрика аёлга никоҳланиш ҳаром экани.
- 3- Мушрика аёлни хотин қилиб ушлаб туриш жоиз эмаслиги.
- 4- Кимнинг хотини кофирлар тарафга кетиб қолса ва берган маҳрини қайтармаса, сўнг сизлар уларга қарши жанг қилиб ғаниматлар қўлга киритсангиз, ҳар кимнинг улушини тақсимлашдан олдин ҳалиги одамга берган маҳри мислича беринглар. Агар ғаниматлар қўлга киритмасангиз, унда мусулмонлар жамоаси ёки уларнинг имоми беради.

5- Аллоҳ таолонинг шариатини ҳаётга татбиқ қилиш ва ҳукмларига рози бўлиш билан Аллоҳдан тақво қилишнинг вожиблиги.

Саксон биринчи нидо
Яҳудларни дўст тутиш ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ғазаб қилган кимсаларни дўст тутманг. Улар охиратдан худди кофирлар қабрлардаги ўликларнинг қайта тирилишидан умидсиз бўлгани каби умидсиз бўлдилар” (Мумтаҳана, 13).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Мумтаҳана сураси охирида келган ушбу нидо суранинг бошидаги нидо каби мўминларга кофир ва мушрик кимсаларни дўст тутишни ҳаром қилди. Чунки кофир ва мушриклар Аллоҳнинг, Пайғамбарнинг ва мўминларнинг душманидир.

Аллоҳ таоло сура аввалидаги нидода яҳуд ва насоролардан иборат аҳли китобларни дўст тутишни ҳаром қилган эди, чунки улар ҳам Аллоҳ ва Расули ҳамда мўминларнинг душманидир. Ҳаром қилинган дўст тутиш деганда - кофирларга ёрдам бериш, уларни яхши кўриш тушунилади. Зеро, уни яратган, ризқ бериб турган ва ҳаёти мобайнида турли балолардан асраган Раббига душманлик қилиши, Уни зикр қилмаслиги, шукр қилмаслиги, буюрган ва ман қилган ишларда Унга итоат этмаслиги, балки бунинг аксини қилиб Аллоҳ яхши кўрган ишларни ёмон кўриши, Аллоҳ ёмон кўрган ишларни яхши кўриши маъқул ва мақбул иш эмас. Яратувчисига душманлик қилган, Пайғамбар ва мўминларга уруш очган бундай махлуқлардан Аллоҳ паноҳ берсин. Шу сабаб кофирларни дўст тутиш катта гуноҳдир. Иймонида содиқ мўмин кишининг қалбида Аллоҳга, Пайғамбарга ва мўминларга душман бўлган кимсага муҳаббат қўйиш топилмайди. Бу ҳақдаги Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини билиб қўйинг:

“Эй Пайғамбар, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмни Аллоҳ ва Расулига душманлик қиладиган кимсалар билан – гарчи ўз оталари, фарзандлари, ака-укалари ва қариндошлари бўлса-да – дўстлашаётганларини ва уларга муҳаббат қўяётганларини топмайсиз”.

“Ўша кишилар”, яъни гарчи энг яқин жигари бўлса-да кофир кимсага муҳаббат қўймайдиган кишилар: **“қалбига Аллоҳ иймонни мустаҳкамлаб қўйган”**, яъни ўзгармайдиган ва йўқ бўлмайдиган пишиқ қилиб битиб қўйган **“ва уларни қувватлаб қўйган”**, далил-ҳужжат, ҳидоят ва нур билан қувватлаган кишилардир.

“Охиратда уларни дарахтлари ва қасрлари остидан анҳорлар оқадиган жаннатларга киритади. Улар у жаннатларда абадий қоладилар”, ҳеч ўлмайдилар. Бунча неъматга қўшимча Аллоҳ улардан рози бўлди, энди уларга асло ғазаб қилмайди. Улар ҳам Парвардигорлари ато этган олий даражалар ва ҳурмат-эътибордан рози бўлдилар.

“Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳизби ва дўстларидир”, улар шайтоннинг ҳизби ва дўсти эмаслар. Чунки улар Раҳмон таолога итоат этдилар ва шайтонга итоатдан бирон улуш қўймадилар.

Аллоҳ бу эълонни қуйидаги сўзи билан тамомлади: **“Ана ўшалар дунёю охират саодатига эришувчилардир”** (Мужода, 22). Яъни дўзахдан қутулиб, яхшилар диёри жаннатга кириш билан нажотга эришдилар.

Шайтоннинг ҳизби бўлган кофир, мушрик, фосиқ ва мужрим кимсалар қиёмат куни ўзларини ҳам, аҳли-оилаларини ҳам зиёнда қолдирадилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай деди: **“Эй Пайғамбар, айтинг: “Ҳақиқий зиён кўрувчилар қиёмат куни ўзларига ва аҳли оилаларига зиён келтирганлардир. Бу эса дунёда уларни йўлдан оздиришлари ва иймондан адаштиришлари тўғриси бўлган. Билинларки, ўша мушриklar қиёмат куни ўзларини ва аҳли оилаларини бой беришлари очиқ-ойдин зиёндир”** (Зумар, 15).

Мумтаҳана сурасининг сўнгидаги илоҳий нидога келсак, Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни Пайғамбар деб иймон келтирган эй мўминлар!

“Аллоҳ уларга ғазаб қилган кимсаларни дўст тутманг”, яъни уларга ёрдам қўлини чўзиш ва муҳаббат қўйиш билан дўстлашманг. Бу ўринда Раб таоло хоссатан яҳудлар билан дўстлашишни мўминларга ман қилди. Зеро Аллоҳ ғазаб қилган қавм яҳудийлардир. Аллоҳ таоло уларга ғазаб қилишининг сабаби яҳудийлар ҳақни билиб туриб ундан юз ўгиришди. Аллоҳ ҳаром қилган ишларни билиб туриб унга қўл уришди. Ҳидоятни билиб туриб уни тарк этишди ва залолатга эргашиб, шунда маҳкам туриб олишди. Бу қилмишлари Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлиш сабабларининг айримларидир.

“Улар охиратдан умидсиз бўлдилар”, яъни дўзахдан қутулиб, жаннатга кириш саодатидан ноумид бўлдилар. Ноумид бўлишларига сабаб, улар Таврот ва Инжилдан хабардор эдилар. Бу илоҳий китобларда ҳақни билиб ундан юз бурган, Аллоҳ сўйган ишларни ёмон кўрган, билъакс Аллоҳ ёмон кўрган ишларни яхши кўриб, шу ишларни қилиб юрган аҳли китоблар ва улар каби қавмлар устидан Аллоҳ таоло чиқарган ҳукм баён қилинган бўлиб, буни улар яхши билишар эди. Улар жинойатлар уммонига ғарқ бўлган ва ширк, куфр ҳамда Аллоҳ ҳаром қилган ишларни ҳалол санашдек ҳалок этувчи гуноҳларга ботган кунда дўзахдан қутулишдан ва жаннатга киришдан умидларини узган эдилар. Аллоҳ таоло уларнинг умидсизлигини ўлган одам тирилиб қабридан қайта чиқишидан умидсиз бўлган кофирларга ўхшатди. Кофир ҳолида ўлиб кетган кимсалар жаннатга киришдан умидларини уздилар, чунки улар куфрда, яъни кофир бўлиб ўлдилар. Шунингдек, қабрга кўмилган кофирлар ўлгандан сўнг яна дунёга қайтишдан, уларнинг яқинлари эса ўликларининг қайта тирилишидан умидсиз бўлганидек, яҳудлар ҳам ноумид бўлдиар. Буларнинг бари умидсизликдир. Демак, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган яҳудийлар дўзахдан қутулиб, жаннатга кириш билан охират саодатини топишдан умидсиз бўлдилар, ҳуддидкофирлар қабрлардаги ўликларнинг қайта тирилишидан умидсиз бўлгани каби. Сиз азиз ўқувчи эса олиб қолишингиз

ва Аллоҳнинг ғазаби ва азобига дучор бўлиб қолишдан паноҳ тилашингиз учун
бу сўзларни қайта-қайта зикр қилдик.

Саксон иккинчи нидо

Айтган сўзига амал қилмайдиган кишиларга дашном ва Аллоҳ майдонда
собит турувчи мужоҳидларни яхши кўриши ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, нега қилмайдиган ишингизни гапирасиз?! Ўзингиз қилмайдиган ишни тилларингиз билан айтишингиз Аллоҳ наздида ўта манфур ишдир. Аллоҳ Унинг йўлида мустаҳкам бинодек сафга тизилиб, жанг қиладиган кишиларни яхши кўради” (Саф, 2-4).

Шарҳ:

Аллоҳ таолонинг: **“Эй иймон келтирганлар, нега қилмайдиган ишингизни гапирасиз?!”** деган бу нидоси мусулмонларнинг ўзаро гаплашиб ўтирган бир жамоаси ҳақида нозил бўлган. Улар: “Агар Аллоҳга энг суюкли амал нима эканини билганимизда албатта ўша амални қилган бўлардик”, дедилар. Аммо ўша амални билганларидан сўнг заифлик қилиб, айтган сўзларига амал қилмадилар. Шу мазмундаги яна бир оятда Аллоҳ таоло деди: **“Эй пайғамбар, сиз жиҳодга изн берилишидан илгари уларга: “Мушрик душманларингиз билан жанг қилишдан қўлингизни тийинг ва Аллоҳ сизларга фарз қилган намоз ва рўзани адо этинг”** деб айтилган анави кишиларнинг ишларини билмадингизми?! Уруш фарз қилинган, улардан бир гуруҳнинг аҳволи ўзгарди ва улар одамлардан худди Аллоҳдан кўрққандек ёки ундан ҳам қаттиқроқ кўрқа бошладилар” (Нисо, 77). Яъни жанг бошланган, кўрқоқлик қилиб, ўтириб олдилар. Бу нидо гарчи бир гуруҳ одамлар ҳақида нозил бўлган бўлса-да, лафзинг умумийлиги эътибор қилинади, нозил бўлиш сабабининг хослиги эмас. Шундай бўлган, мусулмонлар орасида ҳамиша ва қаерда бўлмасин, ҳақларида ушбу оят нозил бўлган кишилар ҳолига тушиб қолувчилар бўлиши мумкин. Қуръон ҳидоят ва ислоҳ қилувчи бўлган китобдир. Мўминлар унга ҳар замон ва ҳар маконда муҳтождирлар.

Аллоҳ таоло: **“нега қилмайдиган ишингизни гапирасиз?!”**, яъни нега ваъда бериб, вафо қилмайсиз, деди. Бу оят ваъда бериб устидан чиқмайдиган, ваъдасига вафо қилмайдиган ҳар бир кишига дашном ва танбеҳдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам умматларига мунофиқ кишининг аломатини билдириб: “Гапирса ёлғон гапиради, ваъда қилса бажармайди, омонат қўйилса хиёнат қилади”, деб, ваъдага хилоф қилишни нифоқ аломатидан санаганлар. Шунинг учун оятдаги: **“нега қилмайдиган ишингизни гапирасиз?!”**, дегандаги сўроқ койиш ва дашном бериш маъносидадир.

“Фалон-писмадон амалларни қилдим” деб, қилмаган ишини қилдим дейдиган киши ҳам берган ваъдасининг устидан чиқмаган ваъдабоз билан бир хил ҳукмдадир. Негаки, Аллоҳнинг: **“нега қилмайдиган ишингизни гапирасиз?!”** сўзи нега қилмаган ишингизни қилдик деб айтасиз, деган маънони ҳам ўз ичига олади. Бунинг мисоли бир кишининг: “Жанг қилдим, найзалар санчдим, садақалар бердим” деб айтишига ўхшайди, ҳолбуки у жанг қилмаган, найза санчмаган, садақа ҳам бермаган бўлади.

“Ўзингиз қилмайдиган ишни тилларингиз билан айтишингиз Аллоҳ наздида ўта манфур ишдир”, яъни фалон-фалон ишларни қиламиз деб туриб қилмаслигингиз азобга ва Аллоҳнинг ғазабига дучор қилувчи ишлардандир. Аллоҳ сақласин.

“Аллоҳ Унинг йўлида мустаҳкам бинодек сафга тизилиб, жанг қиладиган кишиларни яхши кўради”. Бу оятда ўтган оятдаги: **“нега қилмайдиган ишингизни гапирасиз?!”** деб дашном берилган кишилар жиҳод қилишга ваъда бериб, сўнг жиҳодга чиқмай, ваъдаларига хилоф қилган эканларига очиқ ишора бор. Бундан ташқари, Уҳуд жангида жанг майдонидан қочган кишиларга ҳам ишора бор.

Аллоҳ таоло жиҳод каби муҳим ишларда катта ваъдаларни бериб, вақти келганда ваъдасига вафо қилмаган кишиларга ғазаб қилиши муқобилида Унинг йўлида бир-бирига жипс ёпишган, бирон ёриқ ё бўшлиқ бўлмаган мустаҳкам бинодек сафга тизилиб жанг қиладиган мужоҳидларни яхши кўради.

Аллоҳ таоло айрим солиҳ бандаларининг қилган ишидан рози бўлиб кулиши ҳақида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтган ушбу сўзларига диққат қилинг: **“Уч кишига Аллоҳ таоло кулиб боқади: тунда намоз ўқиш учун турган кишига, намоз учун саф тортиб турган қавмга ва жанг майдонида душманга қарши сафда тизилиб турган мужоҳидларга”**.

Ҳатто, баъзи салафлар Аллоҳ таолонинг шу сўзларига кўра отда жанг қилмас, пиёдалар сафида туриб жанг қилишни афзал кўришар эди. Тобеинлардан бўлган Абу Баҳрия раҳимаҳуллоҳ бундай дер эди: **“Агар мени жанг майдонида тизилган сафдан озгина бўлса-да бурилганимни кўрсангиз, тарсаки билан уринглар”**. Шунга кўра, жанг тақозо этган бирон заруратсиз жанг майдонидан қочиш ва сафдан чиқиш ҳаромдир. Аллоҳ таоло айтган: **“Эй иймон келтирганлар, жанг майдонида кофирлар билан тўқнашган пайтингизда орқа ўгириб қочманглар. Сизлардан ким душманга тўқнаш келган вақтда уларга орқа ўгириб қочса, – кофирларга ҳийла ишлатиш учун ёки шу жангда ҳозир бўлган мусулмон гуруҳларидан бирига қўшилиш учун ортга чекинган киши бундан мустасно, – у Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлибди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Жаҳаннам нақадар ёмон оқибат!”** (Анфол, 15-16).

Бу илоҳий нидодан қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- 1- Ёлғон гапириш ва ваъдага хилоф қилиш ҳаром экани. Фалон ишни қиламан деб қилмаслик ёлғон ва ваъданинг устидан чиқмасликдир. Бундай сўз айтувчи Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлади. Аллоҳнинг ғазабига қолган киши нажот топмайди.
- 2- Аллоҳ йўлидаги жиҳоднинг, ҳамжиҳат ва бир тану бир жон бўлишнинг фазилати. Ихтилоф ва сафни бузиш ҳаром экани.
- 3- Намозда сафда турганда орада бўш жой қолдирмай зич туриш лозимлиги ва бу ҳолат Аллоҳ таоло яхши кўрадиган ишлардан экани.

Шунинг учун жиҳод майдонида ҳам, намозда жамоат бўлиб турганимизда ҳам зич ва тизилиб туришга ҳаракат қилайлик.
Аллоҳ бандаларига меҳрибон зотдир.

Саксон учинчи нидо

Қимматбаҳо жаннат таклифи ва унинг баҳоси бўлмиш иймон ва жиҳод баёни

“Эй иймон келтирганлар, сизларни аламли азобдан қутқариб қоладиган ўта улкан тижоратга йўллаб қўяйми? Аллоҳ ва Расулига бўлган иймонингизда давом этасиз, Аллоҳнинг йўлида молларингиз ва жонларингиз билан жиҳод қиласиз. Мана шу – агар фойда-зарарни билсангиз, – сизлар учун дунё тижоратидан кўра яхшироқдир. Шу ишни қилсангиз, Аллоҳ гуноҳларингизни кечиради ва сизларни дарахтлари ва қасрлари остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга ҳамда мангу қолинадиган жаннатлардаги покиза масканларга киритади. Мана шу энг катта бахтдир. Эй мўминлар, сизлар учун ўзингиз яхши кўрадиган яна бир неъмат бор. У сизларга келадиган Аллоҳнинг нусрати ва қўлингизда яқинда амалга ошадиган фатҳдир. Эй Пайғамбар, мўминларга дунёда ғалаба ва фатҳ, охиратда эса жаннат хушхабарини беринг” (Саф, 10-12).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо катта фойда келтирувчи улкан тижоратга таклиф этмоқда, унга тарғиб ва ташвиқ қилмоқда. Бу услуб инсонлар бир-бирини қизиқтириб: “Мана бу нарсага нима дейсан?”, “Мана бунга иштиёқинг борми?”, деб айтишганига ўхшайди.

Бу нидодаги сўроқнинг маъноси: “Эй мўминлар, сизларни фалон-фалон сифатдаги катта тижоратга йўллаб қўяйми?” деганидир. Чунки улар: “Аллоҳ таолога энг суюкли амал нима эканини биганимизда шуни қилган бўлардик”, дейишган эди. Шунда Аллоҳ таборака ва таоло оят нозил қилди: “**Эй иймон келтирганлар**”, яъни Аллоҳга, қиёмат куни Унга йўлиқишга, Қуръон ва ундаги барча аҳқому хабарларга, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у зот олиб келган динга иймон келтирган эй мўминлар: “**сизларни аламли азобдан қутқариб қоладиган ўта улкан тижоратга йўллаб қўяйми?**”. Аламли азоб дунёда душман тарафидан босиб олиниш, фақирлик ва хавф-хатар бўлса, охиратдагиси дўзах азобидир. Жаҳаннамга тушиш нақадар ёмон оқибатдир! Ҳаётнинг лаззат ва роҳатларини кесадиган ҳар қандай нарсага азоб дейилади. Энди бу азобга аламли сўзининг қўшилиши унинг ўта қаттиқ азоб бўлишини кўрсатади. Аллоҳ сақласин.

Улкан тижоратга тарғиб ва ташвиқдан сўнг Аллоҳ таоло бундай катта фойдани қўлга киритиш учун тўланадиган қийматни мўминларга баён қилиб деди: “**Аллоҳ ва Расулига бўлган иймонингизда давом этасиз**”, яъни Аллоҳнинг улуҳиятига, қиёмат куни Унга йўлиқишга, Унинг ваъда ва таҳдидларига, Пайғамбарига, у зот саллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган ва унга даъват этган динга иймон келтирасиз ҳамда: “**Аллоҳнинг йўлида жиҳод қиласиз**”. Аллоҳнинг душманларига ва сизнинг душманингиз бўлган, сизга қарши уруш очган мушрик ва кофирларга қарши жиҳод қиласиз. Чунки улар сизнинг ҳам,

Раббингизнинг ҳам душманларидир. Улар Аллоҳдан бошқага ибодат қилиш, Унинг йўлидан бошқа йўлда юриш билан Унга уруш эълон қилишган.

“Молларингиз ва жонларингиз билан”... Аллоҳ таоло мол-мулк жиҳодини жон жиҳодидан муқаддам қўйди. Чунки жанг қилмоқчи бўлганлар учун жиҳодга тайёргарлик бу ўринда бирламчи вазифа бўлади. Мол-мулк уруш тадоригини кўриш учун зарурийдир. Тайёргарликдан мурод қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва мужоҳидлар миниши учун турли от-уловлардир.

Душманга қарши молиявий жиҳоддан сўнг жон билан қилинадиган жиҳодни келтирди. Жон билан жиҳод қилиш дегани бор куч ва имкониятни сарфлашдир.

“Аллоҳнинг йўлида” деган сўзини мол ва жондан ҳам муқаддам қўйиб: **“Аллоҳнинг йўлида молларингиз ва жонларингиз билан жиҳод қиласиз”**, деди. Зеро, жиҳод қилишдан мақсад Аллоҳнинг калимасини олий қилиш бўлмас экан, бу Аллоҳнинг розилигидан бошқа нарса учун бўлган бўлиб, бундай жиҳод бекор ва қоралангандир. Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига ибодат қилинса, бандалар орасида шариат билан ҳукм юритилса, мўминлар бошидан зулм кўтарилса, ана шу Аллоҳнинг калимаси олий бўлишидир.

“Мана шу – агар фойда-зарарни билсангиз, – сизлар учун дунё тижоратидан кўра яхшироқдир”. Яъни бундай фойдали тижоратга қадам ташлаб киришингиз ундан бўйин товлаб, уни ташлаб қўйишдан кўра сиз учун яхшидир. Шунда ўзингизни ҳам, мол-мулкингизни ҳам омон сақланиб қолишига интиланган бўласиз. Бироқ, бу ҳаёти дуёда бирон нарса боқий эмас. Аллоҳ таоло тўланадиган қиймат иймон ва жиҳод эканини баён қилгач, энди бунга беражак мукофотни баён қилди: **“Шу ишни қилсангиз, Аллоҳ гуноҳларингизни кечиради ва сизларни дарахтлари ва қасрлари остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга ҳамда мангу қолинадиган жаннатлардаги покиза масканларга киритади”**. Улкан фойда баёнини мукофот ўрнига қўйди, чунки тўловни баён қилиб: **“Аллоҳ ва Расулига бўлган иймонингизда давом этасиз, Аллоҳнинг йўлида молларингиз ва жонларингиз билан жиҳод қиласиз”** деган эди. Шунда қуйидагича маъно бўлади: Агар сиз иймонингизда бардавом бўлсангиз ва жиҳод қилсангиз, Аллоҳ гуноҳларингизни кечиради ва остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритади. Бошқача қилиб айтганда, агар талаб қилинган тўловни тўласангиз, бунинг учун белгилаб қўйилган мукофотни қўлга киритасиз.

“Мангу қолинадиган жаннатлардаги покиза масканлар” қиммат баҳога сотувга қўйилган матонинг бир қисмидир. Билиб қўйинг, бунинг тўлови иймон ва жиҳоддир. Иймонки, чин иймон ва бошқа мақсадда эмас, фақат Аллоҳ йўлидаги жиҳоддир.

“Мана шу энг катта бахтдир”, яъни ушбу қимматбаҳо матони мазкур тўлов эвазига қўлга киритиш катта бахтдир. Ҳеч бир фойда унга тенг кела олмайдиган бу фойда дўзахдан қутулиш, Раҳмон таолонинг розилигини топиш ва яхшилар диёри бўлмиш жаннатга киришдир.

Бу оятда охиратдаги фойдадан ташқари дунёвий фойда ҳам борлиги айтиб ўтилган: **“Эй мўминлар, сизлар учун ўзингиз яхши кўрадиган яна бир неъмат бор. У сизларга келадиган Аллоҳнинг нусрати ва қўлингизда яқинда амалга ошадиган фатҳдир”**. Бу юқорида зикри ўтган улкан фойдага қўшимча фойдадир. Бу фойда душман устидан ғолиб бўлиш, Макканинг ва бошқа кўпгина пойтахтларнинг фатҳ этилишидир, албатта.

Аллоҳ таоло бунча инъом ва икромини: **“мўминларга дунёда ғалаба ва фатҳ, охиратда эса жаннат хушхабарини беринг”**, деб якунлади. Яъни эй Пайғамбарим, Аллоҳ ва Расулига ҳамда Биз даъват этаётган динга иймон келтирган мўминларга Биз ваъда қилган бу неъматлар тўлиқ берилишини айтиб, уларни хурсанд қилинг. Дарҳақиқат, бу неъматлар тўлиқ қилиб берилди, Аллоҳ таоло мўминларга душманлари устидан нусратини ато этди, Макка ва бундан бошқа кўпгина пойтахтлар, хусусан Форс ва Рум пойтахтлари фатҳ бўлди. Алҳамдулиллаҳ.

Азиз ўқувчи, юқорида сизга баён қилинган ва қуйида хулоса ўрнида зикр қилинадиган сўзларни ёдда тутинг:

- 1) Мол ва жон билан жиҳод қилишнинг фазилати ва бу ҳаёти дунёда қўлга киритиш мумкин бўлган энг катта фойда экани.
- 2) Аллоҳ таоло мўминларга берган хушхабарининг амалга ошгани Исломнинг ҳақ дин эканига очиқ-ойдин далилдир. Агар мусулмонлар динларига амал қилсалар ва Аллоҳ таолога ибодат қилсалар, ақида, ибодат, одоб-ахлоқ, қонун-қоидаларга тўла риоя қилсалар, дунёда хотиржам ва фаровон ҳаёт кечирадилар, охиратда эса нажот топиб, муваффақиятга эришадилар.

Саксон тўртинчи нидо

Аллоҳнинг динига ёрдам бериш вожиблиги ва динга ёрдам бергани учун нусрат ва зафарга эришган зотлардан ўрнак олиш ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг динига Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийлари ёрдам берганидек ёрдам берувчи бўлинглар. Исо уларга: «Ким Аллоҳга яқинлаштирадиган ишларда менга ёрдамчи бўлади?» деган эди, ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг динига ёрдам берувчимиз», дедилар. Бани Исроилдан бир тоифа ҳидоят топди, бир тоифа залолатга кетди. Биз Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганларни қувватладик, уларга душманлари бўлган насоро фирқалари устидан ғалаба бердик ва улар ўшалар устидан ғолиб бўлдилар” (Саф, 14).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳга, қиёмат куни Унга йўлиқишга, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга, у зот олиб келган ва даъват қилган динга иймон келтирган мўмин бандаларига Аллоҳ таоло нима учун нидо қилишини яна бир бор ёдга олинг. Аллоҳ мўминларни бирон ишга буюриш ё бирон ишдан ман этиш, жаннат билан хушxabар бериш ё дўзах билан қўрқитиш, уларга фойдали бўлган нарсаларни ўргатиш учун нидо қилади. Дўстликнинг тақозоси ҳам айна шу. Зеро Аллоҳ мўминларнинг дўстидир, шунинг учун фақат уларга яхшилик бўлган, нафсларини поклайдиган ишларга буюради, дилларини кир қиладиган ишлардан қайтаради. Иймонларини зиёда қиладиган хушxabарлар беради, қалбларини очиб қўяди, уларни хавф-хатардан узоқ қилиб, ғам-ташвишларини аритади. Аллоҳ таоло дўстлари бўлмиш мўмин бандаларидан ҳаётнинг уч бочқичида хавф-хатар ва хафаликни кеткизди: дунё ҳаётида, фоний дунё билан боқий дунё орасидаги Барзах ҳаётида ва охират ҳаётида. Аллоҳ таоло деди: **“Шуни билингки, Аллоҳнинг дўстлари учун ҳеч қўрқув йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмайдилар. Улар Аллоҳга иймон келтирган ва тақво қилган кишилардир. Аллоҳнинг ўша дўстлари учун дунё ҳаётида уларни хурсанд қиладиган нарсалар башорати, охиратда эса уларга жаннат башорати бор”** (Юнус, 62-64). Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дунё ҳаётидаги башоратни мўмин киши ўзи кўрган ё у ҳақда кўрилган яхши туш эканини баён қилганлар.

Энди Аллоҳнинг мадади билан ушбу илоҳий нидо шарҳига ўтамиз. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар”**, яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламини пайғамбар деб иймон келтирган, шу билан том маънода тирик бўлиб, Аллоҳ тарафидан нидо қилинишга, буюрилиш ва қайтарилишга лойиқ бўлган мўминлар: **“Аллоҳнинг динига ёрдам берувчи бўлинглар”**, яъни Раббингиз Ҳақ таолонинг динига, пайғамбарига ва мўмин бандаларига ёрдам беришни ўзингизга лозим тутинг, Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбари Ийсо алайҳиссалом ҳаворийлардан ёрдам сўраб: **“Ким менга ёрдамчи бўлади”**, яъни мен Аллоҳга юзланиб, Унинг динига ва дўстларига ёрдам бераётганимда менга ким ёрдам беради, деб

сўраганида улар айтган: **“Биз Аллоҳнинг динига ёрдам берувчимиз”**, деган сўзни сизлар ҳам айтишлар. Сизлар ҳам эй мусулмонлар, Аллоҳнинг динига, Пайғамбарига ва мўмин бандаларига ёрдам беришда улар каби бўлинглар. Саҳобалар, Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин, шундай, яъни ҳаворийлардек жавоб бердилар. Лекин: **“Кейин Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлган ўша зотлар ортидан ёмон издошлар келди”** (Марям, 59) улар бу чақириққа ижобат қилмадилар. Минг афсус, биз ҳам шундайлардан бўлиб қолдик, бу қандай кўргулик, қандай қайғу?! **“Дунёда зое қилган нарсаларимизга ҳасрат-надоматлар бўлмай”** (Анъом, 31).

Аллоҳ таоло нидонинг сўнигида айтади: **“Бани Исроилдан бир тоифа ҳидоят топди, бир тоифа залолатга кетди. Биз Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганларни қувватладик, уларга душманлари бўлган насоро фирқалари устидан ғалаба бердик ва улар ўшалар устидан ғолиб бўлдилар”**.

Бир тоифа Ийсо алайҳиссаломга, у зот олиб келган ҳақ ва ҳидоятга иймон келтирди. Ийсо алайҳиссалом Аллоҳнинг бандаси ва элчиси эканига, унинг Худо ҳам, Аллоҳнинг ўғли ҳам, ота, ўғил ва руҳул қудсдан иборат учликнинг бири ҳам эмаслигига, сеҳргар ҳам, дажжол ҳам, ўзидан тўқиб чиқарувчи каззоб ҳам, валадизино ҳам эмаслигига иймон келтирдилар.

Бир тоифа эса кофир бўлиб залолатга кетди. Яҳудийлар: **“Ийсо валадизино ва сеҳргар”** дедилар. Ийсо алайҳиссаломга ва у зот келтирган динга кофир бўлдилар. Боз устига Ийсо алайҳиссаломга эргашган мўминларга ҳийла-макр ишлатиб, уларнинг ақидасини буздилар, динларини ўзгартирдилар. Улар қолиб, ҳақ динга эргашиш, Аллоҳнинг дўстлигини қозониш мусулмонларга насиб этганига ҳасад қилиб шундай қилдилар.

“Биз Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганларни қувватладик, уларга душманлари бўлган насоро фирқалари устидан ғалаба бердик”. Аллоҳ мусулмонларга кофирлар устидан ғалаба берди ва мусулмонлар: **“ўшалар устидан ғолиб бўлдилар”** яъни улар устидан зафар қучдилар, улардан устун бўлдилар, нусратга эришдилар. Бу ҳолат Аллоҳнинг душмани ҳасадгўй яҳудийлар Ийсо алайҳиссалом олиб келган ҳақ динни бузишга бўлган уринишлари, ишлатган ҳийлалари ўз самарасини кўрсатгунга қадар давом этди. Ана шунда ҳақ динни қўллаб-қувватловчилар деярли қолмади, фақат у ер бу ерда ҳақ динга ёрдам берувчи озгина инсонлар бор эди. Ҳолбуки Ийсо алайҳиссалом ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилиш устига барпо қилинган, руҳий ва баданий ибодат турларини жорий этган Исломни олиб келган эдилар. Лекин яҳудийлар фитнасига учган насоролар ҳақ динни қўйиб, ширкни - ота, ўғил ва руҳул қудсдан иборат учликни ўзларига дин қилиб олдилар. Куфр ва мана шу учлик эътиқоди устун бўлди. Ернинг тўрт тарафида ҳам ширк зоҳир бўлди. Бу ҳолат Аллоҳ таоло Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар этиб юборгунига қадар давом этди. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъватларини ижобат қилган насоролардан Исломга кирганлари бўлди. Мусулмон бўлган насоролар Ислом орқали Ийсо

алайҳиссаломни “худо” дейдиган мушрик душманлари устидан ғолиб бўлдилар. Бу мушриклар Ийсо алайҳиссаломни тўғри баҳолай олмадилар. Уни гоҳ “Аллоҳнинг ўғли”, десалар, гоҳ “ота, ўғил ва руҳул қудсдан иборат учликнинг бири” дедилар. Уларни адаштирган ва бундай чигалликда қолдирганлар уларнинг бошлиқлари эди. Бу бошлиқлар ҳолатнинг шундай қолишидан манфаатдор эдилар. Авом халқнинг кўр-кўрона эргашиши ҳам бунга катта ҳисса қўшган, албатта. Исломда ҳам буларга ўхшаганлар келиб чиқди. Исломни турли тоифа ва фирқаларга бўлиб ташлашга уринишлар бўлди. Лекин Аллоҳ таоло Ислом динини қиёмат кунига қадар сақлашни Ўз зиммасига олди. Шунинг учун ким соф Исломни хоҳласа, сидқидилдан уни истаса Аллоҳ таолонинг китобида ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида келганидек соф ҳолда топади. Ким Исломни хоҳламаса, уни талаб қилмаса, залолат, жаҳолат, фиққ ва куфрга рози бўлса ва то ўлгунига қадар шу ботил йўлда қолса, дўзах аҳлидан бўлади. Шунча фазл-марҳаматлар ва яхшилик эшиклари очиқ бўла туриб Аллоҳ таолонинг раҳматига кирмаган киши ҳалок бўлибди. Ҳалокатга лойиқ одам ҳалок бўлгусидир.

Саксон бешинчи нидо

Жума намозига азон айтилганида намозга келиш фарзлиги, азондан кейин савдо ва бошқа ишлар ҳаромлиги

“Эй иймон келтирганлар, жума куни намозга азон айтилса, хутбани тинглашга ва намозни адо этишга боринг. Савдо-сотиқни ва сизларни намоздан машғул қиладиган барча ишни йиғиштиринг. Сизларга буюрилган бу иш сизлар учун яхшироқдир. Агар ўз фойдангизни билсангиз, шундай қилинг. Хутбани тинглаб, намозни адо этиб бўлгач, ерда тарқалинг ва саъй-ҳаракатларингиз билан Аллоҳнинг ризқини талаб қилинг. Барча ҳолатингизда Аллоҳни кўп зикр қилинг. Шояд дунё ва охират яхшилигига эришсангиз” (Жума, 9-10).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига иймон сифати билан нидо қилаётганини эсда тутинг. Ҳақиқатда мўминлар иймонлари билан тирик бўлиб, ўзларига қаратилган нидога қулоқ соладилар ва баркамол ҳаётга чақирувчининг нидосини ижобат қиладилар. Бу нидода ҳам Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уммат ичидаги бутун вужуди билан иймон келтирган мўмин бандаларига нидо қилмоқда:

“Эй иймон келтирганлар”, яъни Менга, Расулимга, қиёмат кунига, жаннат ва дўзахга иймон келтирган эй мўмин бандаларим! “**Жума куни намозга азон айтилса**”, муаззин: “Ҳаййа алас-сола” (намозга келинглар), деб жума намозига азон айтиб чорласа...

Бунинг жавобини келтиришдан олдин жума кунининг фазилатини баён қилиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади, иншааллоҳ. Жума бошқа кунлардан афзал бўлган фазилатли кундир. Бу куннинг фазилатидан мусулмонлар баҳраманд бўлдилар. Қайсарлиги ва манманлиги сабаб яҳудийлар, жоҳилиги ва гумроҳлиги боис насоролар бу куннинг фазилатидан маҳрум қолдилар. Энг афзал кун жума кунидир. Бу кунда Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратди, шу куни жаннатга киргизди ва жаннатдан чиқарди, қиёмат ҳам шу кунда қоим бўлади. Жума куни бир соат бор, ким намоз ўқиган, Аллоҳдан бирон нарса сўраган ҳолда шу соатга тўғри келса, Аллоҳ сўраганини албатта беради. Бу ҳақда муттафақун алайҳ бўлган саҳиҳ ҳадис бор. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ким жума куни ювиниб, сўнг дастлабки вақтда жумага борса, худди туя қурбонлик қилгандек ажрга эга бўлади. Ким иккинчи вақтда борса, гўё сигир қурбонлик қилгандек, учинчи вақтда борса, шохдор қўчқор қурбонлик қилгандек, тўртинчи вақтда борса, товуқ қурбонлик қилгандек, бешинчи вақтда борса, тухум қурбонлик қилгандек ажрга эга бўлади. Имом минбарга чиққанда фаришталар хутбага қулоқ солиш учун ҳозир бўлишади” (Бухорий (881), Муслим (850) ривояти).

Демак, жума куни муаззин намозга азон айтса нима қилиш лозимлигини ўқтириб Аллоҳ таоло: “**хутбани тинглашга ва намозни адо этишга боринг**”,

деди. Яъни аввал хутбани тинглаб, сўнг жума намозини адо этиш учун масжидга боринг. Масжидга боришдан олдин қўйидаги ишларни бажариш суннатдир: ғул қилиш, янги ёки покиза кийим кийиш, хушбўйланиш ва тишларни мисвок билан тозалаш. Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Ким жума кунини ғул қилса, агар бор бўлса уйдаги хушбўйликлардан ўзига суртса, энг покиза кийимларини кийса, сўнг масжидга келиб насиб бўлганича намоз ўқиса, ҳеч кимга озор бермаса ва имом хутбага чиқиб, то намозни адо этганига қадар жим туриб қулоқ солса, ўтган жума билан шу жума оралиғидаги кичик гуноҳларига каффорат бўлади”. Сунан соҳиблари ривоят қилган ҳадисда эса Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб: “Сизлардан бирингиз жума кунини учун иш кийимидан бошқа (тепа-паст) икки кийим сотиб олса нима бўлади-я?!” деганлар.

Аллоҳ таоло оят давомида айтади: **“Савдо-сотиқни ва сизларни намоздан машғул қиладиган барча ишни йиғиштиринг”**, яъни олди-сотдини тўхтатинг. Савдо-сотиқ деганда ҳам сотиш, ҳам сотиб олиш назарда тутилган. Имом минбарда хутба қилаётган пайт ҳар қандай битим тузиш ҳаромдир. Шунингдек, нафақат тижорат, балки касб-хунарга оид, ишлаб чиқариш, деҳқончилик, ошхона ва ҳоказо намоздан тўсадиган ҳар қандай иш билан машғул бўлиш жума пайт ҳаром ҳисобланади.

“Сизларга буюрилган бу иш сизлар учун яхшироқдир. Агар ўз фойдангизни билсангиз, шундай қилинг”. Яъни савдо-сотиқни ва бошқа ҳар қандай ишларни йиғиштириб масжидга боришингиз, хутбани жим ўтириб эшитиб, сўнг жума намозини адо этишингиз савоби кўп, дунё ва охирада яхши самара берадиган ишдир.

Аллоҳ таоло деди: **“Хутбани тинглаб, намозни адо этиб бўлгач, ерда тарқалинг”**, яъни жума намозини ўқиб бўлгач, эҳтиёжингиз бўлган олди-сотди ва бошқа мувоҳ ишлар билан машғул бўлиш учун атрофга тарқалинг ва **“саъй-ҳаракатларингиз билан Аллоҳнинг ризқини талаб қилинг”**, яъни дунё ишларингизда муҳтож бўлган нарсаларни истанг. Чунки банда қўлга киритадиган ҳар қандай ризқ Аллоҳнинг бериши ва фазл-карамидир. Банда фақат сабабларини ишга солади, холос. Ҳаром нарсалар нима бўлишидан қаъи назар - таом бўладими, ичимликми, кийим-кечак ва бошқаларми, талаб қилинмайди. Зеро, буларни талаб қилишга Аллоҳ изн бермаган ва бу Аллоҳнинг фазли марҳамати ҳам, ризқи рўзи ҳам эмас.

“Барча ҳолатингизда Аллоҳни кўп зикр қилинг”. Айниқса Аллоҳнинг ризқини талаб қилиб иш-ишингизга тарқалишда иш билан бўлиб Аллоҳнинг зикрини унутиб қўйманг, балки дилингизу тилинги билан Уни кўп зикр қилинг, шунда: **“шояд дунёю охира яхшилигига эришсангиз”**. Яъни саъй-ҳаракатингизда муваффақиятга эришиш умидида Аллоҳ таолони кўп зикр қилинг. Чунки Аллоҳни зикр қилишда катта ёрдам, муваффақиятсизликка учрашдан ва зиён кўришдан сақланиш бор. Мўминнинг нажот топиб, яхшиликка эришиши бу

дунёгагина чекланиб қолмай, балки дунё ва охиратга умумийдир. Охиратдаги нажот дўзахдан қутулиб, жаннатга кириш билан бўлади.

Сўзимиз сўнгида сиз муҳтарам ўқувчи доим ёдда тутишингиз зарур бўлган эслатмаларни баён қиламиз:

- 1- Жума намозининг фарз экани. Жума намози фақатгина аёл кишидан, қул, касал ва касалга қаровчидан ҳамда мусофирдан соқит бўлади.
- 2- Имом минбарга кўтарилиб, муаззин иккинчи азонни айтишни бошлагач олди-сотди қилиш ва бошқа ишлар билан машғул бўлишнинг ҳаром экани.
- 3- Аллоҳ таолонинг: **“намозни адо этишга боринг”** сўзидан югуриш ва тез юриш тушунилмаслиги лозим. Балки намозга борганда хотиржам, вазмин ҳолда бориш керак. Буни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилганлар. Бу ҳақда саҳиҳ ҳадис бор. Бориш деб таржима қилинган саъй калимаси югуриш ва тез юришдан бошқа маъноларда келишига мисоллар бисёр. Масалан, фалончи оиласини деб саъй-ҳаракатда юрибди, деганда “югуриб юрибди” деган маъно чиқмайди, балки оиласини боқиш учун ишляпти деганидир. Яна бир мисол: фалончи фалон ва фалон кишилар ўртасини ислоҳ қилиш учун саъй-ҳаракатда юрибди, деганда ҳам тез юрибди ё югуряпти деган маъно англашилмайди. Ушбу билганларингизни унутмай ёдда тутинг, унга амал қилинг ва бошқаларга ҳам ўргатинг.

Саксон олтинчи нидо

Мол-дунё ва бола-чақа билан бўлиб, ибодатни ташлаб қўйиш ҳаромлиги, закот фарзлиги, садақага тарғиб, ўлим тўсатдан келиб, тавба қилолмай қолиш мумкинлиги ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, мол-дунё ва бола-чақангиз сизларни Аллоҳнинг тоат-ибодатидан тўсмасин. Кимни мол-мулки ва бола-чақаси Аллоҳнинг тоатидан машғул қилса, ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан бўлган улушларини қўлдан берган кимсалардир. Эй мўминлар, сизлардан бирингизга ўлим келиб: «Эй Раббим, менга муҳлат берсанг, ўлимимни бироз кечиктириб турсанг, молимдан садақа қилиб олар эдим ва тақводор солиҳлардан бўлар эдим”, деб айтишидан илгари Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қилинглари. Ҳеч бир жонга ажали етган ва умри тугаган пайтда Аллоҳ ўлимни кечиктирмайди. Аллоҳ сизлар қилаётган ҳар бир яхши ва ёмон ишдан хабардордир” (Мунофиқун, 9-11).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо ўта муҳим ва катта аҳамиятга эга нидолардандир. Иймон туфайли комил ҳаёт соҳибига айланган мўмин бандаларга Аллоҳ таоло нидо қилди: **“Эй иймон келтирганлар”**. Яъни Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб инонган мўминлар! **“Мол-дунё ва бола-чақангиз сизларни Аллоҳнинг тоат-ибодатидан машғул қилиб қўймасин”**. Яъни оз бўлсин, кўп бўлсин, тижорат, касб-ҳунар, деҳқончилик ё булардан бошқа ҳар қандай йўл билан топиладиган мол-дунё сизни Аллоҳнинг ибодатидан, намоздан, ҳаждан, жиҳоддан тўсиб қўймасин. Шунингдек, фарзандларингиз ҳам сизни Аллоҳга ибодат қилишдан, намоз ўқиш, ҳаж қилиш, Аллоҳ йўлидаги жиҳод ва зикрдан машғул қилиб қўймасин. Ҳар бир ибодат Аллоҳнинг зикридир. Ҳеч бир ибодат зикрдан холи эмас, ҳатто рўза ҳам. Рўза қалб билан бўлган Аллоҳнинг зикридир, йўқса рўзадор еб-ичиб қўйган бўларди.

“Кимни мол-мулки ва бола-чақаси Аллоҳнинг тоатидан машғул қилса, ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан бўлган улушларини қўлдан берган кимсалардир”, яъни кимни мол-мулки ё бола-чақаси ё ҳар иккиси баробар Аллоҳ таолонинг ибодатидан, фарз ва вожиб амалларни бажаришдан тўсса, чалғитса, дунёси ва оиласи билан машғул бўлиб ибодатсиз ўтса, ана шундай кимсалар қиёмат куни жаннат ва ундаги неъматлардан маҳрум қолиб, ҳақиқий зиён кўрувчи кимсалар бўлади: **“Эй Пайғамбар, айтинг: “Ҳақиқий зиён кўрувчилар қиёмат куни ўзларига ва аҳли оилаларига зиён келтирганлардир. Бу эса дунёда уларни йўлдан оздиришлари ва иймондан адаштиришлари туфайли бўлган. Билингизки, бу очиқ-ойдин зиёндир”** (Зумар, 15).

Аллоҳ таоло кейинги оятда бундай деди: **“Эй мўминлар, Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қилинглари”**. Яъни гарчи бу буйруқдан энг аввал

фарз закотга, жиҳодга сарфланадиган, ота-онага, хотин ва фарзандларга бериладиган, меҳмонни икром қилишга ишлатиладиган вожиб инфоқлар кўзда тутилган бўлса-да, шу билан бир қаторда Аллоҳ таоло бандага ризқ қилиб берган илм бўладими, мол-дунёми, обрў-эътиборми ва бошқа қандай бўлмасин яхшиликлардан эҳтиёжини ўзи қондира олмайдиган, ёрдамга муҳтож инсонларга эҳсон қилишни ҳам ўз ичига олган. Аллоҳ бандаларига меҳрибонлигидан уларга, Биз ризқ қилиб берган нарсаларни инфоқ қилинглари, демади, балки нарсалардан, яъни Биз ризқ қилиб берган нарсаларнинг баъзисини беринг, деди. Бу неъматни учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Закот учун мол-мулкнинг икки ярим фоизи берилади. Масалан, юз минг пули бор одам икки ярим минг закот чиқаради. Ёмғир ва булоқ сувлари билан суғориладиган экинлардан ушр, яъни ўндан бири, ариқ орқали, челақлаб ва мотор билан суғорилган ердан чиққан ҳосилнинг йигирмадан бири берилади. Бу илоҳий амрда мол нисобига етиб бир йил ўтган бўлса, дарҳол закотини чиқариш фарз эканига далил бор. Худди шундай, қай бир ибодатнинг вақти кирган бўлса, уни тезда адо қилиш лозим бўлади.

Аллоҳ таоло оят давомида деди: **“сизлардан бирингизга ўлим келишидан илгари”**, яъни ажали етишидан, ўлим фариштаси келиб жонини олишидан олдин инфоқ қилиб қолсин. Ушбу оятда закот, намоз, ҳаж ва бошқа фарз амалларни вақтида адо этиш, қодир бўлиши билан қарзини тезда тўлаш шарт эканига қатъий далил бор. Чунки инсон қачон ўлим келишини билмайди. Ўлим эса тўсатдан келади. Ухлаб ётганида уйқусида вафот этганлар қанча, сафардан қайтишга улгурмай мусофирликда вафот этганлар қанча, минган уловида жони узилганлар, соппа-соғ ҳолида бирдан касал бўлиб, шу касаллигида вафот этганлар қанча?! Ўлим келганида: **“Эй Раббим, менга муҳлат берсанг, ўлимимни бироз кечиктириб турсанг”**, деб айтишдан, закот-садақаларни бериш ва бировлар ҳаққини қайтаргунича Аллоҳ таоло ажалини бироз кечиктириб туришини илтижо қилишдан олдин инфоқ қилиб қолинг. Ўлим келиб, энди кеч бўлгач: **“молимдан садақа қилиб олар эдим ва тақводор солиҳлардан бўлар эдим”**, деб орзу қилганингизнинг фойдаси йўқ. Бу орзу-истакдаги маъно ва мазмун мол-мулкдан садақалар қилиш, ҳаж ва умра, силаи раҳм, камбағалларга яхшиликлар қилиш, масжидлар қурилишига ёрдам бериш, етимлар бошини силаш, Аллоҳ йўлига инфоқ қилиш билан солиҳлар жумласидан бўлишдир. Аммо бу орзу-истакнинг энди фойдаси йўқ. Чунки ўлим фариштаси жон олиш учун келса, уни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қайтара олмайди. Аллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг вақт-соатини белгилаб қўйган, ажал келганда орзу-истакка ўрин йўқ. Бундай орзу-истак ҳасрат-надомат таманноси бўлади, холос. Ҳасрат-надомат фойда бермайди, аксинча, ғам-қайғуни зиёда қилади. Бошқача бўлиши мумкин эмас, зеро Аллоҳ кейинги оятда: **“Ҳеч бир жонга ажали етган ва умри тугаган пайтда Аллоҳ ўлимни**

кечиктирмайди”, деган. Модомики, куч ва қудрат соҳиби Аллоҳ кечиктирмас экан, ожиз ва ўлимга маҳкум банда қандай кечиктира олсин?!

“Аллоҳ сизлар қилаётган ҳар бир яхши ва ёмон ишдан хабардордир”. Нидо ниҳоясидаги бу сўзи билан Аллоҳ таоло мўмин бандаларини солиҳ амаллар қилишга ва охират тадоригини кўришга ундамоқда. Аллоҳ таоло бандаларнинг яхши-ёмон қилмишларидан хабардордир. Шундай экан, банда Аллоҳнинг кўриб, билиб турганини хис қилсин, тўғри эътиқод, гўзал амал соҳиби бўлишга интилсин ва тили-ю дили билан ҳар он Аллоҳни зикр қилсин. Охирида ушбу илоҳий нидо ўз ичига олган мавзуларни қисқа баён қиламиз, сиз буни ёдлаб олинг ва ҳаётингизда бундан фойдаланинг:

- 1) Мол-дунё ва бола-чақа агар фарз амалларни зое қилиш ёки Аллоҳнинг зикри, турли яхшиликлар қилиш каби ҳуқуқ ва мажбуриятлардан тўсса, улар билан машғул бўлиш ҳаромлиги.
- 2) Йўлга қодир киши мол-дунё ва бола-чақа билан машғул бўлиб ҳаж қилишни кейинга суриши ҳаромлиги.
- 3) Закотнинг фарз экани, уни вақтидан кечиктириш ҳаромлиги.
- 4) Садақа, намоз, рўза ва бошқа ибодатлар қилиб, яхши амалларни кўпайтиришга ундаш.
- 5) Охиратни унутманг. Охиратга олиб борувчи йўл қочиб бўлмас ўлим орқали бўлишини доим ёдда тутинг. Аллоҳ солиҳ бандаларини дўст тутади.

Саксон еттинчи нидо

Мол-дунё ва бола-чақа фитнасидан огоҳлантириш, кечиримли бўлишнинг фазилати ва бахилликнинг давоси ҳақида

“Эй иймон келтирганлар, аёлларингиз ва фарзандларингиз ичида сизларни Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган душманларингиз бор. Улардан эҳтиёт бўлинг. Агар уларнинг ёмонликларидан кўз юмсангиз, уларни кечирсангиз ва айбларини яширсангиз, албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳмли зотдир. Мол-дунё ва бола-чақангиз сизлар учун синов ва имтиҳондир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Шундай экан, Аллоҳдан тақво қилиш йўлида бор кучингизни сарфланг. Пайғамбарга қулоқ солинг. Унинг буйруқларига итоат қилинг. Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан Аллоҳ йўлида сарфланг. Шундай қилиш ўзингиз учун яхшидир. Ким бахилликдан ва ортиқча молини қизғанишдан сақлана олса, ана ўшалар нажот топган кишилардир” (Тағобун, 14-16).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо мол-дунё, хотин ва фарзанд фитнасидан ўта огоҳ бўлишга ундаб келган. Аллоҳ таоло мўмин бандаларига дўст бўлганидан уларга иймон номи билан нидо қилиб: **“Эй иймон келтирганлар”**, деди. Сабаби мўминлар иймонли бўлганлари учун Аллоҳнинг нидоларига қулоқ соладилар, барча буйруқларини жон-дилдан қабул қиладилар. Бу нидода Аллоҳ таоло уларни огоҳлантириб: **“аёлларингиз ва фарзандларингиз ичида сизларни Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган душманларингиз бор”**, деди. Эрга вафодор хотин, отага содиқ дўст бўлган фарзандлар ҳам борлиги Аллоҳнинг фазли-марҳаматидандир. Шунинг учун ҳам аёлларингиз ва фарзандларингиз сизларга душман дейилмади, балки уларнинг ичида душман бўлганлари бор деб, ҳаммаси эмас, айримлари экани алоҳида таъкидланди. Бақара сурасида келган: **“Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қилинглр”** оятидаги **“нарсалардан”** сўзи ҳам шунга мисол бўлади, яъни сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан айримларини беринг, деганидир, ҳаммасини эмас. Энди дўст билан душман ўртасини фарқлайдиган бўлсак: душман сизга зарар ва зиён бўлган ишларга етакласа, дўст сизга фойда бўлган ишларга ундайди. Ҳолат махфий ва чалкаш бўлганидан мўминлар ажрата олмай қолмаслиги учун Аллоҳ таоло бундай деди: **“аёлларингиз ва фарзандларингиз ичида сизларни Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган душманлар бор. Улардан эҳтиёт бўлинг”**, яъни уларга итоат қилиб, ҳижрат қилиш, жиҳодга чиқиш, жамоат билан намоз ўқиш, фақир ва муҳтожларга садақалар бериш ва ҳоказо шу каби нафсни покловчи яхши ишлар қилишни ортга сурманг.

Бу илоҳий огоҳлантиришни янада теранроқ фаҳмлаш учун оятнинг нозил бўлиш сабабини эслаб ўтсак. Ривоят қилинишича, бир гуруҳ кишиларнинг хотинлари ва бола-чақалари Маккадан Мадинага ҳижрат қилишдан бир қанча муддат тўсиб қолишади. Охир-оқибат бу тўсиқни енгиб Мадинага ҳижрат қилиб келишганида, улардан олдин ҳижрат қилиб келган биродарлари динда

анча билимга эга бўлиб кетганини кўриб, ҳижратни кечиктирганларига афсуслар чекадилар. Узоқ вақт уларни ҳижрат қилишдан тўсган аёллари ва болаларининг болаб таъзирини бериб қўйишни ўйлаб қоладилар. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: **“Эй иймон келтирганлар, аёлларингиз ва фарзандларингиз ичида сизларни Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган душманлар бор. Улардан эҳтиёт бўлинг”**, яъни улар ичида шундайлари ҳам бор, ҳаммаси ҳам душман эмас. Чунки шундай аёл ва фарзандлар борки, Аллоҳ ва Расулига итоат этишга ёрдам берадилар, кўмакчи, дўст бўладилар. Бу борада аёллар ҳам эркалар билан бир хил ўриндадир. Қанча солиҳа аёллар борки, эрлари ва фарзандлари душманлик қилиб, уларни Аллоҳ ва Расулининг тоатидан тўсади. Бунга мисоллар воқелигимизда тўлиб ётибди. Қанчадан-қанча ҳаёли аёлларнинг эрлари уларни рўмол ўрамасликка, мол-мулкидан инфоқ қилмасликка буюради, ота-онасига яхшилик қилишдан тўсади.

Оят давомида Аллоҳ таоло кечиримли бўлишга чақириб деди: **“Агар уларнинг ёмонликларидан кўз юмсангиз”**, яъни сизни динингизда фитнага солган, чалғитган хотин ва болаларингизни уриш ё бошқа азоблар билан таъзирини бермасангиз ва **“уларни кечирсангиз”**, яъни уларни азоблаш фикридан қайтиб, очиқ юз билан уларга боқсангиз, уриб-сўкмасангиз **“ва ўтиб юборсангиз”**, яъни улар тарафидан сизга етган озорларни, сизни ҳижратдан тўсиб, илм-маърифат ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатларидек кўп яхшиликларни ўтказиб юборишингизга сабабчи бўлган қилмишларини кечириб юборсангиз: **“албатта Аллоҳ кечирувчи ва раҳмли зотдир”**. Сизлар уларнинг қилмишларидан ўтиб, кечириб юборинг, Аллоҳ сизни кечиради. Сиз уларга меҳрибонлик кўрсатинг, Аллоҳ сизга раҳм қилади. Сўнг Аллоҳ таоло кўпчилик билмайдиган ўзгармас илмий ҳақиқат ҳақида хабар берди. Бу ҳақиқат мол-дунё ва бола-чақанинг синов учун берилишидир. Улар бир имтиҳондир, Аллоҳ таоло улар билан бандаларини синайди. Аллоҳга итоат этишда қай бир банда ростгўй, қай бири каззоб, қай бири яхши ва қай бири фожир, ким Аллоҳ ва Расулини яхши кўради, ким эса мол-дунёси ва бола-чақасини устун кўради, мана шулар аниқ бўлиши учун имтиҳон қилади. Аллоҳ таоло деди: **“Мол-дунё ва бола-чақангиз сизлар учун синов ва имтиҳондир, холос”**. Оят давомида эса: **“Улуғ ажр-мукофот эса ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир”**. Шундай бўлгач, Аллоҳнинг ҳузуридаги ажр-мукофотни ўзингиздаги мол-дунё ва бола-чақадан устун қўйинг. Мол-мулк ва оилани чиройли тарзда бошқаринг. Уларни деб фарз амалларни ташлаб қўйиш ва ҳаром ишларга қўл уриш билан Аллоҳга осийлик қилманг. Уларни ёмон бошқаришдан сақланинг. Уларнинг муҳаббати сизни Аллоҳ ва Расулига иоат этишда сусткашликка йўл қўйишга олиб бормасин. Шунинг билан, сизнинг қўлингиздаги бу дунё матолари ҳаммаси тугаб-битади. Аллоҳнинг ҳузуридаги ризқ ва ажру савоблар эса битмас-туганмасдир. Шундай экан, фонийни қўйиб, боқийни ихтиёр этинг.

Аллоҳ таоло деди: **“Аллоҳдан тақво қилиш йўлида бор кучингизни сарфланг”**. Бу буйруқ Аллоҳ тарафидан мўмин бандаларига бўлган марҳаматдир. Аллоҳ таоло мол-дунё ва бола-чақанинг фитна эканини уқтириб, уларни Аллоҳ ва Расулининг тоатидан устун қўйишдан огоҳ этаркан, У айрим мўминлар мол ва фарзанддан ўзини тия олишини, айримлари эса бу икки фойдали иш орасини жамлашда қаттиқ машаққат чекканини билганидан уларни кучлари етганича, тоқат даражалари ҳудудида Аллоҳдан тақво қилишга амр этди. Ишларнинг яхшиси ўртачасидир. Шундай экан, мол-дунё ва бола-чақада ҳам сусткашлик қилмаслик керак, ўзининг яратилиш сабаби, нажоти ва саодати бўлган Аллоҳга ибодат қилишда ҳам сусткашлик қилмаслик лозим. Аллоҳ бандаларни Ўзига ибодат қилиш учун яратган. Уларнинг дўзахдан нажот топишлари ва жаннатга киришлари ҳам шу ибодатга боғлиқ. Аллоҳ таолонинг: **“Пайғамбарга қулоқ солинг. Унинг буйруқларига итоат қилинг. Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан Аллоҳ йўлида сарфланг. Шундай қилиш ўзингиз учун яхшидир”**, деган сўзларига келсак, бу Аллоҳ таоло мўмин бандаларига тақво қилиш борасидаги буйруғини енгиллатиши, яъни: **“Аллоҳдан тақво қилиш йўлида бор кучингизни сарфланг”**, деб, қўлларидан келганича тақво қилишга буюргани ортидан бўлган амридир. Уларни Аллоҳ ва Расулига қулоқ солиб, итоат этишга, Аллоҳ йўлида инфоқ қилишга амр этди ва бундай қилиш ўзлари учун яхши эканини, бу билан икки дунё саодатига эришишларини уларга билдирди.

“Ким бахилликдан ва ортиқча молини қизғанишдан сақлана олса, ана ўшалар нажот топган кишилардир”, деб, кимни Аллоҳ таоло бахилликдан сақласа, у жаннатга кириш ва дўзахдан қутулиш билан нажот топишини мўмин бандаларига хабар берди. Бу хабарда бахилликдан сақланиш фақатгина Аллоҳ таолодан талаб қилиниши, сўнг Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш билан бўлишига очиқ ишора бор. Бахиллик нафс хусусиятларидандир. Банда фақат Аллоҳдан бахилликдан сақлашини сўраб дуо қилиш, сўнг Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш - мана шу икки иш билан ҳалок этувчи бахилликдан халос бўлиши мумкин. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам айнан шунга буюрганлар: **“Зулмдан сақланинглар! Чунки зулм қиёмат кунисидаги кўп зулматдир. Бахилликдан сақланинглар! Чунки сизлардан аввалгиларни бахиллик ҳалок қилди, уларни қонларини тўкишга ва ҳаромларини ҳалол санашга олиб борди”** (Муслим ривояти, 16/134). Абдурахмон ибн Авф разияллоҳу анҳу Байтуллоҳни тавоф қилаётиб қўйидагича дуо қилар ва бундан бошқасига ўтмас эди: **“Эй Раббим, мени бахилликдан сақлагин”**. Бу бежиз эмас. Зеро, бахиллик ўғриликка, зинога, ёлғон гапиришга, хиёнат, ваъдабозлик ва омонатни зое қилишга олиб борадиган иллатдир. Аллоҳ сақласин.

Саксон саккизинчи нидо

(Суннатга мувофиқ талоқ, идда, талоқ қилинган аёлни иддаси тугагунга қадар уйдан чиқариб юбормаслик, фақат фаҳш ишни қилса бундан мустасно экани, талоқ ва қайтариб олишга гувоҳ қилишнинг лозимлиги ҳақида)

Суннатга мувофиқ талоқ ва идда ҳукмлари ҳақида

“Эй Пайғамбар, сиз ва мўминлар аёлларингизни талоқ қилмоқчи бўлсангиз, уларни иддаларини қарши олган ҳолларида талоқ қилинган ва идда вақтини ёдда сақланганлар. Раббингиз Аллоҳдан қўрқинганлар. Талоқ қилинган аёлларни то иддалари ниҳоясига етмагунча яшаб турган уйларида чиқариб юборманганлар. Улар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар. Фақатгина фаҳш-бузуқлик каби жуда ёмон ишни қилишса, шундагина уларни чиқариб юбориш мумкин. Булар Аллоҳнинг бандаларига жорий қилган ҳукмлардир. Ким Аллоҳнинг ҳукмларини бузса, ўзига зулм қилибди. Сиз билмасиз, шояд Аллоҳ шу талоқдан сўнг сиз кутмаган бир сабабни пайдо қилар. Талоқ қилинган аёлларнинг иддалари тугашга яқинлашса, уларни яхшилик билан қайтариб олишга ёки яхшилик билан ҳақларини тўла бериб ажрашинлар. Қайтариб олишга ҳам, ажралиб кетишга ҳам ўзингиздан икки адолатли эр кишини гувоҳ қилинганлар. Гувоҳлар, гувоҳликни холис Аллоҳ учун ўтанганлар. Бу ҳукмлардан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган кишиларгина панд-насиҳат олади” (Талоқ, 1-2).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу илоҳий нидо мўмин киши билиши ва қатъий амал қилиши лозим бўлган шаръий аҳкомларни ўз ичига олган. Гарчи бу нидо Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга қаратилган бўлса-да, умматга ҳам тегишлидир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб билан бошлангани эса у зотнинг юксак мақомга эга бўлганлари ва шу билан бирга, мўминлар бу ҳукмларни ҳаётда татбиқ этишлари осон бўлиши учундир. Энди ушбу нидодаги аҳкомларга бирма-бир тўхталиб ўтаемиз:

- 1) Аёл киши талоқ қилинса, шу аёлнинг ўзига ё эрига етаётган зарарни кеткизиш учун талоқ қилинади, талоқ қилинганда ҳам ҳайздан поклангач эри қўшилмаган ҳолида талоқ қилинади. Бунинг сабаби идда муддати чўзилиб, аёл киши озорланмаслиги учундир. Бунга Аллоҳ таолонинг: **“аёлларингизни талоқ қилмоқчи бўлсангиз, уларни иддаларини қарши олган ҳолларида талоқ қилинганлар”** ояти далолат қилади. Яъни идда олдидан, аёлнинг ҳайз бўлмаган пок ҳолида талоқ қилиниши ва бу покликда эр хотинига қўшилмаган бўлиши керак. Бу билан идда муддати озаяди ва бунда мўмина аёлларга раҳм-шафқат бор.
- 2) Иддани аниқ ҳисоб-китоб қилиб бориш, яъни идда вақтини ёдда сақлаш вожиб экани. Шунда талоқ қилган хотинини яна қайтариб олишни

истаган эр учун қайтариш вақтини билиш имкони бўлади. Бу ҳукм Аллоҳ таолонинг ушбу сўзидан олинади: **“идда вақтини ёдда сақланглар”**. **“Раббингиз Аллоҳдан қўрқинглар”**. Яъни буйруқларини сўзсиз бажариш, белгилаб қўйган чегараларида тўхташ, тажовуз қилмаслик билан Аллоҳдан қўрқинглар.

- 3) Талоқ қилинган аёлни шу пайтгача яшаб келган эрининг уйидан то иддаси тугагунга қадар чиқариб юбориш мумкин эмас. Бунинг ҳикмати эрга ўз уйида бўлган аёлига мойил бўлиб, яна никоҳига қайтариб олишига фурсат беришдир. Фақат талоқ қилинган аёл очиқ фаҳш, яъни зинодек жирканч иш қилса ёки тили ёмонлигидан эрининг уйидагиларга тоқат қилиб бўлмас даражада азият етказса, шундай ҳолларда яшаган уйидан чиқариб юбориш жоиз бўлади. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи далолат қилади: **“Талоқ қилинган аёлларни то иддалари ниҳоясига етмагунча яшаб турган уйларидан чиқариб юборманглар. Улар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар. Фақатгина фаҳш-бузуқлик каби жуда ёмон ишни қилишса, шундагина уларни чиқариб юбориш мумкин”**.

Оят давомида айтилмоқда: **“Булар Аллоҳнинг бандаларига жорий қилган ҳукмлардир”**, яъни талоқ ҳақида айтилган ҳукмлар - аёлни пок ҳолатида талоқ қилиш, идда вақтини ёдда сақлаш, фаҳш ва зино каби ишлар қилмаса талоқ қилинган аёлни эрининг уйидан чиқариб юбормаслик каби ишлар Аллоҳнинг ҳукмидир. **“Ким Аллоҳнинг ҳукмларини бузса, ўзига зулм қилибди”**, яъни Аллоҳ белгилаб қўйган чегарада тўхтамай ундан тажовуз этса, ўзига зулм қилган, Аллоҳ азза ва жалланинг дунёда ё охиратда беражак азоб-уқубатига ўзини дучор қилган бўлади.

“Сиз билмассиз, шояд Аллоҳ шу талоқдан сўнг сиз кутмаган бир сабабни пайдо қилар”. Яъни Аллоҳ таоло талоқни идданинг аввалида қилиш, талоқ қилинган кун билан идда тугайдиган кунни билиш учун идда вақтини ёдда сақлаш, фаҳш ва зино каби ишлар қилмаса талоқ қилинган аёлни эрининг уйидан чиқариб юбормаслик каби ишларни қонун қилди. Буларнинг бари эрнинг қалбида талоқ қилинган хотинини қайтариб олишга рағбат уйғониб, яна никоҳига қайтариб олиши учун жорий қилинган ҳукмлардир. Аллоҳ таоло бу қонунларни жорий қилмаганида талоқ қилиб қўйган эр хотинини яна қайтариб олишни истаса ҳам қайтариб ололмаган бўларди.

- 4) Талоқ қилинган аёлнинг идда муддати ниҳоялаб қолса, яъни иддаси чиқиб кетмай туриб эр аёлини қайтариб олса бўлади. Фақат қайтариб олишдан мақсад унга озорлар бериб ўч олиш бўлмаслиги, балки яхшилик билан аҳил-иноқ ҳаёт кечириш бўлиши лозим. Яхши яшашга кўзи етмаса, унда яхшилик билан ажралиб кетсин, маҳрини тўлиқ

берсин ва озми-кўпми бирон нарса ҳадыя қилсин. Ажрашган аёлини асло ёмонлаб юрмасин. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи шунга далолат қилади: **“Талоқ қилинган аёлларнинг иддалари тугашга яқинлашса, уларни яхшилик билан қайтариб олишлар ёки яхшилик билан ҳақларини тўла бериб ажрашинлар”**.

- 5) Никоҳга гувоҳ қилингани каби талоқ қилиш ё қайтариб олишга ҳам гувоҳ қилиш керак. Фарқи никоҳ қилишда гувоҳлар бўлиши вожиб бўлса, талоқ қилиш ва қайтариб олиш асносида гувоҳ қилиш вожиб эмас, матлуб ишдир, яъни шундай қилинса яхши бўлади. Гувоҳлар адолатли бўлиши шарт. Адолатли деганда гуноҳи кабирага қўл урмаган инсонга айтилади. Бунга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи далолат қилади: **“Қайтариб олишга ҳам, ажралиб кетишга ҳам ўзингиздан икки адолатли эр кишини гувоҳ қилинлар. Гувоҳлар гувоҳликни холис Аллоҳ учун ўтанлар”**. Яъни эй гувоҳлар, гувоҳликда адолат билан туринг. Ҳеч бир тарафга жавр-зулм қилманг. Гувоҳлигингиз Аллоҳ учун холис бўлсин, на зарарига гувоҳлик берилувчи ва на фойдасига гувоҳлик берилувчи учун бўлмасин. Балки шериксиз ёлғиз Аллоҳ учун бўлсин. Аллоҳ таоло деди: **“Бу ҳукмлардан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган кишиларгина панд-насиҳат олади”**. Зикри юқорида ўтган ва буюрилган бу ҳукмларни Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган мўминларгина ҳаётга татбиқ қиладилар. Аммо улардан бошқалар бу шарафга лойиқ эмаслар. Чунки улар Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кофирдирлар. Кофир эса ўликдир. Бу оятларда талоқ қилувчига ҳам, талоқ қилинганга ҳам кўп яхшиликлар бўлгани учун мўмин кишини талоқ масаласига тааллуқли ҳукмларни татбиқ қилишга тезлаш ва ундашни топасиз.

Юқорида ўтган масалаларни яхши эслаб қолинг. Қуйида шуларнинг хулосасини келтирамиз:

- 1- Сунний талоқ ҳайздан покланган аёлига жинсий яқинлик қилмай туриб бир талоқ беришдир, уч талоқ эмас.
- 2- Идда тўрт хилдир: Ҳайз кўрадиган аёлнинг иддаси уч ҳайз; кексалик ё балоғатга етмаганлик сабабли ҳайз кўрмайдиган аёлнинг иддаси уч ой; ҳомиладор аёлнинг иддаси ҳомилани туққунича, гарчи талоқ қилинганидан сўнг бир кундан кейин туққан бўлса, шу билан иддаси тугайди; эри вафот этган аёлнинг иддаси тўрт ойу ўн кун.
- 3- Ҳайз ҳолатидаги, шунингдек, ҳайздан сўнг жинсий яқинлик қилинган ҳолатдаги талоқ бидъий талоқдир. Аксар аҳли илмлар бундай талоқни талоқ ҳисоблашмайди.

4- Никоҳдан сўнг ҳали жинсий яқинлик қилинмай туриб талоқ қилиган аёл идда сақламайди. Аллоҳ таоло деди: **“Эй мўминлар, мўмина аёлларни никоҳингизга олсангиз-у улар билан қўшилмасдан туриб талоқ қилган бўлсангиз, уларнинг зиммасида идда санаш йўқдир”** (Аҳзоб, 49). Бу ҳукм Аҳзоб сурасидаги нидода ўтган, шу нидога мурожаат қилишингиз мумкин.

Аллоҳим, билмаганимизни билдир, билганларимизни бизга манфаатли қил. Сенга ҳамду санолар ва шукроналар бўлсин.

Саксон тўққизинчи нидо

(Инсон ўзини ва оиласини дўзахдан сақлашининг вожиб экани. Бу эса иймон билан ҳамда Аллоҳ ва Расулига итоат этиш билан рўёбга чиқиши ва дўзах васфининг баёни)

Дўзахдан сақланиш кераклиги, бу эса иймон ва тоат билан амалга ошиши

“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг буйруқларини қилиш ва тақиқларидан тийилиш билан ўзингизни ва аҳли оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзах ўтидан сақланг. Ўша дўзах аҳлига ўта кучли ва раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрига асло хилоф қилмайдиган ва ўзларига буюрилган ишни сўзсиз бажарадиган фаришталар азоб беради” (Таҳрим, 6).

Шарҳ:

Хўрматли ўқувчи, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига иймон номи билан нидо қилишини билиб олдингиз. Зеро, мўмин киши иймони билан тирик, қулоқ солади, эшитганини тушунади ва амал қилади. Комил ҳаётга эгаллиги учун мўминнинг ҳоли шундай. Кофир эса ўлик, нидога қулоқ солмайди, унга нима дейилаётганини англаб етмайди, буюрилган амалларни бажармайди, ман қилинган ишлардан тийилмайди. Иймон “мен мусулмонман” деб айтиб қўйишнинг ўзигина эмас, балки Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини, Ундан ўзга ибодатга лойиқ илоҳ йўқ бўлган Раббул оламин эканини, малоикалари, китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куни, қазо ва қадарини шак-шубҳадан йироқ, қатъий ишонч билан тасдиқлашдир. Бундай тасдиқнинг аломати қалб ва юзни Аллоҳ учун таслим этиш бўлиб, бу Аллоҳ яхши кўрган нарсаларни яхши кўриш, Аллоҳ ёмон кўрган нарсаларни ёмон кўришда ҳамда Аллоҳ ва Расулига итоат этишда намоён бўлади.

Энди, бу илоҳий нидода кўтарилган масалага диққат қилинг. Бу жуда муҳим бўлиб, ҳар бир мўмин ўзини, оиласини ва яқинларини дўзахдан сақлаши вожиблиги масаласидир. Аллоҳ таоло деди: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг буйруқларини қилиш ва тақиқларидан тийилиш билан ўзингизни ва аҳли оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзах ўтидан сақланг”**.

Дўзахдан сақланиш нима билан бўлади?

Шуни яхши билиб олиш керакки, иймон ва солиҳ амалларсиз ҳамда ширк ва маъсиятлардан четланмай туриб асло дўзахдан сақланиб бўлмайди.

Ширк нима? Аллоҳга қўшиб ибодатни бошқага ҳам қилиш ширкдир.

Дуо ибодатдир. Аллоҳ таоло дуога ибодат мақомини берди. Шундай экан, ким Аллоҳдан бошқага дуо қилса ширк келтирган бўлади.

Назр ҳам ибодат. Ким Аллоҳдан ўзгага назр қилса, ибодатда Аллоҳга ширк келтирган бўлади.

Аллоҳга яқин бўлиш мақсадида жонлиқ сўйиб, қурбонлик қилиш ҳам ибодат. Ким Аллоҳдан бошқага яқин бўлиш мақсадида қурбонлик қилса, ибодатда Аллоҳга ширк келтирган бўлади.

Қасам ичиш ҳам ибодат. Ким Аллоҳдан ўзга билан қасам ичса, ибодатда Аллоҳга ширк келтирган бўлади.

Руку ва саждалар ибодат. Ким Аллоҳдан бошқага руку ва сажда қилса, ибодатда Аллоҳга ширк келтирган бўлади.

Буларни эслаб қолинг, асло унутманг.

Ширк нима эканини билиб олдик. Энди маъсиятлар деганда нима тушунилади, шуни баён қиламиз.

Маъсият – Аллоҳ ва Расулининг амрига хилоф қилишдир. Ким Аллоҳ буюрган сўз ва амал ёки Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам амр этган ишларни талаб қилинганидек бажарса итоат этган ва осий бўлмаган бўлади. Ким ташлаб қўйса, бажармаса осий бўлади. Амрларни қилмаслик маъсиятдир. Шунингдек, ким Аллоҳ ва Расули қайтарган, ман қилган сўзни гапирса, қайтарган ишга қўл урса осий бўлади. Ман қилинган сўз ва ишларни қилиш маъсиятдир. Шунга кўра, мўмин киши дўзахдан ўзини ва аҳли-оиласини сақлаши иймон келтирганидан сўнг Аллоҳ ва Расулига итоат этиши билан бўлади. Ҳар бир мусулмон Аллоҳ ва Расулининг буйруқларини яхши билиши ва оиласидагиларга ҳам таълим бериши вожиб. Итоат қилаётган нарсаларни билмай туриб итоат этишимиз, нима нарсаларда осий бўлаётганимизни билмай туриб осий бўлишимиз маъқул иш эмас. Шунинг учун биринчи навбатда илмга аҳамият қаратиш лозим. Илм ва яна бир бор илм, бу ўта зарурдир. Йўқса дўзахдан сақланиш бўлмайди. Буни яхши билиб олинг, азиз ўқувчи.

Аҳли-оилани дўзахдан сақлаш уларни намоз ўқишга, рўза тутишга буюриш, ёлфон гапириш, ёмон сўзларни сўзлаш ё эшитиш каби ҳаром ишларни қилмасликка, Аллоҳни тил ва дил билан зикр қилиб юришга, куй ва қўшиқ каби ҳаром бўлган беҳуда сўзлардан, фаҳш суратлар ва филмлар томоша қилишдан, карта, нарда, қимор ва шу каби ҳаром ишардан узоқ бўлишга буюриш билан бўлади. Яна хотин ва ўғил-қизларга жаннат ва ундаги неъматларни эслатиш, дўзах ва ундаги азоблардан огоҳлантириш лозим. Уларга Аллоҳ таолонинг ушбу нидосини ўқиб беринг: **“Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг буйруқларини қилиш ва тақиқларидан тийилиш билан ўзингизни ва аҳли оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзах ўтидан сақланг. Ўша дўзах аҳлига ўта кучли ва раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрига асло хилоф қилмайдиган ва ўзларига буюрилган ишни сўзсиз бажарадиган фаришталар азоб беради”**. Уларга солиҳ кишилардан бўлган шайх Муҳаммад Соликнинг кўрган тушини айтиб беринг: шайх тушида Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрибди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари қизарган ҳолда унинг олдида кириб, Аллоҳ таолонинг ушбу оятини ўқибдилар: **“Эй иймон келтирганлар,**

Аллоҳнинг буйруқларини қилиш ва тақиқларидан тийилиш билан ўзингизни ва аҳли оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзах ўтидан сақланг. Ўша дўзах аҳлига кучли бўлган ва раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрига асло хилоф қилмайдиган ва ўзларига буюрилган ишни сўзсиз бажарадиган фаришталар азоб беради". Сўнг дебдилар: "Аллоҳ тавба қилган банданинг тавбасини қабул қилади. Дўзахнинг ёқилғиси нима эканини биласанми? Дўзахнинг ёқилғиси азобланаётганларнинг жасадлари, тошлар ва мушрикларнинг бутларидир. Фаришталарни биласанми? Фаришталар ким эканини билмоқчи бўлсанг Аллоҳ таолонинг уларни сифатлаб айтган ушбу сўзи сенга етарли бўлади: **"кучли бўлган ва раҳм-шафқатни билмайдиган, Аллоҳнинг амрига асло хилоф қилмайдиган ва ўзларига буюрилган ишни сўзсиз бажарадиган фаришталар азоб беради"**".

Дўзахга тушган кофир елкасининг эни бир юз ўттиз беш км бўлса, озиқ тиши Уҳуд тоғича катта бўлса, энди уни азоблашга вакил қилинган фаришта қандай деб ўйлайсиз? Буни тавсифлаб ҳам бўлмайди. Буларни доим ёдда тутинг. Ўзингизни ҳам, аҳли-оилангизни ҳам дўзахдан сақланг.

Тўқсонинчи нидо

Ҳар қандай гуноҳдан дарҳол тавба қилиш вожиблиги, гуноҳлар кечирилиб, жаннатга кириш умидида холис тавба қилиш кераклиги

“Эй иймон келтирганлар, гуноҳлардан тавба қилиб, Аллоҳнинг тоатига тўла-тўқис қайтинг. Шояд Раббингиз ёмон қилмишларингизни кечирса ва қиёмат куни сизларни қасрлари остидан анҳорлар оқадиган жаннатларга киритса. У куни Аллоҳ Пайғамбарни ва унга эргашган мўминларни шарманда қилмайди, уларни азобламайди. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юради. Улар: «Эй Раббимиз, нурибизни тўқис қил ва гуноҳларимизни кечир. Шубҳасиз, Сен ҳар ишга қодирсан”, деб айтадилар” (Таҳрим, 8).

Шарҳ:

Ҳурматли ўқувчи, бу нидо Аллоҳ таоло мўмин бандаларига Қуръони каримда қилган нидоларнинг сўнгисидир. Унда Аллоҳ таоло мўминларга иззат-икром кўрсатиб, уларни нафсларини покловчи, дилларини софловчи амалга буюрди ва билаъкс, нафсларини булғовчи, дилларига ёмонлик уруғини сочувчи ишлардан қайтарди. Зеро, улар яхшилар диёри, пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар ҳовлиси бўлган жаннатга киришга фақат саломат қалб билан муносиб бўладилар. Аллоҳ таоло деди: **“Ким Аллоҳ ва Расулига итоат қилса, ана ўшалар Аллоҳ уларга жаннатни инъом этган пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ мўминлар билан бирга бўладилар. Ўшалар жаннатдаги энг яхши ҳамроҳлардир. Бу улкан фазлу марҳамат ёлғиз Аллоҳдан бўлиб, У бандаларининг барча ҳолатларини етарлича билувчидир”** (Нисо, 69-70).

Ушбу сўнги нидода Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло иймон келтирган бандаларини холис тавба қилишга амр этди. Сўзи ҳақ, эгалик Ўзига хос ва барча нарсага қодир Аллоҳ деди: **“Эй иймон келтирганлар, гуноҳлардан тавба қилиб, Аллоҳнинг тоатига тўла-тўқис қайтинг”**. Яъни зикр, шукр ва гўзал ибодат ила ўзингизни алдамай, холис ва чинакам, тўла-тўқис Аллоҳга қайтинг. Ўзини алдаш деганда банда гуноҳдан тийилиб, қалби пок бўлгандан сўнг яна гуноҳга қўл уриб, қалби янада қорайиши назарда тутилади. Холис тавба – Аллоҳга тавба қилиб, гуноҳдан тийилгач, ҳудди елиндан чиққан сут яна елинга қайтмагани каби қайтиб гуноҳга қўл урмаслик, шу гуноҳни асло қилмасликдир.

Энди сиз азиз ўқувчига Аллоҳ сўйган амаллар ва бунинг муқобилида Аллоҳ ёмон кўрадиган ишларни баён қиламиз. Сиздан талаб қилингани Аллоҳ сўйган амалларни шартлари билан бажариш, У ёмон кўрган ишлардан узоқ бўлишдир.

Аллоҳ сўйган амаллар:

Энг аввало ихлос. Аллоҳ сўйган амалларни қилиш ва Аллоҳ ёмон кўрган ишларни ташлаш ихлос билан бўлмоғи. Ихлос – қилган ҳар бир яхши амални ва тарк этган ҳар бир ёмон ишни Аллоҳга итоат қилиб, Ундан қўрқиб ва шу

билан бирга Аллоҳни яхши кўриб бажаришдир. Ёмон ишларни ташлаш асносида қалб бирон нарсага бурилмаслиги ҳам ихлосдир.

Намоз ўқиш. Намозни имкон қадар масжидда жамоат билан адо этиш. Намоз ўқиганда хушу билан, хаёлни қочирмай, намознинг барча фарз, вожиб ва суннатларини ўрнига келтириб ўқиш.

Закот бериш. Қачон мол-мулк, яъни олтин-кумуш, қоғоз пуллар, экин-тикин маҳсулотлари каби жонсиз ва туя, сигир, қўй каби жонли моллар нисобга етса ва бир йил тўлган бўлса (дон-дун ва мевалардан ташқари), дарҳол закотини чиқариш.

Рамазон рўзасини тутиш. Рўзани бузувчи ишлар, ғийбат ва бошқа гуноҳлардан сақланиб, рўзани мукамал тутиш.

Ҳаж қилиш. Йўлга қодир бўлса ва қайтиб келгунича оиласига етарли нафақага эга бўлса, Аллоҳнинг Байтини зиёратига шошилиш.

Ота-онага яхшилик қилиш. Эзгу ишларда уларга итоат этиш, яхши таомлар, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа эҳтиёжларини муҳайё қилиш. Уларга ножўя сўзлар биланми ё овозни баланд кўтарибми, қандай бўлмасин озор бермаслик.

Қариндошлар билан алоқа боғлаш. Уларга қўлдан келганича яхшилик қилиш. Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва хоссатан мусулмонлар халифаси оммавий сафарбарлик эълон қилса, дарҳол ижобат қилиш.

Етимларга, мискинларга, мусофирларга ёрдам қўлини чўзиш, уларга ва барча мусулмонларга ёмонлик қилмаслик, тил ва қўл билан турли озорлар бермаслик.

Сабр қилиш. Аллоҳга ибодат қилишда сабр-бардошли бўлиш, ғайрат кўрсатиш, эринмаслик, зерикмаслик. Шунингдек, касаллик, очлик ва хавф-хатар каби бало-қазоларга, мусибат ва синовларга сабр қилиш.

Аллоҳ таоло ёмон кўрадиган ишлардан баъзилари:

Ширк. Ибодат турларининг қай бирини бўлса ҳам Аллоҳдан бошқага қилиб, ибодатда Аллоҳга ширк келтириш Аллоҳ ёмон кўрадиган ишларнинг энг каттасидир.

Сўдхўрлик. Бир сўм-ярим сўм миқдорида озгина бўлса ҳам рибодан ейиш.

Зино.

Етим молини ейиш.

Ота-онага оқ бўлиш.

Ёлғон гувоҳлик бериш.

Пок, ифбатли мўмина аёлларни фоҳишаликда айблаб тухмат қилиш.

Қўшнига озор бериш, ёмон қўшничилик.

Мўмин ва мўминаларга азият етказиш.

Аллоҳ сўйган амаллар рўйхатидаги бирон-бир амални эътиборсиз ташлаб қўйиш.

Бу келтирганларимиз Аллоҳ сўйган ва ёмон кўрган ишларнинг айримлари эди. Азиз ўқувчи, агар буюрилган амаллардан бирини бажармасангиз ё ёмон

кўрилган ишларнинг бирига қўл урсангиз, дарҳол тавба қилишга шошилинг. Бу эса ўша буюрилган ишни бажариш ва қўл урилган ёмон ишни ташлаш билан амалга ошади. Аллоҳдан гуноҳингизни кечирिशини сўранг. Қилмишингизга афсус-надоматлар қилинг. Шунда Аллоҳ эълон қилган хушxabар билан хурсанд бўлаверинг. Аллоҳ таоло деди: **“Шояд Раббингиз ёмон қилмишларингизни кечирса ва қиёмат куни сизларни қасрлари остидан анҳорлар оқадиган жаннатларга киритса”**. Бу сўздаги “Шояд” калимаси умид қилинган нарсани рўёбга чиқаришни ифода этади. Аллоҳ таоло Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни ва унга эргашган мўминларни шарманда қилмайдиган, уларни азобламайдиган, уларга нур берадиган ва мана шу нур то сиротдан ўтиб, жаннатга кириб олгунларича олдларида ва ўнг томонларида юрадиган кунда гуноҳлар кечирilib, жаннатга кириш ҳақида ўзингизга мужда олинг, қувонинг. Пайғамбарлар, мўминлар ва барча жаннат аҳлига Аллоҳнинг саломи бўлсин. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

|